NORMA
иқтисодий-ҳуқуқий
нашриёт

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси
5/2008

«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

Ф. Ғ. ҒУЛОМОВА

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

2-нашр,
қайта ишланган ва қўшимчалар киритилган

Тошкент — «NORMA» — 2009

ББК 65.052
Ғ 79

Таржимон Курбонбоев Ғ. А.

Ғ 79 Ғуломова Ф. Ғ.
Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма / Ф. Ғ. Ғуломова. — 2-қайта ишланган ва қўшимчалар киритилган нашр. — Тошкент: «NORMA» МЧЖ, 2009. — 496-б. («Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси, 5-чиқарилиш, 2008 йил).

Китоб бўлғуси бухгалтерларни улар танлаган касбнинг асослари, уни ривожлантириш истиқболлари, мутахассисларга қўйиладиган асосий талаблар билан таништиради. У турли мулкчилик шаклларига мансуб корхоналарда бухгалтерия ҳисобини муваффақиятли юритиш учун зарур кўникмаларни ҳосил қилишда ёрдам беради. Бухгалтерия ҳисоби асослари билан бир қаторда Миллий стандартларга ўтиш шароитида моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган.

Солиқ ҳисобига алоҳида боб бағишланган, унда асосий солиқларни ҳисоб-китоб қилиш услубияти ва ҳисобга олиш тартиби аниқ мисолларда келтирилган. Ушбу боб У.Т.Файзиева билан ҳамкорликда ёзилган.

Қўлланма бухгалтерлар, аудиторлар, олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, малака оширши курсларининг тингловчилари, шунингдек замонавий бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганаётган китобхонларнинг кенг доираси учун мўлжалланган.

ББК 65.052

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004 йил.
© «NORMA» МЧЖ, ўзгартиришлар билан, 2009 йил.

ISBN 978–9943–316–34–8

СЎЗ БОШИ

Бизнес соҳасида ишларни муваффақиятли юритиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий қонунларини билиш зарур. Бухгалтерия ҳисобини ўрганиш тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишда билим ва маҳоратга эга бўлиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби жуда қадимда хўжалик фаолиятига бўлган зарурат ва эҳтиёж натижасида юзага келган. Бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиётини барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Республикамиз иқтисодиётининг хўжалик юритишда бозор муносабатларига ўтиш даврида унинг аҳамияти беқиёс равишда ошади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мамлакатда мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш иқтисодиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилянти ва жорий қилинянти, улар эса ўз асосида халқаро стандартларга таянади ва республикамизда ҳисоб тизимининг хусусиятларини эътиборга олади.

Ушбу китобнинг мақсади — тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтер томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби асослари, тамойил ва усулларини тушунарли шаклда кенг ёритишдир. Рақамли мисолларда бирламчи ҳужжатларни тузишдан бошлаб то баланс тузишга қадар ҳисоб цикли босқичлари кўрсатилган.

Қуйидаги ҳисоб объектларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш услубиятига алоҳида эътибор берилган:

пул маблағлари ҳисоби;

иш ҳақи ҳисоби;

моддий бойликлар ҳисоби;

асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби;

маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳисоби;

тайёр маҳсулот ва товарлар ҳисоби;

жамғармалар ва корхона фаолиятининг молиявий натижалари ҳисоби;

корхоналардан олинадиган солиқлар ҳисоби ва уларнинг ҳисоб-китоб тартиби.

Китобда Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси илова сифатида берилган.

SAMARQAND DAVLAT IQTISODIYOT

I бўлим. КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

1-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

1.1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида тушунча

«Бухгалтер» атамаси XV асрда пайдо бўлган ва немис тилидан таржима қилганда *buck* — китоб, *halter* — тутиш, яъни сўзма-сўз олганда китоб тутувчи деган маънони англатади. Ҳисоб дафтарларини юритиш билан шуғулланувчи мутахассислар бухгалтер деб аталганлар. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби «accounting» деб номланади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик ҳисобининг уч туридан бири бўлиб, яна статистик ва тезкор (оператив) ҳисоблар мавжуд.

Статистик ҳисоб жамиятнинг нафақат хўжалик ҳаётининг, балки ижтимоий ҳаётининг ҳам бир гурдаги оммавий ҳодисаларини ўрганишга эътироф этилган. Статистик ҳисоб билан, асосан, минтақа, вилоят ёки умуман республика доирасида катта ҳажмда рақамли материалларни тўплайдиган ва таҳлил қиладиган давлат статистика муассасалари (хизматлар, бюролар, бошқармалар ва қўмиталар) шуғулланади. Умумлаштириш натижалари статистик тўпламлар, маълумот берувчи китоблар, журналларда эълон қилинади. Статистика идоралари ишига Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раҳбарлик қилади. Кўпчилик статистика изланишлари мунтазам равишда олиб борилмайди (аҳолини рўйхатдан ўтказиш, йўловчи оқимини ўрганиш ва бошқалар). Ўз ишларида статистика ходимлари кўпинча танлаб ўрганиш усулидан фойдаланадилар.

Танлаб статистик тадқиқ қилишга мисол сифатида Тошкентда яшайдиган, аҳолининг турли гуруҳларига мансуб, даромадлар даражаси ва истеъмол таркиби турлича бўлган бир неча минг оила бюджетининг ҳисобини келтириш мумкин.

Статистика идораларининг ушбу кўнгилли ёрдамчилари даромадларининг барча манбаларини, шунингдек озиқ-овқат, тураржой, транспорт, қисқа муддатли ва узоқ вақт фойдаланиладиган буюмларни харид қилиш харажатларини кўрсатган ҳолда ўз даромад ва харажатларининг ҳисобини ҳар куни юритадилар. Бундай ҳисоб даромад ва харажатлар таркибини, аҳолининг турмуш даражаси ўзгаришидан далолат берадиган улар динамикасини аниқлаш, шунингдек аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш учун кун кечириш минимумини белгилаш имконини беради.

Статистик маълумотлар асосида давлат бошқарув идоралари истиқболларни ишлаб чиқадилар, иқтисодий сиёсат соҳасида қарорлар қабул қиладилар, республикамиз иқтисодиётини тезкор бошқариш бобида аниқ чора-тадбирларни белгилайдилар.

Тезкор ҳисоб корхоналарда ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш мақсадларида юритилади. Тезкор ҳисоб жойнинг ўзида ва бирор-бир хўжалик операциясини содир этиш пайтида юритилади. Тезкор ҳисоб воситасида материаллар ёки товарларни етказиб бериш, тайёр маҳсулот чиқариш ва уни сотиш устидан назорат амалга оширилади. Тезкор ҳисоб маълумотлари, одатда, оғзаки, телефон ёки факс орқали берилади. Чунончи, товар станциясидан телефон орқали корхона номига юк ортилган вагонлар келгани тўғрисида хабар қилинади. Бу эса таъминот хизмати ходимларига вагонларни юкдан бўшатиш учун транспортни, юк ташувчиларни сафарбар қилишга доир тезкор чоралар кўриш учун хабар бўлади, акс ҳолда вагонларнинг бекор туриб қолганлиги учун корхона катта миқдорда жарима тўлашига тўғри келади.

Тезкор ҳисоб маълумотларини расмийлаштиришга ҳужжатли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги унга юридик жиҳатдан исботлаш кучини бермайди. Тезкор ахборотнинг вазифасидан келиб чиққанда бундай исботлаш тақозо этилмайди.

Тезкор ҳисоб билан корхонанинг турли бўлим ва хизматлари: таъминот, сотиш бўлимлари, режалаш — нозимлик бюролари, ходимлар бўлими ва ҳоказолар шуғулланади.

Бухгалтерия ҳисоби — ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхона хўжалик фаолиятини ялпи, узлуксиз ва ҳужжатларга асосланган ҳолда акс эттириш тизимидир. Демак, қатъиян ҳужжатлилиги, ялпи, узлуксиз эканлиги, аниқ қиймат баҳосига таяниши бухгалтерия ҳисобининг фарқловчи хусусиятлари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай хўжалик операцияси бўйича тегишли тарзда тузилган, барча зарурий кўрсаткичларга эга бўлган, масъул шахслар томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳужжат тузилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби узлуксиздир, чунки у кунма-кун юритилади ва барча хўжалик ҳодисалари ва жараёнларини ялпи тарзда қайд этади.

Бухгалтерия ҳисобининг фарқловчи хусусиятлари унинг хўжалик ҳисоби алоҳида турлари ўртасида марказий ўринни эгаллашини белгилаб берган. Бухгалтерия ҳисоби ахборотининг устуворлиги уни фойдали, аҳамиятли ва ишончли бўлишини белгилайди.

Ҳисобнинг учала тури ҳам мустақилдир, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг предметига, айнан бўлган ўз ҳисоб объектига ва мазкур предметни ўрганишнинг ўз усулларига эга. Айни вақтда улар ҳар бирининг мустақиллиги уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини шартлашини истисно этмайди.

Ҳисобнинг ҳар бир тури бир хил хўжалик операциясини турли вазиятларда кўриб чиқади, бу эса айрим босқичларда унинг фойдаланувчиларини қизиқтирадиган ахборот оқимларининг кесишишини истисно қилмайди. Бунга эришиш ҳисобнинг барча турларига хос бўлган бир ниҳоятта муҳим хусусият, яъни — бир хил ўлчовлардан: натурал, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланиш туфайли мумкин бўлди.

Натурал ўлчовлар (кг, м, $м^3$, л, дона ва ҳоказо) ҳисобга тақдим этилган бир хил ҳисоб объектининг миқдорий тавсифини очиб беради ва унинг хусусиятларига боғлиқ равишда кўрсатилган бирликларда ахборот олиш учун хизмат қилади.

Бир хил ўлчов бирлигига эга бўлсада, турли хил объектлар ҳисобида натурал ўлчовлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Натурал ўлчовларга хос бўлган умумий шарт — товар-моддий қимматликларнинг миқдорий ҳисоби. Улар ёрдамида умумлаштирувчи кўрсаткичларнинг олиниши истисно этилади.

Меҳнат ўлчовлари сарфланган иш вақтининг ҳисоби учун мўлжалланган. Уларнинг ўлчов бирлиги бўлиб дақиқа, соат, кунлар ҳисобланади. Улар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрлари, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақини ҳисоблаш ва ҳоказолар назорат қилинади.

Равшанки, меҳнат ўлчовлари ҳам, натурал ўлчовлар сингари, қўллашнинг қатъиян белгиланган чегараларига эга.

Турли хил ҳисоб объектларини бирлаштириш ва уларни бир ўлчовда ифодалаш имконини берадиган бир хилдаги ва умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб пул ўлчови хизмат қилади. Унинг ўлчов бирлиги бўлиб миллий валюта бирлиги, яъни сўм ҳисобланади.

Пул ўлчови корхонанинг моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ, маҳсулотнинг аниқ турларини тайёрлаш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишга доир индивидуал чиқимларини ҳисоблаш имконини беради. Ана шу ва бошқа чиқимларни мазкур ўлчов ёрдамида умумлаштириш корхонанинг ҳисобот давридаги харажатларининг умумий суммасини ҳисоблаш имконини беради. Бинобарин, пул ўлчови катта назорат аҳамиятига эга. Унинг ёрдамида бошқа кўрсаткичларни (фойда, рентабеллик) олиш, улардан ҳосила кўрсаткичларни корхона даражасида ҳам, халқ хўжалиги даражасида ҳам ҳисоблаш мумкин. Пул ўлчовини қўллаш доираси анча кенг, бу эса уни мустақил равишда ҳам, натурал ва меҳнат ўлчовлари билан биргаликда ҳам қўллаш билан шартланади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига кўра, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни амалга оширади.

Корхона раҳбари бош бухгалтер раҳбарлик қиладиган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб этилган малакали бухгалтер хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. У бухгалтерия ҳисоби юритилишини шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига топшириши ҳам мумкин.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан корхона раҳбарининг шахсан бухгалтерия ҳисобини юритишга ҳақли экани ҳам белгиланган. Бироқ буни асосан кичик бизнес корхоналарида, масалан, хусусий корхонада қўллаш мумкин.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

— ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;

— хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;

— тўлиқ ва ишончли бухгалтерия ҳисоби;

— ўз вақтидаги ҳисоб-китоблар;

— ҳисоб ҳужжатларининг сақланиши;

— ташқи фойдаланувчилар учун молия ҳисоботини тайёрлаш;

— солиқ ҳисоботлари ва бошқа молия ҳужжатларини тайёрлаш.

Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобини билиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш маҳорати нафақат малакали бухгалтерларга, балки корхона раҳбарларига ҳам зарурдир. Бундай билимлар, айниқса, иши муваффақиятсизликлар, янглишишлар ва талафотлар хатари билан боғланган кичик ва хусусий фирмаларнинг раҳбарлари учун жуда муҳим. Бухгалтерия билимлари ва иқтисодий таҳлил усуллари асосларини эгаллаш раҳбарларга ушбу хатарни камайтириш, бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳис этиш, зарур қарорларни ўз вақтида ва хатосиз қабул қилиш имконини беради.

1.2. Бухгалтерия ахбороти ва унинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамияти

Бозор иқтисодиётида ривожланган бозорнинг барча иштирокчилари уларнинг ҳозирги ва келажакдаги хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қиладилар. Бошқарувнинг ҳар бир субъекти тўғри, оқилона қарорни ишлаб чиқиш учун иқтисодий ахборотга эҳтиёж сезади. Масалан, тикувчилик буюмларини ишлаб чиқарадиган корхона бошқарув ходимлари қандай ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтатиб қўйиш, қандайларидан янада катта қувватларда фойдаланиш кераклигини ҳал қилиш учун қўйлакларнинг қандай турлари урф бўлаётганлигини ва

харидоргирлигини билиши зарур; потенциал хизматчилар ва инвесторлар меҳнат шартномаларини тузиш ёки ушбу компанияга пул қўйиш олдидан компаниянинг молиявий қуввати хусусида билишни хоҳлайдилар; ҳокимликлар ёки жамоат ташкилотлари сингари нотижорат ташкилотларнинг менежерлари ҳам ўз ижтимоий дастурларини режалаштиришдан олдин иқтисодий ахборотга муҳтож бўладилар. Фақат бухгалтерия ҳисоби келтирилган ҳолларнинг ҳар бирида ёрдам бериши мумкин. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби қуйидаги саволларга жавоб бериши мумкин: хўжалик юритишга доир турли қарорларни қабул қилаётганда қандай ахборотдан фойдаланиш мумкин, у қандай олиниши керак ва уни фойдаланувчиларга қандай тарзда хабар қилиш лозим?

Иқтисодий ҳодисалар (хўжалик операциялари) бухгалтерия ҳисоби тизимида пул бирликларида ўлчанади. Агар ҳодисани пул бирликлари воситасида акс эттириб бўлмаса, у молиявий ахборот тизимининг бир қисми деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бир маротаба ўлчанган ҳодисалар рўйхатга олинади ва уларнинг йиғиндиси ташкилотнинг молиявий фаолиятини узлуксиз равишда тавсифлайди. Рўйхатга олиш ушбу ўлчанган ҳодисаларнинг хронологик кундалигини қатъий ва мунтазам равишда юритишдан иборат. Рўйхатга олиш вақтида бухгалтер, шунингдек хўжалик ҳодисасининг маълумотларини таснифлайди, жамлайди ва умумлаштиради.

Агар ахборот у ёки бу шаклда манфаатдор шахсларга (фойдаланувчиларга) етказилмаса, ўлчаш, рўйхатга олиш ва умумлаштиришнинг бутун жараёни маънога эга бўлмайди. Ахборот бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш ва тарқатиш йўли билан етказилади, уларнинг энг умумийлари молиявий ҳисобот деб номланади. Хабар қилинаётган молиявий ахборотга маъно бағишлаш учун бухгалтерлар рўйхатга олинган маълумотларни стандартлаштирилган кўринишда ва даврий асосда тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.

Хўжалик юритишнинг бозор шароитларида бухгалтернинг асосий вазифаси нафақат бирламчи ҳужжатлар, жамғариш ва гуруҳлаш қайдномалари, журнал-ордерларга ўз вақтида батартиб ишлов бериш, ҳисоботларни ўз вақтида

тузиш, балки ушбу ҳисоботда акс эттирган ахборотни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва тушунтириш (шарҳлаш) ҳисобланади. Шарҳлаш (интерпретация) ҳисобот маълумотларини таҳлил қилишни ва уларнинг фойдалилиги, маъноси ва чекланишини тушунтиришни ўз ичига олади. Молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга жадваллар, фоизли нисбатлар, графиклар ва чизмалар орқали етказилади.

Ахборот тақдим этишнинг бундай тизими қуйидагиларга эришиш имконини беради:

— молиявий ҳисоботларнинг тушунарлилиги ва ишончлилиги туфайли инвестор учун ўз капиталига бўлган ёки кредит берувчи учун хатарнинг камайиши;

— хатарнинг камайиши туфайли ҳисобот тузувчи ташкилот нуфузининг ошиши;

— хатарнинг камайиши туфайли ташкилотнинг қарз ёки акциядорлик капиталини арзонроқ қиймат бўйича жалб эта олиши;

— активлар сақланиши ва молиявий ҳисоботнинг тўғрилигига зарурий ишонч бағишлайдиган ички ҳисоб назорати туфайли ташкилот ҳаётий қобилиятининг ошиши;

— ташкилотнинг макро- ва микроиқтисодий баҳоси ҳамда статистик ҳисобот учун тегишли ишончли ахборот тақдим этилиши (масалан, миллий ҳисобварақлар тизими учун).

Қарорлар қабул қилиш жараёни учта асосий вақт босқичларидан таркиб топган. Булар:

— дастлабки бошқарув жараёни (режалаштириш вазифаси);

— тезкор бошқарув босқичи (жорий бошқарув вазифаси);

— бошқарувнинг якуний босқичи (назорат вазифаси).

Бухгалтерия ҳисоби бошқарувнинг барча санаб ўтилган босқичлари ва вазифаларига хос, у бошқарувнинг ҳар бир босқичини ахборий-таҳлилий таъминлаш вазифасини бажаради. Қарорлар нафақат маъмурият, корхона раҳбарияти, балки иқтисодий ахборотдан бошқа фойдаланувчилар томонидан ҳам қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби ҳисоб ахборотидан фойдаланувчилар эҳтиёжларига таъсирчан

бўлиши керак. Демак, ушбу фойдаланувчилар кимлигини ва улар амалда қандай ахборотга эҳтиёж сезишларини тушуниш лозим (1-чизма).



1-чизма. Молиявий ахборот оқимлари

1.3. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир деб таъкидланган.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

— самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

— молиявий, солиқ солишга доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Бинобарин, бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғрисидаги ахборот билан ушбу ахборотга эҳтиёжи бўлган барчани, яъни иқтисодий ахборотдан фойдаланувчиларни таъминлаш учун юритилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ахборотдан фойдаланувчилар доираси ғоят кенгдир. Турли фойдаланувчиларга турлича ахборот керак бўлади. Ахборот таҳлили асосида фойдаланувчилар ўзига керакли бўлган қарорларни қабул қиладилар.

Ахборотдан фойдаланувчилар икки гуруҳга ажратилади: ички фойдаланувчилар ва ташқи фойдаланувчилар (1-жадвал).

1-жадвал

Тижорат ташкилоти (корхонаси) ахборотидан фойдаланувчиларнинг асосий гуруҳлари тавсифи

Т/р	Шериклик гуруҳлари	Корхона фаолияти ҳиссаси	Компенсация талаблари	Таҳлил объекти
Ички фойдаланувчилар				
1	Маъмурият, раҳбарият	Ишни билиш ва раҳбарлик қила олиш	Меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлар	Бошқарув учун фойдаси барча ахборот
2	Мулкдорлар, акциядорлар	Ўз капитали	Дивидендлар	Молиявий натижалар ва молиявий аҳвол
3	Ходимлар, хизматчилар	Меҳнат тақсимотига мувофиқ ишларни бажариш	Иш ҳақи ва ижтимоий хизматлар	Молиявий натижалар

Т/р	Шериклик гуруҳлари	Корхона фаолияти ҳиссаси	Компенсация талаблари	Таҳлил объекти
Ташқи фойдаланувчилар				
4	Маҳсулот етказиб берувчилар	Моддий ресурсларни етказиб бериш	Шартномавий нарх	Молиявий аҳвол
5	Харидорлар, мижозлар	Маҳсулот ва хизматлар харидн	Шартномавий нарх	Молиявий аҳвол
6	Қарз берувчилар, кредиторлар	Қарз капитали	Фоизлар	Баланснинг ликвидлиги
7	Инвесторлар	Инвестиция-лар	Инвестиция-лардан даромадлар	Молиявий натижалар
8	Солиқ идоралари	Солиқларга доир бериладиган имтиёзлар	Солиқлар ва бошқа йиғим-лар ҳамда бадаллар	Молиявий натижалар
9	Бошқа гуруҳлар	Турлича	Турлича	Турлича

*Ички фойдаланувчилар*га қуйидагилар киради:

• корхона маъмурияти — корхона фаолиятини бошқариш ва унинг олдида турган мақсадларга эришиш учун тўлиқ жавобгар бўлган шахслар гуруҳи. Корхона кўпгина мақсадларга эга, лекин унинг қаттиқ рақобат шароитида муваффақият қозониши ва яшаб қолиши маъмуриятдан барча саъй-ҳаракатларни икки асосий мақсадга: молиявий барқарорликни таъминлайдиган фойдалилик (рентабеллик) ва ликвидликка жамлашни тақозо этади. Фойдалилик (рентабеллик) — қўйилган капиталини жалб этиш ва ушлаб туриш учун етарли бўлган фойдани ишлаб топиш қобилияти. Ликвидлик қарзларни белгиланган муддатларда тўлаш учун етарли тўлов воситаларининг мавжудлигини англатади.

Маъмурият бошқарув қарорларини қабул қилишнинг барча босқичларида: режалаштириш, тезкор бошқарув ва назоратда ҳисоб ахборотидан фойдаланади. Шунинг учун зарур маълумотларни тайёрлаб, бухгалтерия жавоб бериши керак бўлган саволлар таркиби ишнинг узлуксизлиги-

ни таъминлаш учун ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи миқдори, етказиб берувчилар ва харидорлар, бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳолатини очиб беради;

• аввало қўйилган ўз капиталидан ўз дивидендларини оширишдан манфаатдор бўлган амалдаги ва бўлғуси мулкдорлар ва акциядорлар. Бухгалтерия ҳисоби ахбороти уларга улар томонидан қўйилган маблағлардан корхона раҳбарияти фойдаланишининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Акциядорлар уларга акциядорлик жамиятининг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолаш имконини берадиган ва акцияларни харид қилиш, тутиб туриш ёки сотиш керак ёки керак эмаслигини аниқлашда ёрдам берадиган ахборотдан ҳам манфаатдорлар;

• корхона фаолиятининг барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган корхона ходимлари, хизматчилари. Улар корхонанинг уларни иш ҳақи, нафақа ва турли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш салоҳиятини баҳолаш имкониятини берадиган ахборотдан ҳам манфаатдорлар.

*Ташқи фойдаланувчилар*га қуйидагилар киради:

• уларга тегишли ҳақ ўз вақтида тўланишини аниқлаш имконини берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган маҳсулот, товарлар ва хизматларнинг амалдаги ҳамда бўлғуси етказиб берувчилари. Агар корхонанинг молиявий аҳволи барқарор бўлса, бу ҳол унга бўлғуси етказиб берувчиларни жалб этиш имконини беради;

• авваламбор корхона фаолияти узлуксиз бўлишидан манфаатдор бўлган унинг харидорлари ва мижозлари, айниқса узоқ муддатли контрактларга эга ва мазкур корхонага боғлиқ бўлсалар;

• уларга кредит ва қарзлар, шунингдек уларга доир тегишли фоизлар ўз вақтида тўланишини аниқлаш имконини берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган қарз берувчилар ва кредиторлар;

• киритилган инвестициялар муносабати билан муайян таваккалчиликка эга бўлган амалдаги ва бўлғуси инвесторлар. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари уларга ўз молиявий ресурсларини корхонага қўйиш мақсадга мувофиқли-

гини, инвестор қўйган маблағлар бўйича фоизлар ёки дивидендларнинг корхона томонидан ўз вақтида тўлай олишини баҳолаш имконини беради;

• солиқ ҳисоб-китоблари тўғрилиги, солиқ сиёсати самарадорлиги ва унинг тартибга солинишини текширадиган солиқ идоралари;

• бошқа гуруҳлар. Бу гуруҳларга қуйидагилар киради:

— фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисобот маълумотларининг тегишли қоидаларга мувофиқлигини текширадиган аудиторлик хизматлари;

— ўз мижозларига уларнинг капиталларини жойлаштириш, шартномалар шартлари бажарилишини баҳолаш ва ҳоказолар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида бўлган, молиявий ва юридик масалалар бўйича маслаҳатчилар;

— эмитент қимматли қоғозларининг даромадлилиги (котировкаси) қизиқтирадиган фонд бозорининг профессионал иштирокчилари.

Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиш ва харид нархлари ўртасидаги фарқда, воситачилик хизматларини кўрсатишда фонд бозорининг иштирокчилари ўз молиявий натижаларини шакллантирадилар. Улар эмитентининг қимматли қоғозларига талаб ва таклиф унинг молиявий барқарорлигига боғлиқ равишда белгиланади. Молиявий барқарорлик даражасини фонд бозорининг профессионал иштирокчилари фонд биржаларида рўйхатга олинган эмитентларнинг даврий равишда эълон қилинадиган ҳисоботлари маълумотлари бўйича белгилашлари мумкин;

— ҳисоботдан айрим тармоқларнинг ривожланишини прогнозлаш, нисбатларни, ўсиш суръатларини ва ҳоказоларни белгилаш учун фойдаланадиган иқтисодиётни бошқариш идоралари, матбуот ва ахборот агентликлари;

— иш ҳақи ва меҳнат шартномалари шартларига нисбатан ўз талабларини белгилаш учун, шунингдек, тузиладиган жамоа шартномаларининг асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, улар муддатини узайтириш бобидаги ахборотдан манфаатдор бўлган касаба уюшмалари.

Ташқи фойдаланувчилар учун йиллик молиявий ҳисобот очиқ бўлиши керак. Шу муносабат билан «Аудитор-

лик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-бандига мувофиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия жамғармалари ва бошқа ижтимоий фондлар, маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар, устав фондида давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар йиллик молиявий ҳисоботни, унда кўрсатилган маълумотлар тўғрилиги аудиторлар томонидан тасдиқланганидан кейин, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майига қадар эълон қилишлари шарт.

Ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан ҳисоб ахборотининг мазмунига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётида бухгалтерия ҳисоби икки турига ажратилади: бошқарув (ишлаб чиқариш) ва молиявий.

Бошқарув ҳисоби бошқарувчиларнинг ички фойдаланиши учун ҳисоб ахборотининг барча турларини қамраб олади.

Молиявий ҳисоб ички фойдаланувчилар томонидан қўлланилиши билан биргаликда корхонанинг ходимлари таркибига кирмайдиган ташқи фойдаланувчиларга эълон қилинадиган ҳисоб ахборотини қамраб олади.

Молиявий ҳисоб билан бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарқлар ва ўзаро боғлиқликни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1.4. Молиявий ва бошқарув ҳисоблари, уларнинг фарқлари ва ўзаро боғлиқлиги

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини молиявий (*financial accounting*) ва бошқарув (*management accounting*) ҳисобларга ажратиш қабул қилинган. Ушбу ажратиш мутлақ эмас ва бухгалтерия ҳисобининг бу турлари ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас. Бироқ ахборотни молиявий ва бошқарув ахборотларга ажратишнинг асосий мезонлари мавжуд.

Молиявий ҳисоб корхона фаолиятининг натижалари билан боғлиқ ва молиявий ахборотнинг (молиявий ҳисобот шаклида) асосий фойдаланувчилари ташқи фойдаланувчилар ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби харажатларни шакллантириш, назорат қилиш ва режалаштириш жараёни, бошқарув қарорларини танлаш билан боғлиқ ва ушбу ахборот фақат корхона бошқарувчиларига етиб боради. Молиявий ҳисобот у ёки бу даражада тартибга солинади ва у учун талаблар, меъёрлар, қоидалар ва тамойиллар тизими ишлаб чиқилган. Бошқарув ҳисоби — ҳар бир корхонанинг ички ишидир. Бошқарув ҳисобини юритиш учун ҳатто иккиёқлама ёзув қоидасига риоя қилмаслик ҳам мумкин.

Демак, ҳозирги бозор иқтисодиётида молиявий ва бошқарув ҳисобларининг алоҳида вазифалари муносабати билан илгари ягона бўлган бухгалтерия борган сари молиявий ва бошқарув ҳисобларига ажралиб боряпти (2-чизма).



2-чизма. Корхонани бошқариш тизимида молиявий ва бошқарув ҳисоблари

Агар бизнинг бухгалтерия ҳисоби тизимимизни хориждаги билан қиёсласак, харажатлар ҳисоби, ички ҳисобот ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бошқарув ҳисобига,

бошқа хил бухгалтерия ахборотини молиявий ҳисобга киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда молиявий ҳисобни очиш ва юритиш корхонанинг ўз ваколатига киради. Бироқ бундай ҳисобни юритиш ва ҳисобот тузишнинг қоида ва тамойиллари миллий қонунчилик ёки бухгалтерларнинг касбий ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган умумқабул қилинган миллий андозалар билан тартибга солинади. Бундай тартибга солишнинг зарурлиги фойдаланувчиларнинг турли гуруҳлари томонидан асосланилган қарорлар қабул қилиши учун холис ва мазмундор ахборотнинг зарурлиги билан шартланади.

2-жадвал

Тавсиф	Молия ҳисоби	Бошқарув ҳисоби
Ахборотдан фойдаланувчилар	Ташқи фойдаланувчилар	Ички фойдаланувчилар
Ҳисоб юритиш мақсадлари	Ташқи фойдаланувчилар учун ҳисобот тузиш	Менежерларни ахборот билан таъминлаш
Ҳисоб юритиш мажбурийлиги	Мажбурий	Мажбурий эмас
Танлаш эркинлиги	Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари билан чекланган	Бошқарув қарорини яхшилаш харажатлари нисбатидан ташқари қатъий чекланишлар мавжуд эмас
Вақт йўналиши ва ўлчов бирликлари	Ўтмишга йўналганлик; дастлабки баҳолаш; пул ўлчагичи	Келажакка йўналганлик; табиий ва шартли-табиий ўлчагичлар
Ҳисоб ахборотини акс эттириш усули	Иккиёқлама ёзув усули	Ҳар қандай фойдали тизим
Ҳисобот тузиш даврийлиги	Йил ёки чорак	1 соатдан 10-15 йилга қадар ўзгаради
Ахборотнинг аниқлик даражаси	Анча аниқ ва холис	Тахминий, тақрибий баҳолаш
Ҳисобнинг асосий объектлари	Умуман ташкилот	Алоҳида цехлар, бўлим ёки муаммо
Эҳтимолий жавобгарлик	Ташқи фойдаланувчилар олдида жавобгарлик бўлишининг доимий хатари	Менежерлар ва жавобгарлик марказлари олдида

Молиявий ва бошқарув ҳисобларининг асосий тафовутлари

Ахборотдан асосий фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобот ахборотидан фойдаланувчилар одатда ҳисоботни тайёрлаган фирмадан ташқарида бўладилар. Фирма раҳбарияти тайёрланган ҳисоботнинг сифати учун жавоб беради. Тайёрланган ҳисобот сифати учун бошқарувчилар жавобгар бўлади. Бошқарув ҳисоби ҳисоботлари ички фойдаланувчилар учун тайёрланади ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим этилмайди. Ҳисобот маълумотлари ахбороти қатъий тижорат махфийлигида сақланади. Бундай ҳисоботларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режалари, маҳсулот бирлиги таннархининг калькуляциялари, даромад ва харажатлар сметалари, капитал қўйилмалар режалари ва ҳоказолар киради.

Ҳисоб юритиш мақсадлари. Молиявий ҳисоб пул жараёнида шаклланадиган ахборотни қамраб олади. У асосан ташқи фойдаланувчиларга йўналтирилган, лекин корхонанинг ички бошқаруви учун ҳам қўлланилади. Шунинг учун у кўпинча ташқи ҳисоб деб аталади. Молиявий ҳисоб юритилиши, одатда, тартиблаштирилади. Корхона томонидан барча манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этиладиган даврий мажбурий ҳисобот тузиш молиявий ҳисобнинг мақсади ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби корхона доирасида бошқариш учун зарур бўлган ҳисоб ахборотн турларини қамраб олади. Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади — фаолиятнинг аниқ соҳалари ва турлари учун масъул бўлган корхона менежерларини ахборот билан таъминлашдир. Уни юритиш меъёрлари ва қоидалари корхона томонидан белгиланади.

Ҳисоб юритишнинг мажбурийлиги. Мулкчилик шаклидан ва бизнес туридан қатъи назар барча корхоналар молиявий ҳисоб юритишлари ва тегишли идораларга молиявий ҳисобот тақдим этишлари шарт. Бошқарув ҳисоби учун бундай мажбурийлик белгиланган эмас. Бундай ҳисоб юритилиши ҳар бир корхонанинг ички иши ҳисобланади ва одатда раҳбарият кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

Танлаш эркинлиги. Молиявий ҳисоб хўжалик операциялари ва уларни баҳолашни тасдиқланган стандартлар

ҳамда қоидалар асосида акс эттириши лозим. Бошқарув ҳисоби қатъий чеклашларга эга эмас. Унинг асосий моҳияти — бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдали бўлиш.

Вақт йўналиши ва ўлчов бирликлари. Молиявий ҳисобот бўлиб ўтган хўжалик операцияларини пул ифодасида тарихий (дастлабки) баҳода (сўм ёки доллар), яъни ушбу операциялар содир этилган кундаги баҳода акс эттиради. Бошқарув қарорларини қабул қилиш пайтида кўпинча бўлғуси валютага таянилади, чунки бошқарув ҳисоби келгусида содир этиладиган операцияларни: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми; фойда; инвестициялар ва ҳоказоларни баҳолайди. Бундан ташқари, бошқарув ҳисобида киши/соат, машина/соат ва бошқа шунга ўхшаш шартли — табиий кўрсаткичлар ишлатилади.

Ҳисоб ахборотини акс эттириш усули. Фирманинг молиявий ҳисоботи пул (қиймат) ифодасида тузилади ва Бош дафтарда барча ҳисобварақлар бўйича якуний қолдиқларни умумлаштиради. Хўжалик операцияларини ҳисобварақларда иккиёқлама ёзув усули билан акс эттириш зарурдир. Бошқарув ҳисоби маълумотларини иккиёқлама ёзув тизими бўйича акс эттириш ва Бош дафтарда умумлаштириш шарт эмас. Ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш учун тезкор ҳисобни таъминлайдиган ҳар қандай фойдали тизимдан фойдаланиш мумкин.

Ҳисоб тузишнинг даврийлиги. Молиявий ҳисобот даврий белгиланган муддатларда тузилади. Бошқарув ҳисоботи учун аниқ муддатлар белгиланган эмас. У ҳар куни, ҳар ой ва ҳар чоракда тузилиши мумкин.

Ахборотнинг аниқлик даражаси. Молиявий ҳисобот хўжалик операциялари содир этилганидан кейин тузилади, шунинг учун объектив хусусиятга эга ва аудиторлик текширувидан ўтказилиши мумкин. Бошқарув ҳисобида келгусида содир этиладиган операциялар акс эттирилади. Шунинг учун унинг ахбороти эҳтимолий ва субъектив хусусиятга эга.

Ҳисобнинг асосий объектлари. Молиявий ҳисобот ялпи корхона бўйича тузилади ва умумлаштирилган кўрсаткичларни акс эттиради. Бошқарув ҳисоби одатда алоҳида таркибий бўлинмалар (корхона цехлари, иш жойлари, бўлим

ва бўлинмалари) тўғрисидаги ахборотни акс эттиради. Бу ҳолда алоҳида муаммо ёки корхона фаолиятининг муайян тури бошқарув ҳисобининг объекти бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоботларда корхона (ташкилот) бир бутун, яхлит объект сифатида қаралади.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг кичик бўлинмаларига — фаолиятнинг айрим турлари, алоҳида маҳсулотлар, ташкилий бўлинмалар, жавобгарлик марказлари бўйича йўналтирилган.

Потенциал жавобгарлик. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тамойиллари бузилганда акциядорлар, кредиторлар ва бошқа фойдаланувчилар судга мурожаат қилиб, корхонани йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботида келтирилади-ган ахборотни бузиб кўрсатишда айблашлари мумкин.

Бошқарув ҳисоби ахборотидан фойдаланилган ҳисоботлар ҳисобнинг умумқабул қилинган тамойилларига мувофиқ келиши шарт эмас ва фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун мўлжалланган эмас.

Менежер нотўғри қарорлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин, лекин жавобгарликка тортиш сабаби бошқарув ҳисоби маълумотлари эмас, балки хатти-ҳаракатлар (масалан, тижорий сирни ошкор қилиш) бўлиши мумкин.

Молиявий ва бошқарув ҳисобларидаги тафовутларни кўриб чиқиш билан бир вақтда уларнинг ўхшашлигини ҳам қайд этиш керак.

Молиявий ҳисобнинг кўпчилик кўрсаткичлари бошқарув ҳисобида ўз аксини топади. Молиявий ҳисоб учун умумқабул қилинган тамойиллар бошқарув ҳисобига нисбатан ҳам амал қилади, чунки бошқарув аппарати фақат текширилмаган, субъектив фикр ва баҳоларга асосланиши мумкин эмас.

Бошқарув ҳисобининг тезкор ахбороти молиявий ҳужжатларни тузиш учун ҳам ишлатилади, зеро бирламчи ахборотни йиғиш ягона қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ўхшашликни белгилайдиган энг муҳим омил шундан иборатки, молиявий ва бошқарув ҳисоблари маълумотларидан бошқарув соҳасида ҳамда корхонанинг бозордаги стратегиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш учун фойдаланилади.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: молиявий ва бошқарув ҳисоблари ўртасида ўзаро чамбарчас алоқа мавжуд ва шунинг учун уларни бундай ажратиш мутлақ эмас, ҳисобнинг ана шу икки тури ўртасида аниқ чегара ўтказиб бўлмайди.

Бухгалтерия ҳисоби ривожланиши, бухгалтерия стандартлари ва солиққа оид йўриқномаларнинг ишлаб чиқилиши бухгалтерия ҳисоби асосида ҳисоб-китоб қилинадиган бухгалтерия бўйича фойда кўрсаткичининг солиқ мақсадларида қўлланиладиган фойда кўрсаткичига доимо ҳам тўғри келмаслигига олиб келди. Бу ҳол бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш алоҳида идоралар — Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тартибга солиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби БҲМСга мувофиқ юритилиши, солиқлар эса солиққа оид йўриқномаларга мувофиқ ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Турли йўриқномалар уларни турлича қўллаш механизмларини талаб этади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ҳисобини юритиш зарурияти пайдо бўлади.

1.5. Ўзбекистон Республикасида молиявий (бухгалтерия) ҳисобни меъёрий тартибга солиш

Молиявий ҳисобни турли даража ва мақомга эга бўлган меъёрий ҳужжатларга, яъни қонунлар, стандартлар, низомлар, йўриқномалар ва тавсияномаларга мувофиқ юритиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоби юритилишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қуйидагича тартибга солиш мумкин:

Биринчи даража: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган қонунлар ва кодекслар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Биринчи даражадаги асосий қонуний-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 октябрдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-I-сонли Қонуни ҳисобланади. Ушбу Қонун бухгалтерия ҳисобининг мақсадлари ва вазифалари, субъектлари ва объектлари, ҳисоб

ва ҳисобот тамойиллари, ташкил этилиши ва асосий йўналишлари ҳамда молиявий ҳисобот таркиби, тақдим этиш ва чоп этиш тартибини белгилайди.

Шунингдек, ушбу даражага 1996 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 2007 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқалар киради.

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишга оид Вазирлар Маҳкамасининг муҳим қарорлари қаторига 1999 йил 5 февралдаги (сўнгги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом киради.

Иккинчи даража: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида унинг қоидаларини аниқлаштириш мақсадида Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС). Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобининг маълум бир объектини ҳисобга олиш ва баҳолашнинг асосий қоидалари ва тартибини тартибга солади. Шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 21 та БҲМС ишлаб чиқилган ва амалиётта татбиқ этилган (3-жадвал).

Меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи даражасида ягона тартибга солувчи идора бўлиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобланади.

Учинчи даража: Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идораларнинг йўриқномалари, услубий тавсиялари, низомлари, хатлари.

Учинчи даражадаги меъёрий ҳужжатлар одатда Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳамкорликда, айрим ҳолларда эса, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ва бошқа идоралар билан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

3 - жадвал

БҲМС номи	ЎзР Адлия вазирлигида рўйхатга олинган сана	Изоҳ
Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос	14.08.1998 й. 475-сон	БҲМС ҳисобланмайди, лекин молиявий ҳисобот тузиш учун асосни мужассамлантирган
1-сонли БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»	14.08.1998 й. 474-сон	
2-сонли БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар»	14.08.1998 й. 483-сон	
3-сонли БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»	27.08.1998 й. 484-сон	
4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар»	17.07.2006 й. 1595-сон	Эски матни — 28.08.1998 й. 486-сон
5-сонли БҲМС «Асосий воситалар»	21.01.2004 й. 1299-сон	Эски матни — 23.09.1998 й. 491-сон
6-сонли БҲМС «Ижара ҳисоби»	22.06.2004 й. 1374-сон	Эски номи ва матни «Лизинг ҳисоби» 16.10.1998 й. 503-сон
7-сонли БҲМС «Номоддий активлар»	27.06.2005 й. 1485-сон	Эски матни — 20.10.1998 й. 506-сон
8-сонли БҲМС «Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш»	28.12.1998 й. 580-сон	
9-сонли БҲМС «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот»	04.11.1998 й. 519-сон	
10-сонли БҲМС «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар»	01.12.1998 й. 562-сон	
11-сонли БҲМС «Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар»	28.12.1998 й. 581-сон	
12-сонли БҲМС «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»	13.01.1999 й. 596-сон	

БҲМС номи	ЎзР Адлия вазирлигида рўйхатга олинган сана	Изоҳ
14-сонли БҲМС «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»	01.03.2004 й. 36-сон	
15-сонли БҲМС «Бухгалтерия баланси»	20.03.2003 й. 1226-сон	
16-сонли БҲМС «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари»	23.12.1998 й. 578-сон	
17-сонли БҲМС «Капитал қўйилмага оид пудрат шартномалари»	23.12.1998 й. 579-сон	
19-сонли БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»	02.11.1999 й. 833-сон	
20-сонли БҲМС «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида»	24.01.2000 й. 879-сон	
21-сонли БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»	23.10.2002 й. 1181-сон	Эски матни — 27.06.2005 й. 37-сон
22-сонли БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»	21.05.2004 й. 1364-сон	
23-сонли БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширганда молиявий ҳисоботни шакллантириш»	27.06.2005 й. 1484-сон	

Буларнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг тармоқ ёки бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини аниқлаштиришдан иборат. Учинчи даражага мансуб муҳим ҳужжатларга 2004 йил 17 сентябрдаги «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом, 2004 йил 29 августдаги «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом, 2006 йил 14 январдаги «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тўртинчи даража: муайян бир корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни тартибга солувчи ҳужжатлар. Улар, хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилади ва бошқарувнинг юқори идораси ёки корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

— хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати;

— хўжалик операцияларининг бирламчи ҳужжатлар шакллари;

— ҳужжатлар айланиш жадваллари;

— Ҳисобварақлар ишчи режаси;

— бухгалтерия аппарати ходимларининг лавозим йўриқномалари;

— ички ҳисобот шакллари, уларни тақдим этиш ва тасдиқлаш тартиби.

1.6. Бозор шароитида бухгалтер касби

Бухгалтерия ҳисоби билан бевосита боғлиқ бўлмаган кишиларнинг кўпчилиги бухгалтерия ҳисоби — жуда зерикарли ва қизиқиш уйғотмайдиган машғулот, бухгалтер касби ижодий касб эмас деб билади. Бундай фикр ушбу касбнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини билмаслик билан боғликдир. Бухгалтер жамиятда бошқарув жараёнига алоқаси бўлмаган, ўта расмиятчи ходим сифатида қабул қилинади.

Ҳақиқатан, собиқ иттифоқ даврида бирламчи ҳужжатларга ўз вақтида ва батартиб ишлов берган, жамғариш ва гуруҳлаш қайдномалари, журнал-ордерлар ва бошқа ҳисоб регистрларини тўлдирган, зарур ҳисоботларни ўз вақтида тузган ва топширган бухгалтер яхши ходим ҳисобланган.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш энг паст даражада эди, шунинг учун қўлда бажариладиган бир хилдаги иш бухгалтерга ўзи ишлаб чиқадиган ахборотни ҳар томонлама ва чуқур иқтисодий таҳлил қилиш учун вақт қолдирмасди. Бундай таҳлилга талабнинг ўзи ҳам йўқ эди.

Режанинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланарди ва бутун таҳлил ҳақиқий маълумотларни режадагилар билан таққослашдан иборат бўларди, режанинг

ўзи ҳам «вертикал» бўйича, яъни маъмурий буйруқбозлик усули билан тузиларди. Шундай қилиб, бундай таққослаш фойдасиз ва кераксиз эди.

Бухгалтерия ҳисобида ҳам из қолдирган маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳисоб ходимларининг фикр доирасини чеклар, уларнинг корхоналар иш самарадорлигини ошириш учун воситалар ва имкониятларни излашга йўналтирилган ташаббусини сўндирар эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат ва яшаб қолиш муаммолари бошқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш қуроли сифатида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришни тақозо этади.

Рақобат шароитида бозордаги хатти-ҳаракатни белгилаш мақсадида турли даражаларда бошқарув қарорларини тайёрлаш, асослаш ва қабул қилиш учун зарур бўлган корхонанинг ишлаб чиқариш — молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ўз вақтида тўлиқ, ишончли шакллантириш бозор шароитида бухгалтерия ҳисобининг вазифаси ҳисобланади.

Бухгалтер касби бозор иқтисодиёти шароитида қизиқарли, ижодий, нуфузли ва нисбатан юқори ҳақ тўланадиган касбга айланмоқда. Лекин бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бериш учун бухгалтер юқори малакали мутахассис бўлиши керак. У нафақат бухгалтерия ҳисобида, балки иқтисодиёт, ҳуқуқ, солиқ солиш, математика, статистика, бошқарув, иқтисодий таҳлил ва аудитда ҳам чуқур билимларга эга бўлиши керак. Мутахассис-бухгалтер математик усулларни, компьютер техникасида ишлаш кўникмаларини эгаллаши, бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот технологиялардан фойдаланиши, ҳисобот кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қила олиши керак. Юқорида айтилганларни билиш билан бирга бухгалтер учун амалий тажриба ва кўникмаларга эга бўлиш жуда муҳим. Ҳозирги вақтда саводли бухгалтерларга талаб жуда катта. Билимдон ва тажрибали бухгалтер солиқчи, молиячи, иқтисодчи, банкир ва аудитор сифатида муваффақият билан ишлаши мумкин.

Ривожланган хорижий мамлакатларда, бухгалтерия ҳисобига доир олий маълумот олишдан ташқари, бухгалтерлар ўзларининг касбий лаёқатини профессионал бух-

галтер малакасини олиш аттестациясидан ўтиш йўли билан тасдиқлашлари, қийин мужассамлашган имтиҳон топшириқлари ва тегишли сертификат олишлари керак. Бу эса бухгалтер кўрсатадиган хизматлар сифатини кафолатлайди.

Америка Қўшма Штатларида бухгалтерларни сертификатлаш билан бир неча касбий жамоат ташкилоти шуғулланади, уларнинг энг нуфузлилари Америка дипломли жамоат бухгалтерлари институти (AICPA); Америка бухгалтерлар уюшмаси (ААА) ва ҳоказолар ҳисобланади.

Буюк Британияда профессионал бухгалтер унвонини олиш учун ўқитиш ва имтиҳонларни қабул қилиш масалалари билан Сертификатланган ва дипломли бухгалтерлар уюшмаси (АССА); Бошқарув ҳисоби бўйича бухгалтерларнинг дипломли институти (CIMA) ва ҳоказолар шуғулланади.

Аттестация бухгалтерия ҳисоби ва аудит, иқтисодий таҳлил, солиқ солиш, молия-банк фаолияти ва фуқаролик ҳуқуқи масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг меъёр ва стандартлари бўйича ўтказилади.

Имтиҳон топшириш билан биргаликда бухгалтер ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади ва бухгалтерларнинг Касбий этика кодексига риоя қилиш тўғрисида қасамёд қилади.

Америка қасамёд этган бухгалтерлар институтининг Касбий этика кодексида қуйидаги ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган:

— холис ва манфаатлар ихтилофидан мустақил бўлинглар;

— ўз касбий мажбуриятларингизнинг барчасини вижданан бажаринглар;

— касбий этика меъёрларига риоя қилинглар;

— ўз лаёқат даражангизни доимо ошириб боринглар;

— касбий ва ахлоқий мулоҳазаларда сезгир бўлинглар;

— махфий ахборотни ошкор этманглар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида бухгалтерлар кўп йўналишлар бўйича ихтисослашиши мумкин.

Молиявий ҳисоб. Молиявий ҳисоб билан шуғулланадиган бухгалтерлар ташқи фойдаланувчилар учун зарур ахборотни тайёрлайдилар, яъни корхонанинг ташқи ҳисоботини тузиш улар ишининг пировард маҳсули ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби. Бошқарув бухгалтерларининг асосий вазифаси корхонани бошқарадиган ички фойдаланувчилар — менежерлар учун ахборот тақдим этиш ҳисобланади.

Мустақил аудиторлик фаолияти. Сертификати бор бухгалтер лицензияга эга бўлган аудиторлик фирмаларида аудиторлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Аудиторнинг вазифаси молиявий ҳисоботнинг корхона молиявий аҳволи ва муайян давр учун унинг фаолияти натижаларини қанчалик холисона ёритганлиги тўғрисида малакали аудиторлик хулосасини беришдир. Бунинг учун бирламчи ҳужжатларни, пул маблағларининг қолдиқларини текшириш амалга оширилади, ўтказилган моддий бойликларни инвентарлашнинг ишончлилиги, дебитор ва кредитор қарзларининг ҳақиқийлиги ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлиги, хўжалик операцияларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, уларнинг белгиланган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлиги аниқланади. Текширув тугаганидан кейин аудитор аудиторлик хулосасини беради, унда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи хусусида ўз фикрини билдиради. Акциялар олди-сотдиси, инвестициялаш, кредит ва қарзлар тақдим этишда аудиторлар томонидан текширилган ҳисоботлардан фойдаланадиган мулкдорлар, акциядорлар, омонатчилар, кредиторлар ва банкларнинг тақдири аудиторнинг виждонан ишлашига боғлиқдир.

Солиқ солиш. Бухгалтерлар солиқ солиш соҳасида пуллик маслаҳат хизматларни кўрсатадилар. Улар солиқ декларацияларини тайёрлашда ёрдам берадилар, мижозларга келгусида солиқларни қонуний асосда қисқартириш имконини берадиган тавсиялар тақдим этадилар.

Солиқ солиш бўйича бухгалтер иши катта билим ва тажрибани талаб этади, чунки корхона фаолиятининг деярли барча соҳалари у ёки бу даражада солиқ солиш билан боғлиқдир.

Бюджет ҳисоби. Бухгалтерлар контракт ёки келишув шартлари асосида давлат муассасалари ва ҳукумат идораларида, олий ва ўрта ўқув юртларида, касалхоналар, мактаблар ва бошқа бюджет ташкилотларида ишлайдилар. Улар бухгалтерия ҳисобини юритиш, бюджет маблағларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширадилар.

Педагогик фаолият. Педагогик фаолият мактаблар, коллежлар, техникумлар, институтлар, университетлар, бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаш курсларида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу муассасаларда бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаш — масъулиятли ва муҳим иш, шунинг учун унга чуқур назарий билимлар ва амалий иш тажрибасига эга бўлган энг лаёқатли ходимларни жалб этиш зарур.

2-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

2.1. Бухгалтерия ҳисобининг элементлари

Қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши шарт бўлган муассасалар, ташкилот ва корхоналар бухгалтерия ҳисобининг субъектлари деб номланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча юридик шахслар, шу жумладан ишлаб чиқариш, тижорат, ишлаб чиқариш-тижорат корхоналари, банклар, суғурта, илмий-тадқиқот, маслаҳат, жамоат ва нотижорат ташкилотлари, фондлар, сиёсий партиялар, бюджет маблағларидан молияланадиган давлат муассасалари ва ҳокимликлар, ширкатлар, бирлашма ва уюшмалар бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар, шунингдек кичик корхоналар бухгалтерия ҳисобини ҳисоб, ҳисобот ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими бўйича юритишлари мумкин (ЎзР АВ томонидан 2000 йил 24 январда 879-сон билан рўйхатдан ўтказилган 20-сонли БҲМС «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида»).

Бухгалтерия ҳисоби объектлари корхонада ҳисобга олинадиган бир турдаги элементлар гуруҳини акс эттиради. Корхонанинг активлари унинг мажбуриятлари, ўз капитали, даромад ва харажатлари, фойда, зарари бухгалтерия ҳисобининг элементлари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби объектларининг тавсифи «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»да берилган.

2.2. Корхона активлари ва уларнинг гуруҳланиши

Корхона активлари (бошқача айтганда мол-мулки) — корхона эгалик қиладиган ва улар ёрдамида ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширадиган хўжалик воситаларининг хилма-хил турларидир.

Корхонанинг активлари қуйидаги учта талабга жавоб берганда молиявий ҳисоботга киритилади:

— корхона бу мулкнинг эгаси деб ҳисобланганда;

— у учун муайян қимматга эга бўлганда;

— қандайдир қийматга ва келгусида корхона учун иқтисодий фойда келтириш қобилиятига эга бўлганда.

Корхона активлари икки турга бўлинади: *узоқ муддатли* ва *жорий (айланма) активлар* (3-чизмага қаранг).



3-чизма. Корхона активлари гуруҳланиши

Узоқ муддатли активларга фойдали ишлатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган мол-мулк киради. Мол-мулкдан фойдаланиш корхонага даромад ёки иқтисодий наф келтирадиган давр, унинг фойдали ишлатиш муддатидир.

Жорий активларга бир йилдан камроқ муддатда фойдаланиш учун мўлжалланган битта ишлаб чиқариш цикли ичида тўлиқ истеъмол қилинадиган, бутун қийматини ишлаб чиқариш маҳсулоти ёки кўрсатилган хизматлар нархига ўтказадиган мол-мулк киради.

Узоқ муддатли активларга қуйидагилар киради:

— *асосий воситалар.* Буларга бир йилдан ошадиган давр мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида ёки корхонани бошқариш учун меҳнат воситаси сифатида фойдаланиладиган мол-мулк қисми, шунингдек, фойдаланиш муддатидан қатъи назар, қиймати ҳар бир донаси (тўплами) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (сотиб олиш пайтидаги) эллик баравари миқдоридан ортиқ бўлган буюмлар киради. Улар эскириб боради ва ўз қийматини қисмлаб маҳсулот, ишлар ёки хизматлар қийматига ўтказади.

Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт, ҳисоблаш техникаси, асбоб-ускуналар, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик кўчатлар ва ҳоказолар киради;

— *номоддий активлар* — узоқ фойдаланиладиган (бир йилдан ортиқ), пулли баҳога эга бўлган ва даромад келтирадиган, лекин моддий кўриниш ва ашёвий шаклга эга бўлмаган объектлар. Уларга ер, табиий ресурслар, товар белгилари, савдо маркаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар ва ҳоказолар киради;

— *капитал қўйилмалар* — корхонанинг асосий воситалар қурилиши ва харид қилиниши учун сарфлаган ва уларнинг тугалланмаганлиги сабабли асосий воситалар таркибига ҳали қабул қилинмаган маблағлари. Масалан, агар корхона бино қураётган бўлса, барча харажатлар қурилиш тугашига қадар капитал қўйилмалари таркибида ҳисобланади;

— *узоқ муддатли молиявий қўйилмалар.* Уларга бир йилдан ортиқ муддатга фойдаланиш учун мўлжалланган қим-

матли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва ҳоказо)ни харид қилишга доир корхона харажатлари киритилади. Бу қимматли қоғозлар бошқа корхоналар фаолиятига маблағлар қўйилганидан гувоҳлик беради ва йиллик даромад (дивиденд) олиш ҳуқуқини беради.

— *узоқ муддатли дебиторлик қарзлари* — бу берилган корхонага тўлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг қарзи.

Жорий активларга энг ликвидли маблағлар киради (лотинчадан ligvidus — суюқ, оқувчан), чунки улар мажбуриятларни тўлаш учун доимо пул маблағларига айланиш циклида бўлади. Улар таркибига қуйидагилар киритилади:

— *ишлаб чиқариш захиралари* — бу ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш пайтида фойдаланиш учун мўлжалланган хом ашё, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар, бошқа материаллар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар захиралари;

— *тугалланмаган ишлаб чиқариш* — бу муайян корхонада ишлов бериш ва белгиланган синовларнинг барча босқичларидан ўтмаган, бутланмаган, шунингдек техника назорати ёки буюртмачи томонидан қабул қилинмаган маҳсулот;

— *тайёр маҳсулот* — бу муайян корхонада ишлов берилиши тўлиқ тугалланган, стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ва тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот;

— *пул маблағлари* — бу кассадаги нақд пуллар ва талаб қилиб олингунга қадар депозитлар, шунингдек ҳисоб-китоб, валюта ва банкнинг бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар;

— *қисқа муддатли дебиторлик қарзлари* — бу жисмоний ва юридик шахсларнинг берилган корхонага тўлаш муддати бир йилдан кам бўлган қарзлари;

— *қисқа муддатли кечиктирилган харажатлар* — бу муайян ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин келгуси ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган харажатлар. Бундай харажатларни келтириш муддати бир йилдан ошмайди.

2.3. Корхона активларини шакллантириш манбалари

Бухгалтерия ҳисобида нафақат активларнинг таркиби ва жойлаштирилиши, балки ҳосил бўлиш манбаларини кўриб чиқадиган ва корхона томонидан воситалар нималар ҳисобига харид қилинганлигини аниқлайдиган кўрсаткичлар ҳам акс эттирилиши керак. Улар шунингдек **пассивлар** деб аталади. Шаклланиш манбалари бўйича активлар ўз маблағлари (хусусий капитал) ҳисобига харид қилинган активлар *ва қарз маблағлари (мажбуриятлар) ҳисобига* харид қилинган активларга ажратилади (4-чизма).



4-чизма. Активларни шакллантириш манбаларининг гуруҳланиши

Ўз маблағлари (хусусий капитал) манбалари корхонага доимий фойдаланиш учун бириктирилган бўлиб ва унинг хўжалик фаолияти жараёнида ошириб борилади.

Қарз маблағлари (қарзга олинган капитал) манбалари корхона тасарруфига муайян муддатга келиб тушади, бу муддат тугаши билан улар мулкдорга фоизи билан ёки фоизсиз қайтарилиши керак.

Хусусий капитал таъсисчиларнинг, яъни корхона мулкдорларининг муяки бўлмиш айнан шу активларни кўрсатади. Хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг унинг таъсисчилари олдидаги қарзи миқдорини кўрсатади деб таъкидлаш ҳам мумкин. Бу мажбуриятлар таъсисчилар томонидан корхонани тугатиш (устав капитали) ёки дивидендларни ҳисоблаш (тақсимланмаган фойда) пайтида талаб қилинади.

Ўз маблағлари манбаларига биргаликда хусусий капитални ташкил этувчи устав, қўшилган ва резерв капитали, тақсимланмаган фойда, резервлар, мақсадли тушумлар, дотациялар ва субсидиялар киради.

Устав капитали — корхонанинг ўз мол-мулкини шакллантиришнинг асосий манбаи. У таъсис ҳужжатлари билан белгиланган ҳажмларда унинг фаолиятини таъминлаш учун корхонани яратиш жараёнида асосий воситалар, номоддий активлар ва пул маблағлари кўринишида корхона мол-мулкига таъсисчилар қўшган улушлари қийматининг йиғиндисини кўрсатади. Ушбу сумма корхона уставида акс эттирилади ва корхона таъсисчилари қарори бўйича таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳамда уставни қайтадан рўйхатдан ўтказиш ёки унга қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

Қўшилган капитал қўшимча акциялар чиқариш ва уларни номинал қийматдан ортиқча нархда сотишдан пайдо бўладиган эмиссия даромадларидан иборат. Шунингдек бунда устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи ҳам акс эттирилади.

Резерв капитали қонунчилик ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ соф фойдадан ажратмалар йўли билан барпо этилади. Ундан дивидендлар тўлашда, ушбу мақсад учун ҳисобот йилида фойда бўлмаганда ёки етарлича бўлмаганда, ҳисобот йилидаги корхонанинг кутилмаган зарарлари ва

йўқотишларида фойдаланилади. Унга юридик ва жисмоний шахслардан текинга олинган мол-мулкнинг қиймати ҳам киритилади. Резерв капитали таркибида мулкни қайта баҳолаш пайтида шаклланган қийматлар ҳам ҳисобга олинади.

Тақсимланмаган фойда — даромадлар харажатлардан ошганда пайдо бўладиган корхонанинг ижобий молиявий фаолияти натижаси.

Резервлар келгуси харажатларни корхонанинг ҳисобот йилидаги сарфларига бир маромда қўшиб бориш мақсадида ички ресурслар ҳисобидан яратилади. Уларга даргумон қарзлар бўйича, ходимларга таътил ҳақини келгусида тўлаш, асосий фондларни таъмирлаш харажатларини қоплаш учун ва бошқа резервлар киради.

Мақсадли тушумлар — бу ***грантлар*** ва ***субсидиялар***, яъни ҳукумат идоралари, юридик ва жисмоний шахслардан мақсадли молиялаш кўринишидаги қайтарилмайдиган тушумлар. Бу маблағлар қатъиян белгиланган мақсадларга сарфланиши керак.

Мажбуриятлар маълум корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мавжуд кредиторлик қарзини акс эттиради. Мажбуриятлар ўтган даврдаги битимлар ёки ўтган даврдаги воқеалар натижасидир, яъни корхонада мажбуриятлар ҳосил бўлишига олиб келувчи воқеалар содир этилган (пул маблағлари ўтказилмаган ҳолда иш ҳақи, турли ажратмалар, солиқлар ҳисобланган, товарлар харид қилинган ва бошқалар) бўлиши керак. Мажбуриятларни тартибга солиш, яъни улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш иқтисодий нафларни ўзида мужассамлаган иқтисодий ресурсларнинг оқиб кетишига олиб келади.

Мажбуриятларга банклар кредитлари, бошқа корхоналар қарзлари ва кредиторлик қарзи киради, улар жамликда қарз (заём) капиталини ташкил этади.

Банк кредитлари, ёки *ссудалари*, бир йилдан ортиқ муддатга олинганда узоқ муддатли ва бир йилдан кам муддатга олинганда қисқа муддатли турларга бўлинади.

Юридик ёки жисмоний шахслардан олинган *қарзлар* ёки *ссудалар* ҳам узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлади.

Кечиктирилган мажбуриятлар — бу жорий даврда хўжалик юритиш ҳолатлари ва ҳодисалари туфайли вужудга келган, лекин келгуси даврлардаги молиявий натижалар

тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган даромадлар. Буларга ижарага берувчи томонидан олдиндан олинган ижара тўлови, олдиндан чипта сотишдан олинган маблағлар, даврий матбуотга кейинги йил учун олинган обуна тўлови ва бошқалар киради.

Кредиторлик қарзи — корхонанинг бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга қарзи, одатда, товар-моддий қимматликларни, кўрсатилаётган хизматларни қабул қилиш, олдиндан тўловни олиш ва якуний ҳисоб-китобни амалга оширишўртасидаги вақт узилишида юзага келади.

Кредитор қарзи тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлганда узоқ муддатли ва тўлов муддати бир йилдан кам бўлганда қисқа муддатли турларга бўлинади.

Мол етказиб берувчиларга қарз корхона товарни улардан қабул қилиб олганда, лекин ҳали унинг учун тўлиқ ҳақ тўламаганда юзага келади. Харидорларга қарз корхона олдиндан тўловни олганда, лекин товарни ҳали юклаб жўнатмаганда пайдо бўлади.

Корхонанинг ўз ходимлари олдидаги меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз мажбуриятлари ходимларга иш ҳақини ҳисоблаш билан уни бериш санаси ўртасидаги вақт узилишининг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича қарздорлик солиқларни ҳисоблаш билан уларни тўлаш ўртасида вақт узилиши туфайли юзага келади.

Ижтимоий суғурта идораларига қарздорлик ҳам бухгалтерияда ушбу ажратмаларни ҳисоблаш билан маблағларни ҳисобрақамидан ўтказиш ўртасидаги вақт узилишининг натижасида вужудга келади.

2.4. Даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар

Даромадлар — ҳисобот даврида активлар ошишига ёки мажбуриятлар камайишига олиб келувчи иқтисодий нафнинг ошишидир.

Даромадларга маҳсулот (ишлар ва хизматлар)ни, товарларни ёки бошқа активларни сотишдан тушум, олинадиган фоиз ва дивидендлар, ижара тўлови, валюта ҳисобварақлари бўйича мусбат курс фарқлари, қайтарилмайдиган молиявий ёрдам ва бошқалар киради.

Бухгалтерия ҳисобида даромадлар пул маблағлари ўтказилган пайтда эмас, балки ҳақиқатдан ҳам уларга эришилган даврда тан олиниши (акс эттирилиши) лозим. Шу ўринда, агар корхонага харидорлардан олдиндан тўлов келиб тушса, шу пайт мажбуриятлар пайдо бўлади, товар ортилган, яъни даромад тан олинган пайтда эса, ушбу мажбуриятлар камаяди. Агар корхона пул олмасдан туриб товарни юклаб жўнатса, товарни юклаб жўнатиш пайтида харидорларни корхона олдида дебиторлик қарзи вужудга келади, яъни активлар ошади.

Харажатлар — ҳисобот даврида активларнинг камайишига ёки мажбуриятларнинг ошишига олиб келувчи ҳисобот даври мобайнидаги иқтисодий нафнинг камайишидир. Харажатларга маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар, маъмурий ва умумхўжалик харажатлари, фоиз ва дивидендларни тўлаш бўйича харажатлар, ижара ҳақларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар, манфий курс фарқлари ва бошқа харажатлар киради.

Бухгалтерия ҳисобида даромадлар каби харажатлар ҳам пул маблағлари кўчирилган даврда эмас, улар ҳақиқатда юзага келган даврда акс эттирилиши лозим. Шу ўринда, маҳсулот ёки товарларни сотиш пайтида улар таннархининг ҳақиқий камайиши акс эттирилади, бу эса активларнинг камайишига олиб келади, шунингдек ёритиш, иситиш, ижара ҳақи, тўланадиган фоизлар каби харажатлар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида акс эттирилиши лозим, бу эса мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келади, чунки улар учун тўловлар келгуси ҳисобот даврида амалга оширилади.

Маълум бир давр учун корхона фаолияти бўйича молиявий натижаларни аниқлашда даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ, яъни фойда ёки зарар аниқланади.

Фойда — бу даромадларнинг харажатлардан ошишидир, натижада капитални ошиши вужудга келади (мулкдорлар қўйилмалари ҳисобига эмас).

Зарар — бу харажатларнинг даромадлардан ошишидир, натижада корхона капитали камайиши вужудга келади.

3-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Бухгалтерия ҳисобининг услублари

Бухгалтерия ҳисоби объектларини ўрганишда фойдаланиладиган турли усуллар ва йўл-йўриқлар мажмуи унинг услублари деб аталади. Бухгалтерия ҳисоби услубининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ҳужжатлаштириш, инвентарлаш, ҳисобварақлар, иккиёқлама ёзув, баҳолаш, калькуляция, баланс, ҳисобот.

Ҳужжатлаштириш — бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳужжатларда ёпшасига акс эттириш усулидир. Ҳар бир хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобида фақат уларнинг тўғри ва холисона расмийлаштирилганлиги, шунингдек ушбу операциянинг қонун талабларига мувофиқлиги текширувдан ўтган ҳужжатлар асосида акс эттирилиши керак. Ҳужжатларда бажарилган операциянинг моҳияти, унинг миқдорий баҳоси ва пулдаги ифодаси акс эттирилади. Ҳужжатларда берилган маълумотларнинг ишончлилиги операцияларни амалга ошириш бўйича жавобгар шахсларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Инвентарлаш — корхонанинг ҳақиқатда мавжуд бўлган мол-мулкини бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотлар билан қиёслаш усули. Инвентарлашдан асосий мақсад бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг ишончлилигини ва мол-мулкнинг бут сақланиши устидан назоратни таъминлаш ҳисобланади.

Инвентарлаш белгиланган муддатларда, моддий жавобгар шахслар алмашганда, аудиторлар ёки тергов идораларининг талабига кўра ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари — бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳар куни ва мунтазам равишда акс эттириш усули. Ҳисобварақлар ёрдамида хўжалик операцияларини бир гурдаги иқтисодий хусусиятлар бўйича тизимлаштириш ва гуруҳларга ажратиш амалга оширилади, шунингдек мол-мулк, уни шакллантириш манбаларининг ҳолати ва хўжалик операциялари тўғрисида жорий ахборот тўпланиб боради.

Иккиёқлама ёзув — хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қайд этиш усули. Ушбу усул шундан иборатки, ҳар бир хўжалик операциясининг суммаси бир вақтда иккита ҳисобварақда акс эттирилади.

Баҳолаш — бухгалтерия ҳисобининг турли хил объектлари тўғрисида умумлаштирилган маълумотлар олиш учун мол-мулк, уни шакллантириш манбалари ва хўжалик операцияларини пулда ифодалаш усули.

Таққослаш мақсадида мол-мулкни ва унинг манбаларини баҳолаш амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ягона қоидалар бўйича ўтказилиши керак.

Калькуляция — харажатларни гуруҳлаштириш ва яратилган маҳсулот, бажарилган ишлар ёки тайёрланган моддий бойликлар бирлиги таннархини аниқлаш усули.

Бухгалтерия баланси — муайян санага (одатда йил чорагининг биринчи кунига) корхонанинг мол-мулкини ва мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни иқтисодий гуруҳлаштириш ва пул баҳосида умумлаштириш усули.

Корхонанинг мол-мулки балансда икки гуруҳ бўйича кўрсатилади: биринчи гуруҳ мол-мулкнинг таркиби ва жойлашишини кўрсатади, иккинчиси эса мол-мулкни шакллантириш манбаларини акс эттиради. Бинобарин, баланснинг иккала қисми бир хил мол-мулкни, лекин турли гуруҳларда кўрсатади, шунинг учун иккала қисм ўзаро тенгдир.

Корхонанинг ҳисоботи корхонанинг муайян давр (чорак, йил)даги молиявий-хўжалик фаолиятини тавсифлайдиган умумлаштирилган кўрсаткичлар тизимини ўзида мужассамлаштиради. Бухгалтерия ҳисоботи мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар барча корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона қоидалар ва шакллар бўйича тузилади.

Бухгалтерия ҳисоботи турли идораларга: солиқ инспекцияси, банклар, юқори ташкилотлар, статистика муассасалари ва ахборотдан фойдаланувчи турли шахсларга тақдим этилади.

Бозор шароитида маълумотдан фойдаланувчилар бир неча хўжалик юритувчи субъектлар бўйича маълумот таҳлили асосида ўз қарорларини қабул қилишади. Шу ўринда, агар инвестор ўз маблағларини қўйилмага сарфламоқчи

бўлса, у энг маъқул қарорни қабул қилиш мақсадида, бир неча компанияларнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиб чиқади. Шунинг учун тақдим этиладиган маълумот стандарт кўринишда бўлиши, яъни бир хил ёндашув ва тамойилларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тамойиллари «Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»да белгиланган.

3.2. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари

Тамойил — бу бухгалтерия ҳисобининг асоси, бошланғич негизи, кейинги барча тушунтиришлар уидан келиб чиқади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги асосий тамойиллари белгиланган:

— бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзув усулида юритиш;

— узлуксизлик;

— хўжалик операциялари, актив ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

— аниқлик;

— ҳисоблаш;

— олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

— иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги;

— фаолиятнинг давомийлиги;

— кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

— молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

— ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

— активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Айтиб ўтилган тамойиллардан ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзув усулида юритиш тамойили — барча хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида икки марта, яъни бир ҳисобварақнинг чап томонида ва бошқа ҳисобварақнинг ўнг томонида акс эттирилишини англатади, шу билан биргалик-

да корхона хўжалик фаолияти натижаларининг мувозанатини таъминлайди.

Узлуксизлик тамойили — корхона молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча операциялар, уларни амалга ошириб борилишига кўра бирламчи ҳужжатларда қайд этилишини ва хўжалик операциялари тўла якунланмагунча бухгалтерия ҳисобида узлуксиз акс эттирилишини биллдиради.

Пулда баҳолаш тамойили — молиявий ҳисоботнинг универсал ҳисоб кўрсаткичи сифатида пул ўлчовидан фойдаланишни англатади. Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта — сўмда юритилади.

Аниқлик тамойили бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим бўлган барча ахборот ишончли бўлиши, яъни юридик кучга эга бўлган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши кераклигини англатади.

Ахборот ўринли, лекин моҳиятига кўра ишончсиз бўлиши мумкин, бу унинг нотўғри акс эттирилишига олиб келади. Шу ўринда, агар зарарлар ёки юридик ҳаракатлар бўйича мажбурият таъсири ва миқдори тўғрисида баҳс олиб борилаётган бўлса, мажбурият миқдори ва пайдо бўлиш ҳолатлари ноаниқ акс эттирилиши мумкин.

Ҳисоблаш тамойили — даромадлар (фойда)ни ва харажатлар (зарар)ни пул маблағлари олинган ёки тўланган пайтда эмас, балки улар амалда бажарилган пайтда тан олиниши лозимлигини талаб этади. Шу билан, ҳисоблаш тамойилига мувофиқ, маҳсулот, харидорлар ва буюртмачилардан пул олинган пайтда эмас, балки уни юклаб жўнатган пайтда сотилган деб ҳисобланади, чунки юклаб жўнатган пайтда харидорга ушбу маҳсулотга эгалик қилиш ҳуқуқи ўтади ва харидор мазкур ҳуқуққа эга бўлишдан келиб чиқадиган барча хатарлар ва мукофотларни олиб боради. Харажатлар ҳам пул ўтказилган пайтда эмас, балки улар вужудга келган даврда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим.

Фараз қилайлик, корхона ижарага берувчи билан ижара шартномасини тузган ва контракт талабларига мувофиқ бир йил учун 360 минг сўм миқдорида олдиндан тўловни амалга оширган. Ижарачи ушбу суммани олдиндан тўланган ижара ҳақи, яъни келгуси давр харажатлари сифатида

акс эттириши ва унинг 1/12 қисмини (30 минг сўм) ҳар ойнинг охирида харажатларга киритиб бориши лозим. Ижарага берувчи олдиндан олинган ижара ҳақини кечиктирилган мажбуриятлар, яъни келгуси давр даромадлари таркибида акс эттириши керак. Ҳақиқий даромад ҳар ойнинг *охирида 30 минг сўм миқдорида акс эттирилади.*

Дейлик, корхона 2007 йил 1 декабрда бир йил муддатга банкдан 3 млн сўм миқдорида йиллик 20 фоизли қисқа муддатли кредит олди. Контракт шартлари кредитнинг ярим суммаси 6 ойдан кейин, қолган қисми эса — бир йил ўтиши билан қайтарилишини кўзда тутади. Ҳисоблаш тамойилига мувофиқ 2007 йил 31 декабрда бухгалтер ушбу кредит бўйича декабрь ойига тўғри келадиган фоизлар суммасини қуйидагича ҳисоблаши лозим:

3 000 000 × 20% : 100 : 12 = 50 000 сўм.

Ушбу сумма 2007 йил бўйича молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилиши керак.

Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик) тамойили ёки уни консерватизм тамойили деб ҳам аташади, ҳисоботда активлар ва фойданинг ортиқча баҳоланишига ва мажбуриятларнинг пасайтирилган баҳоланишига йўл қўймаслик кераклигини назарда тутади. Бу, шунингдек, корхонага эҳтимолий йўқотишлар ёки зарарларни акс эттириш учун эҳтимолий фойдани акс эттиришдан кўра камроқ асослар керак бўлишини англатади. Эҳтиёткорлик тамойили намоён бўлишининг бир тури энг паст баҳолаш қоидаси: таннарх ёки бозор нархи бўйича баҳолаш ҳисобланади. Бу қоида шуни англатадики, агар корхона ўз айланма воситаларини бир нархда сотиб олган бўлса ва ҳозирги кунга келиб уларнинг бозор нархи тушган бўлса, унда корхона ҳисобот ҳужжатларида ўз воситаларини жорий бозор нархларида акс эттириб, фарқни жорий давр молиявий натижаларига киритиши лозим бўлади. Аммо агарда айланма активларнинг бозор нархи берилган ҳисобот даврида ошган бўлса, корхона ўз активларини мана шу ошган бозор нархида сотмагунга қадар ўз ҳужжатларига ҳеч қандай ўзгартишлар киритмайди. Бундай ёндашув бухгалтерия ҳисобида бозор ҳолатининг ўзгарувчанлигини ва бунга боғлиқ бўлган корхона хўжалик фаолиятининг ҳамда унинг мулкдорларининг таваккалчилигини акс эттириш имконини

беради. Шунинг учун корхона ўз айланма воситаларини ҳисобда уларни соттунга қадар мана шу икки нархнинг энг кам қиймати бўйича акс эттириши лозим.

Бу тамойил яширин резервлар ёки оширилган таъминотни яратиш, активлар (ёки фойда)ни, пассивлар (ёки харажатларни)ни атайлаб камайтириш ёки ошириш ҳуқуқини бермайди, акс ҳолда молиявий ҳисобот холис бўлмайди ва ишончлилик хусусиятини йўқотади.

Бинобарин, эҳтиёткорлик тамойили шуни билдирадики, агарда бухгалтерда иккита муқобил баҳолаш усулларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлса, у корхона аҳволини иложи борича яхши ифодаламайдиган, балки уни ёмонроқ кўринишда тасвирлайдиган баҳолаш усулини танлаши лозим. Бухгалтер активлар ва даромадлар ошириб кўрсатилмаслиги, мажбуриятлар ва харажатлар эса камайтириб кўрсатилмаслиги устидан назорат қилиб бориши керак. Фойда ёки даромадни ҳисобга олиш тўғрисида гап кетганда, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш операциялар бажарилганидан сўнг амалга оширилиши, зарар ва харажатлар тўғрисида гап кетганда эса — бухгалтерия ҳисобида улар эҳтимолий вужудга келиши мумкин бўлган пайтда акс эттирилиши лозим. Фараз қилайлик, корхона захирасида ҳар бир донаси 500 сўм бўлган 300 минг сўмлик моддий бойликлар мавжуд. Агар ҳозирги пайтда ушбу моддий бойликларнинг ҳар бир донаси учун бозор нархи 700 сўмгача кўтарилса, улар олдинги 500 сўм нарх бўйича ҳисобга олиниши керак. Фойда фақат улар сотилганидан кейин тан олинади. Аммо зиён етказилиши, тўлиқ ёки қисман эскириши туфайли бозорда ушбу моддий бойликларнинг нархи ҳар бир донаси учун 400 сўмгача тушиб кетса, қайта баҳолаш ўтказилиши ва уларнинг қиймати ҳақиқий қийматга тенглаштирилиши керак.

Консерватизм тамойилининг асосий қоидаси қуйидагичадир: *Фойдани олдиндан тан олманг, зарарларни камайтирманг.*

Консерватизм тамойили бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида акс эттирилган. Молиявий ҳисоботнинг асос яратувчи тамойил — консерватизм тамойилида тайёрланиши шартлиги тўғрисидаги меъёр «Молиявий ҳисо-

ботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»-нинг 24-бандида қайд этилган.

Шунингдек, консерватизм тамойилини қўллаш 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар» 44-бандида назарда тутилган. Ушбу бандда айтиб ўтилганки, арзонлаштириш амалиёти товар-моддий захиралар шикастланган, тўлиқ ёки қисман эскирган, уларнинг сотиш нархи тушган, шунингдек захиралар ҳаддан ташқари тўпланиши ва улар секин айланувчанлиги ҳолларида товар-моддий захиралар молиявий ҳисоботда уларни сотиш ёки ишлатишдан кутиладиган суммадан юқори акс эттирилмаслиги учун қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, консерватизм тамойили молиявий қўйилмаларни ҳисобга олиш амалиётида қўлланилади, бу эса 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатдан ўтказилган 12-сонли БҲМС «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»да акс эттирилган.

Ушбу стандартнинг 13-бандида қисқа муддатли (жорий) активлар сифатида тасниф қилинган инвестициялар бухгалтерия балансида бозор қиймати ёки харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича ҳисобга олиниши кераклиги қайд этилган. Бозор қийматининг ўзгаришидан келадиган даромад ёки зарар қайта баҳолаш амалга оширилган даврда ҳисобга олинади.

Консерватизм тамойилига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этиш кўзда тутилган, у белгиланган муддатда қопланмаган дебиторлик қарзини инвентарлаш асосида молиявий йил (ҳар чорак) давомида ташкил этилиши мумкин. Чет эл амалиётида ушбу резервларни даргумон дебиторлик қарзи вужудга келган пайтда ташкил этиш мумкин.

Консерватизм тамойилини қўллаш корхона ва ташкилотлар ҳисоботда фойдани ва шу билан биргаликда фойдадан солиқни камайтириш мақсадида харажатларни асоссиз оширишга интилишлари учун сабаб бўлмаслиги керак.

Иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилига кўра иқтисодий ҳодисалар уларнинг фақатгина юридик шаклига эмас, балки моҳияти ва иқтисодий воқелигига мувофиқ равишда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур. Битимлар ёки бошқа ҳодисалар моҳияти доимо ҳам

уларнинг юридик шаклига мувофиқ бўлавермайди. Масалан, корхона активларни бошқа корхонада шундай жойлаштириши мумкинки, ҳужжатлар мулкни шу томонга юридик жиҳатдан топширилганлигини акс эттириши керак бўлади.

6-сонли БҲМСга мувофиқ мазмуннинг шаклдан устунлиги талабларининг бажарилишини кўрсатувчи мисол бўлиб, бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара (лизинг) бўйича операцияларни ҳисобга олиш ҳисобланади. Молиявий ижара шартномасига кўра ижарачига ижара активига эгалик ҳуқуқи берилмайди ёки уни бериш шартноманинг амал қилиш муддатининг охирида кўзда тутилади. Активни молиявий ижарага олишнинг иқтисодий мазмуни бу ижарачи ижара активи фойдали хизмат муддатининг катта қисми давомида ундан фойдаланиш орқали иқтисодий наф олиш имконияти эвазига активнинг ҳақиқий қийматига ва тегишли молиявий таъминотга ўртача тенг бўлган суммани тўлаш мажбуриятини олишидир. Мазкур келишувнинг интерпретациясига нисбатан бухгалтерда турлича ҳаракат қилиш: ижарага олинган мулкни актив сифатида тан олиш ёки тан олмаслик имконияти туғилади.

Агар молиявий ижара муносабати билан активлар ижарачининг балансида акс эттирилмаса, корхонанинг иқтисодий ресурслари ва мажбуриятлар даражаси камайтирилган бўлади. Шундай қилиб, мазмуннинг шаклдан устунлиги талабидан келиб чиқсак, молиявий ижарани бухгалтерия балансида актив ва келгуси ижара ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятлар сифатида тан олиш тўғри бўлади.

Корхона фаолиятининг давомийлиги тамойилига биноан молиявий ҳисобот корхона доимий ишлаб турганлиги ва яқин келажакда ўз операцияларини давом эттириши асосида тузилган. Корхонада ўз операцияларини тугатиш ёки улар ҳажмини жиддий камайтириш мақсади йўқ, бунга эҳтиёж ҳам сезмайди деб ҳисобланади. Агар бундай мақсад ёки эҳтиёж бор бўлса, молиявий ҳисобот бошқача асосда тузилиши мумкин. Мазкур тамойил бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати корхонанинг мавжуд бўлиш муддатига мувофиқ келиши лозимлигини англатади, яъни бухгалтерия ўз фаолиятини корхона тугагунга қадар давом эттиради. Корхона фаолияти тўхтаган кундан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳам тўхтатилади.

Ҳисобот кўрсаткичларининг қиёсланувчанлиги тамойили биринчидан, корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги худди шундай ахборотлар билан қиёсланадиган бўлишини, иккинчидан, берилган корхонада қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби услубларида давомийликни сақлаш ва шу орқали бир нечта ҳисобот даврларидаги корхона фаолиятига оид маълумотларнинг қиёсланувчанлиги таъминланишини талаб қилади.

Ахборотдан фойдаланувчиларда корхона молиявий ҳолатининг ривожланиш тенденциясини ва самарадорлигини аниқлаш учун унинг молиявий ҳисоботини маълум бир вақт ўтганидан сўнг ҳам қиёслай олиш, шунингдек турли корхоналарнинг бир-бирига нисбатан молиявий аҳволини, улардаги ўзгаришларни баҳолаш учун уларнинг молиявий ҳисоботларини қиёслай олиш имкониятлари мавжуд бўлиши керак.

Қиёсланувчанлик зарурати ҳисобнинг бирхиллаштирадиган стандартларини юритиш йўлида тўсиқ бўлолмайди. Агар ҳисоб сиёсати ўринлилик ва ишончлилик тамойилларига мувофиқ бўлмаса, корхона учун операция ёки ҳодисалар бўйича ҳисобни айни ўша йўсинда юритишни давом этиш номақбулдир.

Фойдаланувчилар маълум вақт ўтганидан сўнг корхонанинг молиявий ҳолатини, унинг самарадорлигини ва молиявий аҳволидаги ўзгаришларни қиёслаш истагида эканлиги сабабли молиявий ҳисобот олдинги даврлар учун тегишли ахборотни кўрсатиши зарурдир.

Қиёсланувчанлик тамойили шуни англатадики, бухгалтер томонидан танланган ҳисоб услублари йилдан-йилга изчил қўлланиб борилиши ва ҳисобот даври мобайнида ўзгартирилмаслиги керак. Бу тамойил кўрсаткичларнинг бир қатор даврлар бўйича қиёсланувчанлигини таъминлайди. Усуллар ўзгартирилган тақдирда уларни асослаб бериш ва йиллик ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида ва корхонанинг келгуси йилдаги ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда акс эттириш лозим.

Молиявий ҳисобот таркибидаги ахборот ишончли бўлиши учун у ***бетараф*** бўлиши, яъни чекинишлардан холи бўлиши керак. Молиявий ҳисобот, агар у олдиндан назарда

тутилган натижага эришиш мақсадида қарор қабул қилиш ёки фикр юритишга таъсир этса, бетараф бўлолмайди.

Бетарафлик тамойили, шунингдек, корхона муайян даврдаги фаолияти натижалари тўғрисидаги молиявий ҳисобот кўринишида манфаатдор шахс ва идораларга даврий равишда ҳисобот бериб бориши кераклигини ҳам англатади.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойили — ҳисобот даврида фақат шу давр даромадларини олишга сабаб бўлган харажатлар акс эттирилишини англатади. Агар айрим харажат ва даромадлар турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, унда харажатлар бирорта тақсимлаш тизимига кўра бир неча ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу, масалан, бир қатор йилларга тақсимланадиган амортизацияланадиган харажатларга тегишлидир. Бундан ташқари, улар тегишли даромадлар олиб келган даврда ҳисобдан чиқариладиган келгуси давр харажатларини акс эттириш ҳам бунга тегишлидир. Мазкур тамойил ҳисоблаш тамойили билан биргаликда амал қилади ва барча даромадларни, уларнинг олиниши бўйича ва шунга тегишли харажатларни айни бир ҳисобот даврида ҳисобга олишни таъминлайди. Яъни, агар сотишдан олинган тушум 2007 йилда ҳисобга олинган бўлса, сотилган маҳсулотнинг таннархи 2008 йилда ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши тамойили — баҳолашда уларнинг таннархи ёки сотиб олиш қиймати асос бўлишини назарда тутади.

Шунингдек, ***даврийлик тамойилини*** ажратиш мумкин — бу мунтазам равишда молиявий ҳисобот тайёрлаш тамойилидир. Чет эл амалиётида молиявий ҳисобот йилда бир марта тайёрланади ва молиявий йил календарь йил билан мос келиши шарт эмас. Масалан, айрим фирмалар ўз молиявий йилини 1 июлдан то 30 июнгача ёки 1 сентябрдан то 31 августгача давом этишини афзал кўрадилар. Ўзбекистонда 1 январдан то 31 декабргача бўлган давр ҳисобот йили бўлиб ҳисобланади ҳамда ҳисобот йирик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ҳар чоракда, кичик ва қўшма корхоналар томонидан йилда бир марта тақдим этилади.

3.3. Бухгалтерия ҳисобининг функциялари

Режалаштириш, ташкиллаштириш ва тартибга солиш билан бир вақтда бухгалтерия ҳисоби бошқарувнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади.

Бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби муайян функцияларни, асосан: ахборот, назорат, мулкнинг сақланишини таъминлаш, таҳлил функцияларини бажаради.

Ахборот функцияси. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятини тавсифлайдиган ўз вақтидаги ва ишончли ахборотнинг ўрни ва аҳамияти ошади.

Бухгалтерия ҳисоби турли фойдаланувчилар учун ахборотнинг асосий манбаи ҳисобланади, улар, ана шу ахборотдан фойдаланиб, бошқарувга доир зарур қарорларни ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимида бутун мол-мулкнинг ҳолати ва ҳаракати, уни шакллантириш манбалари, хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот батафсил ва умумлаштирилган кўринишда қайд этилиб ҳамда тўпланиб боради. Бу ахборот корхона фаолиятини истиқболлаш учун тезкор статистик ҳисоб томонидан ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ахборотига катта талаблар қўйилади. Ахборот холис, ишончли, ўз вақтида ва тезкор бўлиши керак, у юқори сифатли ва фойдаланувчилар учун самарали бўлиши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби томонидан олинадиган ахборотнинг пировард натижаси корхонанинг молиявий ҳолати кўрсаткичларининг яхшиланиши бўлиши керак.

Назорат функцияси. Мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги, корхоналар ҳуқуқларининг кенгайиши бухгалтерия ҳисобининг назорат функциясини кучайтиришни тақозо этади. Бухгалтерия ходимлари турли хил ресурслардан фойдаланиш устидан амалий назорат олиб боришлари керак. Назорат — аввало, бизнес-режада мўлжалланган иқтисодий кўрсаткичлар бажарилишини аниқлаш имконини берувчи жараёндир.

Ҳақиқий кўрсаткичлар белгиланган меъёрлардан сезиларли даражада фарқ қилган ҳолларда, тақкослаш тегишли тузатишларни киритиш имконини беради.

Назоратнинг уч тури фарқланади: дастлабки, жорий ва кейинги.

Дастлабки назорат бошқарув қарорларини қабул қилишдан ва хўжалик операцияларини содир этишдан олдин амалга оширилади. Бизнес-режалар, лойиҳалар, лойиҳа-смета ҳужжатлари, шартнома, контрактлар ва ҳоказолар унинг объектлари бўлиши мумкин. Дастлабки назоратнинг мақсади — мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган хўжалик операцияларининг олдини олиш, хўжалик ресурсларининг тежамли ва самарали сарфланишини таъминлаш, ноишлаб чиқариш харажатларига, хўжалик операцияларига доир ҳужжатларни нотўғри расмийлаштиришга йўл қўймаслик.

Жорий назорат хўжалик операциялари бажарилаётган вақтда амалга оширилади. Унинг мақсади хўжалик операцияларини бажариш жараёнида хўжалик фаолиятидаги чекланишларни аниқлаш ҳисобланади. Жорий назорат моддий ҳамда пул ресурсларининг эҳтимолий талон-торожи ва йўқотишларини ўз вақтида бартараф этишга ёрдам беради.

Кейинги назорат хўжалик операциялари содир этилганидан сўнг бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари (ҳисоб регистрлари) ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилади. Бундай назоратнинг мақсади — муайян давр учун хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги ва қонунийлигини текшириш, ишдаги камчиликлар, агар йўл қўйилган бўлса, қонунбузарликлар ва суиистеъмолликларни аниқлаш, корхонанинг фаолиятини янада яхшилаш учун ресурсларни топиш ва ишга тушириш.

Мулкнинг сақланишини таъминлаш функцияси. Бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйиш мулкнинг сақланишини таъминлаш, ҳар қандай талон-торож ва йўқотишлар йўлини тўсиш имкониятини беради. Бунинг учун корхонада муайян шарт-шароитлар яратилиши: жиҳозланган омборхоналар, тўғри ишлайдиган назорат-ўлчов асбоблари, ўлчов идишлари ва ҳоказолар мавжуд бўлиши керак.

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, мулкдорлар, инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар сони кўпайиши шароитида ушбу функциянинг аҳамияти кескин ошади.

Мазкур функцияни амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлиб мол-мулкни инвентарлашни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш, унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида холисона акс эттириш ҳисобланади.

Таҳлил функцияси. Ишончли ва юридик жиҳатдан асосланган ахборот корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун ишлатилади. Таҳлил — қабул қилинган қарорларни яхшилаш мақсадида уларни изчил ўрганиш жараёнидир.

Корхона томонидан қабул қилинган бозор стратегияси ва тактикасининг тўғрилигини белгилаш ҳамда уларни яхшилаш мақсадида барча турдаги ресурслар ва харажатлардан оқилона фойдаланиш, айниқса инфляция шароитида нархларни қўллаш мунтазам равишда чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинишни зарур. Ушбу таҳлил мавжуд резервларни топиш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу билан корхонанинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

4-боб. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

4.1. Бухгалтерия баланси тўғрисида умумий тушунча

Аввал таъкидланганидек, бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади фойдаланувчиларни корхона фаолияти тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Корхонани самарали бошқариш учун аввало мол-мулк, унинг турлари ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар зарур. Бундай маълумотлар муайян санага (одатда ой ёки чоракнинг биринчи кунига) пул баҳосида, умумлаштирилган гуруҳларга бўлинган кўринишда тақдим этилади. Ушбу маълумотлар бухгалтерия балансини тузиш йўли билан олинади.

Бухгалтерия баланси — пул баҳосида ифодаланган ва муайян санага тузилган, мол-мулкни унинг таркиби ва жойлаштирилишини ҳамда уни шакллантириш манбалари бўйича иқтисодий гуруҳлаштириш ва умумлаштириш усулидир.

Баланс ўз тузилишига кўра икки томонли жадвалдан иборат. Мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилишни кўрсатиладиган чап қисм «*актив*» деб номланади, ўнг қисм

мол-мулкни шакллантириш манбаларини акс эттиради ва «*пассив*» дейилади. Демак, баланснинг чап ва ўнг қисмларида бир нарса, яъни корхонанинг мол-мулки, аммо турли гуруҳланишларда акс эттирилади. Мол-мулкнинг ҳар бир тури корхонага бирор-бир манба ҳисобига келиб тушади. Шунинг учун активнинг умумий суммаси пассивнинг умумий суммасига тенг бўлиши керак (баланс валютаси). Баланс (французчадан *balance* — тарози) тенглик, мувозанат аломатини англатади.

Баланс умумлаштируви объектларни акс эттиришнинг иккиёқлама хусусияти билан тавсифланади, унинг маъноси шундан иборатки, объектлар балансда икки маротаба кўрсатилади ва икки жиҳатдан кўриб чиқилади.

Балансни корхона молиявий ҳолатининг бир зумлик сурати билан таққослаш мумкин.

Бухгалтерия баланси корхонанинг ҳисобот даври учун молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг ёрдамида мол-мулкнинг таркиби ва тузилиши, корхонанинг фойдалилиги ва унинг ликвидлилиги, айланма маблағларининг айланувчанлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати ва динамикаси аниқланади. Манфаатдор фойдаланувчилар бухгалтерия баланси ахборотини ўрганиб, корхона нималарга эгалик қилишидан, унинг салоҳияти қандайлигидан ва мулкдорлардан олинган мол-мулкдан фойдаланиш қай даражада эканлигидан хабардор бўладилар.

Бухгалтерия балансидан корхонанинг тўлов қобилияти, яъни у ўзининг жорий (ликвид) маблағлари билан мажбуриятларини қоплай олиши ёки унга молиявий қийинчиликлар хавф солаётгани аниқланади.

Баланс тенглигини қуйидаги тенглама кўринишида тасаввур этиш мумкин:

$$\text{Активлар} = \frac{\text{Мажбуриятлар}}{\text{(қарз капитали)}} + \frac{\text{Хусусий}}{\text{капитал}}.$$

Ушбу тенглама бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади. Бу ерда активлар корхона мол-мулкининг умумий қийматини кўрсатади. Мажбуриятлар (қарз капитали) активларнинг камайишини назарда тутади, чунки улар ўз муддатида юридик ёки жисмоний шахсларга қайтарили-

ши керак бўлган кредитор қарзи миқдорини кўрсатади. Хусусий капитал корхонага унинг мулкдорлари қилган қўйилмалар қийматини тавсифлайди ва кредиторлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилган тақдирда мулкдорга қоладиган маблағни билдиради. Шунинг учун ушбу тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

Хусусий капитал = Активлар − Мажбуриятлар.

Ушбу тенглама капиталга нисбатан қолдиқ тамойилини акс эттиради, яъни кредиторлар мол-мулкка биринчи навбатда даъво қилиш ҳуқуқига эгалар. Агар кредиторларга нисбатан корхонанинг қарз мажбуриятлари бажарилмаса, улар қарзларни суд орқали ундириш ҳуқуқига эга бўладилар. Инвесторлар фақатгина қолдиқ даъво ҳуқуқига эгадирлар. Айни вақтда тенглама корхона активлари миқдори ва корхона кредиторлари ҳамда мулкдорларининг унинг капиталини шакллантиришда иштирок этиш даражасини кўрсатади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ушбу ўзаро нисбатга боғлиқдир.

Балансларнинг турли хиллари мавжуд:

—*даврий баланс*, у ҳар ой ёки чоракда тузилади;

— *йиллик баланс*, бир йиллик иш якунларини тавсифлайди;

— *дастлабки баланс*, янги корхона ташкил этилганида ёки олдин амал қилган корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида тузилади;

— *йиғма баланс*, вазирликлар, корпорациялар, концернлар томонидан алоҳида якуний балансларни бирлаштириш йўли билан тузилади;

— *консолидация қилинган баланс* ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғланган, юридик жиҳатдан мустақил корхоналар балансларини бирлаштириш йўли билан тузилади. Бундай балансларни холдинг компаниялари (бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетига эга бўлган), бош корхоналар ўзларининг шуъба ва қарам ташкилотлари билан бирга тузадилар;

— *«брутто» баланс* (итальянча *brutto* — кўпол, кир), «Асосий воситаларнинг эскириши», «Номоддий активларнинг амортизацияси», «Сотиб олинган хусусий акциялар» сингари тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олади;

— *«нетто» баланс* (итальянча *netto* — тоза), юқорида кўрсатилган моддаларни ўз ичига олмайди.

Чунончи, «брутто» балансида асосий воситалар мол-мулк тури сифатида активда кўрсатилади, уларнинг эскириши эса — пассивда. «Нетто» балансида иккала модда активда акс эттирилади, лекин бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бошланғич қийматдан эскириш чиқариб ташланган ҳолда кўрсатилади, шунинг учун жами қийматда (баланс валютасида) ушбу сумма акс эттирилмайди. Бу ҳол «Сотиб олинган хусусий акциялар» моддаси учун ҳам тааллуқлидир. «Брутто» балансида пассивда корхонанинг устав капитали кўрсатилади, активда эса — сотиб олинган хусусий акциялар. «Нетто» балансида «Сотиб олинган хусусий акциялар» моддаси пассивда кўрсатилади ва «Устав капитали» моддаси қийматини қисқартирган ҳолда ундан олиб ташланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси корхоналарида «нетто» баланси тузилади, у Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ келади.

4.2. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва мазмуни

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 140-сонли буйруғига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва юридик шахс ҳисобланган, банк ва суғурта ташкилотларидан ташқари барча корхона ва ташкилотлар ягона шакл бўйича баланс тузадилар (4-жадвал).

Баланснинг актив ва пассиви бўлимларга, бўлимлар алоҳида гуруҳларга, гуруҳлар эса баланс моддаларига бўлинади. Мол-мулкнинг айрим турларини, унинг шаклланиш манбаларини, корхона мажбуриятларини тавсифлайдиган, баланс активи ва пассивининг кўрсаткичи (сатри) бухгалтерия баланси моддаси деб аталади.

Баланс активи икки бўлимга бўлинади: *узоқ муддатли активлар* ва *айланма активлар.*

Активнинг биринчи бўлими узоқ муддатли активларни акс эттиради.

4-жадвал

Бухгалтерия баланси 1-шакл

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010		
Эскириш суммаси (0200)	011		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 − 011)	012		
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 − 021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр. 040 + 050 + 060 + 070 + 080), шу жумладан:	030		
Қимматли қоғозлар (0610)	040		
Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012 + 022 + 030 + 090 + 100 + + 110 + 120)	130		
II. Жорий активлар			
Товар-моддий захиралар, жами (сатр. *150 + 160 + 170 + 180*), шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (*2000, 2100, 2300, 2700*)	160		
Тайёр маҳсулот (2800)	170		
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100)	*190*		
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр. 220 + 240 + 250 + 260 + 270 + + 280 + 290 + 300 + 310)	210		
шундан: муддати ўтган	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280		

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		
Пул маблағлари, жами (сатр. 330 + 340 + 350 + 360), шу жумладан:	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр. 140 + 190 + 200 + 210 + 320 + + 370 + 380)	390		
Баланс активи бўйича жами (сатр. 130 + 390)	400		
Пассив			
I. Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410		
Қўшилган капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500)	430		
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450		
Мақсадли тушумлар (8800)	460		
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470		

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
I бўлим бўйича жами (сатр. 410 + 420 + 430 − 440 + 450 + + 460 + 470)	480		
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр. 500 + 520 + 530 + 540 + 550 + + 560 + 570 + 580 + 590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр. 500 + 520 + 540 + 560 + 590)	491		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр. 610 + 630 + 640 + 650 + 660 + + 670 + 680 + 690 + 700 + 710 + 720 + + 730 + 740 + 750 + 760)	600		
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр. 610 + 630 + 650 + 670 + 680 + + 690 + 700 + 710 + 720 + 760)	601		

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610		
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620		
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630		
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		
Олинган бўнаклар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680		
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700		
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720		
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлари (6950 дан ташқари 6900)	760		
II бўлим бўйича жами (сатр. 490 + 600)	770		
Баланс пассиви бўйича жами (сатр. 480 + 770)	780		

«Асосий воситалар» моддаси бўйича корхонада мавжуд бўлган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, уларнинг эскириш суммаси, шуниигдек қолдиқ қиймати кўрсатилади.

«Номоддий активлар» моддаси корхона тасарруфида бўлган, сезилмайдиган объектлар қийматини бошланғич қиймат бўйича тавсифлайди.

Кейинги «Эскириш» моддаси ушбу активларнинг қопланган қиймати суммасини кўрсатади. «Қолдиқ қиймат» моддасининг суммаси бошланғич қийматдан эскириш чиқариб ташланган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Биринчи бўлимнинг кейинги моддаларида корхона томонидан шуъба корхоналарга, асосий воситалар қурилиши ва харид қилинишига, қимматли қоғозларни сотиб олишга инвестицияланган суммалар акс эттирилади.

Активнинг иккинчи бўлими айланма активларни акс эттиради.

Ушбу бўлим моддалари корхонада мавжуд бўлган моддий бойликлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, сотиш учун мўлжалланган товарлар, кассадаги, банкдаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётлардаги пул маблағлари суммаси, қисқа муддатли қўйилмалар суммаси ва дебиторлик қарзини акс эттиради.

Бухгалтерия балансининг пассиви ҳам икки бўлимга бўлинади: ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлар. Пассив моддаларининг мазмунини яхши тушуниб етиш учун пассивда нималар акс эттирилишини эсда тутиш керак. Агар активда мол-мулкнинг аниқ турлари акс эттирилса, пассивда корхона томонидан олинган ушбу мол-мулкнинг манбаларини акс эттиради.

Пассивнинг биринчи бўлимида устав, қўшилган ва резерв капиталлар, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва резервлар акс эттирилади.

Пассивнинг иккинчи бўлимида корхонанинг банкдан олинган ссудалар бўйича, бошқа корхоналардан, бюджетдан, ходимлардан иш ҳақи бўйича, ижтимоий суғурта идоралари ва бошқа кредиторлардан қарзи акс эттирилади.

4.3. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия балансига таъсири

Корхоналарда ҳар куни турли хўжалик операциялари содир этилади ва уларнинг фаолияти ана шу операциялардан шаклланади. Омборга материаллар келиб тушади, кейин улар ишлаб чиқаришга топширилади. Ишлаб чиқаришда улардан маҳсулот тайёрланади ва харидорларга сотилади. Олинган пул маблағлари ҳисобига корхона материалларнинг янги партияларини харид қилади, ўз ходимларига иш ҳақи тўлайди, харид қилинган материаллардан янгидан маҳсулот яратилади ва харидорларга сотилади, шу тариқа ишлаб чиқариш фаолияти цикли доимо такрорланади.

Ҳар бир хўжалик операцияси мол-мулк ёки унинг манбалари таркибида ўзгаришга олиб келади ёки бир вақтнинг ўзида мол-мулкнинг таркиби ҳам, мол-мулкни шакллантириш манбалари таркиби ҳам ўзгаради. Бунда баланс асосида умумлаштириш усулини қўллаш актив якунларининг баланс пассиви якунлари билан тенглиги сақланишини таъминлайди.

Бухгалтерия балансига таъсири бўйича барча хўжалик операцияларини тўртта турга бўлиш мумкин.

Буни мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, ҳисобот даврининг бошланишида корхона баланси (қисқартирилган) қуйидаги мазмунда эди.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	30 000
Касса	100	Мол етказиб берувчиларга қарз	15 200
Ҳисоб-китоб счёти	35 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Биринчи турдаги операциялар мол-мулк таркибида ўзгаришларга олиб келади. Бунда баланс валютаси ўзгармайди.

Биринчи операция. Корхона кассасига банкдаги ҳисоб-китоб счётидан 10 минг сўм нақд пул олинди. Бу операция активнинг иккинчи бўлимида жойлашган «Касса» ва «Ҳисоб-китоб счёти» каби баланс моддаларига таъсир этади. Кассадаги пуллар қолдиғи 10 минг сўмга ошади, ҳисоб-китоб счётидаги пуллар қолдиғи эса ушбу суммага камаяди, яъни баланс активининг ичида мол-мулк ўзгариши юз берди ва умуман олганда баланс валютаси ўзгармайди.

Биринчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	30 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчиларга қарз	15 200
Ҳисоб-китоб счёти	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Иккинчи турдаги операциялар корхона мол-мулкини шакллантириш манбаларининг таркибида ўзгаришларга олиб келади, яъни фақат баланс пассивига таъсир этади. Бу ҳолда баланс валютаси ўзгармайди.

Иккинчи операция. Корхона таъсисчилари йиғилишининг қарори бўйича тақсимланмаган фойданинг 15 минг сўмлик суммадаги қисми устав капиталига қўшилади. Мазкур хўжалик операцияси пассивнинг «Тақсимланмаган фойда» ва «Устав капитали» каби моддаларига таъсир этади. Ушбу операциядан кейин тақсимланмаган фойда 15 минг сўмга камаяди, устав капитали эса ушбу суммага ошади, яъни баланс пассиви ичида суммаларнинг кўчиб ўтиши юз беради ва умуман олганда баланс валютаси ўзгармайди.

Иккинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчиларга қарз	15 200
Ҳисоб-китоб счёти	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Учинчи турдаги операциялар мол-мулкнинг таркибини ва мол-мулк манбаларининг таркибини ўзгартиради, айни вақтда уларни оширади. Бунда баланс валютаси актив бўйича ва пассив бўйича тенг суммага ошади.

Учинчи операция. Мол етказиб берувчилардан 20 минг сўмлик материаллар олинди. Ҳисоб-китоб ҳали қилинмаган. Ушбу хўжалик операцияси активнинг «Ишлаб чиқариш захиралари» моддасига ва пассивнинг «Мол етказиб берувчиларга қарз» моддасига таъсир этади.

Ушбу операциядан кейин корхонадаги ишлаб чиқариш захиралари ошади ва айни вақтда корхонанинг мол етказиб берувчиларга қарзи ошади, чунки ҳали уларга пул ўтказилмаган.

Баланс валютаси актив бўйича ҳам, пассив бўйича ҳам 20 минг сўмга ошади.

Учинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	62 400	Тақсимланмаган фойда	15 000

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Касса	10 100	Мол етказиб берувчиларга қарз	35 200
Ҳисоб-китоб счёти	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	198 000	Баланс	198 000

Тўртинчи турдаги операциялар мол-мулкнинг таркиби ва манбаларнинг таркибини ўзгартиради, айни вақтда уларни камайтиради. Бунда баланс валютаси актив бўйича ва пассив бўйича тенг миқдорга камаяди.

Тўртинчи операция. Ҳисоб-китоб счётидан олинган материаллар учун мол етказиб берувчиларга 20 минг сўм ўтказилди. Ушбу хўжалик операцияси активнинг «Ҳисоб-китоб счёти» моддасига ва пассивнинг «Мол етказиб берувчиларга қарз» моддасига таъсир этади.

Ушбу операциядан кейин ҳисоб-китоб счётидаги пуллар 20 минг сўмга камаяди ва айни вақтда корхонанинг мол етказиб берувчиларга қарзи 20 минг сўмга камаяди.

Баланс валютаси актив ва пассив бўйича 20 минг сўмга камаяди.

Тўртинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	62 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчиларга қарз	15 200
Ҳисоб-китоб счёти	5 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Корхонада қандай операция юз бермасин, уни юқорида кўрсатилган тўртта операция туридан бирига киритиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: хўжалик операцияси балансда қандай ўзгаришларга олиб келмасин, у фақат мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилишини ёки уни шакллантириш манбаларини ўзгартириши, уларнинг суммасини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин, лекин актив билан пассив ўртасидаги тенгликни бузмайди.

5-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТИЗИМИ ВА ИККИЁҚЛАМА ЁЗУВ

5.1. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ва уларнинг тузилиши

Бухгалтерия балансида мол-мулкнинг ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби даврий равишда акс эттирилади, яъни баланс ой ёки чоракда бир марта тузилади. Лекин ҳисобда фақат даврий маълумотлар билан чекланиб бўлмайди, чунки бухгалтерия ҳисоби ялпи ва узлуксиз бўлиши керак. Бундай ҳар кунги ва узлуксиз ҳисоб бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида амалга оширилади. Ҳисобварақлар мол-мулк, уни шакллантириш манбалари ва хўжалик операцияларининг жорий ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

Агар балансни фотосурат, яъни бир зумдаги фотоаппарат тасвирига қиёслаш мумкин бўлса, ҳисобварақларни видеокассета ёки видеокамерада суратга олишга қиёслаш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари — мол-мулкни унинг таркиби ва жойлаштирилиши, уни шакллантириш манбалари ва бир турдаги операциялар бўйича жорий акс эттириш, гуруҳлаш ва тезкор назорат қилиш усулидир.

Ҳисобварақлар мол-мулкнинг ёки мол-мулк манбаларининг ҳар бир тури учун ҳамда бир турдаги хўжалик операцияларини акс эттириш учун очилади ва юритилади. Корхоналарда қўлланилиши керак бўлган ҳисобварақлар-

нинг рўйхати қонунчилик томонидан Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасида тартибга солинади. Масалан, асосий воситаларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган барча операциялар 0110–0199-«Асосий воситалар» ҳисобварақларида, материаллар кирим-чиқими 1010–1090-«Материаллар» ҳисобварақларида, кассада нақд пуллар ҳаракати 5010–5020–«Касса» ҳисобварақларида юритилади ва ҳоказо.

Ташқи кўриниши бўйича ҳисобварақлар икки қисмдан иборат бўлган жадвални билдиради. Ҳисобварақнинг номи жадвалнинг юқори қисмида ёзилади.

Ушбу жадвалда ҳисобварақнинг чап қисми «*дебет*» (лотинча *debet* — қарздор), ҳисобварақнинг ўнг қисми «*кредит*» (лотинча *credit* — ишонади) деб аталади.

Пайдо бўлишининг дастлабки пайтида ҳисобварақлар қарзларни, яъни дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобга олиш учун ишлатилган. Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши билан ҳисобварақларда нафақат қарзлар, балки мол-мулк ва унинг манбаларининг барча турлари ҳам ҳисобга олина бошланди, лекин ҳисобварақнинг чап томони «дебет», ўнг томони эса «кредит» деб аталиши рамзий равишда сақланиб қолди. Ҳисобварақларда мол-мулкнинг ва унинг манбаларининг ҳисобот йили боши ва охиридаги ҳолати акс эттирилади. Ушбу маълумотлар қолдиқ ёки «*сальдо*» деб аталади. Дебет ва кредитда мол-мулк ёки унинг манбалари таркибидаги кўпайишлар ёки камайишлар акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг аҳамияти шундан иборатки, улар бухгалтерия ҳисобининг асосий услубларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий жиҳатдан бир турдаги объектлар бўйича хўжалик операцияларининг тизимга солиниши ва жорий акс эттирилишини таъминлайди ва бошқарувни такомиллаштириш ҳамда моддий воситалар ва пул маблағларининг сақланишини таъминлаш мақсадида тезкор ахборот олиш учун ишлатилади.

Ҳисоб элементлари туркумланишига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари доимий (бухгалтерия баланси ҳисобварақлари) ва вақтинчалик (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобварақлари) ҳисобварақларга ажратилади. Вақтинчалик ҳисобварақлар шунингдек транзит ҳисобварақлар деб аталади.

Доимий ҳисобварақлар — бу бухгалтерия баланси элементлари акс эттириладиган ҳисобварақлардир. Улар таркибига активларни, мажбуриятларни ва капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақлар киради. Ушбу ҳисобварақларда ҳар бир ҳисобот даврининг охирида қолдиқ (сальдо) аниқланади. Қуйида баланс ҳисобварақларининг чизмаси келтирилган:

ДОИМИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАР

АКТИВЛАР = МАЖБУРИЯТЛАР + КАПИТАЛ

Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Ҳисобот йилининг бошига активлар қолдиғи (сальдо)			Ҳисобот йилининг бошига мажбуриятлар қолдиғи (сальдо)		Ҳисобот йилининг бошига капиталнинг қолдиғи (сальдо)
Активларнинг кўпайиши	Активларнинг камайиши	Мажбуриятларнинг камайиши	Мажбуриятларнинг кўпайиши	Капиталнинг камайиши	Капиталнинг кўпайиши
Ҳисобот йилининг охирига активлар қолдиғи (сальдо)			Ҳисобот йилининг охирига мажбуриятлар қолдиғи (сальдо)		Ҳисобот йилининг охирига капиталнинг қолдиғи (сальдо)

Вақтинчалик (транзит) ҳисобварақлар — бу молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементлари акс эттириладиган ҳисобварақлардир. Булар таркибига даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари киради. Ушбу ҳисобварақлар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ёпилади ва шунинг учун улар ҳеч қачон қолдиққа (сальдо) эга бўлмайди.

ВАҚТИНЧАЛИК ҲИСОБВАРАҚЛАР

ДАРОМАДЛАР

Дебет	Кредит
Даромадларнинг камайиши	Даромадларнинг кўпайиши

ХАРАЖАТЛАР

Дебет	Кредит
Харажатларнинг кўпайиши	Харажатларнинг камайиши

ФОЙДА

Дебет	Кредит
Фойданинг камайиши	Фойданинг кўпайиши

ЗАРАРЛАР

Дебет	Кредит
Зарарларнинг кўпайиши	Зарарларнинг камайиши

Баланснинг актив ва пассивга бўлинишига мувофиқ ҳисобварақлар актив ва пассив ҳисобварақларга бўлинади.

Активларнинг айрим турларининг мавжуд таркибини ва уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар актив ҳисобварақлар дейилади. «Асосий воситалар», «Материаллар», «Касса», «Ҳисоб-китоб счёти» ва бошқа ҳисобварақлар актив ҳисобварақларга мисол бўла олади.

Капитал ва мажбуриятларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар ***пассив*** ҳисобварақлар деб аталади. «Устав капитали», «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари», «Узоқ муддатли қарзлар» ва бошқа ҳисобварақлар пассив ҳисобварақларга киради.

Актив ҳисобварақлар дебетида ҳисобот даврининг боши ва охиридаги қолдиқлар, шунингдек мол-мулкнинг кўпайиши билан боғлиқ барча ўзгаришлар, кредитида — мол-мулкнинг таркибида камайиш билан боғлиқ барча ўзгаришлар акс этади. Сальдони ҳисобга олинмаган ҳолда кўпайиш ва камайишларнинг умумий суммаси ***айланмалар*** деб аталади.

5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» актив ҳисобварағининг чизмасини (сўмда) келтирамиз.

Дебет **Кредит**

5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

Сана	Ёзувнинг мазмуни	Сумма	Сана	Ёзувнинг мазмуни	Сумма
	01.01.2008 й.га қолдиқ (сальдо) Мол-мулк таркибидаги кўпайиш (+)	100		Мол-мулк таркибидаги камайиш (–)	
05.01	Иш ҳақини тўлашга ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари келиб тушди	40 000	08.01	Иш ҳақи берилди	40 100
12.01	Маҳсулот сотишдан пул маблағлари келиб тушди	57 000	13.01	Тушум ҳисоб-китоб счётига топширилди	57 000

Сана	Ёзувнинг мазмуни	Сумма	Сана	Ёзувнинг мазмуни	Сумма
29.01	Меҳнат сафарига бўнак тўлаш учун пул маблағлари келиб тушди	8 000	30.01	Меҳнат сафарига бўнак тўланди	7 500
	Айланмалар	105 000		Айланмалар	104 600
	01.02.2008 й.га қолдиқ (сальдо)	500			

Агар 01.01.2008 йилга бўлган бошланғич қолдиқни — Сб, дебет бўйича айланмаларни — Ад, кредитлар бўйича айланмаларни — Ак қилиб белгиласак, 01.02.2008 й.га бўлган якуний сальдо — Сяни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$Ся = Сб + Ад - Ак$$
$$500 = 100 + 105\,000 - 104\,600.$$

Пассив ҳисобварақлардаги дебет ва кредитнинг вазифаси актив ҳисобварақларидагига тамомила тескаридир. Уларда бошланғич ва якуний сальдо кредит бўйича, капитал ва мажбуриятлар кўпайиши кредит бўйича, уларнинг камайиши эса дебет бўйича акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақ чизмасини келтирамиз. Мисол учун 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағини оламиз.

Дебет Кредит

6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари»

Сана	Ёзувнинг мазмуни	Сумма	Сана	Ёзувнинг мазмуни	Сумма
				01.01 га қолдиқ	120 000
05.01	Банкнинг қисқа муддатли ссудаси қайтарилди	90 000	15.01	Банкдан қисқа муддатли ссуда олинди	100 000
20.01	Банкка қисқа муддатли ссуда қайтарилди	110 000	27.01	Банкдан қисқа муддатли ссуда олинди	150 000
	Айланмалар	200 000		Айланмалар	250 000
				01.02 га қолдиқ	170 000

Пассив ҳисобварақларда якуний қолдиқ қуйидагича ҳисобланади:

$$Ся = Сб + Ак - Ад$$
$$170\ 000 = 120\ 000 + 250\ 000 - 200\ 000.$$

Актив ҳисобварақларда сальдо фақат дебетда бўлиши мумкин, чунки маблағларни мавжуд бўлганидан ортиқча сарфлаб бўлмайди, пассив ҳисобварақлар бўйича сальдо фақат кредитда бўлади, чунки қарзни қоплашда, корхона қарзидан кўпроқ миқдорда тўламайди.

Активлар акс эттириладиган актив ҳисобварақлар бўйича ва активлар манбалари кўрсатиладиган пассив ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар баланс билан боғланиб кетади, яъни актив ҳисобварақлар қолдиқлари баланс активида, пассив ҳисобварақлар қолдиғи эса пассивида кўрсатилади.

Шунингдек, контрактив ва контрпассив ҳисобварақлар ҳам қўлланилади.

Контрактив ҳисобварақлар — бу пассив ҳисобварақлар, лекин активнинг соф қийматини ҳисоблаш учун улар бўйича сальдо муайян актив ҳисобварағининг сальдо суммасидан айирилади. Масалан, 0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳининг ҳисобварақлари ўз моҳиятига кўра пассив ҳисобварақлардир, лекин улар баланснинг активида 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларидан кейин жойлаштирилади, чунки асосий воситалар қолдиқ қийматини ҳисоблаш учун уларни қийматини камайтиради. Бундай ҳисобварақларга 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағига нисбатан контрактив бўлган ва харидорлар дебиторлик қарзи суммасини камайтириб, унинг соф суммасини кўрсатадиган 4910-«Даргумон қарзлар бўйича резерв» ҳисобварағи киради.

Контрпассив ҳисобварақлар — бу актив бўлган ҳисобварақлардир, лекин муайян пассив ҳисобварақлар бўйича қолдиқларни камайтириш учун улар бўйича қолдиқ балансининг пассивида акс эттирилади. Масалан, 8600-«Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳининг ҳисобварақлари актив ҳисобварақлар бўлганлиги билан, улар балансининг пассивида 8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳидан

кейин жойлаштирилади ва акциядорлик жамияти акциядорлик капиталининг камайишига олиб келади.

5.2. Ҳисобварақлардаги иккиёқлама ёзув ва уни асослаш

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти кўп сонли операциялар ва хўжалик вазиятларидан ташкил топади. Уларнинг ҳаммаси мол-мулкнинг ёки унинг манбалари таркибида ёхуд бир вақтнинг ўзида иккаласида ўзгаришларни юзага келтиради.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида хўжалик операциялари натижасида юз берадиган ўзгаришларни акс эттириш учун иккиёқлама ёзув усули қўлланилади.

Иккиёқлама ёзув шундай ёзувки, унинг натижасида ҳар бир хўжалик операциясининг суммаси ҳисобварақларда икки маротаба: бир ҳисобварақ дебетида ва айни вақтда ўзаро боғлиқ бўлган бошқа ҳисобварақ кредитида акс эттирилади. Чунки хўжалик операциялари юзага келтирадиган ўзгаришлар иккиёқлама хусусиятга эга ва ҳисобнинг икки алоҳида объектига, бинобарин, иккита ҳисобварақка таъсир этади. Ҳар бир хўжалик операцияси икки ҳодисага олиб келади.

Чунончи, агар корхона товарлар харид қилса, бир томондан, омбордаги товарлар қолдиғи кўпайиши акс эттирилади ва бошқа томондан, албатта ушбу товарлар қандай манбалар: нақд пулга сотиб олинган, кредитга олинган ва ҳоказо ҳисобига олинганлиги кўрсатилади. Шунинг учун, хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш мақсадида ўзаро боғлиқ бўлган икки ҳисобварақда битта суммани қайд этиш зарур.

1494 йилдаёқ итальян математиги Лука Пачоли иккиёқлама ёзув усулини асослаб берган. Унинг ҳисобварақлар ва ёзувлар тўғрисидаги рисоласида, ҳисобварақлар бўйича ёзувларни бир вақтнинг ўзида «бермоқ» ва «эга бўлмоқ» остида қайд этиш зарурлиги ва агар «бермоқ» ва «эга бўлмоқ»да жойлаштирилган суммалар қўшилса, якунлар бир хил чиқиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Хўжалик операциялари ҳисобварақларида иккиёқлама ёзув усули билан акс эттириш тартибини қуйидаги мисолларда кўриб чиқамиз.

1-мисол. Кассага банкдаги ҳисоб-китоб счётидан нақд пул — 5 минг сўм келиб тушди. Ушбу операция натижасида ҳисоб-китоб счётида пул маблағлари камайди ва кассада шу суммага кўпайди. Иккала ҳисобварақ актив ҳисобварақдир. Шунинг учун 5 минг сўм 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи дебети ва 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи кредитида ёзилади.

Дебет	5010 (А)	Кредит
(+) 5 000 кассада нақд пулнинг кўпайиши		

Дебет	5110 (А)	Кредит
		(–) 5 000 ҳисоб-китоб счётида нақд пулнинг камайиши

2-мисол. Таъсисчилардан бири устав капиталига улуш сифатида нархи 100 минг сўмлик компьютерни киритди.

Ушбу операция натижасида асосий воситалар кўпаяди ва устав капитали ошади. 0150-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» ҳисобварағи — актив, 8330-«Пай ва қўйилмалар» ҳисобварағи — пассивдир. Шунинг учун 100 минг сўмни 0150-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» ҳисобварағи дебети ва 8330-«Пай ва қўйилмалар» ҳисобварағи кредити бўйича ёзиш керак.

Дебет	0150 (А)	Кредит
(+) 100 000 асосий воситаларнинг кўпайиши		

Дебет	8330 (П)	Кредит
		(–) 100 000 устав капиталининг кўпайиши

3-мисол. Ҳисоб-китоб счётидан маҳсулот етказиб берувчиларга 8 минг сўм миқдорида олдиндан ҳақ ўтказилди.

Ушбу операция натижасида ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари камайди ва мол етказиб берувчининг корхонага қарзи (дебиторлик қарзи) кўпайди. 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи — актив, 4310-«ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» ҳисобварағи ҳам активдир. Шунинг учун 8 минг сўм 4310-«ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга

берилган бўнаклар» ҳисобварағи дебетига ва 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи кредитига ёзилади.

Дебет	4310 (А)	Кредит
(+) 8 000 мол етказиб берувчилар-нинг дебитор қарзи кўпайиши		

Дебет	5110 (А)	Кредит
	(–) 8 000 ҳисоб-китоб счётида пул маблағининг камайиши	

4-мисол. Мол етказиб берувчидан 8 минг сўмлик материаллар олинди. Демак, омбордаги материаллар кўпаяди ва мол етказиб берувчиларнинг қарзи камаяди. 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағи омбордаги мавжуд материалларни ҳисобга олади ва актив ҳисобланади. 4310-«ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» ҳисобварағи ҳам активдир. Шунинг учун 8 минг сўм 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағи дебети ва 4310-«ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» ҳисобварағи кредитига ёзилади.

Дебет	4310 (А)	Кредит
(+) 8 000 омбордаги материаллар-нинг кўпайиши		

Дебет	4310 (А)	Кредит
	(–) 8 000 мол етказиб берувчилар-нинг дебитор қарзи камайиши	

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, хўжалик операцияларини иккиёқлама ёзув усули билан акс эттириш натижасида муайян ҳисобварақлар ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқлик юзага келади, у ***ҳисобварақлар корреспонденцияси (котировкаси)*** ёки ***бухгалтерия ўтказмаси*** деб аталади.

Бухгалтерия ўтказмалари оддий ва мураккаб бўлади. Икки ҳисобварақка таъсир этадиган ёзувлар ***оддий*** (юқорида келтирилган мисолларга қаранг), уч ва ундан ортиқ ҳисобварақка дахлдорлари ***мураккаб*** ўтказмалар дейилади.

5-мисол. Ҳисоб-китоб счётидан банкка қисқа муддатли ссуда учун — 10 минг сўм; корхона кассасига — 15 минг сўм пул ўтказилди. Жами 25 минг сўм. Берилган операциялар бўйича бухгалтер қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади:



Ушбу операция натижасида ҳисоб-китоб счётида пул маблағлари камаяди, кассада эса кўпаяди, айни вақтда корхонанинг ссуда бўйича банкдан қарзи камаяди.

Иккиёқлама ёзув усули катта назорат аҳамиятига эга, чунки битта хўжалик операцияси тенг суммада икки маротаба — бир ҳисобварақнинг дебети ва бошқа ҳисобварақнинг кредити бўйича акс эттирилади. Шунинг учун мазкур операция бўйича суммалар тафовути юзага келиб қолса, йўл қўйилган хато аниқланади.

5.3. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг амалий қўлланиши

2004 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча корхоналари бухгалтерия ҳисобини 21-сонли БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» (ЎзР АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ олиб борадилар.

Янги ҳисобварақлар режасини қўллаш Ўзбекистон Республикаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритишни иложи борича халқаро стандартларга яқинлаштириш ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини татбиқ этиш имкониятини яратади.

Ҳисобварақлар режасида ҳисобварақларнинг гуруҳланиши «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»га мувофиқ молиявий ҳисобот элементларини гуруҳланиши билан мос келади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари 5 қисм ва 9 бўлимга ажратилган. Балансдан ташқари ҳисобварақлар алоҳида кўрсатилган. 1-8-бўлимларда бухгалтерия баланси ҳисобварақлари, яъни бухгалтерия балансида акс эттириладиган сальдога эга бўлиши мумкин бўлган ҳисобварақлар жойлаштирилган. Улар ***доимий ҳисобварақлар*** деб аталади. 9-бўлимда молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот бўйича ҳисобварақлар, яъни ***вақтинчалик (транзит) ҳисобварақлар*** жойлаштирилган, улар ҳеч қачон сальдо (қолдиқ)га эга бўлмайди, чунки ҳар ойда ёпилади. Ҳисобварақларнинг бундай жойлаштирилиши молиявий ҳисобот тайёрлаш жараёнини соддалаштиради.

Ҳисобварақлар режасининг I қисмидаги ҳисобварақлар узоқ муддатли, яъни бир йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатда иқтисодий наф келтирадиган активларни акс эттиради. Эски ҳисобварақлар режасидан фарқли ўлароқ, I қисм «Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар»да узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар киритилган. Корхона харидорлар ва буюртмачилар билан бир йилдан ортиқ бўлган муддатда қонланишни кўзда тутилган узоқ муддатли контракт тузган тақдирда, ушбу дебиторлик қарзи 0900-0990-сонли узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебетида акс эттирилади. Агар контракт бир йилдан кам бўлган муддатга тузилган бўлса дебиторлик қарзи 4010-4810-«Олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади. Худди шундай ҳолат келгуси давр харажатларига ҳам тааллуқлидир. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларнинг узоқ муддатли қисми, бир йилдан ортиқ муддатга берилган ижара бўйича олдиндан тўловлар 0910-0990-сонли ҳисобварақларда, уларнинг жорий қисми, яъни жорий йил давомида ҳисобга олинадиган харажатлар эса 3110-3190-сонли ҳисобварақларда акс эттирилади.

Жорий (айланма) активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар Ҳисобварақлар режасининг 2-5-бўлимларида ҳисобга олинади. Буларга ТМЗни, бир йилдан кам бўлган муддатли дебитор қарзларини, пул маблағлари ва улар эквивалентларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар киради.

Мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар жорий мажбуриятларни (6-бўлим) ва узоқ муддатли мажбуриятларни (7-бўлим) ҳисобга олувчи ҳисобварақларга ажратилади. Корхона банкдан уч йил муддатга, ҳар йили унинг 1/3 қисмини тўлаш мажбурияти билан 3 000 минг сўмлик узоқ муддатли кредит олди дейлик. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш лозим:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 3 000 минг сўм

Кредит 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» — 2 000 минг сўм

Кредит 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — 1 000 минг сўм.

Кейинги ҳисобот даври охирида тегишли суммани узоқ муддатли мажбуриятлардан жорий қисмига ўтказиш лозим:

Дебет 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» — 1 000 минг сўм

Кредит 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — 1 000 минг сўм.

Бинобарин, Ҳисобварақлар режасида активлар ва мажбуриятлар узоқ ва қисқа (жорий) муддатли қисмларга аниқ ажратилиши кўзда тутилган. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини жорий активлар ва жорий мажбуриятлар нисбатидан иборат ликвидлик коэффициенти ёрдамида мунтазам равишда баҳолаш имкониятини яратади. Жорий ликвидлилик коэффициенти корхона ўзининг жорий маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплай олишини баҳолаш имкониятини беради. Ушбу кўрсаткичнинг энг яхши даражаси 2,0 ҳисобланади.

8-бўлимда хусусий, яъни устав, қўшилган, резерв капиталини, тақсимланмаган фойда ва резервларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар акс эттирилади.

9-бўлимда даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар акс эттирилган. Ушбу барча ҳисобварақлар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан ёпилади. 9910-сонли ҳисоб-

варақнинг дебет ва кредит айланмаси орасидаги фарқ 8710-«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказилади.

Кичик корхоналар қисқартирилган Ҳисобварақлар режасини қўллаши мумкин. Ҳисобварақлар режаси бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган, унда ҳар бир ҳисобварақ батафсил тавсифланган, уни қўллаш бўйича кўрсатмалар берилган ва одатий қўлланиладиган бухгалтерия ўтказмаларининг намунавий рўйхати келтирилган.

6-боб. ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ИНВЕНТАРЛАШ

6.1. Ҳужжатлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти

Бухгалтерия ҳисоби қатъиян ҳужжатли ҳисобланади ва у ҳужжатлар асосида юритилиши керак. Ҳар қандай хўжалик операцияси бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади, у ҳисоб ёзувларини асослаш учун хизмат қилади ва юридик далил кучига эгадир.

Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳужжатлар айланишини юритиш «Бухгалтерия ҳисобидаги ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги Низом (ЎзР АВ томонидан 14.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Бухгалтерия ҳужжати — муайян хўжалик операциясини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ёки унинг ҳақиқатда содир этилганлик ҳолатини тасдиқлайдиган ёзма гувоҳномадир.

Ҳужжатларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар ҳисоб ёзувларининг манбалари ҳисобланади ва хўжалик операцияларининг қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш учун хизмат қилади.

Мулкнинг бут сақланиши учун курашда ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта. Ҳужжатлар ёрдамида моддий жавобгар шахслар ҳаракатларининг тўғрилиги назорат қилинади, улар томонидан қимматликлар ва мол-мулк олиниши ҳамда берилишининг асослилиги текширилади. Ҳужжатлаштириш қаровсизлик, камомад ва йўқотиш, суиистеъ-

мол қилиш ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳужжатларнинг юридик аҳамияти шундан иборатки, улар корхона билан бошқа ташкилотлар ёки шахслар ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш пайтида гувоҳнома, далил ҳисобланади. Улардан хўжалик суди идоралари турли даъволар хусусидаги масалаларни ҳал этиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини текшириш чоғида фойдаланадилар.

Лекин ҳужжат барча кўрсатилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилган ва расмийлаштирилган тақдирдагина юридик далил кучига эга бўлади.

Ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш. Бирламчи ҳужжатлар операция содир этилган пайтда ёки у тугаганидан кейин тузилади. Ҳужжатларни тузиш тартиби, уларнинг ҳаракати ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун топшириш муддатлари корхонада тасдиқланган ҳужжатлар айланма жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Бирламчи ҳужжатларни тузувчи ва имзоловчи шахслар уларнинг ўз вақтида ва сифатли расмийлаштирилишини, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишини, шунингдек уларда берилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлайдилар.

Ҳужжатни сифатли, равшан ва тўлиқ тўлдириш. Ҳужжатлар бланклари компьютер ёки ручкада аниқ, батартиб ва тушунарли тарзда тўлдирилади. Ёзувлар учун қаламдан фойдаланиш тақиқланади. Бирламчи ҳужжатлар ва регистрларда бўш қолган қаторлар устидан чизиб тўлдирилади. Уларда изоҳланмаган тузатишларга йўл қўйилмайди. Тузатилган хатолар ҳужжатни тузган шахслар имзоси билан тасдиқланиб, тузатиш санаси кўрсатилиши керак. Пул ҳужжатларида ҳеч қандай, ҳатто олдиндан келишилган тузатишларга йўл қўйилмайди.

Кўпгина бирламчи ҳужжатлар тасдиқланган намунавий унификацияланган шакллар бўйича тузилади. Агар ҳужжат бўйича унификацияланган шакл кўзда тутилмаган бўлса, унда қуйидаги мажбурий реквизитлар бўлиши керак:

— ҳужжатнинг номи ва рақами;

— корхонанинг номи;

— ҳужжатни тузиш санаси ва унинг тузилган манзили;

— хўжалик операциясининг мазмуни;
— ҳисоб ўлчовлари (миқдор, сумма);
— хўжалик операцияларини содир этиш ва ҳужжатни расмийлаштириш учун масъул шахсларнинг имзолари. Имзолар тушунарли бўлиши керак.

Санаб ўтилган реквизитлар ҳар бир бухгалтерия ҳужжатида бўлиши керак, қолган ахборот эса ҳужжатлаштирилаётган операцияларнинг хусусияти билан белгиланади.

Компьютер техникасидан фойдаланиш реквизитлар миқдорини камайтириш, уларга ишлов бериш ва уларни тўлдириш тезкорлигини ошириш имконини беради.

Белгиланган талабларни бузган ҳолда тузилган ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайди ва бажарилган операцияларнинг тўғрилиги ҳамда қонунийлигининг исботи бўла олмайди.

Бухгалтерия ҳужжатлари ҳар доим ҳаракатда бўлади. Тузилганидан кейин улар бухгалтерияга келиб тушади ва ҳоказо. Тўлдириш ёки олиниш пайтидан бошлаб ижронинг якунланиши ва архивга топширилишига қадар ҳужжатларнинг ҳаракати ***ҳужжатлар айланиши*** деб аталади.

Корхона бухгалтерия ҳисобидаги ҳужжатларнинг ҳаракати (тайёрлаш ёки бошқа корхоналардан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлов бериш, архивга топшириш) жадвал билан тартибга солинади. Ҳужжатлар айланиши жадвалини тузиш ишлари корхона раҳбари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ у белгилаган шахс томонидан ташкиллаштирилади. Ҳужжатлар айланиши жадвали корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Жадвал корхонада энг мувофиқ ҳужжатлар айланишини, яъни ҳар бир ҳужжат ижро этилиши юзасидан энг мувофиқ бўлган ижрочилар сонини, бўлинмада энг кам муддатда ижро этилиш муддатини кўзда тутиши лозим. Ҳужжатлар айланиши жадвали корхонада барча ҳисоб ишини яхшилашга, бухгалтерия ҳисобининг назорат вазифасини кучайтиришга кўмакдош бўлиши лозим. Ҳужжатлар айланиши жадвали корхонанинг ҳар бир бўлинмаси ёки ижрочилари томонидан ҳужжатларни тузиш, текшириш ва уларга ишлов бериш юзасидан, ҳар бир ижрочи, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ижро этиш муддатларини белгилаган ҳолда, бажариладиган ишларга оид чизма ёки ишлар рўйхати кўринишида расмийлаштирилади (5-жадвал).

5-жадвал

Корхона бўйича ҳужжатлар айланишининг намунавий жадвали

Ҳужжат номи	Ҳужжатни тайёрлаш					Ҳужжатни текшириш				Ҳужжатларга ишлов бериш		Архивга бериш	
	сони	тайёрлаш учун масъул	расмий учун масъул	ижро учун масъул	ижро муддати	текширишга масъул	ким тайёрлаган	тақдим этиш тартиби	тақдим этиш муддати	ижрочи	ижро муддати	ижрочи	ижро муддати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Талаб-нома ...	2	цех	МТТБ бух-галтерия	омбор	ҳар куни соат ___ гача	бух-галтерия	1 нусхи цех: 1 нусхи бух.	ҳисобот дафтари, реестр ҳужжати	ҳар куни соат ___ гача	бух-галтерия	ҳар куни	бух-галтерия	чорак якунида

Корхона ходимлари ҳужжатлар айланиши жадвалига мувофиқ ўзларининг фаолият соҳасига тааллуқли бўлган ҳужжатларни тайёрлайдилар ва тақдим этадилар. Бунинг учун ҳар бир ижрочига жадвалдан кўчирма тақдим этилади. Кўчирмада ижрочининг фаолият соҳасига тегишли бўлган ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддати ва корхонанинг қайси бўлинмасига тақдим этилиши кўрсатиб ўтилади. Ҳужжатлар айланиш жадвалига риоя қилиш, шунингдек ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлигига ушбу ҳужжатларни тайёрлаган ва имзо чеккан шахслар масъул ҳисобланади. Ижрочиларнинг ҳужжатлар айланиши жадвалига риоя қилишлари устидан назоратни корхона раҳбари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ тайинланган шахс олиб боради.

Ҳужжатлар айланишининг умумий босқичлари қуйидагилардан иборат: ёзиб тайёрлаш; текшириш ва қабул қилиш; ишлов бериш; сақлаш. Умумий жараён ҳужжатлар айланишини имкони борича соддалаштириш ва қисқартиришни таъминлаш мақсадида амалга оширилиши керак.

Ҳужжатлардан иккиламчи фойдаланиш йўли билан суиистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида уларнинг баъзи бирлари тасдиқланади, бунда «Олинди», «Тўланди», «Берилди» ва шунга ўхшаш махсус тамғани босиш билан расмийлаштирилади.

Бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар моҳияти, шакли ва арифметик ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги бўйича текширилади, таксировка қилинади ва муайян тартибда гуруҳланади.

Моҳият бўйича текшириш ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хўжалик операцияларининг амалдаги қонунчиликка, қоидалар, меъёрлар, сметаларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Масалан, бўнак ҳисоботларида ҳисоб-китоб тартибини ва кунлик, тураржой, йўл харажатлари миқдори ва ҳоказоларни текшириш зарур.

Ҳужжатларни шакл бўйича текшириш барча реквизитлар, имзолар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганини, матн ва рақамлар тушунарли бўлишини аниқлаш мақсадини кўзлайди.

Арифметик текширув деб, ҳисоб-китоблар, чиққан умумий якунларнинг тўғрилигини текширишга айтилади.

Таксировка — ҳужжатларда қайд этилган хўжалик операцияларининг пулдаги баҳосини белгилашдир.

Сўнгра хусусияти бўйича бир гурдаги ҳужжатлар гуруҳларга ажратилади, гуруҳлар бўйича якунлар жамғариш қайдномаларига ёзилади.

Ишлов бериш операциялар бўйича ҳисобварақлар корреспонденциясини белгилаш билан тугалланади. Ҳисобварақлар корреспонденцияси одатда ҳужжатларнинг ўзига қўйиб чиқилади ёки алоҳида расмийлаштирилади.

Тўлиқ бухгалтерия ишловидан кейин барча ҳужжатлар тикилади ва сақлаш учун жорий архивга топширилади, бу ерда уларнинг бут сақланиши таъминланади.

Корхоналарнинг бирламчи ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари улар учун белгиланган сақлаш муддатлари мобайнида корхона бухгалтериясида сақланади, шундан сўнг улар йўқ қилиниши ёки марказий архивга топширилиши керак. Ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоботларини сақлаш муддатлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланади.

6.2. Инвентарлаш, унинг турлари ва ўтказиш тартиби

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари корхона мол-мулки ва унинг манбаларининг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисида аниқ ахборот бериши керак. Ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқатдан мавжуд бўлган маълумотларга мос бўлиши лозим. Бироқ, баъзи ҳолларда муайян сабабларга кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ҳақиқий маълумотлар ўртасида тафовут юз беради. Бу ҳол сақлаш чоғидаги табиий камайиш (тарқалиш, буғланиб кетиш, қуриб камайиш, силжиш ва ҳоказо) натижасида, ҳужжатлардаги хатолар туфайли, чалкаштириш ёки нотўғри тортиш, суиистеъмол қилиш ва ўғирликлар натижасида юз бериши мумкин.

Инвентарлаш деб ҳақиқатда мавжуд бўлган мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни уларни муайян санадаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш йўли билан аниқлаштиришга айтилади.

Инвентарлаш мақсадлари, уни ўтказиш қоидалари, тафовутларни тартибга солиш ва инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш тартиби 19-сонли БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» (ЎзР АВ томонидан 02.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинган.

Инвентарлашнинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд молмулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Қуйидаги ҳолларда инвентарлашни ўтказиш шарт:

— мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, давлат тасарруфидан чиқарилганда ва хусусийлаштирилганда;

— асосий воситалар ва товар-моддий қимматликлар қайта баҳоланганда;

— моддий жавобгар шахслар алмашганда;

— ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда;

— табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;

— хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда);

— йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан.

Товар-моддий захиралар бир йилда камида бир марта, асосий воситалар икки йилда камида бир марта, кутубхона фондлари беш йилда бир марта, пул маблағлари ва пул ҳужжатлари, қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар чоракда инвентарланади.

Инвентарлашни ўтказиш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан инвентарлаш комиссияси ташкил этилади, унинг таркибига бош (катта) бухгалтер киради. Комиссияга корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари бошчилик қилади. Раҳбарнинг буйруғи билан инвентарлашни ўтказиш муддатлари, объектлари ва тартиби белгиланади. Инвентарлашни ўтказишдан олдин тайёргарлик иши олиб борилади. Инвентарлашни бошлаш олдидан барча бирламчи ҳужжат-

ларга ишлов бериш охирига етказилади. Барча товар-моддий қимматликлар номлари, нав ва ҳажмларига кўра жойлаштирилиши керак. Инвентарлаш бошланишидан олдин комиссия моддий жавобгар шахслардан барча ҳужжатлар бухгалтерияга ёки комиссияга топширилганлиги ва уларнинг жавобгарлигига келиб тушган барча бойликлар кирим қилинганлиги, ишлатилганлари эса харажатга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилганлиги хусусидаги тилхатни олади.

Инвентарлаш бойликлар жойлашган ерда ўтказилади, унда моддий жавобгар шахсларнинг иштирок этиши шарт. Инвентарлаш вақтида операциялар тўхтатиб қўйилади.

Бойликларнинг мавжудлиги инвентарлаш пайтида уларни албатта санаш, тортиш ва ўлчаш йўли билан белгиланади. Моддий бойликлар кўп миқдорда бўлган ҳолларда уларни танлаб текширишга рухсат берилади. Уюлиб сақланаётган бойликлар техник ҳисоб-китоб йўли билан ҳисобланади.

Аниқланган ва ҳисоблаб чиқилган бойликлар махсус инвентарлаш рўйхатларида батафсил қайд этилади. Рўйхатларга комиссиянинг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар имзо чекадилар. Рўйхат охирида моддий жавобгар шахслар комиссия бойликларни уларнинг иштирокида текширганлигини, комиссия аъзоларига нисбатан бирор-бир даъволарининг йўқлиги ва рўйхатда санаб ўтилган бойликларнинг масъулиятли сақлашга қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган тилхат берадилар.

Бухгалтерияда инвентарлаш рўйхатларининг маълумотлари ҳисобда кўрсатилган қолдиқлар билан солиштирилади ва тафовутлари (ортиқча ёки камомад) аниқланган бойликлар бўйича солиштириш қайдномаларини тузадилар. Солиштириш қайдномаларини комиссия ва моддий жавобгар шахслар имзолайдилар.

Инвентарлаш тугаганидан сўнг унинг тўғри ўтказилганлигини назорат тарзида текшириш амалга оширилиши мумкин. Бундай текширувлар натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва махсус дафтарда қайд этилади.

Инвентарлаш тўғрисидаги буйруқ, инвентарлаш рўйхати, солиштириш қайдномаси, инвентарлаш далолатномалари ва назорат текширувларини ҳисобга олиш дафтарла-

рининг намунавий шакллари 19-сонли БҲМСга иловаларда келтирилади.

Инвентарлаш ва бошқа текширишлар пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фарқлари қуйидагича тартибга солинади:

— ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилиниши ва тегишлича корхонанинг молиявий натижаларига қайд этилиши, келгинчалик ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар аниқланиши керак;

— белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши раҳбарнинг фармойишига кўра ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан ўчирилади;

— йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади, шунингдек, бойликлар бузилишидан кўрилган талафотлар айбдор шахсларга юкланади;

— бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёрларидан ортиқча камомади, камомад ва бузилишларнинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ҳолларда, ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Бунда ана шундай камомад ва талафотларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган чоралар кўрсатилиши керак.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тугаган ойдаги ҳисоб ва ҳисоботда, йиллик инвентарлашда эса йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак.

Инвентарлашлар натижалари маълумотлари инвентарлашда аниқланган натижалар қайдномасида (19-сонли БҲМСга 5-илова) умумлаштирилади.

6.3. Ҳисоб регистрлари. Ҳисоб регистрларида хатоларни тузатиш усуллари

Ҳисоб регистрлари — ҳисоб ахборотини қайд этиш учун мўлжалланган махсус шаклдаги жадваллардир. Уларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ва бухгалтерия ҳисоботида акс эттириш учун бирламчи ҳужжатлардаги ахборот гизимлаштирилади ва тўпланади. Компьютер техникасидан фойдаланганда тизимлаштириш компьютерда амалга ошп-

рилади ва унинг хотирасига киритилади. Зарурияттa қараб ушбу маълумотлар қоғозга чиқарилади.

Ҳисоб регистрларидаги ёзувлардан корхонанинг хўжалик фаолиятини назорат қилиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, кейинги иқтисодий таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида тавсиялар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Ҳисоб регистрларида ҳужжатнинг рақами ва операциянинг қисқача мазмуни кўрсатилади, бирламчи ҳужжатнинг ўзи эса одатда ҳисоб регистрига тикиб қўйилади, шу билан унинг сақланиши таъминланади.

Ҳисоб регистрларининг маълумотлари бўйича бухгалтерия ҳисоботи, шу жумладан баланс ва ҳисобот калькуляциялари тузилади. Ҳисоботнинг ишончли бўлиши унинг фақатгина ҳисоб регистрларидан келиб чиққанлиги ва бирламчи тасдиқловчи ҳужжатларга асосланганлиги билан шартланади.

Ҳисоб регистрлари ҳисоб ёзувларининг хусусияти, таркибий ҳажми, тузилиш шакли ва ташқи кўриниши бўйича ажратилади (5-чизма).



5-чизма. Ҳисоб регистрлари таснифи

Ҳисоб ёзувларининг хусусиятига кўра ҳисоб регистрлари хронологик (рўйхатга олиш журналлари) ва мунтазам (омбор ҳисоби варақчалари, касса дафтари ва ҳоказо) турларга бўлинади.

Хронологик ёзув — хўжалик операцияларининг содир этилиши кетма-кетлигида, кўпинча ҳужжатларнинг бухгалтерияга келиб тушиш тартиби бўйича хронологик тартибда ёзишдир. Улар ҳисобининг тўлиқлигини текшириш, ой учун умумий айланма ва ҳужжатларнинг сақланишини аниқлаш учун назорат аҳамиятига эга.

Мунтазам регистрлар хўжалик операцияларини муайян тизимда (гуруҳда) рўйхатга олиш учун мўлжалланган. Масалан, Бош дафтарда ҳисобварақлар корреспонденцияси кўрсатилган ҳолда бирга жамлама ҳисобварақлар келтирилган.

Мазмун ҳажми бўйича регистрлар жамлама ва таҳлилий турларга бўлинади.

Жамлама ҳисоб регистрлари хўжалик операцияларини умумлаштирилган кўринишда ва фақат пул ифодасида ёзиш учун мўлжалланган (тушунтириш матнисиз, фақат сана, рақам ва бухгалтерия ўтказмасининг суммасини кўрсатиб).

Таҳлилий ҳисоб регистрлари айрим таҳлилий ҳисобварақлар бўйича бир турдаги операцияларни ҳам пул, ҳам натура ифодасида акс эттириш учун ишлатилади. Таҳлилий регистрлардаги ёзувлар анча батафсилдир, чунки бунда операциянинг қисқача мазмуни келтирилади.

Тузилиш шакли бўйича бир томонлама, икки томонлама ва шахматли регистрлар мавжуд.

Бир томонлама регистрлар — моддий бойликлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа операцияларни ҳисобга олиш учун турли варақчалардир. Уларда дебет ва кредит ёзувларининг алоҳида устунлари бирлаштирилган. Улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Сана	Операция рақами	Ёзув мазмуни	Кирим, сўм	Чиқим, сўм	Қолдиқ, сўм

Регистрнинг икки томонлама шаклида ёзувлар алоҳида: чапда қандайдир маблағларнинг кирими, ўнгда — чиқими бўйича амалга оширилади. Ёзувларни бундай ажратиш, бир томондан, кирим бўйича ҳам, чиқим бўйича ҳам айланмани ҳисоблаш мумкинлиги сабабли қулайдир, лекин

бошқа томондан, чиқим бўйича ёзувлар кирим бўйича ёзувлардан кўпроқ бўлиши мумкин. Икки томонлама регистр қуйидаги шаклга эга:

Кирим				Чиқим			
Сана	Операция т/р	Ёзув мазмуни	Сумма, сўм	Сана	Операция т/р	Ёзув мазмуни	Сумма, сўм

Регистрнинг шахматли шаклида горизонтал бўйича дебетланадиган ҳисобварақлар, вертикал бўйича эса — кредитланадиган ҳисобварақлар жойлашади. Регистрнинг шахматли шакли қуйидаги кўринишга эга:

Ҳисобварақлар дебети	Ҳисобварақлар кредити					
	1010	2010	4010	, 5110	6010	ва ҳ.к.
1010					12 000	
2010	80 000					
4010		150 000				
5110						
ва ҳ.к.						

Ташқи кўриниши бўйича ҳисоб регистрлари варақчалар, дафтарлар, қайдномалар, машинограммалар ва ҳоказоларга табақаланади.

Варақчалар қоғоз ёки юпқа картондан тайёрланади, алоҳида қутилар — картотекаларда сақланади ва гуруҳлар ёки кичик гуруҳларга бўлинади.

Дафтарлар махсус устунчаларга ажратилган, тикилган ва рақамланган қоғоз варақларидан иборат. Дафтарларнинг барча саҳифалари олдиндан рақамланади, дафтар тикилади, дафтарнинг охирида саҳифалар миқдори кўрсатилади ҳамда бош бухгалтер ва раҳбарнинг имзолари қўйилади.

Қайдномалар (йиғма варақлар) алоҳида варақлар ёки бирга тиркалган бир нечта варақдан иборат бўлиб, улар жилдларда сақланади.

Машинограммалар — компьютер техникасида қоғозга кўчириладиган ҳисоб регистрларидир.

Баъзан ҳисоб регистрларини тўлдириш пайтида якунларни нотўғри ҳисоблаш, рақамларни нотўғри ёзиш туфайли хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Ушбу хатоларни тузатиш зарурдир. Хатоларни тузатишнинг бир нечта усули мавжуд.

Корректура усули хато регистрда умумий якун чиқарилишига қадар аниқланган ҳолда қўлланилади. Хатоли ёзув уни ўқиш мумкин бўладиган қилиб устидан бир чизиқ билан чизилади ва ёнига тўғриси ёзилади. Хатони тузатиш изоҳ қилиш ва ҳужжатда — уни тасдиқлаган шахсларнинг имзолари билан; ҳисоб регистрларида — тузатишни амалга оширган шахснинг имзоси билан тасдиқланиши керак. Изоҳ ҳисоб регистрининг юзасида тузатилган ёзув сатрининг қаршисида берилади.

Қўшимча ёзув усули ҳисобварақлар корреспонденцияси бузилмаган, лекин ёзув кераклигидан кам суммада қилинган тақдирда қўлланилади. Бундай ҳолда тўғри ва нотўғри суммалар ўртасидаги фарққа ўша корреспонденцияда қўшимча ёзув тузилади.

Мисол. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун омбордан 55 минг сўмлик материаллар сарфланган, ҳисобда эса нотўғри сумма — 50 минг сўм акс эттирилган. Тасдиқловчи ҳужжат сифатида йўл қўйилган хато тўғрисида маълумотнома тузилади, унинг асосида қўшимча равишда оддий сиёҳ билан 5 минг сўмлик суммага ёзув қайд этилади. Ҳисобварақларда бу қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Д-т	2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	К-т
1) хато 50 000		
2) қўшимча ёзув 5 000		
Жами тўғри 55 000		

Д-т	1010 «Хом ашё ва материаллар»	К-т
Бошланғич қолдиқ 55 000	1) хато 50 000	
	2) қўшимча ёзув 5 000	
	Жами тўғри 55 000	

«Қизил сторно» (манфий ёзув) усули нотўғри ҳисобварақлар корреспонденциясини тузатиш пайтида ёки тўғри сумма хато суммадан кам бўлганда қўлланилади. Нотўғри корреспонденция қўлланилганда хатони тузатиш учун ҳисоб-

варақларда иккита корреспонденция қилинади. Бир ўтказма айнан нотўғри ўтказмани такрорлайди, лекин қизил сиёҳ билан ёзилади, бу эса чегиришни англатади. Агар қизил сиёҳ бўлмаса, сумма атрофи чизилган ҳолда рамкага олинади. Умумий суммани чиқариш пайтида қизил сиёҳ билан ёзилган сумма умумий якундан чегирилади. Натижада хато ёзув умумий якундан ўчирилади. Тўғри ёзув оддий сиёҳ билан ёзилади ва кейин умумий якунга киритилади.

Мисол. Корхонада асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 25 минг сўмлик материаллар берилган дейлик. У ўтказмада нотўғри кўрсатилган:

Дебет 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» — 25 000 сўм
Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 25 000 сўм.

Қуйидаги ўтказмани бериш зарур эди:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 25 000 сўм
Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 25 000 сўм.

Тузатиш учун биринчи ўтказма қизил сиёҳ билан ёзилади (шартли равишда рамка билан ўралган).

Дебет 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» — 20 000 сўм

Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 20 000 сўм

Сўнгра тўғри ўтказма тузилади:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 25 000 сўм
Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 25 000 сўм.

Ҳисобварақларда бу ҳол қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Д-т	2310	К-т
1) хато ёзув		
25 000		
2) тузатиш		
25 000		

Д-т	1010	К-т
	1)	25 000
	2)	25 000
	3)	25 000

Д-т	2010	К-т
3) тузатиш		
25 000		

«Қизил сторно» усули хато сумма тўғри суммадан катта бўлган ҳолда ҳам қўлланилади.

Мисол. Маҳсулот етказиб берувчилардан 100 минг сўмлик товар олинди, ҳисобда 120 минг сўм суммаси акс эттирилди. Бунда 20 минг сўмлик фарқни сторно ёзуви билан тузатиш керак.

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 120 000 сўм
Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» — 120 000 сўм.

Сторнолаш ёзуви:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 20 000 сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» — 20 000 сўм

Ҳисобварақларда бу ҳол қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Д-т	1010	К-т
Бошланғич қолдиқ 500 000		
1) хато сумма 120 000		
2) сторно ёзуви 20 000		

Д-т	6010	К-т
	1) хато сумма 120 000	
	2) сторно ёзуви 20 000	

Агар корхонанинг жорий йил учун ҳисоботида инвентарлаш пайтида ёки бошқа ҳолларда ҳисобот маълумотларини бузишга йўл қўйилганида ушбу маълумотларни тузатиш бузилиш йўл қўйилган давр (ой, чорак, йил) учун ҳисоботларда, шунингдек кейинги барча ҳисоботларда ўсиб борувчи якуний маълумотларда амалга оширилади.

6.4. Бухгалтерия ҳисоби шакллари

Бухгалтерия ҳисоби шакли — бу ўзаро боғланган ҳисоб регистрлари тизими ва уларда бухгалтерия ҳисоби объектларини акс эттиришнинг шаклланган тартибидир. Бухгалтерия ҳисоби шакли жамлама ва таҳлилий ҳисоб регистрларининг таркиби ва ўзаро алоқаси, регистр ташқи кўриниши ва тузилиши шакли, уларда хўжалик операцияларини қайд этилишининг изчиллиги ва усуллари билан ифодаланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги шакллари қўлланилади: ***соддалаштирилган, мемориал-ордер, журнал-ордер, автоматлаштирилган.***

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган шаклда юритишлари мумкин. Кичик

тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоб юритиш ва ҳисоботни тузиш тартиби «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида» деб номланувчи 20-сонли БҲМС (ЎзР АВ томонидан 24.01.2000 йилда 879-сон билан рўйхатдан ўтказилган)да белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сонли Фармонига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидаги мезонлар бўйича ажратилади:

1. Ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар.

2. Қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

— енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати — 100 кишидан;

— машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари — 50 кишидан;

— фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар — 25 кишидан ошмаган мулкчилик шаклидан қатъи назар кичик корхоналар.

Барча хўжалик операциялари бирламчи ҳужжатлар асосида хўжалик операциялари регистрида қуйидаги шакл бўйича рўйхатга олинади:

Хўжалик операциялари реестри

Т/р	Сана	Бирламчи ҳужжат номи ва рақами	Операция мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
					дебет	кредит

Реестр маълумотлари асосида кейинчалик Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш дафтари тўлдирилади, у тикилиши, рақамланиши ва раҳбар ҳамда бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланиши керак.

Дафтар ҳисобот даврининг бошида ҳар бир ҳисобварақ бўйича алоҳида қолдиқлар суммалари ёзувлари билан очилади. «Операция мазмуни» деб номланувчи устунда операция ойи ва мазмуни ҳар бир ҳужжатнинг келиб тушишига қараб хронологик кетма-кетликда қайд этилади. Бунда Дафтарда «Назорат суммаси» устунида рўйхатга олинган ҳар бир операция бўйича суммалар иккиёқлама ёзув усули билан ва айни вақтда мол-мулк ва унинг манбалари тегишли турларининг «Дебет» ва «Кредит» устунлари бўйича акс эттирилади.

Барча ҳисобварақлар дебет айланмаларининг умумий якуни «Назорат суммаси» якуни бўйича кредит айланмаларининг умумий якунига тенг бўлиши керак (операцияларни рўйхатга олиш дафтарининг шакли 6-жадвалда келтирилган).

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишлар жараёни анча мураккаб бўлган кичик корхоналар ҳисобнинг қайднома шаклини қўллашлари мумкин. Бунда бирламчи ҳужжатлардан ёки хўжалик операциялари реестридан олинган маълумотлар шакллари 20-сонли БҲМСга иловаларда келтирилган тегишли объектларни ҳисобга олиш қайдномаларида қайд этилади:

— молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси (В-1);

— пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси (В-2);

— маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси (В-3);

— ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси (В-4);

— товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси (В-5);

— меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш қайдномаси (В-6);

— ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси (В-7);

— асосий воситалар ва номоддий активлар эскиришини ҳисобга олиш қайдномаси (В-8);

6-жадвал

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари

Т/р	Сана	Ҳужжатнинг номи ва рақами	Операция мазмуни	Назорат суммаси	Машина ва асбоб-ускуналар (0130)		Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши (0230)		Хом ашё ва материаллар (1010)		Миллий валютадаги нақд маблағлари (5010)		Ҳисоб-китоб счёти (5110)		Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (6010)		Ходимларга ва бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган счётлар (4010)		Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6410)		ва ҳ.к.
					Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	

— харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси (В-9);

— йиғма қайднома (В-10);

— соф даромад ҳисоб-китоби (В-11).

Ҳар бир хўжалик операцияси иккита қайдномада ёзилади: бирида — ҳисобварақ дебети бўйича, бошқасида — ҳисобварақ кредити бўйича. Бу қайдномаларда таҳлилий ҳисоб ҳам юритилади.

Мемориал-ордер шакли бирламчи ҳужжатлар маълумотларини мемориал ордерларда акс эттиришга асосланган.

Касса операциялари ҳисоби бўйича
200____ йил март ойи учун мемориал-ордер

Ёзув учун асос	Ҳисобварақ дебети бўйича	Ҳисобварақ кредити бўйича	Сумма

Мемориал ордерлар операциялар бажарилишига қараб бевосита бирламчи ҳужжатлар асосида ёки жамғариш қайдномаларини тузиш йўли орқали улар олдиндан гуруҳлаштирилганидан кейин юритилади.

Мемориал ордерлар маълумотлари рўйхатга олиш журналида умумлаштирилади.

200____ йил март ойи учун рўйхатга олиш журнали

Мемориал-ордерларнинг тартиб рақамлари	Ордер санаси	Сумма

Кейин мемориал ордерлар маълумотлари Бош дафтарга ёзилади, у қуйидаги мазмундаги икки томонлама ёйиқ жадвал шаклига эга бўлади:

Бош дафтар

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» (касса) ҳисобварағи Кредит

Сана	Мемориал ордер рақами	Ҳисобварақлар кредити				Дебет бўйича жами	Сана	Мемориал ордер рақами	Ҳисобварақлар дебети				Кредит бўйича жами
		9010	5110	6520	6990 ва бошқ.				5110	6710	4220	6990 ва бошқ.	

Бош дафтар бўйича айланмалар рўйхатга олиш журналидаги барча мемориал ордерларнинг якуний суммаси билан таққосланади. Сўнгра Бош дафтардаги алоҳида жамлама ҳисобварақлар бўйича айланмалар қуйидаги шаклдаги айланма қайдномаси бўйича жойланади.

Ҳисобварақ номи	Бошланғич қолдиқ (Сб)		Ой учун айланмалар		Якуний қолдиқ	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит

Айланма қайдномаси асосида баланс тузилади.

Журнал-ордер шакли кредит хусусияти бўйича тузиладиган журнал-ордердаги маълумотларни жамғариш тамойилига асосланган, яъни журнал-ордерда ой учун бирор-бир ҳисобварақ ёки ҳисобварақлар гуруҳининг кредити бўйича барча операциялар жамғарилади. Мисол тариқасида «Касса» деб номланган 1-сон журнал-ордер шаклини келтирамиз.

Сатр рақами	Сана	Ҳисобварақлар дебетига						Кредит бўйича жами
		5110	5510	5710	4220	6990	ва ҳ.к.	

Шахматли ёзувни қўллаш журнал-ордер шаклига хосдир. Баъзи журнал-ордерларда жамлама ҳисоб таҳлилий ҳисоб билан биргаликда юритилади (6-сон журнал-ордер, 7-сон журнал-ордер).

Журнал-ордер шаклида Бош дафтар ҳисобварақлари ёйиқ тарзда ҳисобварақ дебети бўйича айланмаларни ва умумий сумма билан ҳисобварақ кредити бўйича айланмани акс эттиради, чунки кредит айланмаларнинг батафсил ёритилиши журнал-ордернинг ўзидаёқ берилган.

Журнал-ордер шаклида Бош дафтар қуйидаги кўринишда бўлади:

Ой	Дебет бўйича айланмалар				Дебет бўйича жами	Кредит бўйича жами	Қолдиқ	
	-сон ҳисобварақ кредитидан	-сон ҳисобварақ кредитидан	-сон ҳисобварақ кредитидан	ва ҳ.к.			дебет	кредит

Бош дафтар ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа регистрлари асосида баланс тузилади. Жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномаси тузилмайди.

Хўжалик амалиётида электрон-ҳисоблаш машиналари ва компьютер техникасидан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг янги шакли — автоматлаштирилган шаклнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу эса ҳисоб ахборотига ишлов бериш ва ҳисобот тузиш жараёнини кўп маротаба жадаллаштирди. ЭҲМ катта ҳажмдаги ахборотни хотирада сақлашга қодир, бу эса қоғоз ишлатиш бўйича харажатларни қисқартириш имконини беради.

Автоматлаштирилган шаклда хўжалик операциялари тўғрисидаги ахборот иш жойларида жойлашган периферия қурилмаларидан келиб тушади ёки одатдаги ҳужжатлар ва ҳисоб бланкларида қайд этилади. Йиғилган ахборот компьютерга киритилади, бу ерда у ишлов берилади ва умумлаштирилади. Ишлов бериш хусусияти ушбу жараённи бошқарувчи ва унинг тўғрилигини автоматик равишда текширувчи дастурий таъминотга боғлиқ. Ишлов берилган маълумотларни ЭҲМ ҳисоб учун талаб қилинадиган у ёки бу машинограммалар кўринишида беради.

Ҳисоб юритишнинг автоматлаштирилган шаклини қўллаш бухгалтерия ходимларининг анча кам миқдори билан қисқароқ муддатларда зарур ахборот олиш имконини беради.

6.5. «Балансдан балансгача» ҳисоб цикли

Ҳисоб цикли — бухгалтерия ҳисоботини тузишга олиб келадиган изчил қадамлар туркумидир. Ушбу цикл ҳар бир ҳисобот даврида такрорланади. Ҳисоб циклини қуйидаги қадамларга бўлиш мумкин:

1-қадам. Хўжалик операцияси содир бўлганлигини белгилаш, бирламчи ҳужжатларни йиғиш ва уларга ишлов бериш.

2-қадам. Хўжалик операцияларини ҳисоб регистрларида рўйхатдан ўтказиш ва уларда бухгалтерия ўтказмаларини тузиш.

3-қадам. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини очиш.

4-қадам. Хўжалик операцияларини Бош дафтар ҳисобварақлари бўйича жойлаштириш.

5-қадам. Ҳисобварақлар бўйича айланмаларни ҳисоблаш ва ҳисобот даври охирига қолдиқларни чиқариш.

6-қадам. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш.

«Балансдан балансгача» ҳисоб циклини тасвирлайдиган шартли мисол келтирамиз. Тушунтиришлар қулай бўлиши учун корхонада бухгалтерия ҳисоби мемориал-ордер шаклида юритилади деб фараз қиламиз.

Корхонада 01.01.2008 йил ҳолатига мол-мулк ва унинг манбаларининг қуйидаги турлари мавжуд: ускуналар бошланғич қиймат бўйича — 300 минг сўм; уларнинг эскириши — 90 минг сўм; материаллар — 60 минг сўм; тайёр маҳсулот қолдиқлари — 84 минг сўм; юклаб жўнатилган маҳсулот учун харидорлар қарзи — 70 минг сўм; олинган материаллар учун етказиб берувчиларга қарзлар — 102 минг сўм.

Корхонанинг ҳисоб-китоб счётида 246 минг сўм бор; иш ҳақи бўйича қарзлар — 120 минг сўм; ижтимоий суғурта идораларидан қарзлар — 36 минг сўм; тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари — 36 минг сўм. Корхонанинг устав капитали 290 минг сўм миқдорида шакллантирилган. Банкдан қисқа муддатли ссуда бўйича қарз мавжуд — 72 минг сўм. Корхонанинг фойдаси 86 минг сўмни ташкил этган.

Ана шу маълумотлар асосида дастлабки балансни (қисқартирилган) тузамиз.

Ҳисоб-варақ	Актив	Сумма	Ҳисоб-варақ	Пассив	Сумма
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	300 000	8330	Пай ва улушлар	290 000
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши	90 000	6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	72 000
	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	210 000	6010	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар	102 000
1010	Хом ашё ва материаллар	60 000			
2010	Асосий ишлаб чиқариш	36 000	6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар	120 000
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	84 000	6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	36 000
5110	Ҳисоб-китоб счёти	246 000			
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар	70 000	8710	Тақсимланмаган фойда	86 000
	Баланс	706 000		Баланс	706 000

2008 йилнинг январида корхонада қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилади.

1 - қ а д а м. Хўжалик операциялари содир бўлганлигини белгилаш.

1. Етказиб берувчилардан 30 минг сўмлик материаллар олинди. Ҳали ҳисоб-китоб бўйича тўлов амалга оширилмаган.

2. Ҳисоб-китоб счётидан иш ҳақи бериш учун кассага пул олинди — 120 минг сўм.

3. Кассадан иш ҳақи берилди — 120 минг сўм.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун омбордан материаллар берилди — 24 минг сўм.

5. Ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи ҳисобланди — 150 минг сўм.

6. Ижтимоий суғурта идораларига иш ҳақидан ажратмалар ҳисобланди — 60 минг сўм.

7. Иш ҳақидан даромад солиғи ушланди — 37,5 минг сўм.

8. Ҳисоб-китоб счётидан маҳсулот етказиб берувчиларга қарзни тўлаш учун пул ўтказилди — 42 минг сўм.

9. Ҳисоб-китоб счётига харидорлардан ўтган ойда юклаб жўнатилган маҳсулот учун пул келиб тушди — 37 минг сўм.

10. Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди — 95 минг сўм.

11. Ҳисоб-китоб счётидан банкнинг қисқа муддатли ссудаси қайтарилди — 50 минг сўм.

1. Биринчи операция натижасида омбордаги материаллар қиймати 30 минг сўмга кўпайди, лекин корхонанинг маҳсулот етказиб берувчилардан қарзи ана шу суммага ошди, чунки ҳали улар билан ҳисоб-китоб қилинмаган. Бунда 1010-«Хом ашё ва материаллар» актив ҳисобварағи иштирок этади, у омборда материаллар мавжудлигини акс эттиради. Омборда моддий бойликлар кўпайганлиги муносабати билан 30 минг сўм 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади. Айни вақтда ушбу операцияда 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи иштирок этади. У корхонанинг етказиб берувчилардан қарзини акс эттириши сабабли ушбу ҳисобварақ пассивдир. Пассив ҳисобварақларнинг кўпайиши кредит бўйича акс эттирилади, шунинг учун 30 минг сўм 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи кредитида акс эттирилади.

2. Иккинчи операция кассада пулнинг кўпайишига ва унинг ҳисоб-китоб счётида камайишига олиб келди. Иккала ҳисобварақ активдир. Шунинг учун 120 минг сўмни 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи дебетида ва 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи кредитида акс эттириш зарур.

3. Иш ҳақи берилиши кассада пулнинг камайишига ва корхонанинг иш ҳақи бўйича қарзини камайишига олиб келади. Ушбу қарз 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» пассив ҳисобварағида акс эттирилади. Шунинг учун 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи 120 минг сўмга дебетланади, 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағи эса ушбу суммага кредитланади.

4. Ушбу операция натижасида омбордаги мавжуд материаллар камаяди, асосий ишлаб чиқариш харажатлари эса кўпаяди. Бунда 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ва 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварақлари иштирок этади. Иккала ҳисобварақ ҳам активдир, шунинг учун 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи, дебетланади, 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағи эса кредитланади.

5. Ушбу операцияда 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ва 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварақлари иштирок этади. Иш ҳақини ҳисоблашда асосий ишлаб чиқариш харажатлари кўпаяди, лекин айни вақтда корхонанинг ходимлардан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзи ҳам кўпаяди. Шунинг учун 150 минг сўмни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебетига ва 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи кредитига ёзиш зарур.

6. Ҳар бир корхона иш ҳақидан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни амалга ошириши керак. Ушбу ажратмалар харажатларга киритилади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» актив ҳисобварағи ва корхонанинг ижтимоий суғурта идораларидан қарзни ҳисобга оладиган 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» пассив ҳисобварағи иштирок этади. Ушбу операция натижасида харажатлар ҳам, ижтимоий суғурта идораларига қарзлар ҳам кўпаяди, шунинг учун 60 минг сўм 2010-

«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебети ва 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

7. Даромад солиғи бюджетга ўтказилиши керак, лекин солиқ ҳозирча фақат ушланганлиги, аммо бюджетга ўтказилмаганлигини эсда тутиш зарур. Бунда иккита пассив ҳисобварақ иштирок этади — 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар», унда корхонанинг иш ҳақи бўйича ходимлардан қарзи камаяди, чунки солиқ иш ҳақидан ушланган, ва 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз», унда корхонанинг бюджетга қарзи кўпайган. Шунинг учун 6710-ҳисобварақ 37,5 минг сўмга дебетланади ва 6410-ҳисобварақ шу суммага кредитланади.

8. Ушбу операция ҳисоб-китоб счётида пулнинг камайишига ва корхонанинг мол етказиб берувчиларга қарзининг ҳам камайишига олиб келади (биринчи операцияда ушбу қарз кўпайди, пул ўтказилиши билан эса камайди). Шунинг учун 42 минг сўмни 6010-ҳисобварақ дебети ва 5110-ҳисобварақ кредити бўйича ёзамиз.

9. Ушбу операция ҳисоб-китоб счётида пулнинг кўпайишига ва харидорларнинг корхонамиздан қарзи камайишига олиб келади. Ўтган ойда маҳсулот юклаб жўнатилганда харидорнинг корхонадан қарзи юзага келганди, чунки харидор ҳали унинг учун ҳисоб-китоб қилгани йўқ эди. 4010-ҳисобварақ харидорларнинг корхонадан дебиторлик қарзини акс эттиради, шунинг учун у активдир. 37 минг сўмни 5110-ҳисобварақ дебети ва 4010-ҳисобварақ кредити бўйича ёзамиз.

10. Ушбу операция натижасида омбордаги тайёр маҳсулот қиймати кўпаяди, асосий ишлаб чиқариш харажатлари эса камаяди, чунки улар энди тайёр маҳсулотга ўтказилган. Бунда 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот» ва 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварақлари иштирок этади. Иккала ҳисобварақ ҳам активдир, шунинг учун 95 минг сўм 2810-ҳисобварақ дебети ва 2010-ҳисобварақ кредити бўйича акс эттирилади.

11. Ушбу операцияда 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» актив ҳисобварағи ва 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» пассив ҳисобварағи иштирок этади. У ҳисоб-китоб счётида пулнинг камайишига ва илгари олинган қисқа муддат-

ли ссуда учун корхонанинг банкдан қарзини камайишига олиб келади. Шунинг учун 50 минг сўмни 6810-ҳисобварақ дебетига ҳамда 5110-ҳисобварақ кредитига ёзамиз.

Шу тариқа ҳисобот даврида 11 хўжалик операцияси юз берган, уларга доир бирламчи ҳужжатлар йиғилган ва ишлов берилган. Бирламчи ҳужжатлар асосида ушбу хўжалик операцияларининг моҳияти англанган ва улар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тузилган. Сўнгра иккинчи қадамни қўямиз, яъни рўйхатга олиш журнали ҳисобланмиш ҳисоб регистрида ушбу хўжалик операцияларини рўйхатга оламиз. Бухгалтерия ўтказмалари ҳам шу ерда акс эттирилади.

2-қадам. Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш *журнали.*

Т/р	Ҳужжат операциясининг мазмуни	Сумма, сўм	Ўтказма	
			дебет	кредит
1	Мол етказиб берувчилардан материаллар олинди	30 000	1010	6010
2	Ҳисоб-китоб счётидан кассага иш ҳақи бериш учун пул олинди	120 000	5010	5110
3	Кассадан иш ҳақи берилди	120 000	6710	5010
4	Маҳсулот ишлаб чиқаришга материаллар берилди	24 000	2010	1010
5	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи ҳисобланди	150 000	2010	6710
6	Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланди	60 000	2010	6520
7	Иш ҳақидан даромад солиғи ушланди	37 500	6710	6410
8	Мол етказиб берувчиларга ҳисоб-китоб счётидан пул ўтказилди	42 000	6010	5110
9	Ҳисоб-китоб счётига харидорлардан пул келиб тушди	37 000	5110	4010
10	Омборга ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди	95 000	2810	2010
11	Ҳисоб-китоб счётидан банк ссудаси қайтарилди	50 000	6810	5110

3-қадам. Дастлабки баланс асосида ҳисобварақларни очиш ҳисоб ишининг кейинги босқичидир. Баланс активида жойлашган, ҳисобварақлар бўйича бошланғич қолдиқлар (Сб) ушбу ҳисобварақлар дебети бўйича ёзилади, баланс пассивида жойлашган ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар ҳисобварақлар кредитида акс эттирилади.

Д-т	0130	К-т
01.01 га Сб 300 000		

Д-т	0230	К-т
	01.01 га Сб 90 000	

Д-т	0110	К-т
01.01 га Сб 60 000		

Д-т	2010	К-т
01.01 га Сб 36 000		

Д-т	2810	К-т
01.01 га Сб 84 000		

Д-т	5010	К-т
01.01 га Сб 0		

Д-т	5110	К-т
01.01 га Сб 246 000		

Д-т	4010	К-т
01.01 га Сб 70 000		

Д-т	8330	К-т
	01.01 га Сб 290 000	

Д-т	6810	К-т
	01.01 га Сб 72 000	

Д-т	6010	К-т
	01.01 га Сб 102 000	

Д-т	6710	К-т
	01.01 га Сб 120 000	

Д-т	6520	К-т
	01.01 га Сб 36 000	

Д-т	8710	К-т
	01.01 га Сб 86 000	

4-қадам. Ҳисобварақлар очилганидан кейин уларда рўйхатга олиш журналидаги хўжалик операцияларининг суммалари акс эттирилади, яъни ҳисобварақлар бўйича қайд этилади. Акс эттириш рўйхатга олиш журналидаги хўжалик операциялари акс эттирилган кетма-кетликда амалга оширилади. Аввал биринчи хўжалик операцияси суммаси — 30 минг сўмни 1010-ҳисобварақ дебетида ва 6010-ҳисобварақ кредитида, сўнгра иккинчи хўжалик опе-

рацияси суммаси — 120 минг сўмни 5010-ҳисобварақ дебетида ва 5110-ҳисобварақ кредитида акс эттирамиз ва ҳ.к.

Д-т	1010	К-т
01.01 га Сб 60 000		
1) 30 000		

Д-т	6010	К-т
		01.01 га Сб 102 000
		1) 30 000

Д-т	5010	К-т
01.01 га Сб 0		
2) 120 000		

Д-т	5110	К-т
01.01 га Сб 246 000		
		2) 120 000

Барча 11 операция ҳисобварақларга кўчирилгандан кейин бешинчи қадамни қўямиз, яъни дебет бўйича айланмалар (Ад) ва кредит бўйича айланмаларни (Ак) ҳисоблашга ҳамда ҳисобот даври якунига сальдо (Ся) чиқаришга киришамиз.

5 - қ а д а м . Юқорида айтилганидек, бошланғич сальдо (Сб)ни ҳисобга олмаган ҳолда кўпайиш ва камайишларнинг умумий суммаси айланмалар деб аталади. Агар ҳисобварақ бўйича кўпайиш ёки камайишлар бўлмаса айланмалар нолга тенг бўлади, агар битта сумма бўлса, унинг ўзи айланмаларга тенг бўлади, икки ёки уч сумма бўлса улар қўшилади. Актив ҳисобварақларда якуний сальдо (Ся) қуйидагича чиқарилади:

$$Ся = Сб + Ад - Ак.$$

Пассив ҳисобварақлар бўйича якуний сальдо қуйидагича чиқарилади:

$$Ся = Сб + Ак - Ад.$$

Бешинчи қадам амалга оширилгандан кейин ҳисобварақлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Д-т	0130	К-т
Сб 300 000		
А 0	А 0	
Ся 300 000		

Д-т	0230	К-т
		Сб 90 000
А 0		Об 0
		Ся 90 000

Д-т	0110	К-т
Сб 60 000		
1) 30 000	4) 24 000	
А 30 000	Об 24 000	
Сн 66 000		

Д-т	2010	К-т
Сб 36 000		
4) 24 000 5) 150 000 6) 60 000	10) 95 000	
А 234 000	А 95 000	
Сн 175 000		

Д-т	2810	К-т
Сб 84 000		
10) 95 000		
А 95 000		
Сн 179 000		

Д-т	5010	К-т
Сб 0		
2) 120 000	3) 120 000	
А 120 000	120 000	
Сн 0		

Д-т	5110	К-т
Сб 246 000		
9) 37 000	2) 120 000 8) 42 000 11) 50 000	
А 37 000	А 212 000	
Сн 71 000		

Д-т	4010	К-т
Сб 70 000		
	9) 37 000	
А 0	А 37 000	
Сн 33 000		

Д-т	8330	К-т
	Сб 290 000	
А 0	А 0	
	Сн 290 000	

Д-т	6810	К-т
	Сб 72 000	
11) 50 000		
А 50 000	А 0	
	Сн 22 000	

Д-т	6010	К-т
	Сб 102 000	
8) 42 000	1) 30 000	
А 42 000	А 30 000	
	Сн 90 000	

Д-т	6710	К-т
	Сб 120 000	
3) 120 000 7) 37 500	5) 150 000	
А 157 500	А 150 000	
	Сн 112 500	

Д-т	6520	К-т
	Сб 36 000	
	6) 60 000	
А 0	А 60 000	
	Сн 96 000	

Д-т	8710	К-т
	Сб 86 000	
А 0	А 0	
	Сн 86 500	

Д-т	6410	К-т
	Сб 0	
	7) 37 500	
А 0	А 37 500	
	Сн 37 500	

Ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш учун айланма қайдномасини тузиш мумкин. Унда жами йиғиндиларнинг учта тенг жуфтлиги бўлиши керак. Дебет бўйича бошланғич сальдо жами йиғиндиси кредит бўйича бошланғич сальдо жами йиғиндисига тенг бўлади, чунки биз уни дастлабки баланс активи ва пассивининг маълумотларидан тўлдирамиз. Дебет бўйича айланмалар жами йиғиндиси кредит бўйича айланмаларга тенг, зеро барча операциялар иккиёқлама ёзув усулида рўйхатга олинган. Ниҳоят, дебет бўйича якуний сальдо жами йиғиндиси кредит бўйича якуний сальдо жами йиғиндисига тенг бўлади. Шунинг ўзи ҳисобот даври охиридаги баланс ҳисобланади.

Жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномаси

Ҳисоб-варақлар	Қолдиқ бошига		Оборот		Қолдиқ охирига	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит
0130	300 000	—	—	—	300 000	—
0230	—	90 000	—	—	—	90 000
1010	60 000	—	30 000	24 000	66 000	—
2010	36 000	—	234 000	95 000	175 000	—
2810	84 000	—	95 000	—	179 000	—
5010	—	—	120 000	120 000	—	—
5110	246 000	—	37 000	212 000	71 000	—
4010	70 000	—	—	37 000	33 000	—
8330	—	290 000	—	—	—	290 000
6910	—	72 000	50 000	—	—	22 000
6010	—	102 000	42 000	30 000	—	90 000
6710	—	120 000	157 500	150 000	—	112 500
6520	—	36 000	—	60 000	—	96 000
8710	—	86 000	—	—	—	86 000
6410	—	—	—	37 500	—	37 500
	796 000	796 000	765 500	765 500	824 000	824 000

6 - қадам. Якуний балансни тузиш. Айланма қайдномаси маълумотлари асосида ҳисобот даври охирига баланс тузилади. Балансга қолдиқлари мавжуд бўлган ҳисобварақларгина киритилади, шунинг учун кўпинча жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномаси, айланма баланси, баланс эса сальдо баланси деб аталади.

У қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Ҳисоб-варақ	Актив	Сумма	Ҳисоб-варақ	Пассив	Сумма
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	300 000	8330	Пай ва улушлар	290 000
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши	90 000	6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	22 000
	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (01-02)	210 000	6010	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар	90 000
1010	Хом ашё ва материаллар	66 000			
2010	Асосий ишлаб чиқариш	175 000	6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар	112 500
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	179 000	6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	96 000
5110	Ҳисоб-китоб счёти	71 000			
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар	33 000	8710	Тақсимланмаган фойда	86 000
			6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарз	37 500
	Баланс	734 000		Баланс	734 000

6.6. Корхонанинг ҳисоб сиёсати

Бухгалтерия ҳисоби қонунлар, давлат идоралари томонидан тасдиқланган стандартлар, низомлар, йўриқномалар асосида юритилади. Лекин кўпгина қонун ҳужжатлари корхонага бухгалтерия ҳисобини юритишда, актив ва пассив-

ларни баҳолаш усулларини, у ёки бу харажатларни ҳисобкитоб қилиш усулларини белгилашда танлаш имконини беради. Чунончи, 4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар (ТМЗ)»да ТМЗ қийматини икки усулдан бири — ФИФО ёки ўрта ҳисобланган қиймат формуласи (AVECO) билан аниқлаш таклиф қилинган, 5-сонли «Асосий воситалар» стандартида амортизацияни ҳисоблашнинг тўрт усули кўрсатилган: тенг маромли ҳисоблаш, ишлаб чиқариш усули, икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули, йиллар суммаси усули. Корхона танлаган усул унинг ҳисоб сиёсати томонидан белгиланиши лозим.

Ҳисоб сиёсати — имкони борича тезкор, тўлиқ ва холис ахборотни шакллантириш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари ва қоидаларининг йиғиндисидир. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш асослари 1-сонли БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да кўрсатиб ўтилган.

Корхона ҳисоб сиёсатини танлаш ва шакллантиришга қуйидаги омиллар таъсир этади:

— мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл (МЧЖ, АЖ, ҚК, ЁТАЖ, давлат корхонаси ва ҳоказо);

— фаолият тури ёки тармоққа мансублик (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва ҳоказо);

— ишлаб чиқариш ҳажмлари, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони ва ҳоказо;

— солиққа солиш тизими (турли имтиёзлар, солиқлардан озод этиш);

— нарх белгилаш, маҳсулот етказиб бериш масалаларида ҳаракатлар эркинлиги даражаси;

— корхонани узоқ муддатли истиқболга иқтисодий ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари, инвестициялар дастурлари ва уларнинг йўналганлиги ва бошқалар;

— ахборот олиш учун моддий-техника базасининг ривожланиш даражаси (оргтехника воситалари, дастурий воситалар мавжудлиги ва бошқалар);

— бухгалтерия ва маъмурият ходимларининг малака даражаси;

— корхона ишининг самарадорлигидан моддий манфаатдорлик ва бажариладиган мажбуриятлар доираси учун моддий жавобгарлик тизими.

Корхона томонидан танланган ҳисоб сиёсати олдиндан кўриб чиқилиши ва таъсисчилар (мулкдорлар)нинг баённома қарори ёки Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши ва раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилиши керак.

Янги ташкил этилган корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай ўзи танлаган ҳисоб сиёсатини расмийлаштиради.

Корхона қабул қилган ҳисоб сиёсатига йил давомида қатъиян риоя қилиши керак. Зарурат туғилганда ҳисоб сиёсатига фақат янги ҳисобот йилининг бошида ўзгартишлар киритилиши мумкин, бунда ўтган йил учун йиллик ҳисоботга тушунтириш хатида бу ҳақда албатта кўрсатилади.

Танланган ҳисоб сиёсати нафақат бухгалтерия ҳисоби усуллари ва услубларини қўллашнинг самарадорлик даражасига, балки корхонанинг молиявий ҳолатига, воситалардан оқилона фойдаланишга, бошқарув қарорларининг тезкорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Қуйида корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқнинг намунавий лойиҳаси келтирилган. У тўрт бўлимдан иборат: умумий қоидалар, ҳисоб услубиятининг танланган вариантлари, ҳисоб техникасининг танланган вариантлари, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш. Санаб ўтилган вариантлардан корхона биттасини танлайди.

ТАСДИҚЛАЙМАН:

_____

(корхона раҳбари, Ф.И.Ш.)

Тошкент ш. 200__ йил «___» _____

_____нинг 200__ йилга

(корхона номи)

ҳисоб сиёсати тўғрисида

БУЙРУҚ

1. Умумий қоидалар

1.1. _____да бухгалтерия ҳисоби

(корхона номи)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳамда йўриқномаларга биноан юритилади.

1.2. Бухгалтерия ҳисоби мол-мулк, капитал, мажбуриятлар ва барча хўжалик операцияларини узлуксиз, ўзаро боғлиқ равишда, ҳужжатли акс эттириш йўли билан натура ва пул ифодасида юритилади.

1.3. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун корхона раҳбари масъулдир.

1.4. Бош бухгалтер ҳисобварақларда барча хўжалик операциялари акс эттирилиши ва назоратини, белгиланган муддатларда тезкор ахборот тақдим этилишини таъминлайди.

1.5. Бош бухгалтер қонун ҳужжатларига зид бўлган операциялар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва ижро этиш учун қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

2. Ҳисоб услубиятининг танланган вариантлари

2.1. Корхонада харид қилиш санасида қуйидаги қийматга эга бўлган воситалар асосий воситаларга киритилмайди, балки инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобланади:

1-вариант — энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан;

2-вариант — энг кам иш ҳақининг 40 бараваридан;

3-вариант — энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан ва ҳ.к.

2.2. Асосий воситалар қиймати:

1-вариант — бинолар ва иншоотлар бўйича тўғри чизиқли (тенг маромли) усул;

2-вариант — ускуналар ва транспорт воситалари бўйича ишлаб чиқариш усули;

3-вариант — компьютерлар бўйича икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

4-вариант — бошқа асосий воситалар бўйича йиллар суммаси (кумулятив) усули билан амортизацияни ҳисоблаш орқали қопланади.

2.3. Номоддий активлар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан қопланади. Сўнгра номоддий активлар рўйхати, уларнинг қиймати, ушбу активлардан фойдаланишнинг тахминий муддатлари, амортизацияни ҳисоблаш услублари келтирилади.

2.4. Корхонада ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилаётган моддий ресурсларнинг ҳақиқий таннархини аниқ-

лаш мақсадида материалларни баҳолашнинг қуйидаги варианти қўлланилади:

1-вариант — материалларни харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

2-вариант — келиб тушиш вақти бўйича биринчи туркумларнинг таннархи бўйича (ФИФО);

3-вариант — ўртача ҳисобланган таннарх бўйича (AVECO).

2.5. Қайта сотиш, реализация қилиш учун харид қилинган товарлар:

1-вариант — харид қиймати бўйича;

2-вариант — сотиш қиймати бўйича ҳисобга олинади.

2.6. Корхонада ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва молиявий натижаларни шакллантириш учун:

1-вариант — таннархни калькуляциялашнинг оддий;

2-вариант — босқичли;

3-вариант — буюртма;

4-вариант — меъёрий усулдан фойдаланилади.

2.7. Тайёр маҳсулот балансда:

1-вариант — ҳақиқий таннархи бўйича;

2-вариант — соф сотиш қиймати бўйича акс эттирилади.

2.8. Келгуси даврлар харажатлари ҳисобда алоҳида сатр билан акс эттирилади ва улар тегишли муддат давомида корхона харажатларига киритилади. Сўнгра харажатларнинг турлари санаб ўтилади:

а) янги ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга;

б) газета ва журналларга обуна бўлишга;

в) ижара тўлови ва ҳ.к.

2.9. Калькуляция даври ва молиявий натижаларни белгилаш даври бўлиб:

1-вариант — ҳисобот ойининг охири;

2-вариант — ҳисобот чорагининг охири;

3-вариант — ҳисобот йилининг охири ҳисобланади.

2.10. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушумлар:

1-вариант — маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) юклаб жўнатиш ва харидор томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилишига қараб;

2-вариант — харидорлар (буюртмачилар) томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва юклаб жўнатилган маҳсулотнинг қиймати тўланишига қараб белгиланади.

2.11. Узоқ муддатли ишлар ва хизматлар бўйича (бир йилдан ортиқ муддатли ишларни бажаришга шартномалар бўйича) ишлар сотилишидан тушум ва молиявий натижалар:

1-вариант — шартнома бўйича ишлар тўлиқ бажарилганидан кейин;

2-вариант — шартнома бўйича ишларнинг ҳар бир босқичи тугалланганидан кейин белгиланади.

2.12. Бўлғуси харажатларни ишлаб чиқариш (муомала) чиқимларига бир меъёрда киритиш мақсадида корхона қуйидаги резервларни барпо этади (санаб ўтилади):

а) ходимларга олдиндан таътил пулини тўлашга;

б) асосий воситаларни таъмирлаш харажатларига;

в) йил якунлари бўйича мукофотларни тўлашга ва ҳ.к.

2.13. Даргумон қарзлар деб топилган дебиторлик қарзлари бўйича, уларнинг қайтарилиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, даргумон қарзлар бўйича резерв яратилади, резерв суммаси давр харажатлари таркибига киритилади.

2.14. Корхона фойда ҳисобига резерв капиталини барпо этади, у таъсис ҳужжатларига биноан:

1-вариант — фойданинг 5 фоизи;

2-вариант — фойданинг 10 фоизи;

3-вариант — фойданинг 15 фоизи ва ҳоказо миқдорида белгиланган.

2.15. Кечиктирилган даромадлар алоҳида модда билан ҳисобга олинади. Ушбу даромадлар улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда хўжалик фаолиятининг натижаларига киритилади.

2.16. Корхона томонидан олинган қарз ва кредитлар қарз шартномаси бўйича:

1-вариант — ҳисобот даври охирида тўланиши керак бўлган фоизларни ҳисобга олган ҳолда;

2-вариант — ҳисобот даври охирида тўланиши керак бўлган фоизларни ҳисобга олмаган ҳолда баҳоланади.

2.17. Шартномалар бўйича юзага келадиган жарималар, пенялар, боқимондалар ва шу каби қарзлар:

1-вариант — шартномаларга мувофиқ қарз пайдо бўлиши билан;

2-вариант — уларни қарздор тан олиши билан ёки хўжалик судининг уларни ундириш тўғрисидаги қарори олиниши билан ҳисобга олинади.

3. Ҳисоб техникасининг танланган вариантлари

3.1. Корхонада бухгалтерия ҳисоби:
1-вариант — соддалаштирилган шакл бўйича;
2-вариант — мемориал-ордер шакли бўйича;
3-вариант — журнал-ордер шакли бўйича;
4-вариант — автоматлаштирилган шакл бўйича юритилади.

3.2. Корхона мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операциялари ҳисобини:
1-вариант — бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига;
2-вариант — бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг иш режасига мувофиқ иккиёқлама ёзув усули билан юритади.

3.3. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари бухгалтерия ҳисобида:
1-вариант — улар пайдо бўлган даврда;
2-вариант — *илгари яратилган таъмирлаш фонди* ҳисобидан;
3-вариант — маҳсулот таннархига бир меъёрда киритиш мақсадида келгуси даврлар харажатларига ҳисобдан чиқарилади.

3.4. Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш ҳисоби:
1-вариант — бевосита 1010-1090-ҳисобварақларда;
2-вариант — 1510 ва 1610-ҳисобварақлардан фойдаланган ҳолда юритилади.

3.5. Ишлаб чиқаришга харажатлар ҳисоби:
1-вариант — ТМЗни узлуксиз ҳисобга олиш орқали;
2-вариант — ТМЗни даврий ҳисобга олиш орқали юритилади.

3.6. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби:
1-вариант — бевосита 2010-ҳисобварақда;
2-вариант — кейинчалик 2010-ҳисобвараққа ҳисобдан чиқариш билан, дастлаб 2510-ҳисобварақда жамланиб бориб юритилади.

3.7. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисоби:

1-вариант — ҳақиқий таннарх бўйича;

2-вариант — ҳисобланган нархлар бўйича юритилади.

3.8. Билвосита харажатлар маҳсулот (ишлар ва хизматлар) турлари ўртасида:

1-вариант — ушбу харажатлар меъёрларига мутаносиб равишда;

2-вариант — меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига мутаносиб равишда;

3-вариант — моддий харажатларга мутаносиб равишда;

4-вариант — асосий харажатлар суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

3.9. Харажатлар йиғма ҳисоби:

1-вариант — ярим тайёр маҳсулотсиз усул бўйича;

2-вариант — ярим тайёр маҳсулотли усул бўйича юритилади.

3.10. Валюта ҳисобварақлари ва хорижий валютадаги операциялар бўйича курс фарқлари:

1-вариант — бевосита киритиш усулида ёки бевосита 9540 ёки 9620-ҳисобварақларда акс эттирилади;

2-вариант — жамғариш усулида акс эттирилади ёки дастлаб 3190 ёки 6230-ҳисобварақларда жамланиб боради ва ҳисобот даври охирида 9540 ёки 9620-ҳисобварақларга ҳисобдан чиқарилади.

3.11. Ҳисобнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида корхона мол-мулк ва мажбуриятларни:

1-вариант — бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ;

2-вариант — корхонада белгиланадиган тартиб ва муддатларга мувофиқ (муддатлар кўрсатилади) инвентарлайди.

3.12. Аниқланган ортиқча мол-мулк инвентарлаш тамомланган ойнинг молиявий натижаларига киритим қилинади ва қайд этилади.

3.13. Мол-мулк камомади, шунингдек табиий камайиш меъёрларидан ортиқча йўқотишлар айбдор шахслар зиммасига юклатилади. Агар камомадлар айбдорлари аниқланмаган бўлса, камомадлардан кўрилган йўқотишлар қарор қабул қилинган ойнинг давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади. Айбдор шахслардан ундирилган сумма билан

етишмаётган ТМЗ баланс қиймати ўртасидаги фарқ 6230-ҳисобварақда акс эттирилади ва айбдор шахслардан маблағлар келиб тушишига қараб молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариб борилади.

4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

4.1. Корхонада бухгалтерия ҳисобини:
1-вариант — корхона бухгалтерияси;
2-вариант — контракт асосида тегишли мутахассис;
3-вариант — корхона раҳбари;
4-вариант — аудиторлик фирмаси амалга оширади.
4.2. Корхонада бухгалтерия ҳисоби:
1-вариант — марказлаштирилган шаклда;
2-вариант — марказлаштирилмаган шаклда;
3-вариант — аралаш шаклда ташкил этилган.

Таъсисчилар йиғилиши (Директорлар кенгаши) томонидан кўриб чиқилган ва унинг қарори билан маъқулланган.

200__ йил «___» _____ даги ___-сон баённома.

Йиғилиш раиси _____
(имзо)

Йиғилиш котиби _____
(имзо)

II бўлим. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

7-боб. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ

7.1. Кассада нақд пуллар ҳисоби

9-сонли БҲМС «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот» (ЎзР АВ томонидан 04.11.1998 йилда 519-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ пул маблағлари — бу кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларидаги маблағлар.

Ҳисоб-китобларни нақд пул билан амалга ошириш учун корхона, ташкилот ва муассасалар кассага эга бўлиши керак. Нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган ва бошқа хоналардан ажратилган хона ***касса*** дейилади. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари кассани жиҳозлашлари ва касса хонасида, шунингдек уларни банк муассасасидан етказиб бериш ва банкка топширишда пулларнинг бут сақланишини таъминлашлари шарт.

Нақд пулларни бевосита корхона кассасидан олиш ва сарфлаш билан боғлиқ операциялар касса операциялари деб аталади. Миллий валюта билан боғлиқ касса операциялари «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш» қоидалари (ЎзР АВ томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Чет эл валютаси билан боғлиқ касса операциялари «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш» тартиби (ЎзР АВ томонидан 22.01.1999 йилда 611-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз кассасида нақд пуллар қолдиғи лимитлари доирасида нақд пулларга эга бўлишлари ва уларни тушумдан меъёрлар доирасида ишлатишлари мумкин. Кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари банк муассасалари томонидан корхона раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Касса операцияларини юритиш учун корхона ходимлар жадвалида кассир белгиланади, у ўзи қабул қилган барча бойликлар бут сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Кассирни тайинлаш тўғрисидаги буйруқ чиқарилгач корхона раҳбари уни Касса операцияларини юритиш тартиби билан таништириши, у билан тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиши шарт. Кассир ҳеч кимга ўзининг мажбуриятларини бажаришни ишониб топшира олмайди. Кассирни вақтинча алмаштириш зарурати туғилганда унинг мажбуриятлари корхона раҳбарининг буйруғига асосан бошқа ходимга юкланади, ва ўз навбатида, у билан тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Кассир ўз ишини тўсатдан қолдирган тақдирда (касаллик ва ҳоказо сабабли), унинг ҳисоботида турган бойликлар бошқа кассирга корхона раҳбари ва бош бухгалтер иштирокида ёки корхона раҳбари тайинлаган шахслардан иборат комиссия иштирокида топширилади, бунда комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган, бойликларни қайта санаш ва топшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома тузилиши шарт. Кўп миқдорда бўлинмалари бўлган йирик корхоналарда иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, нафақа ва мукофотларни тўлаш бошқа шахслар (тарқатувчилар) томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу шахслар билан ҳам тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади ва улар ҳам кассирларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини олишади.

Корхона раҳбари кассада, уларни банк муассасасидан етказиб беришда ёки ҳисоб-китоб счётига топшириш чоғида пул маблағларининг бут сақланишини таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериши керак.

Касса учун алоҳида хона ва тегишлича жиҳозланган сейф ажратилиши керак. Иш тугаганидан кейин кассир касса сейфини қулфлайди ва муҳрлайди. Сейф калитлари ва муҳрлар кассирда, калитларнинг нусхалари кассир томонидан муҳрланган пакетлар, қутичалар ичида корхона раҳбарида сақланади.

Корхона кассасига нақд пулларни қабул қилиш КО-1-сонли шаклдаги кирим ордери бўйича ўтказилади (1-намунага қаралсин). У икки қисмдан иборат: кирим ордери

(бланкнинг чап қисми) ва унга доир квитанция (ўнг қисм). Кирим касса ордерини бухгалтерия ёзади ва бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Кассага топширишдан олдин кирим ордери мажбурий тартибда кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади (2-намунага қаралсин).

Дафтар икки қисмдан иборат: чап қисмида кассага пул маблағларининг кирими, ўнг қисмида — уларнинг чиқими қайд этилади.

Кирим ордери ижро этиш учун бевосита кассага топширилади, бу ерда кассир ордер тўғри расмийлаштирилганлигини, бош бухгалтер имзосининг борлиги ва ҳақиқийлигини текширади, пулларни қабул қилади, кирим ордери ва квитанцияни имзолайди. Пул топширган шахсга кирим ордерига квитанция берилади. Пуллар касса ордери бўйича фақат у тузилган кунда қабул қилинади.

Кассага нақд пуллар ҳисоб-китоб счёти ёки бошқа счётлардан келиб тушганда банкда ҳам кирим касса ордери тузилади ва унга квитанция тўлдирилади. Квитанция пулни кейинчалик ҳисоб-китоб счётидан ҳисобдан чиқариш учун банк муассасасининг кўчирмасига бириктириб қўйилади.

Кассадан нақд пулларни бериш чиқим касса ордерлари (3-намунага қаралсин) ёки чиқим касса ордери ўрнини босадиган махсус тамға қўйиладиган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул беришга аризалар, тўловномалар ва ҳоказо) асосида амалга оширилади. Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат бўйича алоҳида шахсга пул берилаётганида кассир олувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этишни талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганини ёзиб олади. Агар чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат пулни бир неча шахсга бериш учун тузилган бўлса, олувчилар ҳам уларнинг шахсини тасдиқлайдиган кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этадилар ва тўлов ҳужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Кассир пулни фақат чиқим касса ордери ёки ишончномада кўрсатилган шахсга беради. Агар пулни бериш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилаётган бўлса, ордер матнида пул олувчининг

2-намуна

Кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш дафтари

Кирим ҳужжати		Сумма		Изоҳ	Чиқим ҳужжати		Сумма		Изоҳ
сана	рақам	сўм	тийин		сана	рақам	сўм	тийин	
02.01.2008	1	35 000	00	Маҳсулот сотилишидан тушум	03.01.2008	1	53 000	00	1-сонли қайднома бўйича иш ҳақи бериш
05.01.2008	2	1 000	50	Ғ.Аҳмедов ёрдамчи ҳисоботидан	07.01.2008	2	2 100	00	Ҳисобот бериш билан АТБ харидига бериш
	3			ва ҳ.к					ва ҳ.к

КО-1-шакл

«Умид» кичик корхонаси
(корхона, ташкилот)

76-сонли кирим касса ордери

Кун	Ой
29	*04*

2008 йил

	Корреспонденция-ланувчи хисобварақ ва кичик хисобварақ		Тахлилий хисоб шифри	Сумма	Мақсадли белгилаш шифри
	9010			*312 489*	

Қабул қилинди *Юлдашева Л.Н.*

Асос *Товарлар сотилиши*

Уч юз ўн икки минг тўрт юз саксон тўққиз сўм

00 тийин

(сўз билан)

Илова _____

Бош (катта) бухгалтер *(имзо)*

Қабул қилди: кассир *(имзо)*

КЕСИШ ЧИЗИҒИ

1-намуна

«Умид» кичик корхонаси
(корхона, ташкилот)

76-сонли кирим касса ордерига КВИТАНЦИЯ

Қабул қилинди *Юлдашева Л.Н.*

Асос *Товарлар сотилиши*

Уч юз ўн икки минг тўрт

юз саксон тўққиз сўм

00 тийин

29.04.2008 й.

М.Ў.

Бош (катта) бухгалтер *(имзо)*

Қабул қилди: кассир *(имзо)*

3-намуна

«Умид» кичик корхонаси
(корхона, ташкилот)

КО-2-шакл

67-сонли чиқим касса ордери

Кун	Ой
29	*04*

2008 йил

	Корреспонденция-ланувчи ҳисобварақ ва кичик ҳисобварақ		Таҳлилий ҳисоб шифри	Сумма	Мақсадли белгилаш шифри
	5110			*312 489*	

Берилсин _____
(фамилияси, исми, шарифи)

Асос *ЎзР ТИФ МБ Сергели бўлимига тушумлар топширилди*

Уч юз ўн икки минг тўрт юз саксон тўққиз сўм 00 тийин
(сўз билан)

Илова *Илова қилинувчи қайднома*

Раҳбар *(имзо)* Бош бухгалтер *(имзо)*

Олинди _____
(сўз билан)

29.04.2008 йил (имзо)

(олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами, берилган сана ва жойи)

Кассир берди *(имзо)*

фамилияси, исми ва отасининг исмидан кейин бухгалтерия томонидан пул олиш ишониб топширилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатилади. Агар пул бериш қайднома бўйича амалга оширилса, пул олинганлиги тўғрисидаги имзо олдига кассир «Ишончнома бўйича» деб ёзиб қўяди. Ишончнома кассирда қолади ва чиқим касса ордери ёки қайдномага бириктириб қўйилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, нафақа ва мукофотлар тўлашни кассир ҳар бир олувчига чиқим касса ордерини тузмасдан, тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномалари бўйича амалга оширади (4-5-намуналарга қаралсин).

Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг титул варағида (сарварағида) корхона раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар имзоси остида, пул бериш муддатлари ва суммани ёзув билан кўрсатилган ҳолда пул бериш тўғрисидаги рухсат берувчи ёзув қайд этилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, нафақалар ва мукофотларни тўлашнинг белгиланган муддатлари тугаши билан кассир қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) тўлов қайдномасида меҳнатга ҳақ тўлаш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, нафақалар ёки мукофотлар тўлаш амалга оширилмаган шахслар фамилияси тўғрисига «Депонентга ўтказилди» тамғасини қўйиш ёки қўлда шундай белги қўйиш;

б) депонентга ўтказилган суммалар реестрини тузиш;

в) қайднома охирида меҳнатга ҳақ тўлаш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, нафақалар ёки мукофотларнинг депонентга ўтказиладиган ҳамда ҳақиқатда тўланган суммаси ҳақида қайд этиш, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солиштириш ва қайдни ўз имзоси билан тасдиқлаш. Агар пулни кассир эмас, балки бошқа шахс берган бўлса, қайдномага қўшимча равишда: «Пулларни қайднома бўйича берди (имзо)» деб ёзиб қўйилади. Пулни кассир ва тарқатувчининг бир қайднома бўйича бериши тақиқланади;

г) касса дафтарига ҳақиқатда тўланган суммани ёзиш ва қайдномага: «_____-сонли чиқим касса ордери» тамғасини қўйиш.

4-намуна

Ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаси

Корхона *«Умид» КК*
Цех (бўлим) _____

Тўлаш учун кассага 20___ йил _____ дан _____ гача
муддатда жами _____
Муассаса (ташкилот) раҳбари *И. Асадов*
Бош бухгалтер *Н. Ашуров*

3-сонли ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаси
2008 йил январь учун

№	Дир	Ҳисобланган										Ушланган ва ҳисобга олинган										Тўлаш учун жами		Имзо	Рақам	Ф.И.Ш.
		пийбай		вақтбай				банқа			жами	даромад солиғи		Пенсия жамғармасига 2,5 %		бўнак		банқа			жами					
								номи (шифр)	сумма									номи (шифр)	сумма								
1	январь	20 000	00								20 000	00	5 112	50	500	00	—					5 612	50	14 387	50	жамғарма банкига		Аҳмедов А.Н.
2	январь	30 000	00								30 000	00	9 112	50	750	00	—					9 862	50	20 137	50	жамғарма банкига		Белов Т.Г.
	ва ҳ.к.																										
	Жами										100 000	00	34 750	50	2 500	00	—					37 250	00	62 750	00	жамғарма банкига ўтказилган 27.01 дати 5-сонли тўлов топшириғи асосида		

5-намуна

Тўлов қайдномаси

Корхона *«Умид» ҚК*
Цех (бўлим) _____

Тўлашга 2008 йил ____ дан ____ гача тўлашга рухсат бераман
Раҳбар *И. Асадов*
Бош бухгалтер *Н. Ашуров*

Пенсия/нн ҳақи беришга 1-сонли тўлов қайдномаси 2008 йил январь учун

Тартиб рақами	Табель рақами	Ф.И.Ш.	Сумма		Олиш учун тилхат ёки бериш хусусида белги
1	*13*	*Пўлатов М.*	*16 370*	*20*	*имзо*
2	*4*	*Расулов Б.*	*15 160*	*30*	*имзо*
3	*10*	*Ахборов Л.*	*13 710*	*10*	*имзо*
4	*2*	*Белов Т.*	*13 150*	*00*	*имзо*
		ва ҳ.к.			

беришга сумма *Юз минг сўм 00 т.*	Жами беришга	*100 000*	*00*	Текширди
Кредитлар ҳис.-кит. _____	Берилган сумма	*100 000*	*00*	6-сон касса ордери берилди
Бош бухгалтер *Н. Ашуров*				
Қайднома тузилди *2008 йил 2 февраль*	Берилмаган сумма	—		Текширилди ___-сон касса ордери
Имзо *Н. Ашуров*				

Бухгалтерия кассир томонидан тўлов қайдномаларида қилинган белгиларни текширади ҳамда улар бўйича берилган ва депонентга ўтказилган суммаларни ҳисоблаб чиқади.

Кирим касса ордери, квитанциялар, шунингдек чиқим касса ордерлари ва улар ўрнини босувчи ҳужжатлар бухгалтер томонидан сиёҳ ёки шарикли ручкада аниқ ва равшан қилиб тўлдирилиши ёки машинада (ёзув, ҳисоблаш машинаси) ёзилиши керак. Ушбу ҳужжатларда ҳеч қандай ўчириш, устига ёзиш ёки тузатишларга, ҳатто айтиб ўтилса ҳам, йўл қўйилмайди.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатларни пул топширувчи ёхуд олувчи шахсларнинг қўлига бериш тақиқланади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатларни қабул қилиш пайтида кассир қуйидагиларни текшириши шарт:

а) ҳужжатларда бош бухгалтер имзосининг ҳамда чиқим касса ордерида ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда — корхона раҳбари ёки у ваколат берган шахсларнинг рухсат берувчи имзосининг мавжудлиги ва ҳақиқийлиги;

б) ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги;

в) ҳужжатларда келтирилган иловаларнинг мавжудлигини.

Шу талабларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига риоя қилинмаган тақдирда кассир ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар улар бўйича пул олингани ёки берилганидан сўнг дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатларга эса сана (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда «Тўланган» тамғаси ёки ёзуви қўйилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ташкилотда нақд пулларнинг барча тушумлари ва берилишини кассир касса дафтарида ҳисобга олади (6-намунага қаралсин).

Ҳар бир ташкилот фақат битта касса дафтарини юритади, у рақамланиши, ип билан тикилиши ва сургучли ёки мастикали муҳр билан муҳрланиши керак. Касса дафтаридаги варақлар сони мазкур ташкилот ёки юқори ташкилот раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридаги ёзувлар шариқли ручка, сиёҳқалам ёки сиёҳда нусха кўчириш қоғози орқали икки нусхада юритилади. Варақларнинг иккинчи нусхалари ажраладиган бўлиши керак, улар кассир учун ҳисобот бўлиб хизмат қилади.

6-намуна

2008 йил 31 январь учун
КАССИР ҲИСОБОТИ

Ордер т/р	Ҳужжатлар сони	Кимдан олинган, кимга берилган	Сумма				Корреспондентланадиган ҳисобварақ
			кирим		чиқим		
			сўм	тийин	сўм	тийин	
		Кун бошидан қолдиқ	2 700	—			
5	1	Харидорлардан олинган	35 000	—			4010
7	1	Ҳисоб-китоб варағига киритилган			35 000	—	5110
		ва ҳ.к.					
	Кун учун жами		35 000	—	35 000	—	
	Кун охирида қолдиқ		2 700	—			
	Баланс						

Ғазначи _____

Варақларнинг биринчи нусхалари касса дафтарида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хилда рақамланади.

Касса дафтарига ёзувларни кассир ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босадиган ҳар бир ҳужжат бўйича пул олиши ёки беришидан сўнг дарҳол амалга оширади. Ҳар куни, иш кунининг охирида кассир бир кунлик операциялар якунларини ҳисоблайди, кейинги кун учун кассадаги пуллар қолдиғини чиқаради ва касса дафтарида имзо қўйдирган ҳолда иккинчи ажратма варақни (бир кун учун касса

дафтаридаги ёзувлар кўчирма нусхасини) кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга кассир ҳисоботи сифатида бухгалтерияга топшириди. Касса дафтарини тўғри юритиш устидан назорат ташкилот бош бухгалтерига юкланади.

Касса операциялари ҳисоби учун ҳисобварақлар режасида 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» актив ҳисобварағи кўзда тутилган. Ҳисобварақ сальдоси кассада бўш пуллар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу ҳисобварақ дебети бўйича тушум хусусиятига кўра турли ҳисобварақлар кредитидан корхона кассасига келиб тушган пуллар, кредит бўйича эса — турли ҳисобварақлар дебетига кассадан нақд пул билан берилган суммалар акс эттирилади (7-жадвал).

7 - ж а д в а л

5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобвараги бўйича энг кўп учрайдиган ҳисобварақлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Нақд пулга маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиши	5010, 5020	9010-9030
2	Асосий восита ва бошқа активни сотишдан нақд пулдаги тушум олинди	5010, 5020	9210, 9220
3	Банкдаги тегишли счётлардан пул маблағлари келиб тушиши (иш ҳақи, пенсия, нафақалар, мукофотлар ва ҳоказоларни бериш учун)	5010, 5020	5110-5530
4	Ҳисобдор шахслар томонидан илгари олинган ишлатилмаган бўнаклар қайтарилиши	5010, 5020	4220-4290
5	Таъсисчилар томонидан корхона устав капиталидаги улуши ҳисобига нақд пул маблағлари киритилиши	5010, 5020	4610
6	Ходимга берилган қарз кассага қайтарилиши	5010, 5020	4720
7	Камомад, зарар учун шахсдан кассага нақд пул қабул қилиниши	5010, 5020	4890
8	Турли коммунал хизматлар учун суммалар қабул қилиниши	5010, 5020	4890

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
9	Инвентаризация пайтида кассада ортиқча пул маблағлари аниқланиши	5010	9390
10	Хизмат сафари ва хўжалик харажатлари учун бўнак берилиши	4210-4290	5010
11	Ҳисоб-китоб счётига нақд пул топширилиши	5110	5010
12	Инкассаторга пул топширилди	5710	5010
13	Пул маблағларининг камомади (инвентаризация пайтида)	4730	5010
14	Нақд пулда дивидендлар тўланиши	6610	5010
15	Иш ҳақи, моддий ёрдам, мукофотлар, нафақалар ва бошқа тўловлар берилиши	6710	5010
16	Турли суммалар берилиши (ишчи варақалари ва ҳужжатлар бўйича)	6990	5010

Журнал-ордер шаклида «Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобварағининг кредити бўйича операциялар 1-сон журнал-ордер, дебет бўйича эса — 1-сон қайдномада (7-намуна) акс эттирилади.

1-сон журнал-ордер ва 1-сон қайдномани тўлдиришга мисол келтирамиз.

Айтайлик, бир ой давомида корхона кассаси бўйича қуйидаги операциялар амалга оширилди:

Касса бўйича операциялар

Хўж. опер. т/р	Сана	Ҳужжат	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
1	03.01	1-сон кирим ордери	Хизмат сафарларига олинди	5010	5110	4 000
4	08.01	1-сон чиқим ордери	Ҳисобот бериш шарти билан С.Тўлагановга берилди	4220	5010	800

Хўж. опер. т/р	Сана	Ҳужжат	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
5	10.01	2-сон чиқим ордери	Ҳисобот бериш шарти билан А.Исоқовга берилди	4220	5010	450
6	11.01	2-сон кирим ордери	Сотишдан тушум келиб тушди	5010	9010	3 000
10	12.01	3-сон чиқим ордери	Тушум ҳисоб-китоб счётига киритилди	5110	5010	3 000
16	15.01	3-сон кирим ордери	С.Тўлаганов бўнагининг қолдиғи киритилди	5010	4220	100
18	16.01	4-сон чиқим ордери	А.Исоқовга ортиқча сарфи учун берилди	6970	5010	50
20	18.01	5-сон чиқим ордери	Ортиқча сарфи учун Т.Ҳамидовга берилди	6970	5010	150
46	28.01	4-сон кирим ордери	Иш ҳақига олинди	5010	5110	12 000
47	28.01	6-сон чиқим ордери	Иш ҳақи, нафақахар тўланди	6710	5010	12 000
55	31.01	5-сон кирим ордери	Кассага харидорлардан олинди	5010	4010	35 000
56	31.01	7-сон чиқим ордери	Кассадан ҳисоб-китоб счётига киритилди	5110	5010	35 000

7 - н а м у н а

5010-ҳисобварақ кредити бўйича
1-сонли Журнал-ордер

Чиқим ордери т/р	5010-ҳисобварақ кредитидан ҳисобварақлар дебетига				Кредит бўйича жами
	5110	4220	6710	6970	
1		800			800
2		450			450

Чиқим ордери т/р	5010-ҳисобварақ кредитидан ҳисобварақлар дебетига				Кредит бўйича жами
	5110	4220	6710	6970	
3	3 000				3 000
4, 5				200	200
6			12 000		12 000
7	35 000				35 000
	38 000	1 250	12 000	200	51 450

Орқа томони

Сана	Кирим ордери	5010-ҳисобварақ дебетига ҳисобварақлар кредитидан					Дебет бўйича жами
		4010	4220	4730	5110	бошқалар	
Бошланғич қолдиқ							50
03.01	1				4 000		4 000
11.01	2	3 000					3 000
15.01	3		100				100
28.01	4				12 000		12 000
31.01	5	35 000					35 000
Жами:		38 000	100		16 000		54 100
Якуний қолдиқ							2 700

7.2. Ҳисоб-китоб счёти ҳисоби тартиби

Корхоналар ўртасида банк орқали ҳисоб-китоб счёти воситасида қилинадиган ҳисоб-китоблар икки шаклда амалга оширилиши мумкин: нақдсиз ўтказишлар йўли билан ва нақд пулли тўловлар кўринишида.

Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва кредитлар ҳисоби бобидаги бухгалтерия ҳисоби қуйидагиларни таъминлаши керак:

— нақдсиз ўтказишлар ҳамда нақд пуллар йўли билан зарур ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўғри амалга оширишни;

— ҳисоб регистларида пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракатини ҳамда ҳисоб-китоб операцияларини тўлиқ ва тезкор акс эттиришни;

— пул маблағларидан лимитлар, сметаларга мувофиқ мақсадли фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилишни;

— пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳолатини инвентарлашни ташкил этиш ва белгиланган муддатларда ўтказишни;

— кассада, банклардаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётларда мавжудлиги ва бутлиги устидан назорат қилиш;

— ҳисоб-китоб-тўлов интизомига риоя қилиниши, моддий бойликлар ва хизматлар учун суммалар, шунингдек кредитлаш тартибида олинган маблағларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомда (ЎзР АВ томонидан 15.04.2002 йилда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган.

Банк муассасаларида ҳисоб-китоб счётини очиш учун корхона қуйидагиларни тақдим этиши керак:

— корхона раҳбари имзолаган ҳисоб-китоб счётини очиш тўғрисида ариза;

— корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

— корхона уставининг нотариус тасдиқлаган нусхаси;

— нотариус тасдиқлаган имзолар намуналари ва муҳр изи кўрсатилган варақча;

— корхонани ташкил этиш тўғрисида таъсис шартномаси (таъсисчилар, таъсисчилар умумий йиғилишини қарори)нинг кўчирма нусхаси;

— солиқ идоралари ва ижтимоий суғурта жамғармаси идораларида ҳисобга қўйилгани тўғрисида маълумотнома.

Барча банк ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқи корхона раҳбари ёки у томонидан тайинланган шахсга, иккинчи имзо ҳуқуқи эса корхона бош бухгалтерига тегиш-

лидир. Агар корхона штатида бухгалтер лавозими кўзда тутилмаган бўлса, иккинчи имзо ҳуқуқи бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва ҳисоботлар тузиш вазифаси юклатилган шахсга берилади.

Имзолар намуналари ва муҳр изи бўлган варақча корхонани рўйхатга олган ҳокимият томонидан ёки нотариал тасдиқланиши керак.

Банк ҳисоб-китоб счёти бўйича амалга оширилаётган операцияларнинг хусусияти устидан назорат олиб боради.

Корхонанинг хоҳишига биноан маҳсулот сотиладиган жой бўйича бошқа шаҳарлардаги банкларда сотишдан олинган тушумни ҳисобга киритиш, буюртмачилардан бўнаклар олиш, етказиб берувчиларнинг товар ва хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек бошқа операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун ёрдамчи ҳисоб-китоб варақлари очилиши мумкин.

Ёрдамчи ҳисоб-китоб счётини очиш учун корхона банкка уни очиш тўғрисида илтимоснома тақдим этиб, у бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусиятини ва ёрдамчи счётини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган шахсларни кўрсатиши керак. Ушбу ҳужжат корхона раҳбари, унинг бош бухгалтери томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Ҳисоб-китоб счёти бўйича барча операциялар белгиланган шаклдаги тўлов (банк) ҳужжатлари асосида, счёт эгасининг розилиги билан амалга оширилади. Бундай ҳужжатларга чеклар, пул бадали тўғрисидаги хабарномалар, тўлов топшириқномалари, векселлар киради.

Нақд пуллар банк ҳисоб-китоб счётидан корхона кассасига меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақалар, касаллик варақалари бўйича нафақалар, мукофотлар, хизмат сафари ва хўжалик харажатларини тўлаш учун чеклар асосида берилади.

Ундирувчилар топшириқлари бўйича маблағларни сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— солиқ идораларининг давлат бюджетига ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва солиқ бўлмаган тўловларни ундириш тўғрисидаги топшириғи бўйича;

— ижтимоий суғурта жамғармаси идораларининг боқимандаларни ундириш тўғрисидаги топшириғи бўйича.

Ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш пайтида нақдсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

— тўлов топшириқномалари;

— тўлов талабномалари;

— аккредитивлар;

— инкассо топшириқномалари;

— чеклар.

Нақдсиз ҳисоб-китоблар банкнинг корпоратив карточкалари бўйича ҳам амалга оширилади.

Тўловчилар билан маблағ олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома (келишув) билан белгиланади.

Тўлов топшириқномаси мижознинг ўз ҳисобварағидан олувчи ҳисобварағига муайян суммани ўтказиш тўғрисида хизмат кўрсатувчи банк топшириғи ҳисобланади (8-намунага қаралсин).

8-намуна

ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ 368-сон

САНА *07.11.2007 й.*
Тўловчининг номи *«Умид» ХК*
ДЕБЕТ
Тўловчининг СТИРи *203677795*
Тўловчининг ҳ/р *20208000104132780001*
Тўловчи банкининг коди *00442*
Тўловчи банкининг номи *МОМФ «Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент ш.*
СУММА *11269-72*
Олувчининг номи *ООО ИП «УЗДУНРОБИТА»*
КРЕДИТ
Олувчининг ҳ/р *20208000100430552009*
Тўловчининг СТИРи *200656475*
Олувчи банкининг номи *ЎзР ТИФ МБ бош оператив бўлими*
Олувчи банкининг коди *00407*
Сумма сўз билан: *ўн бир минг икки юз олтмиш тўққиз сўм 72 тийин*
Тўлов мақсади: *алоқа хизмати учун 31.10.2007 йилдаги 2014228827/200586266-сонли 2007 йил октябрь учун счёт-фактурага мувофиқ*

Раҳбар *Каримова С.Т.* **Бош бухгалтер** *Эргашева М.Х.*

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган
Банк	_____	_____	_____

Тўлов топшириқномалари билан ҳисоблашишлар кўпинча олдиндан ҳақ тўлашда ишлатилади, бунда харидор аввал пулни ўтказади, сўнгра етказиб берувчидан товар олади. У одатда, агар тўловчи ва олувчига турли банкларда хизмат кўрсатилса, икки нусхада ва, агар тўловчи билан олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада ёзиб берилади (6-чизмага қаралсин).



6-чизма. **Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар**

Мол етказиб берувчи товарни юклаб жўнатган, ишни бажарган ва хизматлар кўрсатганидан сўнг тўловчидан муайян суммани тўлашни талаб этганда кейинги ҳисоб-китоблар тўлов талабномаси бўйича амалга оширилиши мумкин (9-намунага қаралсин). Ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли бошқача қилиб, акцептли деб ҳам аталади. Товарнинг юклаб жўнатилгани ҳақида зарур ҳужжатларга эга бўлган етказиб берувчи тўлов талабномасини ёзади ва уни ўз банкига инкассога (тўловни талаб қилиб олишга) топширади. Етказиб берувчининг банки уларни акцепт ва тўловни ундириш учун харидорнинг банкига юборади (7-чизмага қаралсин).

9-намуна

ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАСИ ***0000000933-сон*** **0505411001**

САНА *30.04.2008 й.*
Тўловчининг номи *ШК «QUYOSHDAN HIMOYALASH BUYUMLARI»*

Тўловчининг СТИРи *202486608*
ДЕБЕТ тўловчининг х/р *20296000903733978001*
Тўловчи банкининг коди *00869*
Тўловчи банкининг номи *ТИФ МБ Сирғали бўлими, Тошкент ш.*
Сумма *21561,42*
Олувчининг номи *АЖ «Тошкент-сут»*
КРЕДИТ олувчининг х/р *20210000801312240001*
Олувчи банкининг номи *Республика АТБ «Пахтабанк», Тошкент ш.*
Олувчи банкининг коди *00394*
Сумма сўз билан *йигирма бир минг беш юз олтмиш бир сўм 42 тийин*
Тўлов мақсади *Ойна блоклари учун, 01.02.2008 йилдаги 293-сонли шартнома, юклаб жўнатиш санаси 12.04.2008 йилдан 13.04.2008 йилгача*

Раҳбар *Петров Д.И.* Бош бухгалтер *Саматова Б.Р.*

М.Ў.

	Текширилган	Маъқулланган	Банк томонидан ўтказилган
Банк	_____	_____	_____



7-чизма. Ҳисоб-китобларнинг акцептли шакли

Акцепт — тўловчининг пулли, ҳисоб-китоб, товар ҳужжатларини ёки товарларни тўлашга розилиги ёки тўлашни кафолатлашидир. У банк муассасаси томонидан талабнома олинганидан кейин битта шаҳардаги ҳисоб-китобларда — уч кун мобайнида, бошқа шаҳардаги ҳисоб-китобларда — беш кун мобайнида банкка тақдим этилиши керак. Агар товар ёки хизматларга буюртма берилмаган бўлса,

товарларнинг сифатсизлиги ёки бут эмаслиги аниқланган, товарлар нархи келишилмаган бўлса тўловчи тўлашдан бош тортишга ҳақлидир. Бош тортиш асосланиши ва банкка ёзма шаклда тақдим этилиши керак.

Аккредитив — харидор банкининг етказиб берувчининг бошқа шаҳардаги банкига юклаб жўнатилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун харидорнинг аккредитив аризасида кўзда тутилган шартларда етказиб берувчи счётларини тўлашни амалга ошириш топшириғи (8-чизма ва 10-намунага қаралсин).



8-чизма. **Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар**

10-намуна

АККРЕДИТИВГА АРИЗА: 5-сон

Сана	*2008 йил 10 февраль*
Тўловчининг номи	*«Нур» КК*
Дебет тўловчи ҳисобварағи	*20296000400118010001*
Тўловчи банкининг номи	*ЎзСҚБ*
Тўловчи банки коди	*00440*
Сумма	*185 700*
Олувчи номи	*«Сплайн» КК*
Кредит аккредитив ҳисобварақ	*20208000000500239001*
Олувчи банки номи	*Трастбанк*

Олувчи банки коди *00491*
Сумма ёзув билан: *бир юз саксон беш минг етти юз сўм*
Амал қилиш муддати *10 кун* Шартнома *166-сон*
Буюртма *16/2-сон* Буюртма санаси *02.02*
Товар ёки хизматлар номи *ММХ/16/2 компьютери*
Ҳужжат тури
Қўшимча шартлар

Раҳбар *Рашидов* Бош бухгалтер *Бердиев*

М.Ў.

	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди
Банк	_____	_____	_____

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин: *қопланган (депонентланган) ва қопланмаган (кафолатланган).*

Қопланган (депонентланган) аккредитив бўлиб шундай аккредитивлар ҳисобланадики, уларни очиш пайтида эмитент-банк ўзининг мажбуриятлари амал қиладиган бутун муддатга тўловчининг маблағларини етказиб берувчининг банки (бажарувчи банк) тасарруфига ўтказади.

Қопланмаган (кафолатланган) аккредитив бажарувчи банкда эмитент-банк билан бевосита корреспондентлик муносабатлари бўлганда, етказиб берувчи аккредитивнинг барча шартлари бажарилганда, унда очилган эмитент-банк корреспондентлик счётидан аккредитивнинг бутун суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини бериш йўли билан очилади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар *чақириб олинадиган* ёки *чақириб олинмайдиган* бўлиши мумкин.

Чақириб олинадиган аккредитив етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан эмитент-банк томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя қилинмаганда).

Етказиб берувчининг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив унинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар маблағлар тўловчининг счётидан сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилган ҳолда қўлланилади (11-намунага қаралсин).

11-намуна

4000998-сонли ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАСИ

Сана	*18.01.2008 йил*
Тўловчининг номи	*«Нур» ҚК*
Дебет	
Тўловчининг ҳисобварағи	*20296000400118010001*
СТИР	*201689419*
Тўловчи банкининг номи	*ЎзСҚБ*
Тўловчи банки коди	*00440*
Сумма	*1139*
Олувчи номи	*Чилонзор туман ДСИ*
Кредит	
Олувчи ҳисобварағи	*23402000900100001429*
Олувчи банки номи	*Чилонзор СҚБ*
Олувчи банки коди	*00427*
Сумма ёзув билан:	*бир минг бир юз ўттиз тўққиз сўм*
Тўлов тафсилотлари	*фойда солиғи бўйича пеня*

Раҳбар _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (имзо)

М.Ў.

	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди
Банк	_____	_____	_____

Инкассо топшириқномаларини қуйидагилар тақдим этиши мумкин:

солиқ идоралари — давлат бюджетига ўз вақтида киритилмаган солиқлар ва солиқ тўловларини (пенялар, жарималарни) ундириш тўғрисида;

бюджетдан ташқари фондлар — агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, боқимондаларни ундириш тўғрисида;

божхона идоралари — уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;

бошқа идоралар қонун ҳужжатларига биноан.

Чеклар билан ҳисоб-китоблар (9-чизма) пайтида маҳсулотни юклаб жўнатиш амалда уни тўлаш вақти билан мос тушади. Бунинг учун корхона ўз банкидан ҳисоб-китоблар-

ни амалга ошириш учун чек дафтарчасини олади. Чекдан маблағларни ҳисобдан чиқариш банкка икки нусхада чеклар реестрлари ва чекларнинг ўзини тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Чеклар ўн кун давомида амал қилади. Чек бланклари дафтарча қилиб тикилади, улар қатъий ҳисобот бланклари ҳисобланади. Чек дафтарчаси лимити чек берувчи томонидан ёзилиши мумкин ва банк томонидан тўланиши керак бўлган умумий энг юқори суммани билдиради.



9-чизма. Чеклар бўйича ҳисоб-китоблар

Чек дафтарчаси лимитланган ва лимитланмаган бўлиши мумкин.

Лимитланган чек дафтарчасини олиш пайтида қуйидагича ўтказма амалга оширилади:

Дебет 5520 Кредит 5110

Етказиб берувчилар счётларини лимитланган чек дафтарчасидан чеклар билан тўлаш қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Дебет 6010, 6990 Кредит 5520

Лимитланмаган чек дафтарчасини олиш ҳеч қандай бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилмайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида чеклар бўйича ҳисоб-китоблар вақтинча қўлланилмаяпти.

Банклар мижозлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз операцияларини ўтказиш чоғида мемориал ордерлардан фойдаланишлари мумкин (12-намунага қаралсин).

12-намуна

644/9623-сонли МЕМОРИАЛ ОРДЕР

Сана	*27.04.2008 йил*
Тўловчи номи	*«Нур» КК*
Дебет	
Тўловчининг ҳисобварағи	*20296000400118010001*
СТИР	*201689419*
Тўловчи банкининг номи	*ЎзСҚБ*
Тўловчи банки коди	*00440*
Сумма	*480*
Олувчининг номи	*«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ОПБРУ*
Кредит	
Олувчининг ҳисобварағи	*45249000600000440001*
Олувчи банкининг номи	*ЎзСҚБ*
Олувчи банки коди	*06440*
Сумма ёзув билан	*Тўрт юз саксон сўм*
Тўлов тафсилотлари	*операциялар хизмати кўрсатганлик учун*

Раҳбар _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (имзо)

М.Ў.

	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди
Банк	_____	_____	_____

Банк тўловчи сифатида иш юритаётганда мемориал ордерлар банк раҳбари ва бош бухгалтер ҳамда мазкур банк счётини юритувчи бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Корхона счётида пул маблағлари етарлича бўлмаганда банк уни 2-сон картотекага ўтказади ва корхонани ўз маблағларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Маблағларни ҳисоб-китоб счётидан ҳисобдан чиқариш ушбу ҳолда қонун ҳужжатлари билан белгиланган кетма-кетликда амалга оширилади. Мустасно ҳолларда маблағларни жуда зарур эҳтиёжларга бериш тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вақти-вақти билан (ҳар куни ёки банк томонидан белгиланган бошқа муддатларда) корхона банкдан ҳисоб-китоб счётидан кўчирма олади. Унда операция мазмуни шартли код билан алмаштирилади. У ҳисоб-китоб счёти бўйича операциялар амалга оширилганидан кейин берилади. Кўчирмага барча тасдиқловчи ҳужжатлар бириктириб қўйилади.

Кўчирманинг бухгалтерия ишловида банк корхонанинг қарздори сифатида амал қилаётганини эътиборда тутиш керак, чунки банк пул маблағларини сақлайди ва улардан ўз айланмасида фойдаланади. Шу сабабли маблағлар қолдиқлари ва тушумлар шахсий счёт кредити бўйича ёзилади, чунки ушбу суммалар банкнинг корхонадан қарзини кўрсатади, пулларни бериш ва ўтказиш эса дебет бўйича кўрсатилади, чунки ушбу ҳолда банкнинг қарзи камаяди. Демак, банк учун корхонанинг ҳисоб-китоб счёти — пассив ҳисобварақ. Корхона учун эса у актив ҳисобварақ, шунинг учун бухгалтер ушбу операцияларни 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағига тескари тартибда ёзади.

Банк кўчирмаси бухгалтер томонидан текширилади ва хошияларида корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар шифри қаламда кўрсатилади. Кўчирмага илова қилинган ҳужжатларда ана шу ҳисобварақлар кўрсатилади. Банк кўчирмаларида тузатишлар, ўзгаришлар, устидан чизишларга йўл қўйилмайди. Корхонанинг ҳисоб-китоб счётида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» актив пул ҳисобварағи ишлатилади (8-жадвал).

8 - жадвал

5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобвараги бўйича энг кўп учрайдиган ҳисобварақлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижара ҳақининг ижарачидан келиб тушиши	5110	4810, 4820
2	Товарларни кредитга сотишдан пул келиб тушиши	5110	4710
3	Маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар), асосий воситалар ва бошқа активлар сотилишидан пул келиб тушиши	5110	4010
4	Ҳисоб-китоб счётига кассадан пул маблағлари топширилиши	5110	5010
5	Чет эл валютасини сотиб олиш учун пул ўтказилиши	5530	5110
6	Банкка қайтарилган чек ва аккредитивлар бўйича суммалар ҳисоб-китоб счётига кўчирилди	5110	5510, 5520
7	Қисқа муддатли инвестициялар тартибида илгари тақдим этилган қарз қайтарилиши	5110	5830
8	Олдиндан берилган бўнак қайтарилиши	5110	4310-4390
9	Қондирилган даъволар суммаси келиб тушиши	5110	4860
10	Олинган бўнаклар суммалари акс эттирилиши	5110	6310-6390
11	Етказиб берувчиларга бўнаклар ўтказилиши	4310	5110
12	Кассага банклан пул маблағлари келиб тушиши (иш ҳақи, мукофот, нафақалар ва ҳоказоларни тўлаш учун)	5010	5110
13	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзлар ёпилиши	6010	5110
14	Бюджетга тўловлар бўйича қарз суммалари кўчирилиши	6410	5110

Т/р	Хўжалик операцияси мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
15	Сугурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига қарзлар ёпилиши	6510-6530	5110
16	Ҳисобланган дивидендларни таъсисчиларга тўланиши	6610	5110
17	Қисқа муддатли кредит ва қарзларнинг ёпилиши	6810-6840	5110
18	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар жорий қисмининг ёпилиши	6950	5110
19	Ҳисобланган фоизлар бўйича қарзлар ёпилиши	6920	5110
20	Ижарага берувчига тўланиши лозим бўлган тўловлар амалга оширилиши	6910, 6950	5110

5110-ҳисобварақ дебети бўйича тушум хусусиятига қараб турли ҳисобварақлар кредитидан ҳисоб-китоб счётига маблағларнинг келиб тушишига доир хўжалик операциялари, ҳисобварақ кредити бўйича эса — харажат йўналишига қараб турли ҳисобварақлар дебетига ҳисоб-китоб счётидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга доир хўжалик операциялари акс эттирилади.

7.3. Валюта счёти бўйича операцияларни ҳисобга олиш тартиби

Валюта бойликлари — корхонанинг чет эл валюталаридаги пул активлари ва пассивларидир. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

— чет эл валютасини, яъни тегишли хорижий давлатда ёки давлатлар гуруҳида муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланадиган банкноталар, хазина билетлари, тангалар кўринишидаги пул белгилари ва счётлардаги хорижий давлатлар пул бирликлари ҳамда халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағларни;

— чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни — чет эл валютасида ифодаланган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар), фонд бойликлари (акциялар, облигациялар) ва бошқа қарз мажбуриятларини.

Чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан операциялар икки турга бўлинади:

— жорий валюта операциялари;

— капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари.

Қуйидагилар жорий валюта операциялари ҳисобланади:

— товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича тўлов муддатини кечиктирмасдан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун, шунингдек экспорт-импорт операцияларини 180 кундан кўп бўлмаган муддатга кредитлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун чет эл валютасининг республикага ва республикадан ташқарига кўчирилиши;

— 180 кундан кўп бўлмаган муддатга молиявий кредитлар олиш ва тақдим этиш;

— капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган қўйилмалар, инвестициялар, кредитлар ва бошқа операциялар бўйича фоизлар, дивидендлар ва бошқа даромадларнинг республикага ва республикадан ташқарига кўчирилиши;

— савдо хусусиятига эга бўлмаган кўчиришлар, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақалар, алиментлар суммаларини кўчириш, шунга ўхшаш бошқа операциялар.

Жорий валюта операцияларини корхоналар чекланмасдан амалга оширишлари мумкин. Капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибдагина амалга оширилиши мумкин.

Капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига қуйидагилар киради:

— бевосита инвестициялар, яъни кейинчалик даромад олиш ва корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида корхонанинг устав капиталига қўйилмалар;

— портфель инвестициялари, яъни қимматли қоғозларни сотиб олиш;

— валютада кредит ва қарзлар тақдим этиш ва олиш;

— жорий операция ҳисобланмайдиган бошқа валюта операциялари.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлиш лозим.

Валюта бойликлари ва операцияларининг бухгалтерия ҳисоби:

— корхона фаолиятининг таркибий қисмлари сифатида валюта операциялари акс эттирилишини;

— корхона валюталарининг ҳақиқий ҳолатини ҳаққоний акс эттиришни;

— валюта битимларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, валюта бойликларининг мавжудлиги, уларнинг бутлиги ва тўғри фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг базавий валютаси сифатида миллий валюта — сўм қўлланилади. Яъни барча ҳисоб ёзувлари, ушбу ёзувларда акс эттириладиган хўжалик операцияларида ҳақиқатда ишлатилган валютанинг туридан қатъи назар, сўмларда юритилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун валюта маблағларини баҳолаш чет эл валюталарининг сўмдаги эквивалентини белгилашдан иборат. Сўмдаги эквивалент валюта курси асосида чет эл валютасини сўмларга қайта ҳисоблаш (конверсиялаш) йўли билан белгиланади. Бундай қайта ҳисоблаш қуйидагича ўтказилади:

— чет эл валютасини сўмларга қайта ҳисоблаш асоси бўладиган курс тури белгиланади;

— конверсия ўтказилиши керак бўлган сана белгилаб олинади;

— ҳисоб-китоб амалга оширилади;

— курс фарқи суммаси ҳисоблаб чиқарилади ва ҳисобга олинади.

Валюта курси — бошқа миллий ёки халқаро валюталарнинг сўмда ифодаланган нархи. У аукционлар, биржалар, банкларараро бозорда талаб ва таклиф асосида, тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар ва фуқаролар томонидан валюта олди-сотдиси пайтида, яъни ички валюта бозорида шаклланади.

Валюта курси доимо ўзгариб туради, шунинг учун чет эл валютасини сўмга ёки аксинча конверсиялаш операциясини бажариш пайтида қайси кун курсидан фойдаланиш кераклигини аниқ белгилаб олиш зарур.

Умумий қоидага кўра қайта ҳисоблаш операция амалга оширилган кундаги курсдан фойдаланиб амалга оширилади. Чунончи, ҳисоб мақсадлари учун банкдаги валюта счётига маблағларни кирим қилиш ёки ундан ҳисобдан чиқариш чоғида операция амалга оширилган кунда, яъни валюта ҳисобварағидан банк кўчирмасида кўрсатилган санада амал қилган курсдан фойдаланилади. Айни шу сумма маблағлар кирими ёки чиқими сифатида ҳисобга олиниши керак.

Алоҳида ҳолларда операцияни амалга ошириш санаси қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларда кўрсатилади. Амалиётда, кўпчилик ҳолларда, қайта ҳисоблаш санаси операциянинг иқтисодий ва юридик мазмунидан келиб чиқиб қабул қилинади. Корхона валюта операцияси натижасида ҳосил бўлган муайян мулкий объект ёки мажбуриятни тан оладиган (ҳисобга қабул қиладиган) ва ушбу сана у ёки бу ҳисоб-китоб-пул ҳужжатида белгиланган сана билан мос тушадиган кун ана шундай сана ҳисобланади. Масалан:

— ҳисобот учун берилган суммалар бўйича чет эл валютасида қарз ҳосил бўлиши — корхона кассасидан сумма берилган кун (чиқим касса ордери санаси);

— илгари ҳисобот учун берилган суммалар бўйича хорижий валютадаги қарзни қоплаш — бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси;

— экспортга юклаб жўнатилган маҳсулот учун чет эл валютасида қарзнинг пайдо бўлиши (юклаб жўнатиш пайти бўйича тушумни белгилаш чоғида) — хорижий харидорга тўловнома тақдим этиш санаси;

— импорт божини тўлашга доир қарзнинг пайдо бўлиши — божхона юк декларациясининг божхона расмийлаштирувига қабул қилиниши куни;

— импорт божини тўлашга доир қарзни қоплаш — бож тўлаш куни;

— меҳнат мажбуриятларини бажарганлик учун иш ҳақи ва бошқа тўловларни чет эл валютасида ҳисоблаш — даромад ҳисобланган ойнинг охирги календарь куни;

— меҳнат мажбуриятларини бажарганлик учун иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг чет эл валютасида ҳисобланган суммасидан даромад солиғи бўйича қарзнинг ҳосил бўлиши — даромад ҳисобланган ойнинг охирги календарь куни.

Хўжалик операциясини амалга ошириш санаси билан ушбу операциядан келиб чиқадиган исталган пул позициялари бўйича ҳисоб-китоб санаси ўртасидаги даврда расмий курснинг ўзгариши натижасида курсдаги фарқлар юзага келади.

Курс фарқи — уларни бухгалтерия ҳисобида рўйхатга олиш санасидаги ва ҳисоб-китоб ҳақиқатда амалга оширилиш (пул ёки бошқа маблағлар келиб тушган ёки тўланган) санасидаги курс бўйича валюта активлари ва пассивлари баҳолари ўртасидаги фарқлардир.

Курснинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда мусбат ва манфий (курсдаги йўқотишлар) курсдаги фарқлар пайдо бўлади.

Юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун чет эл валютаси олган корхоналар чет эл валютасини 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» *ҳисобварағида ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари ёзилган* санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиб, сўмларда ҳисобга оладилар.

Корхонанинг валюта маблағлари банкдаги валюта счётида сақланиши керак.

Корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида исталган ваколатли банкда валюта счётларини очиши мумкин. Корхона томонидан чет элдаги хорижий банкда счёт очилиши ва у бўйича операцияларни амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсати талаб қилинади. Бунда корхона кўрсатилган счётлардаги маблағлар қолдиқларига доир ҳисобот ва бошқа маълумотларни Марказий банк томонидан белгиланадиган шакл ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Қуйидагилар корхона счётига чет эл валютасидаги маблағлар тушуми манбалари бўлиши мумкин:

— экспорт товарларига ҳақ тўлашга ваколатли банк орқали хориждан кўчирилган суммалар;

— сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашга бошқа соҳиблар (норезидентлар, дастлабки воситачилар, транспорт, суғурта ва бошқа ташкилотлар)нинг валюта счётидан кўчирилган суммалар;

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рухсат этилган бошқа манбалар.

Валюта счётидан маблағлар счёт эгасининг фармойишига кўра қуйидаги мақсадларга ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

— счёт эгасининг экспорт-импорт операциялари бўйича ўрнатилган банк шаклида хорижга кўчириш;

— импорт қилинадиган товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини кейинчалик тўлаш мақсадида хорижга кўчириш учун ваколатли банк мижозлари бўлган ташқи иқтисодий ташкилотлар счётига кўчириш;

— бошқаларнинг (норезидентлар, дастлабки воситачилар, транспорт, суғурта ва бошқа ташкилотлар) валюта счётига, улар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ҳақини тўлаш учун кўчириш;

— банк комиссияси, почта-телеграф, хизмат сафарлари харажатларини тўлаш, валюта савдоларида сотиш учун банкдан олинган чет эл валютасидаги кредитлар бўйича қарзларни тўлашда фойдаланиш;

— қонун ҳужжатларида рухсат этилган бошқа мақсадларда фойдаланиш.

Валюта операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш 22-сонли БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» (ЎзР АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низом (ЎзР АВ томонидан 17.09.2004 йилда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Ушбу Низомга мувофиқ корхоналар ҳар ойда баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашлари лозим, хусусан:

— кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивларни;

— чет эл валютасидаги пул ҳужжатларини;

— чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозларни;

— чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва заёмларни.

Қуйидагилар қайта ҳисобланмайди:

— корхона томонидан чет эл валютаси ҳисобига харид қилинган мол-мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий қимматликлар, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари);

— хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона устав капитали (фонди)нинг ҳажмлари ва унинг иштирокчилари (таъсисчилари) улушларининг нисбати.

Кўчириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисобот ойининг охирги санасида валюта счётидан кўчирмалар асосида, фарқни молиявий фаолият натижаларига киритиш билан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойда баланснинг валюта моддаларини ҳисобот ойининг охирги санаси ҳолатига кўра Марказий банк курси бўйича қайта баҳолайди.

Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ва илгари тўпланган мусбат ва манфий курс фарқлари корхонанинг ихтиёрига кўра бухгалтерия ҳисобида икки хил усул билан акс эттирилиши мумкин:

— молиявий-хўжалик фаолияти натижасига *тўғридан-тўғри ўтказиш усули*, бунда мусбати — молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга, манфийси эса — молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга ўтказилади;

— *жамлаш усули*, бунда мусбати даставвал кечиктирилган даромадлар, яъни 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» ҳисобварағида, манфийси кечиктирилган харажатлар, яъни 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» ҳисобварағида жамланади ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

а) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича улар қопланиб (ёки ҳисобдан чиқарилиб) боришига қараб;

б) қолган ҳолатларда баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари содир этилиб боришига қараб.

Курс фарқларининг бухгалтерия ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида мос равишда 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» ва 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» ҳисобварақларида мавжуд мусбат ва манфий курс фарқларини курс фарқи ҳисобдан чиқарилаётган ҳисобот ойи охирида чет эл валютаси бирлигига тўғри келадиган ўртача курс фарқи бўйича ҳисобдан чиқаришга рухсат этилган.

Қўлланилаётган курс фарқларини ҳисобдан чиқариш усули албатта хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисобдан чиқарилган мусбат курс фарқи 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади ва даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солиш базасини оширади, манфий курс фарқи эса 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади ва даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасидан чегирилади.

Зарар билан фаолият юритишни олдини олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларга кредиторлик қарзларини қоплаш (ҳисобдан чиқариш) якуний муддатигача ушбу қарз бўйича жамланган манфий курс фарқини, молиявий-хўжалик фаолияти натижасига, уларни қоплаш учун етарли даромадлар чегарасида ҳисобдан чиқаришга рухсат этилган.

Касса, валюта счётидаги валюта маблағлари қолдиқларини ва чет эл валютасидаги дебиторлик қарзини қайта баҳолаш чоғида юзага келадиган курс фарқларининг бухгалтерия ҳисоби тартиби:

— мусбат курс фарқи суммасига:

Дебет 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари», дебиторлик қарзларини ҳисобга олувчи 4310, 4010, 6010, 6990-ҳисобварақлар ва ҳ.к.

Кредит 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» ҳисобварағи.

Марказий банк курсининг ўзгариши муносабати билан мажбуриятларни қайта баҳолаш чоғида юзага келадиган манфий курс фарқи суммасига;

Дебет 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» ҳисобварағи

Кредит 6010, 6310, 6710, 6610, 6990 мажбуриятлар ҳисобварақлари ва ҳ.к.

Молиявий натижаларга ўтказиб борилишига қараб қуйидагича ёзувлар акс эттирилади;

— мусбат курс фарқларига:

Дебет 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар»

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»;

— манфий курс фарқларига:

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар»

Кредит 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари».

Корхонанинг устав капитали (фонди)ни шакллантириш чоғида курс фарқларини акс эттириш тартиби:

— таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш санасида устав капиталини шакллантириш пайтида:

Дебет 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

Кредит 8310-8330 Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар;

— таъсисчилардан улушларнинг ҳақиқатда келиб тушиш санасига:

Дебет 0110-0190 Асосий воситалар, 0410-0490 Номоддий активлар, 1010-1090 Материаллар, 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот», 2910-«Омбордаги товарлар» ҳисобварақлари, пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва ҳ.к.

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»;

— таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасида ва таъсисчиларнинг ҳақиқатда улуш киритиши санасида Марказий банк курслари ўртасида юзага келадиган курс фарқлари суммасини ҳисобдан чиқариш:

Дебет 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»

Кредит 8420-«Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи».

Мазкур курс фарқи корхона даромади ҳисобланмайди ва бинобарин, фойда (даромад) солиғига тортилмайди.

Экспорт операциялари бўйича курс фарқларининг бухгалтерия ҳисоби тартиби:

— маҳсулот, товарларни хорижий харидорга юклаб жўнатиш:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9010-9030 Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган даромадлар;

— юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳисобдан чиқариш;

Дебет 9010-9030 Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган даромадлар

Кредит 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот», 2910-«Омбордаги товарлар» ва ҳ.к.;

— хорижий харидорнинг қарзини транзит валюта счётига ҳисоблаб ёзиш:

Дебет 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

— товарни юклаб жўнатиш санасидаги ва валюта маблағларини ҳисоблаб ёзиш санасидаги Марказий банки курслари ўртасидаги мусбат курс фарқи бир вақтнинг ўзида акс эттирилади:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан (мусбат) даромадлар».

Импорт операциялари бўйича курс фарқларини ҳисобга олиш тартиби:

— божхона юк декларациясига кўра хорижий етказиб берувчидан товар-моддий қимматликлар олинди:

Дебет 1010-1090 Материаллар, 2910-«Омбордаги товарлар»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»;

— олинган товар-моддий қимматликлар учун валюта счётидан етказиб берувчига кўчирилди:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»;

— етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича курс фарқи суммасига:

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Илгари ҳисобот учун берилган суммаларни қоплаш чоғидаги курс фарқини акс эттириш тартиби. Курс фарқи бериш кунидаги курс бўйича ҳисобот топшириш шарти

билан хизмат сафари харажатларига берилган сумма билан бўнак ҳисоботи тасдиқланган кундаги курс бўйича тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган сумма ўртасида юзага келади. Бухгалтерия ҳисобида мазкур валюта операциялари, операция амалга оширилган санадаги Марказий банк курси бўйича акс эттирилади:

— корхона кассасидан хизмат сафари харажатларига чет эл валютасида сумма берилди (чиқим касса ордерини ёзиш санаси):

Дебет 4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»

Кредит 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари»;

— ҳисобот учун берилган суммалар ҳисобига қилинган харажатларни ҳисобдан чиқариш (бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси):

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 9420-«Маъмурий харажатлар»

Кредит 4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»;

— мусбат курс фарқи суммасига:

Дебет 4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан (мусбат) даромадлар».

Валюта операцияларини амалга оширишда корхона ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорига 1-илова «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби»га амал қилиши лозим. Валюта тушуми корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушганда ваколатли банк уни бу ҳақда кейинги кундан кечиктирмай хабардор қилади. Корхона, ўз навбатида, банкка валютанинг 50%ини операция амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича мажбурий сотиш тўғрисида топшириқ беради (тўлов топшириқномаларини тақдим этади). Корхона маблағлар валюта счётига ёзилган санадан бошлаб ўн иш куни давомида валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишга тўлов топшириқномасини тақдим этмаган тақдирда ваколатли банкнинг ўзи кўрсатилган маблағларни сотишни амалга оширади. Корхона сотилиши мажбурий бўлган суммадан, кечиктирилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда пеня тўлайди.

Олинган тушумнинг 50%ини мажбурий сотиш қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари».

Ҳисоб-китоб счётига чет эл валютасининг 50%ини мажбурий сотишдан тушум:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Корхона Ўзбекистон Республикаси ички бозорида хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартиб ва мақсадларда, ваколатли банклар орқали харид қилиш ҳуқуқига эгадир. Хизмат сафари харажатлари, шартнома-контрактлар бўйича мажбуриятларни бажаришга доир операциялар ва ҳоказолар ана шундай мақсадли йўналишлар ҳисобланади.

Сўмга харид қилинган чет эл валютасини ҳисобга қабул қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харид кунидаги курс бўйича чет эл валютасини сотиб олиш учун ҳисоб-китоб счётидан сўмдаги маблағларни кўчириш:

Дебет 5530-«Бошқа махсус счётлар»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»;

— банк кўчирмаси бўйича валюта счётига чет эл валютасини ҳисобга қабул қилиш:

Дебет 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»

Кредит 5530-«Бошқа махсус счётлар»;

— мусбат курс фарқини акс эттириш:

Дебет 5530-«Бошқа махсус счётлар (блоксчёт)»

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан (мусбат) даромадлар»;

— манфий курс фарқини акс эттириш:

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар»

Кредит 5530-«Бошқа махсус счётлар».

Чет эл валютасининг сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

— МБ курси бўйича чет эл валютасини валюта счётидан кўчириш:

Дебет 5530-«Бошқа махсус счётлар (блоксчёт)»

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»;

— МБ курси бўйича валютани блоксчётдан ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 5530-«Бошқа махсус счётлар (блоксчёт)»;

— банк кўчирмаси бўйича сотилган валютанинг сўмдаги эквивалентини ҳисоб-китоб счётига ҳисобга қабул қилиш:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

— мусбат курс фарқини акс эттириш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан (мусбат) даромадлар;

— манфий курс фарқини акс эттириш:

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Валюта бўйича курс фарқларининг ҳисобига оид шартли мисоллар

1-мисол. *Товарларни сотиб олиш*

20 000 АҚШ долларлик товар МБ курси бўйича кирим қилинган. Божхона юк декларациясини (БЮД) тўлдириш санасидаги курс 1 АҚШ доллари учун 1 200 сўмни ташкил этган. Товарни кирим қилиш (20 000 × 1 200 = 24 000 минг сўм) қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 2910-«Омбордаги товарлар» — 24 000 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 24 000 минг сўм.

Ой якунига қараб сўмга нисбатан долларнинг курси 1 250 сўмгача кўтарилди. Курс фарқи (1 250 − 1 200) × 20 000 = 1 000 минг сўмни ташкил этади.

Операция қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

— *тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:*

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» — 1 000 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 1 000 минг сўм;

— *жамлаш усули бўйича:*

Дебет 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» — 1 000 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 1 000 минг сўм.

Товар ҳақини тўлашда тўлов кунига курс 1 270 сўмни ташкил этди, курс фарқи (1 270 − 1 250) × 20 000 = 400 минг сўм.

Операция қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

— тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 25 000 минг сўм

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» — 400 минг сўм

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 25 400 минг сўм;

— жамлаш усули бўйича:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 25 000 минг сўм

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» — 1 400 минг сўм

Кредит 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» — 1 000 минг сўм

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 25 400 минг сўм.

2-мисол. *Товарларни сотиш*

МБ 1 доллар учун 1 230 сўм курси бўйича 2 000 долларлик, яъни 2 000 × 1 230 = 2 460 минг сўмлик товар ортиб жўнатилган.

Товар ортиб жўнатилиши қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 2 460 минг сўм

Кредит 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 2 460 минг сўм.

Ойнинг охирида курс 1 доллар учун 1 250 сўмгача ошди:

(1 250 − 1 230) × 2 000 = 40 минг сўм.

Операция қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

— тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 40 минг сўм

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 40 минг сўм;

— жамлаш усули бўйича:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 40 минг сўм

Кредит 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» — 40 минг сўм.

Харидордан пул келиб тушган пайтда МБ курси 1 доллар учун 1 270 сўмни ташкил этган:

(1 270 − 1 250) × 2 000 = 40 минг сўм.

Операция қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

— тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:

Дебет 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 2 540 минг сўм

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 2 500 минг сўм

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 40 минг сўм;

— жамлаш усули бўйича:

Дебет 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 2 540 минг сўм

Дебет 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» — 40 минг сўм

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 2 500 минг сўм

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 80 минг сўм.

Соддалаштириш мақсадида қолган бошқа мисоллар тўғридан-тўғри ўтказиш усули асосида келтирилган.

3-мисол. *50% валюта тушумини сотиш*

1 доллар учун 1 250 сўм МБ курси бўйича 50% валюта тушуми — 1 000 доллар сотилди:

1 000 × 1 250 = 1 250 минг сўм.

Валюта тушумининг сотилиши қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 1 250 минг сўм

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 1 250 минг сўм.

Ҳисоб-китоб счётига сўмдаги эквивалентни ҳисобга қабул қилиш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 1 250 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 1 250 минг сўм.

4-мисол. *Валюта счётини қайта баҳолаш*

Ойнинг бошида валюта счётида 1 500 доллар бўлган, доллар курси 1 270 сўмни ташкил этган. Ой давомида валюта счётида бирорта ҳам операция амалга оширилмаган. Ойнинг охирига қараб доллар курси 1 275 сўмгача ошди. Курс фарқи 1 500 × (1 275 − 1 270) = 7 500 сўм. Операция қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 7 500 сўм

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 7 500 сўм.

5-мисол. *Ҳисобот бериладиган суммалар бўйича курс фарқи*

300 долларлик ҳисобот бериладиган сумма берилди, доллар курси 1 230 сўмга тенг, яъни 1 230 × 300 = 369 минг сўм. Бўнак берилиши қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» — 369 минг сўм

Кредит 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари» — 369 минг сўм.

280 доллар суммадаги бўнак ҳисоботи тақдим этилган ва тасдиқланган, 20 доллар кассага қайтарилган, доллар курси 1 250 сўмга тенг. Операция қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 9420-«Маъмурий харажатлар» (280 × 1 250) — 350 *минг сўм*

Дебет 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари» (20 × 1 250) — 25 минг сўм

Кредит 4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» (300 × 1 230) — 369 минг сўм

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 6 минг сўм.

6-мисол. *Устав капиталини шакллантиришда курс фарқини акс эттириш тартиби:*

— қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва 150 000 АҚШ доллари суммасидаги устав капитали рўйхатга олинган, доллар курси 1 230 сўмни ташкил этган:

150 000 × 1 230 = 184 500 минг сўм.

Дебет 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» — 184 500 минг сўм

Кредит 8330-«Пай ва улушлар» — 184 500 минг сўм;

— амалда 150 000 доллар киритилди, доллар курси 1 250 сўмни ташкил этган:

150 000 × 1 250 = 187 750 минг сўм.

Дебет 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 187 750 минг сўм

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» — 184 500 минг сўм

Кредит 8420-«Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» — 3 000 минг сўм.

Корхона устав капитали (фонди)ни шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси ҳолатига Марказий банк белгилаган курслар ва устав капитали (фонди)га амалда маблағлар киритилган сана ҳолати орасидаги курс фарқлари бухгалтерия ва статистика ҳисобида 8420-«Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» ҳисобварағида қўшилган капитал сифатида акс эттирилади.

7.4. Банкдаги бошқа счётлар бўйича операциялар ҳисоби

Банкдаги махсус счётлар бўйича операциялар ҳисоби 5500-«Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар» ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ республика ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларида (век-

селлардан ташқари), жорий алоҳида ва бошқа махсус счётларда бўлган Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ва чет эл валютасидаги маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек мақсадли молиялаш маблағлари (тушумлар) алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

5500-«Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар» ҳисобварағига қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

5510-«Аккредитивлар», 5520-«Чек дафтарчалари», 5530-«Бошқа махсус счётлар» ва бошқалар.

5510-«Аккредитивлар» субсчётида аккредитивларда бўлган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади. Аккредитив шаклида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади.

Аккредитив шакли харидорлар ва товарни етказиб берувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун қўлланилади. Товар харидори (товар аккредитиви) аккредитив аризасини расмийлаштиради, бу билан ўз банки бўлимига унга жўнатилган маҳсулот, товар-моддий қимматликлар учун тўловномаларни тўлашга мўлжалланган аккредитивни муайян етказиб берувчиларга тақдим этишни топширади.

Аккредитив очиш тартибида корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан маблағларни ҳисобдан чиқаришни банк аккредитив учун ариза асосида амалга оширади. Аккредитив ёпилганда маблағлар қолдиғи аккредитив очилган корхонанинг счётига ҳисобга қабул қилинади.

Нақдсиз ҳисоб-китоблар учун қўлланиладиган ҳисоб-китоб чеклари корхонанинг чек берувчи счётидан олувчи — чек тутувчи счётига муайян пул суммасини ўтказиш хусусидаги ёзма топшириғи ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга бўлинади:

— лимитланган чек дафтарчаларидан;

— банк томонидан акцептланмаган;

— банк томонидан акцептланган;

— номли (ҳисоб-китобли) бир мартали.

Лимитланган дафтарчалардан чеклар харидорлар томонидан қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари бўйича қабул қилинган товарлар учун, агар улар ҳақиқатан харидорлар

томонидан олиб чиқилган ёки уларга етказиб берилган бўлса, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларда, шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» кўрсатган хизматлари, алоқа ва божхона тартиб-қоидалари бўйича кўрсатилган хизматлар учун доимий ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Чек дафтарчасини олиш учун банкка ариза топширилади. Унга лимитланган чек дафтарчаси эгасининг шахсий счётида маблағларни депонентлаш учун корхона муҳрининг изи қўйилган ҳолда корхонанинг счёти бўйича операцияларни амалга ошириш учун ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланган тўлов топшириқномаси бириктирилади.

Чеклар тўлов суммаларини белгилаш пайтида ёзилади ва ҳисоб-китоб счётини тасарруф этиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан имзоланади. Истисно ҳолларда лимитланган дафтарчалардан чекларни харидорнинг мансабдор шахслари имзолашлари мумкин, улар товарни жойда корхонанинг ишончномаси бўйича оладилар ва уларнинг чекларни имзолаш ҳуқуқи ишончномада алоҳида кўрсатилади. Чекларда счёт эгаси муҳрининг изи бўлиши керак. Улар берилган кунини ҳисобга олмаган ҳолда, ўн кун давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Банк томонидан акцептланмаган чеклар солиқ идоралари томонидан бюджет даромадларини қайтариш пайтида қўлланилади.

Банк томонидан акцептланган чеклар бюджет ташкилотларининг олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларида, шунингдек солиқ идоралари бюджет даромадларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги орқали қайтараётганида қўлланилади.

5510-5530 Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлардаги маблағлар ҳаракати бўйича бухгалтерия ўтказмалари қуйидаги кўринишда бўлади:

— банк кўчирмасига мувофиқ аризага кўра аккредитив (чек дафтарчаси) очилиши (олиниши):

Дебет 5510-5530-«Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» (ёки 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари»);

— етказиб берувчиларга қарзнинг аккредитив ёки чекдан ҳисобдан чиқарилиши (тўланиши):

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 4810-4890-«Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 5510-5530-«Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»;

— аккредитив ва чек дафтарчасидан фойдаланилмаган суммаларни ҳисобга қабул қилиш:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ёки 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари»

Кредит 5510-5530-«Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар».

Ушбу ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ва жамлама ҳисоби 3-сон ордер-дафтарида банк кўчирмалари асосида юритилади.

7.5. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларга корхонанинг хизмат сафарига юборилган ходимлари билан ҳисоб-китоблари киради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари харажатларига маблағлар бериш ва ишлатиш «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида» йўриқнома (ЎзР АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига эса — «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш» тартиби (ЎзР АВ томонидан 05.06.2000 йилда 932-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Хизмат сафари деб ишчини ташкилот, муассаса, бирлашма, корхона раҳбарининг фармойиши бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши (бориб келиш) тушунилади. Ишчиларни хизмат сафарларига юбориш ушбу ташкилотларнинг бошлиқлари то-

монидан амалга оширилади, буйруқ ва сафар гувоҳномасини бериш билан расмийлаштирилади.

Хизмат сафарига юборилган ишчига тураржой ижараси бўйича, хизмат сафари жойига бориш ва иш жойига қайтиш харажатлари қопланади, шунингдек кундалик харажатлар тўланади. Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (телефонда гаплашиш, телеграф харажатлари ва бошқалар) хизмат сафарига юборилган шахсда буларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тўланади.

Йўл ҳужжатлари йўқ бўлган тақдирда корхона раҳбарига ҳар бир аниқ ҳолат бўйича хизмат сафарига юборилган ишчини йўл харажатларига ҳақ тўлаш масаласини ечиш ҳуқуқи берилади. Бунда, йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафарига темир йўл (ёки агар темир йўл алоқаси бўлмаса, шаҳарлараро автобус) орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин авиачипта қийматининг 30%идан кўп бўлмаслиги керак (ЎзР Солиқ кодексининг 145-моддаси 14-банди).

Хизмат сафарида ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар хизмат сафарига юборилган ишчиларга жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган миқдорларда, лекин қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгиланади (Республика бўйича ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициентларда): Тошкент шаҳрида, шаҳар ва вилоятлар марказларида — 0,1; бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда — 0,08.

Ишчини МДҲ мамлакатларига ва чет элга хизмат сафарига юборганда ҳар бир хизмат сафарида бўлган куни учун кундалик харажатлар (суткаликлар) чет эл валютасида ўрнатилган меъёрларда тўланади (Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибига 1-сон илова, ЎзР АВ томонидан 05.06.2000 йилда 932-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Мазкур харажатларни қоплаш ҳақиқатан қилинган харажатларни ҳужжатлар билан тасдиқлашсиз амалга оширилади.

Хизмат сафари учун ходимларга берилган бўнаклар ҳисобини юритувчи ҳисобварақлар бўйича корреспонденция:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Кассадан ҳисобдор шахсларга бўнаклар берилди	4220-4290	5010, 5020
2	Кассага ишлатилмаган ҳисоб берилаётган суммалар қайтарилди	5010, 5020	4220-4290
3	Ҳисобдор шахслар капитал қўйилмалар, ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, товарларни харид қилиш, етказиб бериш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширишди	0710-0890, 1010-1090, 1110-1120, 2910-2990	4220-4290
4	Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, шунингдек умумий ишлаб чиқариш харажатларини амалга оширишди	2010, 2310, 2510, 2710	4220-4290
5	Ҳисобдор шахслар давр харажатларига киритувчи харажатларни амалга оширишди	9410-9440	4220-4290

Хизмат сафари жойидаги тураржойни ижарага олиш бўйича харажатлар хизмат сафарига юборилган ишчини келиш ва кетиш кунлари бўйича ҳақиқатдаги харажатлар бўйича (люкс-номерлардан ташқари), жумладан меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (жойларни бронлаш, дазмолдан фойдаланиш, сақлаш камерасидан, телевизор, музлатгич, идиш-товоқ, алоқа хизматидан фойдаланиш)га ҳақ тўлаш бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қопланади.

Агар, меҳмонхоналарни люкс-номерларида (хоналарида) яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда, тураржой хонасини ижарага олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу номернинг қийматини 70% миқдорида амалга оширилади.

Тураржой хонасини ижарага олганликни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлган ҳолларда, харажатлар ҳар бир сутка учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини МДҲ мамлакатлари пойтахтларида бўлганда — 3%, бошқа шаҳар ва аҳоли пунктларида — 2% миқдорида қопланади.

ЎзР Солиқ кодексининг 147-моддаси 3-бандига биноан ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимлари хизмат сафари харажатларини хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг фармойиши билан қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча амалга ошириш фойда солиғи бўйича солиқ солиш базасига ва жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига киритилади.

Хизмат сафарига юбориладиган ишчига хизмат сафарига кетишидан олдин қонун ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда кундалик харажатлар, йўл харажатлари, тураржой хонасини ижарага олиш харажатлари чегарасида пул кўринишидаги бўнак тўланади. Ишчи хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан уч кун мобайнида бўнак ҳисоботини тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат сафари гувоҳномаси ва хизмат сафарида ҳақиқатда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

8-боб. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИ

8.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари ва миқдорини, шунингдек бошқа қўшимча ҳақ ва устама ҳақларни республика қонун ҳужжатлари асосида мустақил равишда белгилайди.

Иш ҳақи ходимлар даромадининг асосий манбаси ҳисобланади ва корхона ишининг пировард натижаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ишлаб чиқаришга қўшган меҳнат ҳиссаси билан белгиланади.

Иш ҳақи маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) харажатларининг каттагина қисмини ташкил этади. Иш ҳақи ишлаб чиқариш (муомала) чиқимларининг бир қисми сифатида маҳсулот таннархини шакллантиришга ва пировардида — корхона томонидан фойда олинишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун иш вақтидан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш ва бир меъёрдаги иш шароитларидан бошқа четга чиқишлар сингари иш ҳақига

доир ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва уларга йўл қўймасликка эътибор бериш муҳимдир.

Корхона бухгалтериясининг муҳим вазифаси — иш ҳақини тўғри ҳисоблаш ва уни ўз вақтида беришдир.

Ишчиларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси (ёки контракти) ва у имзоланганидан кейин корхона раҳбарининг ишчини ишга қабул қилиш тўғрисида имзолаган буйруғи чиқарилиши билан расмийлаштирилади.

Корхона бўйича ходимлар жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, у барча ходимларнинг рўйхати бўлиб, улар маошининг миқдори кўрсатилади.

Ходимлар бўлимида ҳар бир ходимга шахсий варақа (карточка) тўлдирилади, раҳбар ходимлар ва мутахассисларга, бундан ташқари, шахсий варақа юритилади. Ҳар бир ходимга ишга қабул қилиш пайтида табель рақами берилади, кейинчалик иш ҳажми ва иш ҳақини ҳисобга олишга доир барча ҳужжатларга ушбу рақам қўйилади.

Корхонанинг бухгалтерия хизмати томонидан ҳар бир ходимга ***шахсий ҳисобварақа*** очилади, унда ходимнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ойма-ой жамланиб борилади (13-намунага қаралсин).

Асосий ва қўшимча иш ҳақи мавжуд.

Асосий иш ҳақига ишланган вақт, бажарилган ишлар миқдори ва сифати учун ходимга ҳисобланадиган иш ҳақи: ишбай нархлар бўйича тўлов; тариф ставкалари; окладлар; мукофотлар; ишнинг меъёрий шароитларидан четга чиқишлар: тунги пайтда, иш вақтидан ташқари ишлаганлик муносабати билан қўшимча тўловлар; бригадирлик учун қўшимча ҳақ, ишчининг айби бўлмаган ҳолда ишламаганлик учун тўлов ва ҳоказолар киради.

Қўшимча иш ҳақини меҳнат бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ишланмаган вақт учун тўловлар: навбатдаги таътиллар; эмизувчи оналар ишидаги танаффуслар; ўсмирларнинг имтиёзли соатлари; давлат ва жамоат мажбуриятларини бажарганлик учун тўловлар; ишдан бўшатиш пайтида бериладиган нафақалар ва ҳоказолар киради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий шакллари ишбай ва вақтбай шакллар ҳисобланади.

13-намуна

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИНИНГ ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚАСИ

Мухин Петр Егорович

(фамилияси, исми, шарифи)

Хизмат бўйича ҳаракат					Ушлаб қолишлар					Таътиллар		
Сана	Асос	Хизмат жойи	Лавозим	Маош	Ушлаб қолиш хусусияти	Сумма	Муддатлар	Асос	Қўшимча маълумотда белгилар ва ҳ.к.	Қайси давр учун	Қайси вақтдан	Қайси вақтгача
7.11	*13-сон буйруқ*		*Оператор*	*7700*	*даромад солиғи, нафақа жамғармаси*				*қизи*			
10.01	*3-сон буйруқ*			*11600*	*даромад солиғи, нафақа жамғармаси*							

Сана*	Тўлов қайдномаси	Тўлов даври	Тегишли								Ушланди										Берилади	
			асосий маош		мукофот		касаллик варақаларн бўйича тўлаш		жами		даромад солиғи		нафақа жамғармаси		касаба уюшмаларк бадалк		ижро варақалари бўйича		жами			
30.11. 200__	2	11	7700	=					7700	=	1199	=	140	=	77	=			1416	=	6284	=
27.12. 200__	1	12	7700	=	1500	=			9200	=	1702	=	184	=	92	=			1978	=	7222	=
26.01. 200__	1	01	11600	=					11600	=	2058	50	290	=	116	=			2467	50	9135	50
ва ҳ.к.																						

Ишбай иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар) миқдори ва унинг бирлиги учун нархлар асосида ҳисобланади.

Мисол. III разрядли токарь бир ойда 80 деталь тайёрлади. Бир деталь учун ишбай нарх — 1 250 сўм. Унинг иш ҳақи 100 минг сўмни (1 250 × 80) ташкил этди.

Ишбай ҳақининг ишбай-мукофот ва аккорд шакллари ҳам қўлланилади.

Ишбай-мукофот шакли ишлаб чиқариш меъёрларини бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун мукофотлар тўлашни назарда тутади.

Мисол. III разрядли токарь меъёрни 70 деталь ташкил эттанда 80 деталь тайёрлади, ишбай нарх — маҳсулот бирлиги учун — 1 250 сўм. Ишлаб чиқариш меъёрини ошириб бажаришнинг ҳар бир фоизи учун ишбай ҳақнинг суммасидан 3% миқдорида мукофот белгиланади. Ишлаб чиқариш меъёрини бажариш фоизи:

114% = (80 : 70 × 100);

мукофот миқдори — 42% (14 × 3);

ишбай ҳақ суммаси — 100 000 сўм (1 250 × 80);

мукофот суммаси — 100 000 × 42 : 100 = 42 000 сўм;

умумий иш ҳақи суммаси — 100 000 + 42 000 = 142 000 сўм.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг *аккорд* шаклида иш ҳақи унинг тугашининг кўрсатилган муддатларини ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишларнинг бутун ҳажмига ҳисобланади. Коллектив иш ҳақи бригаданинг ҳар бир аъзоси ишлаган вақт ва бригада аъзосининг разрядига (тариф ставкасига) мутаносиб равишда тақсимланади. Коллектив иш ҳақининг қисми, ва айнан бригада ишлаб топган қўшимча иш ҳақи ва мукофот меҳнатда иштирок этиш коэффициентини (МИК) ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши мумкин.

Меҳнатда иштирок этишнинг ҳақиқий коэффициентини бригаданинг ҳар бир аъзосига бригада кенгаши корхона раҳбари томонидан тасдиқланган баённомани расмийлаштириш йўли билан белгилайди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ***вақтбай*** шакли иш ҳақини ходим томонидан ишланган вақт миқдоридан ва бир соат иш учун тариф ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишни назарда тутади.

Мисол. II разрядли слесарь июнда 170 соат ишлаган. Бир соат учун тариф ставкаси 1 200 сўмга тенг. Унинг иш ҳақи 204 000 сўмни (1 200 × 170) ташкил этди.

Вақтбай-мукофот тўлови вақтбай иш ҳақининг бир тури ҳисобланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ушбу тизими сифат ва миқдор кўрсаткичлари учун мукофот ҳисоблашни назарда тутади. У вақтбай ишлайдиган ишчилар ойлик лавозим маошлари белгиланган хизматчилар иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади. Мукофот тасдиқланган ва корхонада амал қилаётган мукофотлаш тўғрисидаги низом бўйича, ишланган вақт ва лавозим маоши ёки тариф ставкасини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Мукофотлаш тўғрисидаги низом корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариш шароитлари ва хусусиятларига нисбатан қўллаш орқали ишлаб чиқилади ҳамда корхона раҳбари ёки таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Мисол. Муҳандис май ойида 16 кун ишлаган. Ойда иш кунлари сони — 22 та. Ойлик лавозим маоши — 160 минг сўм. Май учун мукофот фоизи — 75%. Лавозим маоши бўйича ҳақ 116 363,6 сўм (160 000 : 22 × 16). Мукофот 87 272,7 сўмга тенг (116 363,6 × 75 : 100). Умумий иш ҳақи 203 636,3 сўмни ташкил этади (116 363,6 + 81 272,7).

Тунги вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш. Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади (ЎзР Меҳнат кодексининг 122-моддаси). Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Қуйидагиларнинг тунги вақтда ишлашига йўл қўйилмайди:

— ҳомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар;

— 18 ёшга тўлмаган шахслар;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тоифадаги ишчилар.

Тунги вақтдаги иш корхонада ўрнатилган бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади, яъни тунги вақтдаги иш учун қўшимча тўлов

миқдори соат ставкасининг 50%дан кам бўлиши мумкин эмас.

Корхона ўзининг ички ҳужжатларида, масалан коллектив шартномасида ёки Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомда тунги вақтдаги иш учун қўшимча тўловни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқча қилиб белгилаши мумкин.

Иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш. Белгиланган кундалик иш муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Шу билан биргаликда, иш ходим ўзининг асосий ишини ёки унинг мажбурият доирасига кирмайдиган ишни бажарганлигидан қатъи назар иш вақтидан ташқари бўлиб ҳисобланади.

Иш вақтидан ташқари иш бухгалтерияда нарядлар, иш вақтини ҳисобга олиш табели, маълумотнома-ҳисоб-китоб билан расмийлаштирилади ва икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади (ЎзР Меҳнат кодексининг 157-моддаси). Ҳақ тўлашнинг аниқ миқдори коллектив шартномасида ўрнатилади, агар у тузилмаган бўлса, корхона раҳбари томонидан касаба уюшмаси ёки ишчиларнинг бошқа вакил органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ишчининг иш вақтидан ташқари иши унинг ихтиёрига кўра иш вақтидан ташқари ишлаган муддатга мувофиқ муддат давомида унга оттул (ишга чиқмаслик) тақдим этиш билан қопланиши мумкин. Иш вақтидан ташқари иш оттул билан қопланганда, бундай иш учун бир баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Қуйидагиларнинг иш вақтидан ташқари ишлашига йўл қўйилмайди:

— ҳомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар;

— 18 ёшга тўлмаган шахслар;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тоифадаги ишчилар.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим (ЎзР Меҳнат кодексининг 125-моддаси). Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда,

шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Байрам ва дам олиш кунларида ишлаганлик учун икки баравар миқдорда ҳақ тўланади. Агар ходим бунинг ҳисобига бошқа куни оттул олса, бир бараварда ҳақ тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ҳисоб-китоби. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоблаш ва тўлаш услубияти «Давлат ижтимоий суғурта-си бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (ЎзР АВ томонидан 08.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Даволаш (тиббиёт) муассасасининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (бюллетень) тўлаш суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан маблағлар ҳисобидан ижтимоий суғурта бўйича қуйидаги нафақалар берилади:

— ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа;

— бола туғилганда бериладиган нафақа;

— қўшимча дам олиш куни учун нафақа;

— дафн маросими учун бериладиган нафақа.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича бошқа нафақаларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз ҳисобидан амалга оширилади, бунда мазкур харажатлар даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасидан чиқариб ташланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қуйидагиларга тўланади:

— ицлаётган Иккинчи жаҳон урушни қатнашчиларига;

— байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

— қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

— Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

— Чернобиль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

— меҳнатда майиблаииш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

Қолган ишчиларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

— умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

— умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Ишбай иш ҳақи олувчи ходимларга нафақа уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойнинг биринчи кунидан олдинги сўнгги календарь ойдаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ойлик иш ҳақига ҳисоблаб чиқарилган мукофотларнинг ўртача суммаси қўшиб ҳисобланади.

Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришда ойлик иш ҳақи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача доимий равишда олиб келинган қўшимча ва устамаларни қўшган ҳолда кунлик ёки соатбай тариф ставкаси ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик мукофотлар суммаси ҳисобга олинади.

Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган ҳақиқий иш ҳақига иш жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

Агар иш ҳақи асос қилиб олинадиган даврда ходим жадвал бўйича барча кунларда ишламаган бўлса, мазкур ойдаги мукофотнинг ўртача суммаси ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисобга олинади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан (ноишлаб чиқариш тармоқлари учун ҳудудий коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда) кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим. У барча ҳолларда ҳақиқий иш ҳақи бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Мисол. Ходим 2007 йилнинг декабрида уч кун касал бўлди, бу табелда қайд этилди ва тиббиёт муассасасининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаси билан тасдиқланди. Умумий иш стажи — 7 йил. Ноябрь ойи учун унинг иш ҳақи: ишбай — 90 минг сўм; вақтбай — 14 минг сўм; вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси — 6 минг сўм; ўтган йил учун ўртача ойлик мукофот — 8 минг сўмни ташкил этди.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақи ҳисоб-китобига 112 минг сўм (90 + 14 + 8) киритилиши керак. Ноябрда иш кунлари сони — 22 та. Ўртача бир кунлик иш ҳақи 5,09 минг сўмни (112 : 22) ташкил этди. Иш стажи ва касаллик кунлари сонини ҳисобга олганда нафақа 12,2 минг сўмга тенг (5,09 × 3 × 0,8).

Таътилларни тўлаш ҳисоб-китоби. ЎзР Меҳнат кодексининг 133-моддасига биноан барча ходимлар ҳар йили меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ мазкур корхонада олти ой узлуксиз ишлашдан сўнг берилади.

Таътил учун тўлов суммаси таътилдан олдинги ишланган ой учун иш ҳақи суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Таътил учун тўлов суммасини аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»нинг 1-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асос қилиб олинади. Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳисоб-китоб даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган сумманинг ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар) оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосда ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради. Олинган сумма

25,4 (бир йилдаги ойлик иш кунларининг ўртача сони)га бўлинади ва таътил кунлари сонига кўпайтирилади.

Мисол. Ишчи апрелда 24 кунга таътилга чиқди. Унинг март учун иш ҳақи: ишбай — 60 минг сўм; вақтбай — 20 минг сўм; тунги вақтда ишлаганлик учун — 7 минг сўм; вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси — 5 минг сўм; Наврўз байрами муносабати билан мукофот — 20 минг сўм; ўтган йил учун ўртача ойлик мукофот — 8 минг сўм. Таътил учун тўловни ҳисоб-китоб қиламиз: (60 + 20 + 7 + 8) = 95 минг сўм. Наврўз байрами муносабати билан берилган мукофотни ҳисоб-китобга киритмаймиз, чунки у бир марталик мукофот. Таътил учун тўлов суммасини аниқлаймиз: (95 : 25,4 × 24) = 89,76 минг сўм.

Шуни таъкидлаш жоизки, ЎзР Меҳнат кодексига кўра асосий меҳнат таътилининг 15 кун давом этиши белгиланган, лекин ходимлар қўшимча таътилларининг муддати жамоа шартномасида бир неча кун кўпроқ қилиб белгиланиши мумкин. Қонун ҳужжатлари бўйича таътил муддати билан жамоа шартномасида белгиланган таътил муддати учун ҳисобланган суммалар ўртасидаги фарқ ЎзР Солиқ кодексининг 147-моддасига биноан даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солиш базасига киритилиши керак.

8.2. Бажарилган иш ҳажми ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштириш

Ишлаб чиқариш хусусияти, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тизимидан келиб чиқиб, корхонада бирламчи ҳужжатларнинг қуйидаги шакллари қўлланилади: *ишбай ишга наряд; йўналиш варақаси (хаританси); бажарилган иш ҳажми тўғрисида билдирги; бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олиш қайдномаси; ишларни қабул қилиш далолатномаси.*

Нарядлар якка тартибдаги маҳсулот тайёрлайдиган якка-ёлғиз ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Бир марталик ва жамғариш, шунингдек якка тартибдаги ва бригада нарядлари фарқланади. Бир марталик нарядлар бўйича смена ёки ой давомида бир турдаги иш расмийлаштирилади, жамғариш нарядлари эса ой охирида ёпилади ва турли хил ишларни акс эттиради (14-намунага қаралсин).

14-намуна

«Наргиза» масъулияти чекланган жамияти

Ишбай тизим бўйича тўланади / тўланмайди

2008 йил 1 мартдаги 22-сон наряд

Объект номи А *буюми* шифр 20

Бригада (звено) (касб) токарь

Бригадир (звено бошлиғи) *Сиротин С.А.* табель рақами *9*

Ишларни бажариш муддати

режа бўйича бошланиши	амалда
	1
якунланиши	*30*

Якка меъёрлар ва баҳолар параграфи ёки калькуляция рақами	Ишлар ва ишлаб чиқариш шароитлари баёни	Ўлчов бирлиги	Топшириқ			Бажарилиши			Харажатлар шифри
			ишлар миқдори	бир бирлик учун		ишлар миқдори	ишнинг бажарилиши меъёри бўйича киши/кун (киши/соат) сони	иш ҳақи суммаси	
				вақт меъёри	баҳо (нарх)				
3-сон	*Токарлик ишлари, 18 та деталь*	*дона*	*70*		*1 900*	*70*		*133 000*	*20*

Топшириқ берди *уста Андреев С.В.*

Бажарилган ишни қабул қилди *уста Андреев С.В.*

Бир юз ўттиз уч минг сўм 00 тийин суммасига нарядни тўлаш учун тасдиқлайман

Корхона раҳбари *Степанов Д.А.*

11-сон ҳисоб-китоб-тўлов қайдномасига киритилди

Бухгалтер *Котин В.Г.*

Якка тартибдаги наряд бир ишчининг иши учун расмийлаштирилади, агар иш бригада томонидан бажарилса, бригада ишини акс эттирадиган бригада нарядлари расмийлаштирилади.

Маҳсулот цехлар бўйича навбатма-навбат ишлов бериш йўли билан тайёрланадиган мунтазам (серияли) ишлаб чиқаришларда бажарилган ишлар ҳажмини ҳисобга олиш учун йўналиш хариталари қўлланилади.

Агар йўналиш харитаси бўйича ишларни бир неча ишчи бажарса, улар ҳар бирининг иш ҳақи бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги билдиргида акс эттирилади.

Ишчилар бир турдаги операцияларни бажарадиган, ишлаб чиқариш оммавий хусусиятга эга бўлган корхоналарда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши бажарилган ишлар ҳажмини ҳисобга олиш қайдномаси билан расмийлаштирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизимида бригаданинг иш ҳажми бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Ишнинг бир меъёрдаги шароитларидан четга чиқишлар *қўшимча ҳақ тўлаш варақалари* билан расмийлаштирилади.

Вақтбай иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий ҳужжат бўлиб фойдаланилган иш вақти табели ҳисобланади. У иш жойларида бригадирлар, усталар, цех, бўлим бошлиқлари томонидан тўлдирилади. Ишда бўлмаган кунлари қуйидаги шифрлар билан акс эттирилади: «К» — касалланиш, «Д» — дам олиш куни, «Т» — таътил ва ҳ.к. (15-намунага қаралсин).

Тегишлича расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар ой охирида бухгалтерияга топширилади, бухгалтерия ходимлари уларни диққат билан текширадилар, сўнгра ҳар бир ходимга тегишли бўлган иш ҳақини ҳисоблайдилар ва маълумотларни ишлов учун ҳисоблаш марказига топширадилар ёки компьютерга киритадилар. Ҳисоблаб чиқарилган *иш ҳақи ходимнинг шахсий счётида кўрсатилади.*

15-намуна

2008 йил декабрь учун 1-цех бўйича иш вақтини ҳисобга олиш

Т А Б Е Л И

Ф.И.Ш.	Табель рақами	Касби лавозими	Разряд (чинош)	Ой куни															Ойнинг биринчи ярми учун жами									
				1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15		16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
Ахмедов Н.С.	*42*	*бетон.*	*III*	*8*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*		*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*	*8*	*8*	*Д*
Пўлатов А.Б.	*46*	*бетон.*	*IV*	*8*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*К*	*К*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*		*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*	*8*	*8*	*Д*
Ким С.П.	*52*	*дурадгор*	*III*	*8*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*		*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*	*8*	*8*	*Д*
Петров В.К.	*60*	*дурадгор*	*IV*	*8*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*		*8*	*8*	*Д*	*Д*	*8*	*8*	*8*	*8*	*8*	*Д*

Ой куни						Ишга келиш кунлари		Ишга келмаслик кунлари						Дам олишга бойлаш кунлари	Ишламаган соатлар		Ишланган соатлар		
26	27	28	29	30	31	қачқағалиш	сменавий турлари	навбатдаги таътил	туғруқ билан боғлиқ таътил	касаллик	қонун билан рухсат берилган бошқа ҳолатлар	маъмурият рухсати билан	ишга сабабсиз чиқмаслик		жорий ишсизлик	кечикишлар, эртага кетишлар	жами	шу жумладан	
																		иш вақтида	тунги
Д	*8*	*8*	*8*	*8*	*7*	*22*	*–*							*9*			*175*		
Д	*К*	*К*	*К*	*8*	*7*	*17*	*–*			*6*				*9*			*135*		
Д	*8*	*8*	*8*	*8*	*7*	*22*	*–*							*9*			*175*		
Д	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*17*		*5*						*9*			*135*		

Цех (бўлим), участка бошлиғи *Туробов Н.В.*

8.3. Ходимлар билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ишчиларга иш ҳақи ҳар ярим ойда камида бир марта тўланиши лозим. Бўнаклар солиқларни чиқариб ташлаган ҳолда лавозим маошнинг 40-50%и миқдорида берилади.

Корхона бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш учун фойдаланиладиган асосий регистр бўлиб *ҳисоб-китоб қайдномаси* ҳисобланади. У цех ва бўлимлар бўйича тузилади ва қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: тўлов турлари бўйича ҳисоблашишлар — 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи кредити бўйича айланма; иш ҳақидан ушлаб қолишлар — 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи дебети бўйича айланма. Бундаги фарқ қўлга тегадиган суммани ташкил этади.

Ҳисоб-китоб қайдномасининг охирги кўрсаткичи иш ҳақи тўлаш учун тўлов қайдномасига кўчириб ёзилади. Ушбу қайдноманинг титул варағида корхона раҳбарининг рухсат берувчи имзоси қўйилади. Иш ҳақининг берилиши уч кун давомида амалга оширилиши керак. Ходимлар томонидан ўз вақтида олинмаган иш ҳақи депонентга топширилади, яъни иш ҳақининг кейинги берилишигача олиб қўйилади. Кассир ходимнинг фамилияси қаршисига «Имзо» устунига «Депонентга топширилган» тамғасини қўяди ёки қўлда ёзади. Сўнгра кассир тўлов қайдномасининг титул варағида нақд пул билан тўланган ҳақиқий суммани, депонентга қўйилган иш ҳақи суммасини кўрсатади, имзолайди ва қайдномани бухгалтерга топширади. Ҳар бир ходимнинг депонентга топширилган иш ҳақи депонент варақасига ўтказилади. Берилган бутун иш ҳақига чиқим касса ордери тузилади, у кассадан пулни ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иш ҳақининг таҳлилий ҳисоби ҳар бир ходимнинг шахсий счётида юритилади.

Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ кредитида ҳисобланган иш ҳақи, нафақалар, ком-

пенсациялар, дебетида эса — барча ушлаб қолинлар ва берилган иш ҳақи акс эттирилади. 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси қуйида келтирилади.

Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700) корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Капитал қўйилма соҳасида банд бўлган ходимлар бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди	0810-0890	6710
2	ТМЗни тайёрлаш ва харид қилиш операциялари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди	1010-1120, 2970-2990	6710
3	ТМЗни тайёрлаш ва харид қилиш операциялари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди (1510-ҳисобварақдан фойдаланган ҳолда)	1510	6710
4	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш цехлари, хизмат кўрсатадиган хўжаликлар ишчиларига, яроқсизликни тузатиш билан банд бўлган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	2010, 2310, 2510, 2710, 2610	6710
5	Маҳсулот реализацияси, маъмурий ва бошқа операциялар билан банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9410-9430	6710
6	Келгуси давр харажатларига киритиладиган ишлар учун меҳнат ҳақи ҳисобланди (мавсумий тармоқларда)	3190	6710
7	Асосий воситалар чиқиб кетиши билан боғлиқ операциялар бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди	9210	6710
8	Ортиқча тўланган суммалар кассага қайтарилди (меҳнатга ҳақ тўлаш)	5010	6710
9	Табиий офатлар, ёнғинларни бартараф этиш билан боғлиқ ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9720	6710
10	Ходимларга бир марталик мукофотлар ҳисобланди	9430	6710

Т/р	*Хўжалик операциясининг мазмуни*	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
11	Корхона ишчиларидан маҳсулот, ишлар, хизматлар қиймати ушлаб қолинди	6710	4790
12	Ишчиларга ҳисобланган суммалар кассадан тўланди (меҳнатга ҳақ, мукофотлар ва ҳ.к. тўлаш)	6710	5010
13	Ҳисобдор шахслардан қайтарилмаган бўнаклар ушлаб қолинди	6710	4220-4290
14	Акцияларга эгалик қилиш бўйича мажбуриятлар меҳнат ҳақи ҳисобидан қопланди	6710	4610
15	Кредитга олинган товарлар учун ҳисоб-китоблар бўйича ишчилардан навбатдаги тўловлар ушлаб қолинди	6710	4710
16	Айбдор ишчилар меҳнат ҳақи суммаларидан моддий зарарлар қопланди	6710	4730

8.4. Жисмоний шахсларнинг ш и ҳақидан даромад солиғи ва бошқа ушлаб қолишлар ҳисоби

Даромад солиғини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг VI бўлими модда-лари билан тартибга солинади.

Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган *даромад солиғи тўловчилардир.*

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида-ги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромад-лари *солиқ солиш объекти* ҳисобланади.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахсларнинг *жами даромадига* қуйидагилар киради:

1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
2) мулкий даромадлар;

3) моддий фойда тарзидаги даромадлар;

4) бошқа даромадлар.

Меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради: рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар; компенсация тўловлари (компенсация); ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

— йиллик иш якунлари бўйича мукофот, бирйўла бериладиган мукофотлар;

— юридик шахсни мукофотлаш тўғрисидаги қоидада назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

— касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкалари ва маошларга устамалар;

— таътилга ҳар йилги қўшимча ҳақлар;

— кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

— рационализаторлик таклифи учун тўлов.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

— табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар;

— технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

— кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик учун устамалар;

— доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда, иш ҳақига устамалар;

— юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар;

— ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

— қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

— хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар;

— ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (оттуллар) учун тўловлар;

— хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар;

— меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун белгиланган нормалардан ортиқча олинган суммалар.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

— қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йиллик) ва қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш, фойдаланилмаган навбатдаги (ҳар йиллик) ва қўшимча таътиллар учун компенсация, ўсмирларнинг имтиёзли соатларига, оналар болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффус-

ларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

— асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

— донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

— қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

— бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

— юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

— ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

— меҳнат лаёқатини вақтинча йўқоттан ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

— ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча таътил ҳақини тўлаш;

— юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;

— юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш орган) аъзоларига юридик шахснинг ўзи амалга оширадиган тўловлар;

— моддий ёрдам тўлови;

— юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

— олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

— ходимга муҳим сана, узоқ йиллик хизмати, жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлари муносабати билан тўланадиган рағбатлантириш тарзидаги тўлов.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

— фоизлар;

— дивидендлар;

— мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

— жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар;

— саноат мулки объектларига берилган патент (лицензия) сотилган тақдирда, патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахс сотишдан олган даромад;

— роялти;

— қимматли қоғозларни реализация қилишдан тушган даромадлар ва юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини (пайини) реализация қилишдан олинган даромадлар;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Солиқ тўловчи томонидан *моддий наф тарзида олинадиган* даромадлар қуйидагилардир:

— юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

озиқ-овқат, ойлик йўл чипталари ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

— совғалар, текин берилган, шу жумладан ҳадя шартномаси асосида берилган товарлар, солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

— товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги манфий тафовут;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

— жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

— иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

Жисмоний шахсларнинг *бошқа даромадлари* жумласига қуйидагилар киради:

— давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар;

— стипендиялар;

— жисмоний шахсларга хайрия ва экология жамғармаларининг маблағларидан кўрсатиладиган моддий ёрдам;

— донорлик учун пул мукофотлари;

— алиментлар;

— ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

— жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар қиймати;

— мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

— ютуқлар;

— грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;

— жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

— яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бирйўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

— халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бирйўла бериладиган пул мукофоти;

— ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асос бўйича тугатилган тақдирда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ёрдам сифатида бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

— ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ суг ҳамда бошқа даволаш-профилактика озиқ-овқати, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлар;

— касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилади ган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

— ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ хизмат транспортини сақлаш харажатлари;

— диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

— ходимга ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш бўйича харажатлар;

— ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

— хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари: тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар; уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар; тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар; қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар); қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган ёки ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

дала таъминоти;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар);

— меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бирйўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

— боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бирйўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

— талабаларнинг таълим олиши учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳисобварағига муқобил хизмат шартномаси бўйича ўтказиладиган маблағлар;

— мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

— ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан — иш берувчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

— моддий ёрдам суммалари:

табиий офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

— йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

— ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсаттанлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

— вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бирйўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

— халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бирйўла бериладиган пул мукофоти;

— саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйида кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан — беш йил давомида;

саноат намунасидан — уч йил давомида;

фойдали моделдан — икки йил давомида;

— донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

— жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар бундан мустасно;

— уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи

томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ тўлашдан озод қилинади;

— халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

— юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати;

— жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

— давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

— депозит сертификатлар бўйича даромадлар, тижорат банкларидаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

— халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан — грант олувчидан олган грант суммаси;

— фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўнал-

тирилган қўшимча акцияларнинг қиймати ёки ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак;

— меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бундан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақалари) мустасно, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

— олинган алиментлар;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммалари;

— таълим муассасаларида ўқиётганларга тўланадиган, уларга қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда муассасалар томонидан тайинланадиган стипендиялар;

— уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

— давлат пенсиялари;

— давлат пенсияларига устамалар:

I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизи;

II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз йигирма беш фоизи;

III гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи;

кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг юз фоизи;

бошқа касалликлар бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи;

II гуруҳ ёлғиз ногиронларга — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи;

уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи;

вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи;

Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз фоизидан бир юз эллик фоизигача;

ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи;

театр-концерт ташкилотлари артистларига ва бадиий ходимларига, ўқув муассасаларининг театр ҳамда мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрлаш билан банд бўлган профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга кўра — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи;

— жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

— солиқ солиниши керак бўлган ва мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш ҳақининг ҳамда бошқа даромадларининг суммалари;

— жисмоний шахсларнинг — ёш оила аъзолари иш ҳақининг ва солиқ солинадиган ҳамда якка тартибда уй қуриш, уни реконструкция қилиш ва олиш ёки кўп квар-

тирадаги уйни реконструкция қилиш ва олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган бошқа даромадларининг суммалари. Мазкур мол-мулк олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солиниши керак.

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

— хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

— хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

— хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

— хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

— халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

— Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

— прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари — уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича;

— гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар — ушбу фаолиятдан олган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар *солиқ тўлашдан қисман* (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) *озод қилинади:*

— «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

— хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

— Ленинград шаҳрида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача қамал даврида ишлаган фуқаролар;

— ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

— болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

— ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар;

— собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажариш пайтида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари;

— хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

— Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар;

— икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

— икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар;

— болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири.

Кўзда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарорига мувофиқ жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадларига қуйидаги миқдорларда солиқ солинади:

Жами даромад	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 18 фоиз
энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 25 фоиз

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўз ходимларига моддий ёрдам кўрсатган ва қимматбаҳо совғалар берган солиқ агентлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний

шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан Солиқ кодексида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

2008 йил январь ойи учун жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаш

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ суммаси
(6 × 18 630) = 111 780 сўмгача	Даромад суммасининг 13%и
111 781 дан (10 × 18630) = 186 300 сўмгача	14 531,4 + 111 780 сўмдан ошган сумманинг 18%и
186 301 сўм ва ундан юқори	27 945 + 186 300 сўмдан ошган сумманинг 25%и

Январь учун энг кам иш ҳақи 18 630 сўмни ташкил этади.

1-мисол. Корхона ходимига январь ойига 100 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Январь ойи учун солиқ суммаси аниқланади (100 000 сўмлик даромаддан). Ходимнинг даромади энг кам иш

ҳақининг 6 бараваридан ошмаслиги сабабли унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади: 100 000 × 13% = 13 000 сўм.

2. Январь ойи учун иш ҳақининг 1%и миқдорида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий бадалларни ушлаб қолиш суммаси 1 000 сўмни ташкил этади (100 000 × 1%)

3. Бюджетга 12 000 сўм даромад солиғи тўланиши керак (13 000 − 1 000).

2-мисол. Солиқ кодексининг 180-моддаси 5-бандига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимга (мисол учун II гуруҳ ногиронига) январь ойи учун 100 000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Январь ойидаги жами даромад 100 000 сўмни ташкил этади.

Имтиёз ҳуқуқига эга бўлган шахслар жами даромадидан даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдори чиқариб ташланишини ҳисобга олган ҳолда, унинг жами солиқ солинмайдиган даромади 4 × 18 630 = 74 520 сўмни ташкил этади.

Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади: 100 000 − 74 520 = 25 480 сўм.

2. Солиқ суммаси аниқланади: 25 480 × 13% = 3 312,4 сўм.

3. Январь ойи учун солиқ солинадиган иш ҳақининг 1%и миқдорида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий бадалларни ушлаб қолиш суммаси 254,80 сўмни ташкил этади (25 480 × 1%).

4. Январь ойи учун бюджетга тўланиши керак бўлган даромад солиғи суммаси 3 057,60 сўм (3 312,4 − 254,8)га тенг.

3-мисол. Ходимга январь ойи учун 150 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Солиқ солинадиган даромад 150 000 сўмга тенг.

2. Январь ойи учун солиқ суммаси аниқланади: 14 531,4 + (150 000 − 111 780) × 18% = 21 411 сўм.

3. Январь учун солиқ солинадиган иш ҳақининг 1%и миқдорида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-

варағига мажбурий бадалларни ушлаб қолиш суммаси 150 000 × 1% = 1 500 сўмни ташкил этади.

4. Январь ойи учун бюджетга 19 911 сўм даромад солиғи тўланиши керак (21 411 — 1 500).

4-мисол. Ходимга январь ойи учун 100 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Юбилей санаси муносабати билан унга 200 000 сўмлик қимматбаҳо совға топширилди.

Солиқ кодексининг 170-моддаси 14-бандига мувофиқ юридик шахслардан қимматбаҳо совға олган жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёзга эгадирлар (жами солиқ солинадиган даромад суммасидан энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдори чегириб ташланади), яъни 18 630 × 6 = 111 780 сўм.

Ходимнинг январь ойидаги жами даромади 300 000 сўмни ташкил этади (100 000 + 200 000). Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Солиқ солинадиган даромад 300 000 — 111 780 = 188 220 сўмга тенг.

2. Январь ойи учун солиқ суммаси аниқланади (188 220 сўм даромалдан): 27 945 + (188 220 — 186 300) × 25% = 28 425 сўм.

3. Январь ойи учун солиқ солинадиган иш ҳақининг 1%и миқдорида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий бадалларни ушлаб қолиш суммаси 188 220 × 1% = 1 882,2 сўмни ташкил этади.

4. Январь ойи учун бюджетга 26 542,8 сўм даромад солиғи тўланиши керак (28 425 — 1 882,2).

5-мисол. Ходимга январь ойи учун 200 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Оғир оилавий шароити муносабати билан унга аризасига биноан 250 000 сўм моддий ёрдам берилди. Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-бандига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача бир йил давомида кўрсатилган моддий ёрдам суммаси жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди. Солиқ солинадиган даромадга киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз: 18 630 × 12 = 223 560.

Солиқ солинадиган даромад 450 000 — 223 560 = 226 440 сўмга тенг.

Солиқ суммаси 27 945 + (226 440 — 186 300) × 25% = 37 980 сўмни ташкил этади.

Жисмоний шахсларнинг 2008 йил февраль ойи учун даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаш

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ суммаси
(6 × 37 260) = 223 560 сўмгача	Даромад суммасининг 13%и
223 561 дан (10 × 37 260) = 372 600 сўмгача	29 062,8 + 223 560 сўмдан ошган сумманинг 18%и
372 601 сўм ва ундан юқори	55 890 + 372 600 сўмдан ошган сумманинг 25%и

Январь-февраль ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 37 260 сўмни ташкил этади (18 630 + 18 630).

Мисол. Ходимга февраль ойи учун 130 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Январь-февраль ойлари учун жами даромад 230 000 сўмни ташкил этади (100 000 + 130 000). Январда 13 000 сўм солиқ ушлаб қолинган.

Январь ойи учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Январь-февраль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (230 000 сўм даромаддан): 29 062,8 + (230 000 − 223 560) × 18% = 30 222 сўм.

2. Февраль ойи учун даромаддан ушланиши керак бўлган солиқ суммасини аниқланади: 30 222 − 13 000 = 17 222 сўм.

3. Январь-февраль ойлари учун солиқ солинадиган иш ҳақининг 1%и миқдорида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий бадалларни ушлаб қолиш суммаси 2 300 сўмни ташкил этади, январь ойи учун 1 000 сўм ушлаб қолинган, февралда 1 300 сўм ушлаб қолиниши керак (2 300 − 1 000).

4. Февраль ойи учун 17 922 сўм (19 222 − 1 300) даромад солиғи ўтказилиши лозим.

Даромад солиғидан ташқари ходимларнинг иш ҳақидан қуйидаги ушлаб қолишлар амалга оширилиши лозим:

— ҳисобланган иш ҳақи суммасининг 2,5% миқдорида Пенсия жамғармасига ушланмалар;

— ҳисобланган иш ҳақи суммасининг 1%и миқдорида касаба уюшмалари бадаллари;

— судлардан олинган ҳужжатлар, алиментларни ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги аризадан келиб чиққан ҳолда — ижро варақалари бўйича ушланмалар, уларда ушланма фоизи кўрсатилади. Алиментлар асосий ва қўшимча иш ҳақи суммаларидан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар, шунингдек ҳисобланган нафақа ва стипендиялар суммаларидан ушланади.

Моддий ёрдам ва бир марталик тақдирлашлар суммаларидан алиментлар ундирилмайди.

— илгари берилган бўнаклар бўйича қарзларни қоплаш;

— нотўғри қилинган ҳисоб-китоблар натижасида ортиқча тўланган суммаларни қайтариш;

— ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни тўлаш;

— яроқсиз маҳсулот учун ушлаб қолиш;

— айрим хил жарималарни ундириш.

Иш ҳақи суммасидан кредитга олинган товарлар, ссуда, ихтиёрий суғурта учун тўловлар, жамғарма банкига ўтказилган суммалар ҳам ушланади.

Ҳар бир ой учун барча ушланмаларнинг умумий миқдори ҳисобланган иш ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак.

8.5. Суғурта бадалларини ҳисоблаш, тўлаш ва сарфлашларни ҳисобга олиш тартиби

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона ижтимоий эҳтиёжларга ажратмаларни амалга ошириши шарт. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва амалга ошириш Солиқ кодексининг XV бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Улар жумласига қуйидагилар киради:

ягона ижтимоий тўлов;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.

Ягона ижтимоий тўлов. Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

— компенсация тўловлари:

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда, иш ҳақига устамалар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар;

хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу қонун ҳужжатларида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар.

— ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;

— ходимнинг муҳим санаси, узоқ йиллик хизмати, жамоат фаолиятида эришган ютуқлари муносабати билан унга бериладиган рағбатлантириш тарзидаги тўловлар;

— ходимга табиий офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан тўланадиган тўловлар;

— ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

2008 йилда ягона ижтимоий тўлов ставкаси барча корхоналар учун солиқ солинадиган базанинг 24%и миқдорида белгиланган. Фоизли нисбатда ҳисобланган ажратмалар корхона харажатларини кўпайтиради.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, бола туғилиши муносабати билан, дафн маросимига нафақалар тўланиши (бундан кейин — нафақалар), уй-жой-коммунал хизматлари

бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига тўланадиган компенсация пул тўловлари (бундан кейин компенсациялар), ишловчи пенсионерларга пенсиялар (бундан кейин — пенсиялар), 16 ёшгача бўлган ногирон болаларининг ота-оналарига қўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакторийларнинг тутиб турилишига бирор-бир чегиришларсиз ҳисоблаб ёзилган сумманинг тўлиқ ҳажмида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан қуйидаги нафақалар берилади:

— ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

— бола туғилганда бериладиган нафақалар;

— дафн маросими нафақалари;

— 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;

— берилаётган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари.

Ҳисобот даври учун мазкур нафақалар ҳисобланган корхоналар туман (шаҳар) таъминот бўлимига нафақалар учун маблағ олишга буюртманома тақдим этишлари лозим. Таъминот бўлими буюртманомаларга асосан юқорида кўрсатилган нафақаларни тўлаш учун маблағларни молиялаштиради.

Юридик шахслардан буюртманомаларни олишлари билан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари 5 иш куни давомида хўжалик юритувчи субъектларнинг 888-шартли рақамига эга иккиламчи ҳисобрақамларига ва бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобрақамларига юқорида келтириб ўтилган харажатларни тўлаш учун зарур маблағларни ўтказадилар.

Банклар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳисоблаб ёзилган харажатлар бўйича маблағларни белгиланган муддатларда берадилар, юридик шахслар эса тўлайдилар.

Юридик шахслар ўз маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, кейинчалик тўланган суммаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш эвазига пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунида ўз маблағлари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича қолган нафақалар билан боғлиқ харажатлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан, мазкур харажатларни даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширилади.

Ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва уларнинг ишлатилиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Капитал қўйилмалар таркибида ягона ижтимоий тўлов бўйича қарздорлик суммалари акс эттирилади	0810-0890	6520
2	Харажатларга киритиладиган ишчиларнинг меҳнат ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	Харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар	6520
3	Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси ўтказилди	6520	5110
4	Асосий воситалар чиқиб кетишида банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи суммалари бўйича ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	9210	6520
5	Фуқароларнинг меҳнат ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари ҳисобланди (2,5%)	6710	6520
6	Фуқароларнинг меҳнат ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари ўтказилди	6520	5110
7	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланиши лозим бўлган пенсия ва нафақа суммалари ҳисобланди	4890	6710
8	Пенсия ва нафақаларни тўлашга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилди	5110	4890
9	Пенсия ва нафақалар тўланди	6710	5010, 5110
10	Корхона маблағлари ҳисобидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари ҳисобланди	9430	6710
11	Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тўланди	6710	5010

Мисол. Ҳисобот ойида корхона ишчиларининг иш ҳақи 650 минг сўмни, хизматчиларнинг иш ҳақи 150 минг сўмни ташкил этди.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар қуйидагига тенг:

650 000 × 24% : 100 = 156 000 сўм

150 000 × 24% : 100 = 36 000 сўм

Жами 192 000 сўм.

Ушбу суммалар ҳисоби учун бухгалтерия ҳужжатларига қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 156 000 сўм

Дебет 9420-«Маъмурий харажатлар» — 36 000 сўм

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 192 000 сўм;

— Пенсия жамғармасига ўтказилди:

Дебет 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 192 000 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 192 000 сўм;

— айтайлик, ҳисобот ойида 84 000 сўм пенсия ва бола туғилганда бериладиган нафақа ҳисобланди:

Дебет 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» — 84 000 сўм

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 84 000 сўм;

— нафақалар бўйича ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушди:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 84 000 сўм

Кредит 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» — 84 000 сўм;

— кассадан нафақалар тўланди:

Дебет 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 84 000 сўм

Кредит 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» — 84 000 сўм;

— корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан 21 000 сўм суммасидаги вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳисобланди:

Дебет 9430-«Боцқа операцион харажатлар» — 21 000 сўм

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 21 000 сўм;

— касаллик варақаси бўйича берилди:

Дебет 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 21 000 сўм

Кредит 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» — 21 000 сўм.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари. Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ва ишловчи фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига *суғурта бадаллари тўловчилардир.*

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан Солиқ кодексида назарда тутилган тартибга мувофиқ суғурта бадаллари тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари мустасно.

Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар суғурта бадалларининг *солиқ солиш объектидир.*

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалари. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

— коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

— қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати;

— воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари

кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги пул мукофоти суммаси;

— савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

— кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — Солиқ кодексига мувофиқ аниқланадиган даромад;

— асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Қолган бошқа корхоналар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг *солиқ солиш объекти* ва *солиқ солинадиган базаси* бўлиб соф тушум ҳисобланади.

ЎзР Солиқ кодексига мувофиқ бошқа даромадлар солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлар учун белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Ставка солиқ солинадиган базанинг 1%и миқдорида белгиланган.

М и с о л. Ҳисобот ойида корхона маҳсулотини сотишдан олинган тушум 700 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС — 116 666 сўмни ташкил этди. Пенсия жамғармасига ажратмалар қуйидагича:

(700 000 − 116 666) × 1% : 100 = 5833,3 сўм.

Пенсия жамғармасига ажратмалар қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

— ҳисоблаганда:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 5833,3 сўм

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 5833,3 сўм;

— тўлаш пайтида:

Дебет 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 5833,3 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 5833,3 сўм.

9-боб. МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР, ФОЙДАЛАНИШДАГИ ИНВЕНТАРЬ ВА ХЎЖАЛИК ЖИҲОЗЛАРИ ҲИСОБИ

9.1. Материаллар, уларни таснифлаш ва баҳолаш

Материаллар — ишлаб чиқариш жараёнида бир маротаба қатнашадиган ва ўз қийматини бир ишлаб чиқариш цикли давомида тўлиқ равишда янгидан яратилаётган маҳсулотга ўтказадиган активлардир.

Корхона бухгалтерия хизматининг асосий вазифаларидан бири материалларни тўғри ҳисобга олишни таъминлашдир.

Ҳар бир корхонада материалларни тўғри ҳисобга олиш учун маълум шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бу шарт-шароитлар асосан, қуйидагилардан иборат:

— корхонада ишлатиладиган материалларнинг номи, нархлари ва тартиб рақамини акс эттирадиган рўйхат мавжудлиги;

— материалларнинг кирим ва чиқимини расмийлаштирадиган ҳужжатлар аниқ тизими белгиланиши;

— лавозим мажбуриятларининг мавжудлиги ва моддий жавобгар шахсларни тегишли йўриқномалар билан таништириш;

— материалларнинг сарфланишига оид операциялар тўғри юритилишига жавобгар ходимлар рўйхатини белгилаш ҳамда улар билан моддий жавобгарлик шартномаларини тузиш;

— материалларнинг сарфланишини акс эттирувчи ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхатини корхона раҳбари буйруғи билан тасдиқлаш;

— омбор хўжалигини ташкил қилишни яхшилаш;

— материалларни ўз вақтида инвентарлаш, шунингдек инвентарлаш натижаларини бухгалтерия ҳисобида тўлиқ акс эттириш.

Товар-моддий захиралар ташкилотларда қуйидагилар кўринишида бўлиши мумкин:

— маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган ярим

тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари, бошқа материаллар захиралари;

— боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар;

— деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

— ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси — сотиш учун мўлжалланган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

— бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкий (мутлақ) ҳуқуқлар ва бошқ.) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Товар-моддий захиралар (ТМЗ) бухгалтерия ҳисоби тартиби ва уларни харажатларга киритиш пайтида улар таннархини ҳисоблаш 4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар» (ЎзР АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Товар-моддий захиралар актив сифатида тан олинади, агар:

— ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

— актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

— уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Берилган корхонага тегишли бўлмаган материаллар алоҳида гуруҳга ажратилади ва балансдан ташқари 002-«Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар» ва 003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар»нинг 11-моддасига биноан товар-моддий захиралар таннархидан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига мувофиқ материалларни баҳолашнинг қуйидаги услублари қўлланилади:

1. *Эркин бозор (шартнома)* ёки давлат томонидан белгиланган *улгуржи нархлар* бўйича. Улар корхона томонидан етказиб бериш шартномаларини тузиш пайтида мустақил равишда белгиланади ва уларни етказиб берувчининг тўлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳолда фактура нархи сифатида қўлланилади.

2. Шартнома нархларига транспорт-тайёрлов харажатларининг режадаги (ҳисоблаб чиқилган) миқдорини қўшиш билан ҳисобланадиган *режадаги нархлар* бўйича.

3. *Ҳақиқий таннарх бўйича.* Бу нархлар ҳар ойнинг охирида бухгалтерия томонидан шартнома нархларига ҳақиқатда сарфланган харажатлар: импорт божлари ва йиғимлари тўлови; сертификатлаш харажатлари; таъминот ва воситачи ташкилотларга тўланган воситачилик мукофотлари; солиқлар; юклаш-тушириш, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш, омборга жойлашга харажатлар; материалларни етказиб бериш билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини қўшган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Материалларнинг ҳақиқий нархи фақат ойнинг тугашидан кейин харажатларни тасдиқловчи барча ҳужжатлар бухгалтерияга келиб тушганда аниқланади. Материалларнинг ҳаракати ҳар куни амалга оширилади ва кирим ҳамда чиқим ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилиши лозим. Шунинг учун материалларнинг кундалик ҳисобини аввал-

дан белгиланган ҳисоб нархларида акс эттириш зарурияти пайдо бўлади. Ҳисоб нархлари сифатида шартнома (фактура) ёки режадаги нархлардан фойдаланиш мумкин.

Режадаги нархлар қўлланган тақдирда ойнинг охирида ҳақиқий билан режадаги нарх ўртасида сумма ва фоиз кўринишидаги тафовут (тежалган ёки ортиқча сарфланган) ҳисоблаб чиқилади.

Ҳисоб нархлари сифатида фактура баҳосидан фойдаланганда транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизи аниқланишига мисол келтирамиз.

1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобвараги

Кўрсаткич	Материалларнинг баҳоланиши, сўм	
	фактура нархлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича
Ой бошига омбордаги материаллар қолдиғи	7 000	7 700
Ҳисобот ойида материаллар кирими	193 000	201 300
Жами	200 000	209 000
Транспорт-тайёрлов харажатларнинг суммаси, %	(209 000 − 200 000) (9 000 × 100 : : 200 000)	9 000 4,5%
Ҳисобот ойида материалларнинг сарфланиши	180 000	(180 000 × 4,5% : : 100) + 180 000 = = 188 100
Ойнинг охирида омбордаги материаллар қолдиғи	(200 000 − − 180 000) = 20 000	(209 000 − − 188 100) = 20 900

Бундай ҳисоб-китоб материалларнинг асосий гуруҳлари, яъни материалларни ҳисобга оладиган ҳисобварақларнинг алоҳида ҳар бир ҳисобварағи бўйича амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига биноан, товар-моддий қимматликларнинг (ТМҚ) айрим турларини баҳолаш ва ҳисобга олишда қуйидаги усуллардан бири қўлланилади: FIFO, LIFO, ўртача тортилган қиймат усули (AVECO).

FIFO усули (яъни биринчи келиб тушган — биринчи бўлиб сотилади) кенг тарқалган ва афзал усул ҳисобла-

нади. Бу усул биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотилган ёки сарфланган товарлар таннархига ўтказилиши лозимлигини назарда тутади.

FIFO усули товарларнинг ҳақиқий жисмоний силжишидан қатъи назар ҳар қандай тармоқ корхоналарида қўлланилиши мумкин, чунки у товарларни силжишини эмас, балки улар қиймати ҳаракатини ҳисобга олади. Инфляция даврида FIFO усули қўлланилса, соф фойданинг энг юқори даражасига эришилади.

LIFO усули (охирги навбатда олинган — биринчи навбатда сотилган ёки сарфланган) охирги навбатда олинган товарлар таннархи биринчи навбатда сотилган (сарфланган) товарлар қийматини аниқлашда қўлланилиши, ҳисобот даврининг охирида захирада қолган ТМҚ қиймати биринчи сотиб олинган ТМҚ таннархи бўйича ҳисобланишини назарда тутади. LIFO усулидан фойдаланиш инфляция даврида энг паст фойда олишга, дефляция, яъни нархларнинг пасайиши даврида энг юқори фойда олишга олиб келади. Чет эл тажрибасида мазкур усул асосан чакана савдода қўлланилади.

Ўртача тортилган қиймат усули (AVECO) — ТМҚнинг ўртача қийматларда баҳоланишига асосланган. Ўртача қиймат сотилиш ёки сарфланишга мўлжалланган барча товарлар қийматини *мазкур товарлар миқдорига бўлиб аниқланади.*

Мисол. «Наврўз» МЧЖда йил давомида қуйидаги ТМҚ сотиб олинди.

Сотиб олиш санаси	Бирликлар миқдори	Бир дона маҳсулотнинг қиймати, сўм	Умумий қиймат, минг сўм
23 январь	1 000	600	600
15 апрель	1 700	800	1 360
12 октябрь	1 500	900	1 350
Жами	4 200		3 310

Йил охирида омборда 1 400 дона товар қолди. Сотишдан олинган даромад — 3 250 минг сўм.

Юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиб сотилган маҳсулот таннархи ҳамда йил охирида захираларга тақсимланадиган харажатларни аниқлаш зарур.

FIFO усули.

Сотилган товарларнинг миқдорини аниқлаймиз:

4 200 – 1 400 = 2 800 дона.

Товарлар харажати:

(1 000 × 600) + (1 700 × 800) + (100 × 900) = 2 050 минг сўм.

Товарлар сарф-харажатини бошқа йўл билан, яъни товарлар қолдиғидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш мумкин: 1 400 × 900 = 1 260 минг сўм. Сотилган товарлар таннархи 3 310 – 1 260 = 2 050 минг сўм.

Сотишдан олинган даромад — 3 250 минг сўм.

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи — 3 310 минг сўм.

Ҳисобот даври охирида ТМҚ — 1 260 минг сўм.

Сотилган маҳсулот таннархи — 2 050 минг сўм.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — 1 200 минг сўм.

LIFO усули.

Товарларни сарфлаш:

(1 500 × 900) + (1 300 × 800) = 2 390 минг сўм.

Товарлар қолдиғини аниқлашга асосланиб товарлар сарф-харажатини ҳисоблаймиз: (1 000 × 600) + (400 × 800) = 920 минг сўм. Шундай қилиб, сотилган товарлар таннархи 3 310 – 920 = 2 390 минг сўмни ташкил этади.

Сотишдан олинган даромад — 3 250 минг сўм.

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи — 3 310 минг сўм.

Ҳисобот даври охирида ТМҚ — 920 минг сўм.

Сотилган маҳсулот таннархи — 2 390 минг сўм.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — 860 минг сўм.

Ўртача тортилган қиймат (AVECO) усули.

Товар бирлигининг ўртача қиймати:

(3 310 : 4 200) = 0,788 сўм.

Товарлар харажати:

2 800 × 0,788 = 2 207 минг сўм.

Сотишдан олинган даромад — 3 250 минг сўм.

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи — 3 310 минг сўм.

Ҳисобот даври охирида ТМҚ (1 400 × 0,788) — 1 103 минг сўм.

Сотилган маҳсулот таннархи — 2 207 минг сўм.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — 1 043 минг сўм.

Аниқ бир корхонада юзага келган вазиятга қараб, ўртача нарх даврлар бўйича ёки ҳар бир материалларнинг қўшимча етказиб берилиши бўйича ҳисобланиши мумкин.

4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси корхоналарида товар-моддий захиралар қиймати FIFO усулидан ёки AVECO ўртача тортилган қийматни аниқлаш усулидан фойдаланган ҳолда аниқланиши лозим. LIFO усули кўп мамлакатларда, шу жумладан республикамизда ҳам тақиқланган. Яқин беш йил ичида бу усул тўлиқ муомаладан чиқиб кетиши кутилмоқда.

ТМЗ ҳисобининг танланган усули корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда акс эттирилиши керак.

9.2. Материаллар ҳаракатини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар

Материалларнинг корхонага ўз вақтида келтирилишини таъминот бўлими назорат қилади. Бу бўлим ходимлари мол етказиб берувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини текшириб, уларга материаллар камомади ва сифати бўйича шикоят ва даъволар қўйиш, корхонага ўз вақтида етиб келмаган юкларни қидириб топиш вазифаларини бажарадилар.

Мол етказиб берувчидан материалларни таъминот бўлими экспедитори етказиб беради. Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотларидан материалларни қабул қилганда таъминотчи биринчи навбатда идиш ва тамға ҳолати шароитларининг бузилмаганлигига амин бўлади, материаллар сифатини текширади. Агар текшириш натижасида камомад ёки юклар сифати бузилганлиги аниқланса, мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотига даъво қўйиш ҳуқуқини берадиган тижорат далолатномаси тузилади.

Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти омборидан материалларни олиш учун таъминотчига бухгалтерия томонидан 15 кундан ошмайдиган муддатга ишончи-

нома берилади. Ишончнома олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Ишончнома корхона раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланади (16-намунага қаралсин).

16-намуна

Ишонч-нома рақами	Берилган сана	Амал қилиш муддати	Ишончнома берилган шахснинг (Ф.И.Ш. ва лавозими)	Ишончнома-ни олганлик ҳақида ёзув
1	2	3	4	5
4	08.01.2008	15 кун	Муҳандис Юсупов И.Т.	

Етказиб берувчи	Шартнома ва бошқа битимлар рақами ва санаси	Топшириқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат рақами ва санаси
6	7	8
«Ишонч» фирмаси	05.01.2008 йилдаги 4-сонли шартнома	12.01.2008 йилдаги 3-сонли кирим ордери

---------- Кирқиш чизиғи ----------

Ишончнома _____-сон

Берилган сана *8 январь 2008 й.*

Ишончнома *2008 йил 22 январг*ача ҳақиқий ҳисобланади.

«Нур» КК

корхона номи ва манзили

Ишончнома берилган шахс *муҳандис Юсупов И.Т.*
лавозими ва Ф.И.О.

Паспорт серияси *СА № 0227749*

Ким томонидан берилган *Тошкент ш. Чилонзор тумани ИИБ*

Берилган сана *07.06.1996 й.*

«Ишонч» фирмасидан
етказиб берувчи номи

29.12.2007 йилдаги 82-сонли ҳисобварақ бўйича моддий бойлик-
ҳужжат номи, рақами ва санаси
ларни олиш учун.

Орқа томони

Олинадиган моддий қимматликлар рўйхати

Т/р	Моддий қимматликлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони (ёзув билан)
1	2	3	4
1	*Тахта*	*метр куб*	*икки*
2	*Эшик блоки*	*дона*	*бир*

Ишончномани олган шахснинг имзосини *Юсупов И.Т.* тасдиқлаймиз.

М.Ў.

Раҳбар _____ *Таджиев С.К.*
имзо

Бош бухгалтер _____ *Бердиев К.Л.*
имзо

Корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчилардан товар-моддий қимматликларни олиш учун ишончли шахсга берилган ёзма ваколат ишончнома деб тан олинади. Ишончли шахс унга ишончнома бўйича берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

Ишончномалар етказиб берувчи томонидан шартнома ва бошқа битимлар бўйича бериладиган товар-моддий қимматликларни олишга берилади.

Ишончли шахс талаб этилаётган товар-моддий қимматликларни бир жойдан (бир омбордан), бироқ бир неча шартнома ва бошқа битимлар бўйича олиши лозим бўлган ҳолатларда унга шартнома ва бошқа битимларнинг рақам ва саналари кўрсатилган битта ишончнома ёки агар товар-моддий қимматликлар бир неча омбордан олиниши керак бўлса бир нечта ишончномалар берилади.

Товар-моддий қимматликларни олишга ишончномалар корхона ихтиёрига кўра икки усул:

— ишончномалар дафтари корешогида рўйхатга олиш билан;

— берилган ишончномалар журналида рўйхатга олиш билан расмийлаштирилади.

Корхона томонидан ҳисобга олишнинг биринчи усули танлаб олинган тақдирда, ишончнома беришда корхона бухгалтерияси уни ишончномалар дафтарининг корешогида рўйхатга олади.

Ишончномалар дафтари рақамланади ва ип билан тикилади. Дафтарнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин «Мазкур дафтарда ... варақ рақамланди» деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Ишончномалар корхона бухгалтерияси томонидан ишончномаларни ҳисобга оладиган, рақамланган ва ип билан тикилган «Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журнали»да (17-намунага қаралсин) рўйхатдан ўтказилади. Журналнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин «Мазкур журналда ... варақ рақамланди» деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

17-намуна

Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журнали

Т/р	Берилган сана	Амал қилиш муддати	Ишончнома кимнинг номига берилган (Ф.И.Ш. ва лавозими)	Етказиб берувчининг номи	Шартнома ва боцқа битимларнинг рақами ва санаси	Ишончнома олган шахснинг имзоси	Ишончнома бўйича тошшириқларнинг бажарилганлиги тўғрисида қайдлар
1	2	3	4	5	6	7	8

Ишончномалар дафтари ва берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журнали ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахсда сақланиши лозим.

Тўлиқ ёки қисман тўлдирилмаган ишончномаларни ҳамда улар номига ёзилган шахсларнинг имзо намунаси бўлмаган ишончномаларни бериш тақиқланади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати у асосида ишончнома берилган шартномалар ва бошқа битимлар бўйича тегишли бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлиқ равишда белгиланади, бироқ у қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан ошмаслиги керак.

Ишончли шахсни унга берилган, амал қилиш муддати ҳали тугамаган ишончномалар бўйича бойликларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чоғида товар-моддий қимматликларни олувчи тегишли ишончномаларнинг дарҳол бекор қилинганлиги ҳақида етказиб берувчини хабардор қилади. Бундай хабарнома олинган пайтдан бошлаб бекор қилинган ишончнома бўйича бойликларни бериш тўхтатилади. Бундай ҳолларда бекор қилинган шартномалар бўйича бойликларни берганлик учун етказиб берувчи жавобгар бўлади.

Ишончли шахс бойликларни олгандан сўнг топшириқлар бажарилганлиги ва у олган товар-моддий қимматликлар омборга (омборхонага) топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни корхона бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этиши шарт.

Фойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги санада уни берган корхонага қайтарилиши керак.

Фойдаланилмаган ишончноманинг қайтарилганлиги тўғрисида ишончномалар дафтарининг тубида ва берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида («Ишончнома бўйича топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги қайдлар» устунида) қайд этилади. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар «фойдаланилмаган» ёзуви билан тасдиқланади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан ҳисобот йили охирига қадар сақланади. Йил тугагач бундай фойдаланилмаган ишончномалар бу ҳақда тегишли далолатнома тузиш билан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш хусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди.

Ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар товар-моддий қимматликларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчига қолдирилади. Товар-моддий қимматликларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана кўрсатилади. Бундай ҳолларда юкхатнинг (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг) бир нусхаси товар-моддий қимматликларни олувчига берилади, бошқаси — етказиб берувчида қолади ҳамда ишончномага кўра бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат учун қўлланилади.

Товар-моддий қимматликлар бериб бўлингандан кейин ишончнома ишончномалар бўйича топширилаётган бойликларнинг охирги туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади.

Корхона ишончномалари бўйича товар-моддий қимматликларни бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

— тўлдириш тартибини бузган ҳолда ёки тўлдирилмаган реквизитлар билан берилган ишончномалар тақдим этилганда;

— тузатилган ва бўялган жойлари мавжуд бўлган ишончномалар тақдим этилганда;

— ишончномада кўрсатилган паспорт тақдим этилмаганда;

— ишончнома берилган муддат тугаганда;

— қабул қилиб олувчидан ишончнома бекор қилинганлиги тўғрисида хабар олинганда;

— унинг номидан ишончнома берилган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилганда;

— ишончли шахс лаёқатсиз, чекланган лаёқатли деб тан олинганда.

Ишончномалар беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши ҳамда товар-моддий қимматликларни ишончномалар бўйича бериш устидан назорат қилиш корхона раҳбари томонидан белгиланган масъул шахс зиммасига юкланади.

Материалларни омборга омбор мудири ёки омборчи қабул қилади. У келтирилган материаллар сони, тури, сифатини мол етказиб берувчи томонидан юборилган ҳуж-

жатлар (счёт-фактура, тўлов талабномаси, спецификация, товар-транспорт юкхатлари)га мувофиқлигини текширади. Келтирилган материаллар мол етказиб берувчининг ҳужжатларига тўла мувофиқ бўлса, омборчи *кирим ордери* тузади. Мол етказиб берувчининг ҳужжатига кирим ордерининг асосий реквизитларини мужассамлаштирган муҳр қўйишга рухсат этилади (18-намунага қаралсин).

18-намуна

«Нур» КК

2-сон КИРИМ ОРДЕРИ

2008 йил 16 январь

Операция тури	Омбор	Етказиб берувчи		Корреспонденцияловчи ҳисобварақ		Коди (номенклатура рақами)
		номи	коди	ҳисобварақ	кирим қилишга асос бўлган тўлов ҳужжатининг рўйхат рақами	
		Иброҳимов		*1011*		*13*

Номи, нави, миқдори, русуми *материал дераза блоклари*

Ўлчов бирлиги		Миқдори		Нархи	Суммаси	Омбор картотекаси бўйича ёзувнинг тартиб рақами
номи	коди	ҳужжат бўйича	қабул қилинган			
1	2	3	4	5	6	7
Дераза блоклари		*2*	*2*	*5 000*	*10 000*	*11*

Қабул қилди Султанов (имзо) Топширди Иброҳимов (имзо)

Ҳақиқатда кирим қилинган материаллар ва юборилган ҳужжатлар орасида тафовут аниқланса, *материалларни қабул қилиш далолатномаси* расмийлаштирилади (19-намуна

нага қаралсин). Бу далолатнома мол етказиб берувчи ёки холис корхона вакили, омбор мудири ва таъминот бўлими вакилининг мажбурий иштирокида комиссия томонидан тузилади. Далолатнома тузилганда кирим ордери расмийлаштирилмайди.

19-намуна

Мавжуд товар ҳужжатларга мувофиқ келмаганда тузиладиган далолатнома

Ташкилот *«Нур» КК*
Корхона _____

Товар (материал) қабул қилинганда миқдор ва сифатдаги аниқланган тафовут тўғрисида 1-сонли ДАЛОЛАТНОМА

2008 йил 13 март

Далолатнома тузилган жой *Корхона омбори*
Директор Султанова О., омбор мудири Ким С.П., етказиб берувчининг вакили Соатов П. таркибидаги комиссия товар (материал)ни қабул қилди ва миқдордаги *камомадни аниқлади*

_____
(номи ва манзили)

Товар олувчи	Етказиб берувчи	Юк жўнатувчи	Товар ишлаб чиқарувчи (фабрика, артель)
«НУР» КК, Тошкент ш., Чилонзор, 17-мавзе, 36-уй	*«Тонг» фабрикаси, Фарғона ш., Муқимий кўчаси, 10*	*Фабриканинг ўзи*	*Фабриканинг ўзи*

Юклаб жўнатиш асоси *2008 йил 1 мартдаги 17-сонли шартнома*
(шартнома, битим, буюртма)
Етказиб берувчининг счёт-фактураси *2008 йил 3 мартдаги 318-сонли*
Транспорт юкхати *2008 йил 3 мартдаги 18-сонли*
Жўнатиш бекати *Фарғона-товар бекати*

Бориш бекати *Тошкент-2-товар бекати*
Товар бориш бекатига келди *2008 йил 12 мартда, соат 9.00 да*
Товар олувчининг омборига келиб тушди *2008 йил 13 мартда, соат 9.00 да*

Ҳужжатлар бўйича брутто вазни	Етказиб берувчиники	Жўнатиш бекати, кг	Бориш бекати, кг
Етказиб берувчиники	*525*	*525*	*525*

Тижорат акти тузилди *2008 йил 10 март 13-сон билан*
Товар далолатнома тузиш учун товар олувчининг омборида ўровдан ажратиб, идишлардан олиниб (кераксизи ўчирилсин) тақдим этилди
Товарни сақлаш шароитлари уни очгунга қадар *қониқарли*

Далолатнома тузилаётган товар туркумида товар олувчининг жойлар сони ва вазни бўйича тафовутлар	Жойлар сони	Брутто (кг)	Идиш (кг)	Нетто (кг)
Етказиб берувчининг счёт-фактураси бўйича	*105*	*115*		*115*
Ҳақиқатда келиб тушди	*100*	*115*		*115*
Тафовутлар	*5*			

Далолатнома тузилган пайтда идиш ва ўровлар ҳолати *қониқарли*
Идишни тўлдириш даражаси *тўртдан уч қисми*
Идишни тамғалаш ва унинг транспорт юкхати кўрсатмаларига мувофиқлиги етказиб берувчининг *ҳужжатларига мувофиқ келади*
Сифатга доир ва бошқа нуқсонларнинг умумий баёни *Маҳсулот тегишли сифат ва номланишда келиб тушди Ўровнинг бутлиги камомад етказиб берувчининг айби билан юз бергани тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради*
Товарни қабул қилишда белгиланди:

Прейскурант бўйича тартиб рақами	Жой рақами, товар номланиши ва артикули	Ўлчов бирлиги	Етказиб берувчининг ҳужжатларига биноан			
			нави	миқдори	нархи	сумма
1	2	3	4	5	6	7
	Ип калава, галтакда 5 кг	*дона*	*1*	*105*	*100*	*10 500*

Ҳақиқатда мавжуд				Камомад		Ортиқча		Нуқсонининг қисқача баёни	Нархининг тушиши	
нави	миқдори	нархи	сумма	миқдори	сумма	миқдори	сумма		миқдори	сумма
8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	*100*	*100*	*10 000*	*5*	*500*			*галтакларнинг етишмовчилиги*		

Маҳсулот етказиб берувчининг тўловномасида кўрсатиб ўтилган бошқа товарлар бўйича сифат ва сондаги тафовутлар йўқ.

Комиссия аъзолари: *Султанов О.* *Ким С.* *Соатов П.*

Материалларнинг бир омбордан бошқа омборга ички ҳаракати ёки ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материаллар, шунингдек чиқиндилар топширилишида юкхат тузилади, расмийлаштирилади.

Ҳисобдор шахслар томонидан материалларни жисмоний шахслардан харид қилганларида улар материаллар нақд пулга хусусий шахслардан харид қилишда тузиладиган далолатнома ёки маълумотнома бўйича бойликларни топширадилар (20-намунага қаралсин).

20-намуна

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Корхона директори
Султанов О.

Товар-моддий қимматликларни харид қилиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Мазкур далолатнома 20__ й. _____да

1. *Султанов О.* — комиссия раиси
2. *Файзиев Т.* — комиссия аъзоси
3. *Ким С.* — комиссия аъзоси

таркибидаги комиссия томонидан *Васин А.дан* паспорт серияси _____ берилган сана _____, _____ томонидан берилган ҳақиқатан қуйидаги товар-моддий қимматликлар сотиб олингани тўғрисида тузилди:

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма
1	Автомобиль ғилдираги	дона	2	50 000	100 000
2	Олд ойнаси	дона	1	40 000	40 000
	Жами				140 000

Комиссия *бир юз қирқ минг сўмни Одилов С.нинг* ҳисобдорлигидан чиқариб ташлашга қарор қилди.

Комиссия раиси *Султанов О.* (имзо)

Комиссия аъзолари: *Файзиев Т.* (имзо)

Ким С. (имзо)

Санаб ўтилган товар-моддий қимматликлар кўрсатилган миқдорда ҳисобот учун қабул қилинди

Тўлаганов С. (имзо)

Чиқим ҳужжатлари материалларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига (маҳсулот тайёрлаш), хўжалик эҳтиёжларига (биноларни ушлаб туриш, таъмирлаш ишлари), ноликвид материалларни сотишга жўнатишни акс эттиради. Буларга талабнома, чеклаб олиш хариталари, юкхатлар киради.

Материалларнинг бир маротаба, кам такрорланадиган жўнатилиши талабномалар билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар истеъмолчилар, яъни цех, бўлим ва участкалар томонидан расмийлаштирилади (21-намунага қаралсин).

21-намуна

Ташкилот *«Нур» КК*

18-сонли ТАЛАБНОМА

2008 йил 5 февраль

Операция тури	Омбор	Цех, объект, олувчи омбор

Ким орқали *Одилов Т.*

Талаб қилди *Биков С.* Рухсат берди *Султанов О.*

Корр. ҳисобварақ		Моддий бойликлар	Код, номенклатура рақами	Ўлчов бирлиги		Сони		Нарх	Сумма	Омбор картотекаси бўйича қайд сони
ҳисобварақ	таҳлилий ҳисоб шифри	номи, нави, ҳажми, маркаси		номи	коди	талаб қилинган	берилган			
10										
20	*1*	*Офсет қоғози*	*12*	*пачка*		*5*	*5*	*1 500*	*7 500*	*45*

Берди *Ким С.* Олди *Одилов Т.*

Омбордан цехга материаллар мунтазам бериб борилса, у ҳолда чеклаб олиш хариталари қўлланилади. Унда режа бўлими (ёки нозимлик хизмати) цехга (ёки участкага) бир ойда берилиши мумкин бўлган материал миқдорини олдиндан белгилайди (22-намунага қаралсин). Чеклаб олиш харитаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчи нусхаси цех (участкага) — истеъмолчига берилади. Материаллар берилганда омборчи чеклаб олиш карточкасининг цехдаги нусхасига имзо қўяди, олувчи эса омборчидаги нусхасига ўз имзосини қўяди.

Омборчи ҳар бир операциядан кейин фойдаланилмаган чеклаш қолдиғини ёзиб чиқади. Чекланган миқдордан ошган жўнатиш талабнома билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқаришда цех ходимлари моддий жавобгар шахс бўлган ҳолларда, улар томонидан ҳар ойда сарфланган материаллар тўғрисидаги моддий ҳисобот тузилиб, бухгалтерияга топширилади, бунда чеклаб олиш харитлари расмийлаштирилмайди.

22-намуна

ЛИМИТ ОЛИШ ХАРИТАСИ

3-сон ЛИМИТ ХАРИТАСИ *2008 йил апрелга*	Цех	Маҳсулот номи *Ип калава*	Бир ойга лимит	
			миқдори	имзолар
			50 кг	*Муҳандис Файзиев*

Омбор	Номенклатура рақами	Материаллар номи	Нави	Ўлчами	Ўлчов бирлиги	Нархи	
			1		*кг*	*2 220*	

Сана	Талаб қилинди		Берилди			
	миқдори	цех бошлиғи имзо	миқдори	ой бошидан	имзолар	
					олди	берди
04.01.	*10*	*Файзиев*	*10*	*10*	*Одилов Т.*	*Ким С.*
15.01.	*15*	*Файзиев*	*15*	*25*	*Одилов Т.*	*Ким С.*
25.01	*15*	*Файзиев*	*15*	*40*	*Одилов Т.*	*Ким С.*
			ва ҳ.к.			

Чиқиндиларни топшириш, ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материалларни қайтариш, материалларнинг бир омбордан бошқа омборга ҳаракати, материалларни бошқа ташкилотларга ёки шахсларга сотиш юкхатлар билан расмийлаштирилади (23 ва 24-намуналарга қаралсин).

23-намуна

Ташкилот *«Нур» КК*

Операция тури	Омбор	Олувчи

Беришга рухсат берди *Азизов П.*

МАТЕРИАЛЛАР САРФЛАНИШИ БЎЙИЧА *2-сон* ЮКХАТИ
2008 йил 11 январь

Берилди *Болтаев С.га*
Бериш асоси *4-сон ишончнома*

Характеристика	Номенклатура	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони		Нархи	Сумма
				талаб қилинди	берилди		
1	2	3	4	5	6	7	8
	5	*«В» материали*	*кг*	*10*	*10*	*1 000*	*10 000*
		Жами					*10 000*

Бойликларни берди *Ким С.*
Бойликларни қабул қилди *Болтаев С.*

24-намуна

Ташкилот *«Нур» КК*

***6-сон* ЮКХАТ**
Материалларни корхона ичида ҳаракатланишига
2008 йил 24 январь

Операция тури	Цех (бўлим) участка-ускунавчи	Цех, объект, омбор-олувчи	Корреспонденция ҳисобвараги		Код, номенклатура рақами
			ҳисоб-варақ	таҳлилий ҳисоб шифри	
50	*01*	*05*	*10*	*101*	*1001107*

Номланиши, нави, ҳажми, маркаси *Болтлар 10 × 30 мм*

Ўлчов бирлиги		Миқдори		Нархи	Сумма-си	Омбор варақаси бўйича ёзув рақами
номи	коди	жўна-тилган	олин-ган			
кг	*2*	*26*	*26*	*57*	*1 482*	*17*

Берди *Титов П.* Олди *Валиев Д.*

Омбор ходимларига материалларни бошқа ҳужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар ёки мансабидан қатъи назар мансабдор шахсларнинг оғзаки фармойишлари асосида маҳсулотни омбордан бериш тақиқланади. Омборга келиб тушган, лекин кирим ҳужжатлари билан расмийлаштирилмаган материалларни беришга ҳам йўл қўйилмайди.

Кирим ва чиқим ҳужжатлари операция содир бўлган кунида расмийлаштирилади.

9.3. Омбордаги материаллар ҳисоби

Омборларда материаллар ҳисоби омборчи томонидан миқдор, туркум ва сорт бўйича омбор ҳисоби варақалари билан олиб борилади (25-намунага қаралсин).

Омбор ҳисоби варақалари материалларнинг ҳар бир тури, нави, хили бўйича бухгалтерия томонидан алоҳида очилади.

Олинган омбор ҳисоби варақасида омборчи ушбу материаллар сақланадиган жойни (токча, ячейка ва ҳ.к.) ёзиб қўяди. Сақланадиган жойга материалларнинг ёрлиғи бириктирилади.

25-намуна

Ташкилот *«Нур» КК*

84-сон МАТЕРИАЛЛАРНИ ОМБОР ҲИСОБИ ВАРАҚАСИ

Омбор	Жавон	Токча	Русум	Нав	Йўналиш	Ҳажми	Код (номенклатура рақами)	Ўлчов бирлиги		Нархи	Захира миқдори
								номи	коди		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
				1			*103*	*кг*		*2 820*	

Материал номи *Ип калава*

1-сон шаклида сатр рақами
13

Қайд санаси	Ҳужжат рақами	Қайднинг т/р	Кимдан олинди ёки кимга берилди	Кирим	Чиқим	Қолдиқ	Назорат (имзо, сана)
14	15	16	17	18	19	20	21
			Қолдиқ				
13.03	*1*		*«Восход» фабрикаси*	*500*		*500*	
20.03	*18*	*2*	*«Старт» КК*		*100*	*400*	
01.04	*19*	*3*	*Ишлаб чиқаришга*		*150*	*250*	
			ва ҳ.к.				

Бухгалтер *Бердиев К.* (имзо)

Варақалар омбор картотекасида сақланади ва тури бўйича маълум тартибда жойлаштирилади.

Ҳар куни юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида омборчи бу варақаларга миқдор жиҳатидан материалларнинг кирим ва чиқимини ёзади. Ҳар бир ёзувдан сўнг варақада материалларнинг қолдиғини ҳисоблаб чиқаради.

Жадвалда белгиланган муддатларда омборчи кирим ва чиқим ҳужжатларини топшириш рўйхатини икки нусхада ёзади. Рўйхатнинг биринчи нусхасига бирламчи ҳужжатларни тикиб, уни бухгалтерияга топширади. Бухгалтер бу рўйхат ва унга бириктирилган ҳужжатларни синчиклаб текшириб чиқади, кейин текширилганлигини рўйхатнинг иккинчи нусхасида имзо билан тасдиқлайди, тасдиқланган нусха омборчида қолади.

Бухгалтер омбордаги энг аввало камёб, қимматбаҳо материалларнинг ҳақиқий қолдиқларини танлаб назоратдан ўтказиб, бу тўғрида варақаларга моддий жавобгар шахсларнинг ишида аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни белгилаган ҳолда текшириш санасини ва имзо қўйиб тасдиқлайди. Танлаб текшириш натижалари бўйича махсус омбор дафтарига билдиришлар ёзилиб бош бухгалтерга хабар қилинади.

Материаллар номенклатураси кам бўлган омборларда омбор ҳисоби варақалари ўрнига варақаларнинг зарур реквизитларини ўз ичига олган *нав ҳисоби дафтарларидан* фойдаланишга йўл қўйилади.

Ҳар ойнинг биринчи куни ҳолати бўйича моддий жавобгар шахс варақалардаги миқдор қолдиқларни материаллар қолдиғини ҳисобга олувчи сальдо дафтарига кўчиради. Бу дафтар ҳар бир омбор учун алоҳида бир йилга очилади. У бухгалтерияда сақланиб ойнинг охирги кунида омборчига берилади. Ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 1-2 санасида омборчи бу дафтарни тўлдирган ҳолда бухгалтерияга қайтаради.

9.4. Бухгалтерияда материаллар ҳисоби

Омборчидан илова қилинган ҳужжатлар билан рўйхатни олгандан сўнг, бухгалтер кирим ва чиқимларнинг пулдаги ифодасини аниқлайди, яъни таксировка қилади. Бу-

нинг учун 10-сонли «Моддий маблағлар ҳаракати» қайдномаси қўлланилади. Бу қайднома 2 бўлимдан: «Материаллар келиши ва ой бошига қолдиқлари» ва «Материаллар сарфи ва ой охирига қолдиқлари»дан иборат.

Ҳисобот ойи давомида материаллар ҳаракати ҳисоб нархларида акс эттирилади. Ойнинг охирида транспорт-тайёрлов харажатлари ёки материалларнинг ҳақиқий ва режа таннархлари орасидаги фарқ суммаси ҳамда фоизи аниқлангандан кейин ҳисоб қиймати ҳақиқий таннархгача етказилади.

Материалларнинг жамлама ҳисоби 1010-1090-ҳисобварақларда юритилади. Материалларнинг қолдиқлари ва келиши бу ҳисобварақнинг дебети, сарфи эса кредити бўйича акс эттирилади.

Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар корреспонденцияси (1000)

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Моя етказиб берувчидан материалларни қабул қилиш	1010-1090	6010
2	Асосий воситаларни тугатиш натижасида келиб тушган материаллар қиймати	1090	9210
3	Таъсисчилардан уларнинг улушлари ҳисобига келиб тушган турли материалларни кирим қилиш	1010-1090	4610
4	Материалларни бошқа шахслардан текин олиш	1010-1090	8530
5	Материалларни кирим қилгандан сўнг нуқсонларни аниқлаганда етказиб берувчига даъво қўйиш	4860	1010-1090
6	Яроқсиз маҳсулотлардан қолган материалларни кирим қилиш	1090	2610
7	Ўз ишлаб чиқариш маҳсулотини кирим қилиш	1010-1090	2310
8	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатувчи хўжаликларига материаллар жўнатиш	2010, 2310, 2510, 2710	1010-1090

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
9	Маъмурий эҳтиёжларга материал жўнатиш	9420	1010-1090
10	Яроқсиз маҳсулотни тузатишга материаллар сарфлаш	2610	1010-1090
11	Маҳсулотни сотиш учун идиш сарфлаш	9410	1060
12	Четга чиқиб кетган материаллар қийматини ҳисобдан чиқариш	9220	1010-1090
13	Инвентарлаш пайтида камомадларни аниқлаш	5910	1010-1090

Мисол. Мол етказиб берувчидан ҚҚСсиз 200 000 сўмлик материаллар харид қилинган. Материалларни ташиб бергани учун автотранспорт корхонасига 30 000 сўм тўланган, материалларни ортиш ва тушириш учун ишчиларга 10 000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, ишчиларнинг иш ҳақидан 2 000 сўм ягона ижтимоий тўлов ҳисобланган. Операциялар ҳисобварақларда қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилардан келиб тушган материаллар қийматига:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 200 000 сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 200 000 сўм;

— материалларни ташиб бергани учун автотранспорт корхонасининг хизмати суммасига:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 30 000 сўм

Кредит 6990-«Бошқа мажбуриятлар» — 30 000 сўм;

— юкчиларнинг иш ҳақи суммасига:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 10 000 сўм

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 10 000 сўм;

— ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 2 000 сўм

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 2 000 сўм.

Шундай қилиб 1010-ҳисобварақда материалларни харид қилиш бўйича 242 000 сўм бўлган барча харажатлар жамланади. Ишлаб чиқаришга ёки бошқа эҳтиёжларга материаллар айнан ушбу таннарх бўйича ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Шуни таъкидлаш зарурки, Солиқ кодексининг 222-моддасига биноан етказиб берувчи материалларни харид қилаётган корхонага белгиланган шаклдаги ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини тўламайдиган етказиб берувчилар ҳисобварақ-фактурада «Қўшилган қиймат солиғисиз» деган белги қўйишлари керак.

Материалларни харид қиладиган корхоналар улар қийматини етказиб берувчиларга ҚҚС билан бирга тўлайдилар. Етказиб берувчи олинган суммадан ушбу солиқни бюджетга тўлайди. Демак, материалларни қабул қилиш пайтида уларнинг қиймати 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағи дебетига, ҚҚС эса 4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» ҳисобварағи дебетига ёзилади.

Мисол. Корхона 200 минг сўмга материаллар харид қилди, ҚҚС счёт-фактурада ажратилиб алоҳида сатр билан кўрсатилган — 40 минг сўм. Жами 240 минг сўм. Ушбу суммаларга қуйидаги ўтказмалар берилади:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 200 минг сўм

Дебет 4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» — 40 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 240 минг сўм.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона унга кераксиз бўлган моддий бойликларни сотиш ёки бериш ҳуқуқига эгадир. Бундай материалларни сотиш ёки бепул бериш ҳисоби 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағида юритилади.

Материаллар четга сотилганида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари тузилади:

— ҳақиқий харид нархи бўйича материаллар қийматига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар»;

— сотиш (шартномавий) нархига:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

— ҚҚС суммасига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз».

9220-ҳисобварақ дебети ва кредитини таққослаш билан моддий бойликларни сотиш ёки бепул топширишдан молиявий натижа белгиланади. Агар материалларни сотиш нархи ҚҚС билан бирга ҳақиқий таннархдан катта бўлса (агар 9220-ҳисобварақ дебети унинг кредитидан кичик бўлса), фарқ корхона фойдасини ҳосил қилади ва 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади. Ҳақиқий қиймат сотиш нархидан ошиб кетган тақдирда (агар 9220-ҳисобварақ дебети унинг кредитидан катта бўлса), 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқариладиган зарар пайдо бўлади.

Мисол. Корхона ноликвид материалларни 35,1 минг сўмга сотди. Уларнинг ҳақиқий қиймати 20 минг сўм. ҚҚСни аниқлаймиз: (35 100 × 20% : 120 = 5 850 сўм). Сотишдан олинган фойда 9 250 сўмни ташкил этди (35 100 – 20 000 – 5 850).

Бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:

— материалларни ҳақиқий сотиб олинган қийматига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 20 минг сўм

Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 20 минг сўм;

— сотиш (шартномавий) нархига:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 35,1 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 35,1 минг сўм;

— ҚҚС суммасига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 5,85 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз» — 5,85 минг сўм;

— ноликвид материалларни сотишдан фойда суммасига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 9,25 минг сўм

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» — 9,25 минг сўм.

Материаллар бепул топширилганда ёки ҳақиқий таннархдан паст нархда сотилганда ҚҚС солиш мақсадида корхонада сотиш пайтида шаклланган, аммо мазкур материалларни ишлаб чиқариш ёки харид қилишга ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган нарх қабул қилинади.

Мисол. Корхона материалларни 50 минг сўмга сотди, харид қилинган ҳақиқий қиймати — 70 минг сўм. ҚҚС 14 000 сўмни ташкил этади (70 000 × 20% = 14 000). Сотишдан кўрилган зарар: 34 минг сўм (70 000 + 14 000 — 50 000). Ушбу материалларни сотишдан кўрилган зарар суммаси Солиқ кодексининг 147-моддаси 24-бандига биноан фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасида материаллар ҳаракати ҳисобининг бошқа варианти ҳам таклиф қилинади, бунда материаллар хариди (тайёрланиши)га доир барча операциялар 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ дебетига материалларнинг 2310, 2010, 6000, 4230, 6990 ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан харид қиймати, шунингдек материалларни тайёрлаш ва корхонага етказиб бериш харажатлари киритилади. 1510-ҳисобварақ кредитида 1010-1090-ҳисобварақлар дебети билан корреспонденцияда ҳақиқатда келиб тушган ва ҳисоб нархлари бўйича кирим қилинган материалларнинг қиймати акс эттирилади. Бунда келиб тушган материалларнинг ҳақиқий қиймати билан уларнинг ҳисоб нархлари (харид ёки режа нархи) бўйича қиймати ўртасидаги фарқ 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Ушбу ҳисобварақ дебетида тўпланган тафовутлар суммаси белгиланган тартибда харажатлар ҳисобварақлари дебетига ҳисоб нархлари бўйича ишлаб чиқаришда сарфланган материаллар қийматига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади. 1510-ҳисобварақ бўйича ҳар ойлик сальдо йўлдаги материаллар қийматини акс эттиради.

Мисол. Мол етказиб берувчилардан 300 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар олинган. Эҳтиёт қисмларни ташиб бергани учун транспорт ташкилотига 50 минг сўм ҳисобланган, эҳтиёт қисмларни харид қилиш бўйича ходимнинг хизмат сафари харажатлари 15 минг сўмни ташкил этган. Ушбу операциялар қуйидаги тартибда акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилардан олинган эҳтиёт қисмлар қийматига:

Дебет 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» — 300 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 300 минг сўм;

— эҳтиёт қисмларни ташиб бергани учун автотранспорт корхонасининг хизмати суммасига:

Дебет 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» — 50 минг сўм

Кредит 6990-«Бошқа мажбуриятлар» — 50 минг сўм;

— хизмат сафари харажатлари суммасига:

Дебет 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» — 15 минг сўм

Кредит 4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» — 15 минг сўм;

— эҳтиёт қисмларни ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 1040-«Эҳтиёт қисмлар» — 365 минг сўм.

Кредит 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» — 365 минг сўм.

Қабул қилиш пайтида аниқланган етказиб берувчининг айби бўйича материаллардаги камомад суммаси 4860-«Даъволар бўйича олинадиган счётлар» ҳисобварағи дебетига ва 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ҳисобварағи кредитига киритилади.

Илгари қўйилган даъволар суммаларини қоплаш пайтида қуйидаги ёзув қайд этилади:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4860-«Даъволар бўйича олинадиган счётлар».

Даъво муддати тугаши билан даъволар суммаси қуйидаги ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 4860-«Даъволар бўйича олинадиган счётлар».

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»;

— товарларни нақд пулга сотиш:

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

Кредит 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»;

— товарларни харидорларга сотиш, лекин пул ҳали олинмаган:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар».

Узлуксиз ҳисобга олишдан фарқли равишда даврий ҳисобга олишда сотилган товарлар таннархи сотилиш пайтида мунтазам равишда ҳисобдан чиқарилмайди, чунки у фақаттина ҳисобот даврининг охирида аниқланади.

Инвентарлаш натижасига кўра «Омбордаги товарлар» ҳисобварағидаги қолдиқ қуйидагича тузатилади:

— ҳисобот даврининг охирида товарлар қолдиғи давр бошидаги қолдиқдан кўп бўлганда:

Дебет 2910-«Омбордаги товарлар»

Кредит 9150-«Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар»;

— ҳисобот даврининг охирида товарлар қолдиғи давр бошидаги қолдиқдан кам бўлганда:

Дебет 9150-«Даврий ҳисоботда ТМЗ бўйича тузатишлар»

Кредит 2910-«Омбордаги товарлар»;

— ҳисобот даврининг охирида даромад ҳисобварағини ёпиш:

Дебет 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа»;

— ҳисобот даврининг охирида харажатлар ҳисобварағини ёпиш:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа»

Кредит 9140-«Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш»

Кредит 9150-«Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар»; ёки

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа»

Дебет 9150-«Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар»

Кредит 9140-«Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш»;

— якуний молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа»

Кредит 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)».

9.6. Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби

Ўз хусусиятларига кўра асосий воситалар таркибига киритилиши лозим бўлган буюмлар ҳам ТМЗ таркибига киритилади, чунки улар одатда меҳнат қуроллари ҳисобланади ва мустақил аҳамиятга эга бўлади, лекин бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш мақсадида улар ТМЗ таркибига киритилади ҳамда инвентарлар ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олинади. Уларга хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган ва қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда бўлган барча буюмлар киради. Ташкилот раҳбари уларни инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан *паст* чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидагилар киритилади:

— махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

— махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

— кўрпа-тўшаклар;

— ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);

— ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

— уларни барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

— фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

— овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳ.к.).

Фойдаланишга бериш пайтида инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг қиймати ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига тўлиқ киритилади. Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг кейинчалик сақланишини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳисобини ишлатиш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича балансдан ташқари 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ҳисобварағида юритиш лозим.

Мисол. Корхона мол етказиб берувчилардан ҚҚСсиз ҳар донаси 12 000 сўмдан бўлган, 120 000 сўмлик 10 та калькулятор сотиб олди. Харид қилиш қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 1080-«Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» — 120 000 сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 120 000 сўм.

Тўртта калькулятор фойдаланиш учун ишлаб чиқаришга, олтитаси эса бухгалтерияга берилган ва қуйидаги ёзув амалга оширилган:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 48 000 сўм

Дебет 9420-«Маъмурий харажатлар» — 72 000 сўм

Кредит 1080-«Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» — 120 000 сўм.

Фойдаланишга берилган инвентарь ва хўжалик жиҳозлари қийматини балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттириш қуйидагичадир:

Дебет 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» — 120 000 сўм.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ишга яроқсиз ҳолга келиши муносабати билан ҳисобдан чиқарилиши пайтида инвентарь ва хўжалик жиҳозларини ҳисобдан чиқариш бўйича белгиланган шаклда далолатнома тузилади ва уларнинг қиймати 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Кредит 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» — 120 000 сўм.

9.7. Материалларни инвентарлаш

Инвентарлашни ўтказиш тартиби 19-сонли БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» (ЎзР АВ томонидан 02.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Мазкур стандарт корхоналарни даврий равишда мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни инвентарлашни ўтказишга мажбур этади.

Қуйидаги ҳолларда инвентарлаш мажбурийдир:

— мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек давлат тасарруфидан чиқарилганда;

— йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш олдидан;

— асосий воситалар ва товар-моддий қимматликлар қайта баҳоланганда;

— моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш-топшириш кунида);

— ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда — мазкур факт аниқланиши билан дарҳол;

— табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда — улар тугаши билан дарҳол;

— корхона тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан.

Инвентарлашнинг асосий мақсади товар-моддий қимматликларнинг натура ёки қиймат ифодасидаги ҳақиқий мавжудлигини аниқлашдир. Инвентарлаш жараёнида қуйидагилар текширилади:

— моддий бойликларнинг сақланиши;

— уларнинг тўғри сақланиши, сарфланиши, тортиш ва ўлчаш асбоблари ҳолати;

— товар-моддий қимматликлар ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби.

Текшириш ҳажми бўйича *яппи* ва танлаб инвентарлаш, ўтказиш вақти *бўйича режадаги* ва *тўсатдан* инвентарлаш фарқланади. Корхона раҳбари ва бош бухгалтер инвентарлашни ташкиллаштиради ва уни ўтказиш устидан назорат олиб борадилар. Инвентарлаш ишларини корхона раҳбари

томонидан тайинланган дахлдор ходимлардан ташкил этилган комиссия бажаради.

Инвентарлаш пайтида бойликларнинг мавжудлиги албатта санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан шу ҳақда маълумотларни инвентарлаш рўйхатига қайд этиш орқали аниқланади. Инвентарлаш моддий жавобгар шахс иштирокида ўтказилади, у мазкур рўйхатга имзо чекади.

Инвентарлаш натижасида аниқланган барча тафовут ҳоллари (ортиқча ёки камомадлар, шикастланиш ва бузилишлар) солиштириш қайдномасида расмийлаштирилади ва ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Улар синчиклаб таҳлил қилиниши, уларга доир бундай ҳолларнинг келгусида такрорланиши олдини оладиган қарорлар қабул қилиниши керак.

Инвентарлаш натижасида моддий бойликларнинг камомади ва ортиқчасининг аниқланиши «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида»ги низомга (ЎзР АВ томонидан 06.04.2004 йилда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ ҳисобга олинади.

Инвентарлаш жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган товар-моддий захиралар ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш товар-моддий захираларнинг бозор қиймати бўйича баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000-2900)

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар».

Инвентаризация жараёнида аниқланган товар-моддий захиралар бўйича даромад суммасига умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

Инвентарлаш жараёнида аниқланган ТМЗнинг камомади қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» ёки ТМЗни ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар.

Табиий йўқотишлар меъёри чегарасидаги ёки табиий офатлардан келиб чиққан камомадлар, шунингдек айбдор

шахслар аниқланмаган ҳолларда улар харажатларга қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ёки 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар».

Моддий жавобгар шахслар айби билан келиб чиққан камомадлар қуйидаги ёзув билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар».

Моддий жавобгар шахслардан ундирилганда қуйидаги ёзув қайд этилади:

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»

Кредит 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи».

Корхона айбдор шахслардан камомадни таннарх бўйича эмас, балки бозор (биржа) нархи бўйича ушлаб қолиши мумкин.

Мисол. Омборчи айби билан материаллар камомади аниқланди. Материалларнинг ҳақиқий қиймати 100 минг сўм, бозор қиймати эса — 150 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида ёзув қуйидагича бўлади:

— камомад суммасига:

Дебет 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» — 100 минг сўм

Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 100 минг сўм;

— омборчидан ушлаб қолиниши лозим бўлган суммага:

Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» — 150 минг сўм

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» — 100 минг сўм

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар» — 50 минг сўм;

— айбдор шахслардан ундирилганда:

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки камомад иш ҳақидан ушлаб қолинган тақдирда 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 150 минг сўм

Кредит 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» — 150 минг сўм.

Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан товар-моддий захираларнинг камомадидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар».

Товар-моддий захираларнинг камомадидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солинадиган базани кўпайтиради.

Айбдори аниқланмаган ўғирликлардан зарарлар Солиқ кодексининг 147-моддаси 23-бандига биноан даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилади.

4-сонли БҲМСга мувофиқ ТМЗ қайта баҳоланганда қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

— ТМЗ қиймати пасайиши суммасига:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1010-1090);

— ТМЗ қиймати ошиши суммасига:

Дебет Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1010-1090)

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар».

10-боб. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲИСОБИ

10.1. Асосий воситалар тушунчаси ва уларни баҳолаш

Асосий воситалар — корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб турилади моддий активлар.

5-сонли БҲМС «Асосий воситалар» (ЎзР АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган)да асосий воситаларга ана шундай таъриф берилган. Мазкур стандарт мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар ҳисоби тартиби ва услубиятини белгилайди.

Асосий воситалар таркибига бир йилдан кўпроқ муддатда хизмат қиладиган ёки хизмат муддатидан қатъи назар ҳар бир бирлиги (тўплами)нинг қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кўп бўлган (сотиб олиш пайтига) активлар киради. Корхона раҳбари ҳисобот даври учун буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун уларнинг пастроқ қийматини, буни ҳисоб сиёсатида акс эттирган ҳолда белгилаш ҳуқуқига эга.

Асосий воситалар — ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайсидир бир объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун, у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлишлигини назарда тутиш керак. Чунончи, автомобилни таъмирлаш вақтида эскисини алмаштириш учун сотиб олинган янги двигатель, унинг қиймати 700 минг сўм бўлса ҳам, асосий воситалар таркибига киритилмайди, чунки автомобилдан алоҳида двигателдан фойдаланиб бўлмайди. Ушбу двигатель эҳтиёт қисмлар таркибига киритилади ва ТМЗ сифатида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар, хўжалик юритувчи субъект томонидан улардан келгусида иқтисодий наф олиш ишончи бўлса ва агар активнинг қиймати аниқ белгиланиши мумкин бўлса, яъни асосий воситалар объекти фойдаланишга қабул қилинган ва барча бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлса, актив сифатида эътироф этилиши мумкин.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари ишлаб чиқаришда бевосита қатнашади ёки ишлаб чиқариш жараёни учун хизмат қилади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари корхона ходимларига хизмат қилиш учун мўлжалланган. Уларга корхона балансида бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданий-маиший эҳтиёж, уй-жой-коммунал хўжалиги объектларининг бинолари ва ускуналари киради.

Ўзининг натурал-ашёвий таркиби бўйича асосий воситалар қуйидаги ҳисобварақлар бўйича ҳисобга олинади:

0110 — Ер;

0111 — Ерни ободонлаштириш;

0112 — Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинадиган асосий воситаларни ободонлаштириш;

0120 — Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар;

0130 — Машина ва асбоб-ускуналар;

0140 — Мебель ва офис жиҳозлари;

0150 — Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси;

0160 — Транспорт воситалари;

0170 — Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;

0180 — Кўп йиллик ўсимликлар;

0190 — Бошқа асосий воситалар;

0199 — Консервация қилинган асосий воситалар.

Корхона бухгалтерия хизматининг асосий вазифаси — асосий воситаларни қиймати бўйича ҳисобга олиш, яъни уларни баҳолашда ягона тамойилга риоя қилишдир.

Ҳисобга олиш ва ҳисоботда асосий воситалар объекти бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, тиклаш ва тугатиш қиймати бўйича акс эттирилади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар объектининг ***бошланғич қиймати*** қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

— активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;

— асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

— божхона божлари ва йиғимлари;

— асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

— асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборий ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

— асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

— асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

— асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

— активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Қурилиш даврида қурилиш учун олинган узоқ муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизлар барпо этилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб асосий воситаларнинг мазкур объектларини тиклаш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси тан олинади.

Харид қилиш чоғида қиймати чет эл валютасида ифодаланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати харид бўйича барча харажатларни қўшган ҳолда, божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича суммани чет эл валютасида ҳисоблаб ўтказиш йўли билан сўмда белгиланади.

Корхона томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб олиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги уларнинг жорий қиймати тан олинади.

Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ўзгартиришга асосий воситаларнинг тегишли объектлари қуриб битказилган, қўшим-

ча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, техник қайта қуроллантирилган, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган ҳолатларда рухсат этилади.

Қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, замонавийлаштириш ишларига асосий воситалар объектининг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатини янада яхшилашга доир бошқа ҳолатлар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади.

Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар объектларини қайта қуриш киритилади.

Техник қайта қуроллантиришга илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чоратадбирлар мажмуаси киради.

Асосий воситаларнинг келиб тушиш манбаига боғлиқ ҳолда уларнинг бошланғич қиймати деганда қуйидагилар тушунилади:

— таъсисчилар томонидан уларнинг устав капиталига (фондига) улуши ҳисобига киритилган ва келишув бўйича белгиланган асосий воситалар қиймати;

— етказиб бериш, монтаж ва ўрнатиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича ҳисобга олинувчи қурилган ёки ҳақ эвазига харид қилинган объектлар қиймати;

— бепул, шунингдек ҳукумат субсидияси (ёрдами) сифатида олинган асосий воситалар объектларининг қиймати, улар эксперт йўли билан жорий қиймати ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Мисол. Босмахона мол етказиб берувчидан 5 000 минг сўмга босма ускунасини сотиб олган, транспорт харажатлари — 40 минг сўмни, ўрнатиш ва монтаж ишлари — 100 минг сўмни, ускунани ўрнатиш жараёнида шикастланган деворни таъмирлаш ишлари — 30 минг сўмни ташкил этган. Ускунанинг бошланғич қиймати 5 000 + 40 + 100 = 5 140 сўмни ташкил этади. Ўрнатиш жараёнида шикастланган деворни таъмирлаш харажатлари бошланғич қийматга киритилмайди ва жорий харажатларга ўтказилади.

Бошланғич қийматини ўзгартиришга асосий воситаларнинг тегишли объектлари қуриб битказилган, қўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, харажатлар активдан кутилаётган фойдани оширса ва ундан фойдаланиш натижасида иқтисодий нафни оширишга имкон берган ҳолатларда рухсат этилади. Асосий воситаларни харид қилиш, ўрнатиш, замонавийлаштириш, реконструкциялаш бўйича харажатларни уларнинг бошланғич қийматига ўтказиш капиталлаштириш деб аталади. Асосий воситаларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш бўйича жорий ва капитал таъмирлашга оид ҳар қандай бошқа харажатлар жорий харажатлар сифатида кўрилиши ва капиталлаштирилмаслиги лозим.

Мисол. «Шарқ» тикувчилик корхонаси қўшимча равишда деталлар ўрнатиб 20 та тикув машинасини қайта жиҳозлади, бу буюмларга ишлов бериш вақтини тежашга имкон берди. Бир дона тикув машинасининг қиймати 120 минг сўм, уларнинг ҳар бирини қайта жиҳозлаш бўйича харажатлар 5 минг сўм. Бинобарин, асосий воситалар қийматини 100 минг сўмга ошириш лозим.

Асосий воситалар фойдаланиш давомида эскириб боради, натижада уларнинг бошланғич қиймати камаяди. Объектларнинг ўз физик ва техник-иқтисодий хусусиятларини йўқотишининг пулдаги ифодаси асосий воситалар эскириши (амортизацияси) деб аталади. Эскириш алоҳида ҳисобга олинади.

Қолдиқ (баланс) қиймат — жамланган эскириш суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати.

Вақт ўтиши билан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати улар қийматининг ошиши, шунингдек инфляция

муносабати билан кўпайиши мумкин. Шунинг учун вақти-вақти билан асосий воситаларни қайта баҳолаш ва уларнинг тиклаш қийматини белгилаш зарурати пайдо бўлади. Тиклаш қиймати — асосий воситаларнинг ҳозирги нархлар шароитидаги қийматидир. У ҳукумат қарорига кўра ўтказиладиган қайта баҳолаш натижасида шаклланади.

Жорий қиймат — асосий воситаларнинг маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича қиймати ёки активни алмаштириш мумкин бўлган сумма.

Бозор қийматини аниқлашда тайёрлов ташкилотларидан ёзма равишда олинган шунга ўхшаш маҳсулотларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлардан; давлат статистика идоралари, савдо инспекциялари ва ташкилотларида нархлар даражаси тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлардан; оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётда чоп этилган нархлар тўғрисида маълумотлардан; асосий воситалар алоҳида объектлари нархлари тўғрисида эксперт хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Тугатиш қиймати — асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси.

10.2. Асосий воситаларнинг келиб тушиш ҳисоби

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

— капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;

— олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

— устав капиталига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиши;

— текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

— айирбошлаш;

— товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;

— узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;

— қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;

— асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Асосий воситаларнинг ҳар қандай келиб тушишига корхона раҳбари бухгалтер бошчилигида ташкил этган комиссия қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузади, унда объектнинг тавсифи, жойлашган жойи, олиш манбаси, чиқарилган ёки қурилган йили, фойдаланишга топшириш санаси, объектнинг синов натижалари, унинг техник талабларга мувофиқлиги ва ҳоказолар кўрсатилади. Ушбу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентарь варақаси расмийлаштирилади ёки инвентарь дафтарида қайд этилади (26 ва 27-намуналарга қаралсин).

26-намуна

«Нур» КК

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Корхона раҳбари
_____ *Султонов О.*
2008 йил 20 апрель

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш
____-сонли ДАЛОЛАТНОМАСИ
2008 йил 20 апрель

Цех, бўлим, участка, линия	Дебет		Кредит		Бошланғич қиймат	Инвентарь рақами	Чиқим коди (амортизация ажратмаларини ўтказиш учун)	Амортизация ажратмалари счёри коди	Амортизация ажратмалари счёри
	ҳисобварақ, субсчёт	ҳисобварақ, субсчёт	ҳисобварақ, субсчёт	ҳисобварақ, субсчёт					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	01		*08*		*300 000*	*17*			*15*

2008 йил 12 апрелдаги 38/08-сонли буйруққа (фармойишга) асосан харид натижасида қабул қилинаётган (топширилаётган) *фрезерлик дастгоҳи* кўздан кечирилди. Қабул қилиш (топшириш) пайтида объект *Тошкент шаҳрида, Тошқишлоқмаш заводида* бўлган. Эскириш суммаси ____–_____ сўм *176348-сонли* паспорт (чизма).

Ускуна		Ишлаб чиқарилган йили (қурилган)	Фойдаланишга топширилган сана (ой, йил)
тур	код		
11	12	13	14
15	*19*	*1999*	*20.04.2003 й.*

Харид қилиш (молиялаш) манбаси *капитал қўйилмалар*
Тузатиш коэффициенти
Объектнинг қисқача тавсифи *приставкали фрезерлик дастгоҳи*
Объект техник шартларга *мувофиқ келади* (мувофиқ эмас)

айни нималар мувофиқ эмаслиги кўрсатилсин

қўшимча таъмир *талаб этилади* (талаб этилмайди)

айни нима талаб этилиши кўрсатилсин

Объектни синаш натижалари *техник шартларга мувофиқ келади*
Комиссия хулосаси *фойдаланишга киритилсин*
Илова *техник паспорт*

объект бўйича техник ҳужжатлар рўйхати

Комиссия аъзолари:

Директор	*Султонов О.*	*имзо*
Бош бухгалтер	*Бердиев К.*	*имзо*
КК ходими	*Файзиев Р.*	*имзо*

Асосий воситалар объектини қабул қилдим:

Бригадир	*Оқилов Т.*	*имзо*

Топширдим:

Директор	*Султонов О.*	*имзо*

2008 йил 20 апрель

Варақа очилганлиги ёки дафтарда қайд этилганлиги тўғрисида бухгалтериянинг белгиси: *Инвентарь варақаси очилган*

Бош бухгалтер	*Бердиев К.*	*имзо*

27-намуна

Намунавий шакл АВ-6-сон

БҲУТ бўйича шакл	Код
ХГУТ	
ХХГУТ	

(ташкилот номи)

(тармоқ бўлинмаси номи)

ТҲШТ

Ҳужжат рақами	Тузиш санаси

Асосий воситалар объектини ҳисобга олиш ҳисоблари тармоғи

Объект

(шифр рақами, суғурта тури ёки мақсади, тавсифи)

Рақам	амортизация гуруҳи	
	паспорт бўйича (рўйхатга олиш)	
	ҳисоблари	
	завоцдаги	
Сана	бухгалтерия ҳисобига олинганидаги	
	бухгалтерия ҳисобидан чиқарилгандаги	
	Ҳисобварақ, ғазначилик ҳисоб коди	

Асосий воситалар объектининг жойлашган жойи

Ташкилот — ижара чиқарувчи

(номи)

1. Ташкилот томонидан асосий воситалар объекти бўйича амалга оширилган

Сана		Фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат			Фойдаланиш ҳақидаги муддати	Ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси	Қолдиқ қиймати, сўм
ишлаб чиқарилган	сўнгги қайта таъмир, модернизация, реконструкция қилинган	номи	№	сана			
1	2	3	4	5	6	7	8

2. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасига асосий воситалар объекти бўйича амалга оширилган

Бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасига боланслитич қиймати	Фойдаланиш муддати
1	2

3. Қайта баҳолаш

Сана	Қайта ҳисоблаш (қайта баҳолаш) коэффициенти	Тикланг қиймати, сўм
1	2	3

Сана	Қайта ҳисоблаш (қайта баҳолаш) коэффициенти	Тикланг қиймати, сўм
1	2	3

Сана	Қайта ҳисоблаш (қайта баҳолаш) коэффициенти	Тикланг қиймати, сўм
1	2	3

4. Асосий воситалар объектининг қабул қилиниши, ички ҳаракати, чиқиб кетиши (ҳисобдан чиқарилиши) ҳақида маълумот

Ҳужжат, санаси, рақами	Операция тури	Тузилмавий бўлинма номи	Қолдиқ қиймат	Сақланишни бўйича масъулиятли шахснинг Ф.И.Ш.и
1	2	3	4	5

Изоҳ: Ускуна нуқс. индикаторлари

Ускуна нуқсдан ҳақли ускуна, %	

Намунавий шакл АВ-6-сон
орқа томони

5. Асосий восита объектлари бошқатдан қайта тикланиш ўтказилиши

Реконструкция, қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, қисман йўқ қилиш, модернизациялаш				
операция турн	ҳужжат			Харажатлар суммаси
	номи	сана	рақам	
1	2	3	4	5

6. Таъмирлаш тўғрисида

Таъмирлаш				
таъмирлаш тури	ҳужжат			Харажатлар суммаси
	номи	сана	рақам	
1	2	3	4	5

7. Асосий восита объектининг қисқача алоҳида (индивидуал) тавсифи

Асосий восита объекти, иншоотлари, жиҳозлари		Таркибидаги қимматбаҳо ва (ёки) ноёб қимматбаҳо материаллар (металлар, тошлар ва ҳ.к.)				
номи	миқдори	қимматбаҳо ва (ёки) ноёб қимматбаҳо материаллар номи	номенклатура рақами	ЎБТТ бўйича ўлчов бирлиги	миқдори	оғирлиги
1	2	3	4	5	6	7

Объектни паспортловчи таркибий (конструктив) элементлар ва белгилар номи	Сифат ва миқдор бўйича тавсифланиши (ўлчамлари ва бошқа маълумотлар)					Изоҳлар
	асосий объектнинг	иншоотлар, жиҳозлар, қурилган ҳовлилар ва бошқаларнинг				
8	9	10	11	12	13	14

Инвентарь варақасини юритиш
бўйича жавобгар шахс _____ (лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

Тугалланган қурилма (ускуна) ёки алоҳида олинган конструктив объект (бино) ёки муайян операцияни бажарадиган ускуналар мажмуи (масалан, сутни қайта ишлаш линияси) инвентарь объекти ҳисобланади. Ҳар бир инвентарь объектига инвентарь рақами берилади, у объектдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида сақланади.

Асосий воситаларнинг корхона ичида ҳаракатланиши юкхатлар билан расмийлаштирилади. Асосий воситалардан фойдаланиш жойларида асосий воситаларнинг инвентарь рўйхатлари юритилади.

Қурилиш ёки корхона томонидан ўз ҳисобидан асосий воситаларнинг сотиб олиниши ***капитал қўйилмалар (инвестициялар)*** деб аталади.

Асосий воситалар сифатида капитал қўйилмалар ҳисоби 0810-«Тугалланмаган қурилиш» ва 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш» ҳисобварақларида юритилади. Ушбу

ҳисобварақлар дебетида асосий воситаларни қуриш, харид қилиш, етказиб бериш, монтаж қилиш ва созлаш харажатлари тўпланади. Объект фойдаланишга тайёр бўлганидан кейин харажатларнинг умумий суммаси 0810-0820-ҳисобварақлар кредитидан 0110-0199-ҳисобварақлар дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар қурилиши пудрат ёки хўжалик усулларида амалга оширилади. Пудрат усулида қурилишни амалга оширганда қурилиш ташкилоти томонидан тақдим этиладиган ва буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган қурилиш ишлари далолатномаси суммасига буюртмачи қуйидаги ёзувни амалга оширади:

Дебет 0810-«Тугалланмаган қурилиш»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Ҳисобварақни тўлаган пайтда:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Агар қурилиш ўз кучи билан, яъни хўжалик усули билан амалга оширилаётган бўлса, бунда қурилиш харажатларига қуйидагича ёзув қўлланилади:

Дебет 0810-«Тугалланмаган қурилиш»

Кредит 1050-«Қурилиш материаллари», 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар», 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ва бошқалар.

Қурилиш тугаши билан, бино ёки иншоотни фойдаланишга топшириш пайтида қуйидагича ўтказма тузилади:

Дебет 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»

Кредит 0810-«Тугалланмаган қурилиш».

Агар корхона томонидан монтаж ёки созлашни талаб этувчи ускуна қабул қилинган бўлса қуйидагича ёзув амалга оширилади:

Дебет 0710-0720 Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Монтажга топширганда:

Дебет 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»

Кредит 0710-0720 Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

Таъсисчилар томонидан корхонанинг устав капиталига (фондига) улуш сифатида киритилган асосий воситалар кирими қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0110-0199 Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи».

Бепул олинган асосий воситалар қуйидагича расмийлаштирилади:

Дебет 0110-0199 Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Кредит 8530-«Текинга олинган мулк».

Агар асосий воситалар етказиб берувчидан ҚҚС билан қабул қилинса, бунда унинг суммаси бошланғич қийматни кўпайтиради ва эскириш билан бирга аста-секин корхона харажатларига ўтказилади.

Корхона асосий воситаларни кредит ёки заём эвазига сотиб олган тақдирда, кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилади ва қуйидаги ўтказма берилади:

Дебет 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

Кредит 6920-«Ҳисобланган фоизлар».

Ташиш ёки монтаж пайтида юз берган шикастланишни тузатиш харажатлари бошланғич қийматга киритилмайди, балки корхона жорий харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Бепул олинган асосий воситалар, бошқалардан бепул олинган ҳар қандай мулк сингари даромад солиғи бўйича ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базага киритилади.

Агар воситаларни бепул топшириш корхоналар ўртасида тизим ичида амалга оширилаётган бўлса, бу ерда тизим остида вазирлик, концерн, трест ва ҳоказолар тушунилади ва бу воситалар ажратиш баланси бўйича қабул қилинаётган бўлса, бунда улар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

10.3. Асосий воситаларнинг эскириши (амортизация) ҳисоби

Асосий воситалар объектларининг эскириши — уларнинг жисмий сифатлари ёки хусусиятлари йўқолиб боришининг ва эскиришининг, бунинг оқибатида эса уларнинг қиймати йўқолиб боришининг қиймат кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳар бир корхона асосий воситаларни харид қилиш ва эскирганларини тиклаш учун зарур маблағларни жамғаришни таъминлаши керак. Бундай жамғаришга амортизация деб аталувчи ажратмаларни харажатларга киритиш ҳисобига эришилади.

Амортизация (лотинча *amortisatio* — қоплаш) баҳоланган хизмат муддати давомида активнинг амортизацияланаётган қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматларга мунтазам равишда тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Солиқ солиш мақсадида амортизация давлат томонидан белгиланган ягона меъёрлар асосида бошланғич қийматга нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	5
II		Узатиш қурилмалари	8
III		Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар	8
IV		Фаолият турлари бўйича ишчи машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	15
V		Ҳаракатланувчан транспорт	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	8
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3	Ҳаво транспорти	

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	*Енгил автомобиллар*	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	10
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	*Бошқа транспорт воситалари*	20
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20
VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар	
	1	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2	Идора мебели ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар)	15
	3	Бошқалар	10

Қуйидагилар амортизация қилинмайди: ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар); маҳсулдор чорва моллари; кутубхона фонди; музей қимматликлари; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар; архитектура ёдгорликлари; умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари; қиймати илгари тўлиқ чегирилган мол-мулк; асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Ҳар бир объектга эскиришни ҳисоблаш ҳар ойда амалга оширилади. Амортизация қиймати корхона харажатларига тўлиқ ўтказилганда асосий воситаларнинг бундан кейин фойдаланишда бўлиш даври учун эскириш ҳисобланмайди (эскириш бошланғич қийматнинг 100%идан ошиши мумкин эмас).

Янги келиб тушган асосий воситалар бўйича эскириш фойдаланиш бошланган *ойдан кейинги ойнинг* биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади, чиқиб кетган объектлар бўйича эскириш эса чиқиб кетиш ойидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади.

5-сонли БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ амортизация қуйидаги усуллардан бирини қўллаш орқали ҳисобланиши мумкин:

— амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;

— бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули);

— икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

— йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Бир маромли (тўғри чизиқли) усул деб тугатиш қиймати айрилган асосий воситалар объекти қийматини даврлар бўйича фойдаланиш муддати давомида тенг нисбатда ҳисоблаш усулига айтилади. Амортизация меъёри ўзгармайди.

Амортизация суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймати} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Тахмин қилинган фойдаланиш даврлари сони}} = \text{Йиллик амортизация суммаси.}$$

Тугатиш қиймати аҳамиятга молик суммани ташкил этмаса, уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Мисол. Компьютер қиймати 500 минг сўм, тугатиш қиймати 30 000 сўм, хизмат муддати 5 йил. Тўғри чизиқли усулга мувофиқ мазкур мисолда ҳар йилги амортизация 100 : 5 = 20%ни ёки 94 минг сўмни ташкил этади (500 000 − 30 000) : 5 = 94 000 сўм.

5 йил давомида амортизация ҳисоблашни қуйидагича акс эттириш мумкин:

белгиланган ставка (40%) ҳар йилнинг охирида асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига нисбатан олинади.

Қолдиқни камайтириш усулида амортизацияни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

	Бошланғич қиймат	Йиллик эскириш суммаси	Жамғарилган эскириш	Баланс қиймати
Биринчи йилнинг охири	500 000	40% × 500 000 = = 200 000	200 000	300 000
Иккинчи йилнинг охири	500 000	40% × 300 000 = = 120 000	320 000	180 000
Учинчи йилнинг охири	500 000	40% × 180 000 = = 72 000	392 000	108 000
Тўртинчи йилнинг охири	500 000	40% × 108 000 = = 43 200	435 200	64 800
Бешинчи йилнинг охири	500 000	64 800 − 30 000 = = 34 800	470 000	30 000

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, биринчи йилда амортизация ажратмалари тугатиш қиймати айирилмаган тўлиқ бошланғич қиймат, яъни 500 000 сўм асосида аниқланди. Фойдаланиш муддатининг охирги йилида амортизацияни ҳисоблаш учун қўлланадиган ҳисоб-китоб шакли ўзгартирилади, чунки олдиндан баҳоланган ва мўлжалланган асосий воситаларни тугатиш қийматини ҳисобдан чиқаришга олиб келадиган миқдорда амортизацияни ҳисоблаш мумкин эмас. Шунинг учун охирги йилда ҳисоб-китоб бўйича белгиланган 25,92 минг сўм (64 800 × 40%) ўрнига амортизация 34,8 минг сўм миқдорида белгиланади. Бинобарин, охирги йилнинг якунида асосий воситаларнинг қиймати 30 минг сўмгача камайтирилган ва тугатиш қийматига тенг.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усул) ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якунига қадар қолган амортизацияланаётган қийматнинг бўлаги сифатида белгиланади. Бўлак амортизация ажратмаларининг тугату-

нигача қолган тўлиқ йиллар миқдорини амортизация муддатини ташкил қиладиган йилларнинг тартиб сонлари йиғиндисига бўлиб аниқланади.

5 йил фойдаланиш муддатига мўлжалланган асосий воситалар объекти учун йиллик рақамлар йиғиндиси қуйидагини ташкил этади:

$$5 + 4 + 3 + 2 + 1 = 15 \text{ йил.}$$

Масалан, амортизацияланаётган қиймат 470 минг сўм (500 000 − 30 000) бўлган ҳолда ҳар йилги амортизация ажратмаларини ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

	Бошланғич қиймат	Йиллик эскириш суммаси	Ҳисобланган эскириш	Баланс қиймати
Биринчи йилнинг охири	500 000	5/15 × 470 000	156 667	343 333
Иккинчи йилнинг охири	500 000	4/15 × 470 000	125 333	218 000
Учинчи йилнинг охири	500 000	3/15 × 470 000	94 000	124 000
Тўртинчи йилнинг охири	500 000	2/15 × 470 000	62 666	61 334
Бешинчи йилнинг охири	500 000	1/15 × 470 000	31 334	30 000

Жадваллардан кўриниб турибдики, амортизация ҳисоблашнинг охирги иккита усулида асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг бошида ҳисобланган амортизация ажратмалари объект хизмат муддатининг охирида ҳисобланган амортизация қийматидан сезиларли даражада каттадир. Ушбу усуллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш учун қўлланилади, чунки мазкур воситалар улардан фойдаланишнинг биринчи йилларида самаралироқ ишлайди ва уларнинг таъмирига харажатлар унчалик катта бўлмайди. Кейинги йилларда амортизация харажатлари камаяди, таъмирлаш харажатлари эса одатда ошиб боради.

Ҳар хил турдаги асосий воситаларга нисбатан амортизация ҳисоблашнинг турли усулларини қўллашга йўл қўйилади. Шу билан бирга, асосий воситаларнинг бир хилдаги объектлари (русуми, тури) бўйича фақат бир хил усул қўлланилади.

Амортизация ҳисоблашнинг танланган усули корхонанинг ҳисоб сиёсати билан белгиланиши ва бир ҳисобот давридан бошқасигача йил давомида ўзгармаган ҳолда кетма-кет қўлланилиши лозим.

Солиқ солиш мақсадида амортизация ҳисоби республиканинг солиққа оид қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан солиқ қонунчилигида белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 146-моддаси 4-бандига мувофиқ жорий даврда солиқ солинадиган базадан чегирмасдан, аммо кейинги даврларда солиқ солинадиган базадан чегирган ҳолда харажатлар таркибида акс эттирилади.

10.4. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби

Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳар йили (1 февралгача) 1 январь ҳолатига кўра қайта баҳолаш ўтказилаётган пайтдаги нархлар даражасидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Асосий воситаларни қайта баҳолаш қоидалари «Асосий воситаларни ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра қайта баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низом (ЎзР АВ томонидан 04.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Барча асосий воситалар, ўрнатиш учун ускуналар, тугалланмаган қурилиш объектлари, узоқ муддатли ижарадаги асосий воситалар, яъни техник ҳолатидан қатъи назар, фойдаланишда бўлган ва фойдаланишда бўлмаган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин чиқариш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган, шунингдек тугалланмаган қурилиш ва ўрнатишга мўлжалланган ускуналар корхона мулкчилигида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада бўлган асосий воситалар қайта баҳоланиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектнинг хоҳишига кўра асосий воситалар қуйидаги икки хил усул билан қайта баҳоланиши мумкин:

— ***тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули*** аниқроғи ҳисобланади, чунки у объектларнинг жорий қиймати ҳақидаги ахборотдан келиб чиқади. Бу ахборот эса баҳоланадиган объектга ўхшаш объектнинг қайта баҳолаш даврида 1 январь ҳолатига шаклланган ҳужжатлар билан тасдиқланган алоҳида объектлар қиймати ҳақидаги; ишлаб чиқарувчи заводлардан, савдо қилувчи ташкилотлардан ёзма равишда олинган нархлар ҳақидаги; давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси ҳақидаги, шунингдек асосий фондлар объектларининг нархлари ҳақидаги оммавий ахборот воситаларида ва махсус адабиётларда чоп этилган экспертлик хулосалари маълумотларига асосланади;

— ***бошланғич (тиклаш) қийматини индексациялаш усули***. Бу усул бўйича алоҳида объектлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган асосий воситалар қиймати ўзгариши индексларини қўллаган ҳолда қайта баҳоланади.

Бухгалтерия ҳисобида юқорида қайд этилган қайта баҳолаш усулларини қўллаш йўли орқали асосий воситалар баланс қийматининг уларнинг тиклаш қийматигача ошиши (камайиши) асосий воситалар, узоқ муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар, ўрнатиш учун ускуналар, капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар дебети (кредити) бўйича захирадаги капиталнни ҳисобга олувчи счёт билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Асосий воситалар тўғридан-тўғри усул билан қайта баҳоланганда бухгалтерия ҳисобида ҳисобда турувчи эскириш суммасига қайта баҳолангандан кейинги тиклаш қийматининг қайта баҳолашдан олдинги қийматга нисбати билан ҳисобланадиган қайта ҳисоблаш коэффициенти бўйича тузатиш киритилади.

Асосий воситалар индексациялаш усули билан қайта баҳоланганда қайта баҳолаш санаси ҳолатига ҳисобда бўлган эскириш суммаси (тўлиқ эскириш ҳисобланган объектлар ҳам бунга киради) тиклаш қийматигача қайта ҳисоблашда асосий фондлар қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига кўпайтирилиши лозим.

лида эса, корхона ўз кучи билан чегараланади. Асосий воситаларни таъмирлаш пудрат усулида ўтказилганида нуқсонлар қайдномаси, смета ва шартнома тузилади. Чунончи, таъмирлашни ўз кучлари билан ўтказишга материаллар, иш ҳақини ҳисобдан чиқариш қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дебет 2010, 2510, 9420
Кредит 1010, 6710, 6520.

Таъмирлашни бошқа ташкилот билан шартномалар бўйича ўтказишда:

Дебет 2010, 2510, 9420
Кредит 6010.

Тўловномани тўлаш пайтидаги ёзув:

Дебет 6010
Кредит 5110.

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини сарф-харажатларга бир маромда киритиш мақсадида корхоналар (масалан, мавсумий ишловчилар) Молия вазирлигининг рухсати билан таъмирлаш фондини ташкил этишлари мумкин. Унинг меъёри корхона томонидан асосий воситаларнинг бошланғич қийматига нисбатан фоизлар кўринишидаги қайд этилган суммада мустақил равишда белгиланади.

Таъмирлаш фондини шакллантириш қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 2010, 2510, 9420
Кредит 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари», «Таъмирлаш фонди» счёти.

Таъмирлаш ишларини бажаришга қуйидагича ёзув амалга оширилади:

Дебет 8910
Кредит 1010, 6710, 6520, 6010 ва ҳ.к.

Ҳақиқатда бажарилган таъмирлаш харажатларидан ошадиган резерв суммаси йил охирида «қизил сторно» усули билан ёзилади. Таъмирлаш фонди етишмаганда ҳисоб-китоблар харажатларни ҳисобга олувчи счётларга ўтказилади.

Таъмирлаш фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш услубияти корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда акс эттирилиши керак.

— тугатиш бўйича харажатлар суммасига:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 6 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 6 минг сўм;

— олинган тармоқ, деталлар, ашёлар, рангли ва қимматбаҳо металлар қийматини ҳисобга қабул қилиш:

Дебет (1000) «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» — 1 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 1 минг сўм;

— захира капиталини ҳисобга олувчи счётлардаги мазкур асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

Дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» — 5 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 5 минг сўм;

— асосий воситаларнинг тугатилишидан зарар суммасига:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 200 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм.

Зарар бошланғич қиймат билан ҳисобдан чиқариш харажатлари суммаси, яъни 9210-счётнинг дебети билан эскириш ва олинган даромад суммаси, яъни 9210-счётнинг кредити ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади [(1 200 + 6) − (1 000 + 1 + 5) = 200 минг сўм]. Асосий воситаларнинг ушбу объекти хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан кам муддатда ишлатилган тақдирда, бу зарар 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётига ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ солиқ солиш базасига киритилади.

2-мисол. *Асосий воситаларни сотиш.* Асосий воситалар сотилишида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинувчи айланма миқдори сотиш нархидан қолдиқ қийматини чегириш йўли билан аниқланади. Корхона асосий воситаларни қолдиқ қийматига тенг ёки ундан кам нархларда сотган тақдирда, ҚҚС солиш объекти мавжуд

бўлмайди, бинобарин ҚҚС ҳисобланмайди ва бюджетга тўланмайди. Лекин, қолдиқ қиймат бўлмаса ва асосий воситалар баҳоланган нархларда бепул берилса, бу ҳолатда баҳолаш қиймати ҚҚС солиш объекти бўлиб ҳисобланади ва унга ҚҚС ҳисобланади.

Дастгоҳ сотилган, бошланғич қиймати — 1 200 минг сўм, эскириш суммаси — 300 минг сўм, қолдиқ қиймати — 900 минг сўм, шартнома нархи — 2 000 минг сўм. ҚҚС солиш суммаси асосий воситаларнинг шартнома нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. ҚҚС суммаси (2 000 — 900) × 20% : 120 = 183,3 минг сўмни ташкил этади.

Ушбу объект бўйича 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида 200 минг сўм қайта баҳолаш суммаси акс эттирилган.

Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзилади:

— асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 1 200 минг сўм

Кредит (0100) «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» — 1 200 минг сўм;

— асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммасини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет (0100) «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» — 300 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 300 минг сўм;

— сотилган суммага:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 2 000 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 2 000 минг сўм;

— ҚҚС суммасига:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 183,3 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз» — 183,3 минг сўм;

— қайта баҳолаш натижалари суммасига:

5-мисол. *Устав капитали (фонди)га улуш сифатида асосий воситаларни бериш.* Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида янги корхоналар асосан бошқа корхоналар ёки шахсларнинг устав капиталига улуш киритишлари орқали ташкил қилинади. Улуш қиймати томонларнинг келишувига мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан аниқланади.

Агар асосий воситалар устав капиталига улуш сифатида бозор нархларида берилса, бунда асосий воситаларнинг бозор қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасида фарқ пайдо бўлади. Бу фарқ даромад ҳисобланмайди, асосий воситаларни қайта баҳолашга тенглаштирилади ва унга солиқ солинмайди.

Айтайлик, бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилган асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати 1 000 минг сўм, ҳисобланган эскириш суммаси 700 минг сўм. Бу объект келишилган 500 минг сўм нархда берилди.

Бухгалтерия ҳужжатларида қуйидагича ёзилади:

— асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 1 000 минг сўм

Кредит (0100) «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёт» — 1 000 минг сўм;

— асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммасини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет (0200) «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» — 700 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 700 минг сўм;

— топширилаётган қийматига:

Дебет (0600) «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар» — 500 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 500 минг сўм;

— асосий воситаларни топширишдан олинган фойдага:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм

Кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» — 200 минг сўм.

Олувчи ташкилот томонидан улушнинг суммасига қуйидагича ёзув амалга оширилади:

Дебет 0130-«Машина ва асбоб-ускуналар» — 500 минг сўм

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» — 500 минг сўм.

6-мисол. *Асосий воситаларнинг камомади ва ўғирланиши.*

Асосий воситаларнинг камомади аниқланди. Бошланғич қиймати — 800 минг сўм, эскириш суммаси — 200 минг сўм. Қолдиқ қиймати — 600 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида ёзув қуйидагича бўлади:

— асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 800 минг сўм

Кредит (0100) «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёт» — 800 минг сўм;

— асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммасини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет (0200) «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» — 200 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм;

— қолдиқ қийматга:

Дебет 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» — 600 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 600 минг сўм.

Асосий воситаларнинг камомади уларнинг қолдиқ қиймати бўйича моддий жавобгар шахс ҳисобидан ундирилади.

Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» ҳисобварағи — 600 минг сўм.

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» ҳисобварағи — 600 минг сўм.

Агар моддий жавобгар шахс аниқланмаса, камомад суммаси давр харажатларига киритилади ва қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 600 минг сўм.

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» ҳисобвараги — 600 минг сўм.

Таъкидлаш лозимки, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мулклари (активлари) чиқиб кетишидан (ҳисобдан чиқарилишидан) зарарларни, хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан ортиқ муддат ичида фойдаланилган асосий воситаларнинг сотилиши бундан мустасно, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солиш базасига киритиш зарур.

10.7 Асосий воситалар ижараси ҳисоби

Ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, корхоналар фаолиятининг янги йўналишларини ўзлаштириш мақсадида бозор муносабатларини кенгайтириш ва оммалашиши билан асосий воситалар ижараси борган сари ривожланиб боряпти.

Ижара муносабатларининг бухгалтерия ҳисоби тартиби 6-сонли БҲМС «Ижара ҳисоби» (ЎзР АВ томонидан 22.06.2004 йилда 1374-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва «Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом» (ЎзР АВ томонидан 22.06.2004 йилда 1373-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

6-сонли БҲМСга мувофиқ ижара қуйидаги турларга бўлинади:

— лизинг (молиявий ижара);

— узоқ муддатли ижара;

— қисқа муддатли ижара.

Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизингга олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизингга олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

— лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизингга олувчининг мулки бўлиб ўтса;

— лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

— лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизингга олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда қийматини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

— лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Узоқ муддатли ижара — ижарага берувчи ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув.

Қисқа муддатли ижара — ижарага берувчи ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кам муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув.

Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарага олувчида 001-«Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» балансдан ташқари счётининг дебетида, ижарага берувчида — асосий воситалар таркибида акс эттирилади.

Қисқа муддатли ижара билан боғлиқ операциялар ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— қисқа муддатли ижара шартномасига биноан ижарага берилган асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит (0200) «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»;

— асосий фаолияти мол-мулкни қисқа муддатли ижарага бериш бўлган корхоналарда ҳисобот даврига тегишли ижара тўловларини ҳисоблаш (ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ) пайтида:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»;

— асосий фаолияти мол-мулкни қисқа муддатли ижарага бериш бўлмаган корхоналарда ҳисобот даврига тегишли ижара тўловларини ҳисоблаш (ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ) пайтида:

Дебет 4820-«Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 9350-«Қисқа муддатли ижарадан даромадлар»;

— асосий фаолияти мол-мулкни қисқа муддатли ижарага бериш бўлган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

— асосий фаолияти мол-мулкни қисқа муддатли ижарага бериш бўлмаган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 4820-«Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»;

— ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ муддати келмаган ижара тўловлари бўйича бўнаклар келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»;

— асосий фаолияти мол-мулкни қисқа муддатли ижарага бериш бўлган корхоналарда ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ ижара тўловининг муддати келганда ижарага олувчидан илгари олинган бўнакларни ҳисобга олиш:

Дебет 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

— асосий фаолияти мол-мулкни қисқа муддатли ижарага бериш бўлмаган корхоналарда ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномаси-

га мувофиқ ижара тўловининг муддати келганда ижарага олувчидан илгари олинган бўнакларни ҳисобга олиш:

Дебет 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»

Кредит 4820-«Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига биноан олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича ижарага олувчи томонидан амалга оширилган харажатлар қопланишининг ижарага берувчи томонидан тан олиниши:

Дебет (0100) «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит (6900) «Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига биноан олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича ижарага олувчи томонидан амалга оширилган харажатларни қоплаш учун пул маблағларини кўчириш:

Дебет (6900) «Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Қисқа муддатли ижара билан боғлиқ операциялар ижарага олувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ижара тўловларини ҳисоблашда:

Дебет «Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва қисқа муддатли ижара шартномасига биноан олинган асосий воситаларнинг қўлланилиш мақсадига боғлиқ бошқа счётлар)

Кредит 6910-«Тўланадиган қисқа муддатли ижара»;

— ижара ҳақини тўлаш:

Дебет 6910-«Тўланадиган қисқа муддатли ижара»

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

— ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ муддати келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага берувчига бўнак тўлаш:

Дебет 4330-«Бошқа берилган бўнаклар»

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

— ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келганда ижарага берувчига илгари берилган бўнакларни ҳисобга олиш:

Дебет 6910-«Тўланадиган қисқа муддатли ижара»
Кредит 4330-«Бошқа берилган бўнаклар»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларни амалга оширганда:

Дебет (0800) «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит «Материаллар» (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларни қайтариб беришда капитал қўйилмаларни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Кредит (0800) «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича ижарага берувчи томонидан қопланадиган капитал қўйилмалар суммасига:

Дебет 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»
Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларни беришдан фойда:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларни беришдан зарар:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»
Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

— қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматини қоплаш бўйича ижарага берувчидан пул маблағларининг келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
Кредит 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари».

Қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситаларнинг қайтарилишида 001-«Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» балансдан ташқари счёти кредитланади.

Молиявий лизингда асосий воситалар объекти узоқ муддатли ижарага берилган асосий воситалар бўйича дебиторлик қарзини бир вақтнинг ўзида акс эттирган ҳолда лизинг берувчининг балансидан ҳисобдан чиқарилади, лизингга олувчи эса уни актив сифатида кирим қилади ва бир вақтнинг ўзида узоқ муддатли лизинг шартларида олинган асосий воситалар бўйича кредиторлик мажбурияти вужудга келганлигини ҳисобга олади.

Узоқ муддатли ижарага берилган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини лизингга олувчи амалга оширади.

Молиявий лизингда ижара тўловлари қарзнинг асосий суммаси ва ижара фоизи суммасини ўз ичига олади, шунинг учун ҳар бир ижара тўловини икки қисмга бўлиш зарур: қарзнинг асосий суммаси учун тўлов (объектнинг ҳақиқий қийматига тенг бўлади); маълум давр ичида фоиз миқдори учун тўлов.

Лизинг берувчида лизинг операциясини ҳисобга олиш тартиби.

Лизинг объектларини олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг объектини, олиш билан боғлиқ бўлган бевосита солиқ ва йиғимлар (агар улар қопланмайдиган бўлса) суммасини қўшган ҳолда кирим қилишда:

Дебет (0800) «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ёки бошқа тегишли счётлар;

— лизинг объектини олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар:

Дебет (0800) «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 6110-«Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар», 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

— лизинг берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан қопланадиган объектни етказиб бериш ва мақсадга мувофиқ ишлатиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

Кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— етказиб берувчилар, пудратчилар ва хизмат кўрсатган бошқа корхоналар олдидаги қарздорликни узиш:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

Агар лизинг шартномасига биноан лизинг объекти унинг сотувчиси томонидан лизингга олувчига бевосита, яъни лизинг берувчининг иштирокисиз етказиб берилаётган бўлса, бунда лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг объектини кирим қилиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича ёзувлар лизинг объектининг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади.

Агар лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти лизинг берувчи томонидан сотиб олинган, аммо лизингга олувчи қандайдир сабаблар туфайли уни қабул қилишни рад этган бўлса, бунда мазкур лизинг объекти унинг ишлатилиши ёки чиқиб кетишигача бўлган давр ичида капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётда (0800) ҳисобга олинади.

Агар энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан кам бўлса,

бунда лизинг лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича актив сифатида (дебиторлик қарзи сифатида) тан олиниши керак.

Агар энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан кўп бўлса, бунда лизинг лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг объектининг жорий қиймати бўйича актив сифатида (дебиторлик қарзи сифатида) тан олиниши керак.

Лизинг объектини лизингга беришда лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида (дебиторлик қарзи сифатида) тан олинган қиймат ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва лизинг берувчининг даромади ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ҳар ойда) асосий фаолиятдан бошқа даромадларга (бошқа операцион харажатларга) киритиб борилади.

Лизинг объекти лизинг берувчи томонидан лизингга беришдан олдин қайта баҳоланган тақдирда, объектни бериш пайтидаги кечиктирилган даромад (харажат) лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида (дебиторлик қарзи сифатида) тан олинган қиймат билан резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобда турувчи лизинг объектини қайта баҳолаш натижасини (қолдиқ), яъни ушбу объектларнинг олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортганини ҳисобга олган ҳолдаги баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Лизинг объектларини лизинг шартларига биноан берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг объектларини лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида (дебиторлик қарзи сифатида) тан олинган қийматда лизингга бериш:

Дебет 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

— лизинг объектларининг баланс қийматини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

— лизинг объектларини қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

Дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

— лизинг объектларини лизинг шартномаси бўйича беришдан кечиктирилган даромад вужудга келганда:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 7230-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

— лизинг объектларини лизинг шартномаси бўйича беришдан кечиктирилган харажат вужудга келганда:

Дебет 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Лизинг объектларини лизинг шартномаси бўйича беришдан кечиктирилган даромад ва кечиктирилган харажатларни ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини беришдан узоқ муддатли кечиктирилган даромаднинг жорий қисмини лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ ўтказишда:

Дебет 7230-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»

Кредит 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар»;

— лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини беришдан кечиктирилган даромаднинг жорий қисми суммасини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариш:

Кредит 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар»

Дебет 9390-«Бошқа операцион даромадлар»;

— лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини беришдан узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмини лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ ўтказишда:

Дебет 3290-«Бошқа кечиктирилган харажатлар»

Кредит 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар»;

— лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини беришдан кечиктирилган харажатнинг жорий қисми суммасини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 3290-«Бошқа кечиктирилган харажатлар».

Асосий фаолияти мулкни лизингга бериш бўлган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли (лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ) лизинг берувчининг ҳисобланган даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар».

Асосий фаолияти мулкни лизингга бериш бўлмаган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли (лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ) лизинг берувчининг ҳисобланган даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар»

Кредит 9550-«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар».

Асосий фаолияти мулкни лизингга бериш бўлган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловларининг келиб тушиш операциялари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг бўйича узоқ муддатли олинадиган тўловларнинг жорий қисмини ўтказишда:

Дебет 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»;

— лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағларининг келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ муддати келганда лизингга олувчидан илгари олинган бўнакларни ҳисобга олиш:

Дебет 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

Асосий фаолияти мулкни лизингга бериш бўлмаган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловларининг келиб тушиш операциялари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг бўйича узоқ муддатли олинадиган тўловларнинг жорий қисмини ўтказишда:

Дебет 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»;

— лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағларининг келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 4830-«Олинадиган фоизлар»;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ муддати келганда лизингга олувчидан илгари олинган бўнакларни ҳисобга олиш:

Дебет 6390-«Бошқа олинган бўнаклар»

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 4830-«Олинадиган фоизлар».

Лизингга олувчи томонидан лизинг объектини лизинг шартномаси тугаши билан қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»;

— лизингга олувчи томонидан лизинг объектини яхшилаш бўйича амалга оширилган харажатлар қопланишининг лизинг берувчи томонидан тан олинини:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

Кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

— лизинг шартномасига мувофиқ лизинг берувчи томонидан амалга оширилган объектни қайтариб олиш бўйича харажатлар (демонтаж, ташиш ва ҳ.к.) суммасига:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— лизингга олувчи томонидан лизинг объектини яхшилаш бўйича амалга оширилган харажатларни қоплаш учун пул маблағларини кўчириш:

Дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Лизинг объектининг лизингга олувчи томонидан муддатдан олдин қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг шартномасига мувофиқ лизингни тугатиш санасига бўлган лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» — жорий қисми

Кредит 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» — узоқ муддатли қисми;

— лизингга олувчи томонидан лизинг объектини яхшилаш бўйича амалга оширилган харажатлар қопланишининг лизинг берувчи томонидан тан олиниши:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

Кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

— объектни лизинг шартномаси бўйича беришдан кечиктирилган даромаднинг қолдиқ суммасини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариш:

Дебет 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» — жорий қисми

Кредит 7230-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» — узоқ муддатли қисми

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар»;

— объектни лизинг шартномаси бўйича беришдан кечиктирилган харажатнинг қолдиқ суммасини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 3290-«Бошқа кечиктирилган харажатлар» — жорий қисми

Кредит 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» — узоқ муддатли қисми;

— лизинг шартномасига мувофиқ лизинг берувчи томонидан амалга оширилган объектни қайтариб олиш бўйича харажатлар (демонтаж, ташиш ва ҳ.к.) суммасига:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— лизингга олувчи томонидан лизинг объектини яхшилаш бўйича амалга оширилган харажатларни қоплаш учун пул маблағларини кўчириш:

Дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Лизингга олувчида лизинг операцияларини ҳисобга олиш тартибини кўриб чиқамиз.

Агар энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан кам бўлса, бунда лизинг лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича актив ва мажбурият сифатида тан олиниши керак.

Агар энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан кўп бўлса, бунда лизинг лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг объектининг жорий қиймати бўйича актив ва мажбурият сифатида тан олиниши керак.

Лизинг объектларини лизинг шартномаси бўйича олиниши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— актив ва мажбурият сифатида лизингга олувчи томонидан тан олинган қиймат бўйича лизинг объектларини кирим қилиш:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара»;

— лизинг объектларини мақсадга мувофиқ ишлатиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар:

Дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

Кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— лизинг объектларини бошланғич қиймат бўйича ишга тушириш (уларни асосий воситалар таркибига киритиш):

Дебет 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800).

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ишлатиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскиришини ҳисоблаш:

Дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қўлланилиш мақсадига боғлиқ бошқа счётлар)

Кредит 0299-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»;

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ишга яроқлилик ҳолатини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар (жорий, ўрта ёки капитал таъмирлаш ва бошқалар):

Дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қўлланилиш мақсадига боғлиқ бошқа счётлар)

Кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар.

Лизинг бўйича фоизларни ҳисоблаш ва лизинг тўловларини лизингга берувчига тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмини лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ ўтказиш:

Дебет 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара»

Кредит 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»;

— лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

Дебет 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

Кредит 6920-«Ҳисобланган фоизлар»;

— лизингга берувчига лизинг тўловининг жорий қисмини тўлаш:

Дебет 6920-«Ҳисобланган фоизлар»

Дебет 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга берувчига бўнак тўлаш:

Дебет 4330-«Бошқа берилган бўнаклар»

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга берувчига илгари тўланган бўнакларни ҳисобга олиш:

Дебет 6920-«Ҳисобланган фоизлар»

Дебет 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»

Кредит 4330-«Бошқа берилган бўнаклар».

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилашга (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция, модернизация, техник қайта қуроллаш ва ҳоказо) кетган харажатлар суммаси ушбу асосий воситаларнинг қийматини оширувчи капитал қўйилмалар сифатида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— капитал қўйилмаларни амалга оширганда:

Дебет 0860-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар»

Кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— капитал қўйилмаларни асосий воситалар таркибига киритишда:

Дебет 0112-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»

Кредит 0860-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар»;

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича эскиришни ҳисоблаш:

Дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қўлланилиш мақсадига боғлиқ бошқа счётлар)

Кредит 0212-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш».

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш ва уларни ободонлаштириш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— баланс қийматининг ошиши (қўшимча баҳолаш):

Дебет 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Дебет 0112-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»

Кредит 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

— олдинги қайта баҳолаш (қўшимча баҳолаш) суммаси доирасида баланс қийматининг камайиши (арзонлашиши):

Дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Кредит 0112-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш».

Лизинг шартномасига биноан олинган мазкур асосий воситалар бўйича арзонлашган сумманинг олдинги қайта (қўшимча) баҳолашлар суммасидан ошган қисми харажатлар сифатида тан олинади ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

— эскириш суммасининг ошиши (қўшимча баҳоланиши):

Дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0212-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши»

Кредит 0299-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»;

— эскириш суммасининг камайиши (арзонлашиши):

Дебет 0212-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши»

Дебет 0299-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Кредит 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

Лизинг шартномасига биноан олинган мазкур асосий воситалар бўйича жамғарилган эскиришдаги арзонлашган суммаининг олдинги қайта (қўшимча) баҳолашлар суммасидан ошган қисми даромад сифатида тан олинади ва 9390-«Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади.

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг лизингга олувчининг мол-мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ўз асосий воситалар таркибига киритилиши:

Дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100 — асосий воситалар турлари бўйича)

Кредит 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматига

Кредит 0112-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (тиклаш) қийматига;

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг улар ўз асосий воситалар таркибига киритилганида жамланган эскириш суммасини ўтказиш:

Дебет 0299-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириш суммасига

Дебет 0212-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириш суммасига

Кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200 — асосий воситалар турлари бўйича);

— лизинг шартномаси бўйича асосий қарзнинг тўланмаган қолдиқ суммасини тўлаш:

Дебет 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — жорий қисми

Дебет 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара» — узоқ муддатли қисми

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Лизингга берувчига лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариб беришда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув амалга оширилади:

— бошланғич (тиклаш) қийматига:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматига

Кредит 0112-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» — лизинг

шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (тиклаш) қийматига;

— жамғарилган эскириш суммасига:

Дебет 0299-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириш суммасига

Дебет 0212-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириш суммасига

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— лизингга берувчи томонидан қопланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш қиймати суммасига:

Дебет 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситалар объектининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

Дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— лизинг тўловлари жадвали (тартиби) бўйича асосий қарзнинг тўланмаган қолдиғи суммасига:

Дебет 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — жорий қисми

Дебет 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара» — узоқ муддатли қисми (лизинг шартномасининг муддати тугагунча қайтарилган тақдирда)

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариб бериш (демонтаж, транспортировка ва ҳоказо) харажатлари суммасига:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариб беришдан фойда:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариб беришдан зарар:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича харажатларни қоплаш учун лизингга берувчидан пул маблағларининг келиб тушиши:

Дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари».

Узоқ муддатли ижарани ҳисобга олиш тартиби. Асосий воситаларни узоқ муддатли ижарага берганда ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида тан олинадиган қиймат (дебиторлик қарзи сифатида) ва асосий воситанинг бошланғич (агар берилаётган объектдан фойдаланилмаган бўлса) ёки резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинувчи асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларига тузатилган қолдиқ (агар объектдан берилишигача фойдаланилган бўлса) қиймати ўртасидаги фарқ, яъни мазкур асосий воситанинг олдинги қўшимча баҳолаш суммасининг олдинги арзонлашган суммасидан ошган қисми кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара тўловини ҳисоблаб борилиши билан бир маромда (ҳар ойда) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан бошқа даромадларга (бошқа операцион харажатларга) киритиб борилади.

Узоқ муддатли ижара шартларида ижарачига асосий воситаларни бериш, ижарага берувчи бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— асосий воситаларни ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида тан олинадиган қиймат (дебиторлик қарзи сифатида) бўйича узоқ муддатли ижарага берганда:

Дебет 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

— асосий воситаларнинг жамғарилган эскиришини ҳисобдан чиқаришда:

Дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200)

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— ижарага берувчи томонидан амалга оширилган ижара объектини етказиб бериш ва уни мақсадга мувофиқ ишлатиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли счётлар;

— мазкур асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

Дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

— узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни беришдан кечиктирилган даромаднинг вужудга келишида:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 7230-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

— узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни беришдан кечиктирилган харажатнинг вужудга келишида:

Дебет 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши».

Узоқ муддатли ижара бўйича операциялар ҳисоби ижарага берувчида, лизингга берувчида лизинг операциясини ҳисобга олишдек тартибда юритилади.

Узоқ муддатли ижара бўйича операциялар ҳисоби ижарачида, лизингга олувчидагидек тартибда олиб борилади.

Молиявий лизинг бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини аниқ мисолда кўриб чиқамиз.

2005 йил 1 январда «Авто» МЧЖ томонидан «Сарбон» АЖга 6 йил муддатга молиявий ижарага маъмурият мақсадлари учун енгил автомобиль берилди. Автомобилнинг бошланғич қиймати — 25 126 минг сўм, ҳар йилги тўловлар 5 500 минг сўмни ташкил этади, ижара фоизи — 12%.

Дисконтланган қиймат формуласи бўйича ҳисобланадиган, ҳар йилнинг охирида тўланадиган 5 500 минг сўмлик аннуитетнинг 6 йил муддатдаги йиллик 12%лик ставка бўйича келажакдаги қийматини аниқлаймиз:

$$PV = FV \times [1 / (1 + r)\ n],$$

бунда PV — жорий қиймат (ҳозирги пайтда қўйиладиган сумма); FV — инвестицияларнинг 6 йилдан кейинги келажакдаги қиймати; r — фоиз ставкаси; n — йиллар сони.

5 500 × 4,1114 = 22 613;
5 500 − 2 713 = 2 787;
22 613 × 12% = 2 713;
22 613 − 2 787 = 19 826.

минг сўм

Йил	Йил бошига мажбурият	Фоиз, 12%	Ижара тўловлари	Жорий мажбурият	Йил охиридаги мажбурият
2005	22 613	2 713	5 500	2 787	19 826
2006	19 826	2 379	5 500	3 121	16 705
2007	16 705	2 005	5 500	3 495	13 210
2008	13 210	1 585	5 500	3 915	9 295
2009	9 295	1 115	5 500	4 385	4 910
2010	4 910	589	5 500	4 910	0
Жами		10 386		22 613	

Биринчи йил учун ҳисоб-китобларни келтирамиз:
22 613 × 12% = 2 713;
5 500 − 2 713 = 2 787;
22 613 − 2 787 = 19 826.

Молиявий ижарани ҳисобга олиш «Сарбон» АЖда (лизингга олувчида) қуйидагича акс эттирилади:

— *бошланғич ўтказма:*

Дебет 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» — 22 613 минг сўм

Кредит 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара» — 19 826 минг сўм

Кредит 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — 2 787 минг сўм;

— биринчи йил учун ижара бўйича молиявий тўловни акс эттириш (фоизни ҳисоблаш):

Дебет 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» — 2 713 минг сўм

Кредит 6920-«Ҳисобланган фоизлар» — 2 713 минг сўм;

— биринчи йил учун ижара тўловини ўтказиш:

Дебет 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — 2 787 минг сўм

Дебет 6920-«Ҳисобланган фоизлар» — 2 713 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 5 500 минг сўм;

— биринчи йил учун ижарага олинган автомобиль бўйича эскиришни ҳисоблаш (тўғри чизиқли усул бўйича):

22 613 минг сўм : 6 йил = 3 768 минг сўм

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 3 768 минг сўм

Кредит 0299-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскирици» — 3 768 минг сўм.

Ҳисобот йилининг охирида қарзни узоқ муддатли қисмидан жорий қисмга ўтказиш мақсадида тузатувчи бухгалтерия ёзувлари (ўтказмалари) қилинади, яъни қарзнинг кейинги йил давомида тўланиши лозим бўлган қисми ажратиб олинади:

Дебет 7910-«Тўланадиган узоқ муддатли ижара» — 3 121 минг сўм

Кредит 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — 3 121 минг сўм;

— иккинчи йил учун ижара бўйича фоизни ҳисоблаш:

Дебет 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» — 2 379 минг сўм

Кредит 6920-«Ҳисобланган фоизлар» — 2 379 минг сўм;

— иккинчи йил учун ижара тўловини ўтказиш:

Дебет 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» — 3 121 минг сўм

Дебет 6920-«Ҳисобланган фоизлар» — 2 379 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 5 500 минг сўм.

«Авто» МЧЖда (лизингга берувчида) молиявий ижара ҳисоби қуйидагича амалга оширилади:

— бошланғич ўтказма:

Дебет 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» — 19 826 минг сўм

Дебет 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» — 2 787 минг сўм

Кредит 0160-«Транспорт воситалари» — 22 613 минг сўм;

— биринчи йил учун автомобилнинг ижараси бўйича фоизли даромадни ҳисоблаш:

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 2 713 минг сўм

Кредит 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 2 713 минг сўм;

— биринчи йил учун ижара тўловини олиш:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 5 500 минг сўм

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» — 2 787 минг сўм

Кредит 4830-«Олинадиган фоизлар» — 2 713 минг сўм;

— иккинчи йил учун молиявий лизинг бўйича олинадиган жорий тўловларни акс эттириш (тузатувчи ёзувлар):

Дебет 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» — 3 121 минг сўм

Кредит 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» — 3 121 минг сўм;

— иккинчи йил учун ижара бўйича фоизли даромадни ҳисоблаш:

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 2 379 минг сўм

Кредит 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 2 379 минг сўм;

— иккинчи йил учун ижара тўловини олиш:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 5 500 минг сўм

Кредит 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» — 3 121 минг сўм

Кредит 4830-«Олинадиган фоизлар» — 2 379 минг сўм.

11-боб. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

11.1. Номоддий активлар ва уларнинг гуруҳланиши

Номоддий активлар — корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб турилади ган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби 7-сонли БҲМС «Номоддий активлар» (ЎзР АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1485-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Ушбу стандартга мувофиқ активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

— моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;

— активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узоқ муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш;

— корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;

— ишончлилик, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;

— корхона томонидан бошқа активлардан идентификациялаш (бўлиш, ажратиш) имконияти, яъни активни ундан фойдаланиладиган хўжалик фаолиятидан алоҳида фойдаланишнинг мумкин бўлиши.

Номоддий активларга юқорида келтирилган барча шартларга жавоб берувчи қуйидаги объектлар киритилиши мумкин:

— патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

— патент эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— гудвилл;

— табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ҳамда шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

— мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер участкалари, бинолар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

— бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).

Номоддий активлар таркибида таъсис ҳужжатларига мувофиқ тан олинган ташкилий харажатлар (юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар) ҳам ҳисобга олинади.

Номоддий активлар таркибига корхона ходимларининг интеллектуал ва ишчанлик сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобилияти киритилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларсиз фойдаланиш мумкин эмас.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи (патент) — бу патентнинг амал қилиш муддати ичида юридик тасдиқланган ва қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган маҳсулотнинг, ўзига хос жараённинг, фаолиятнинг маълум туридан четдан бошқа шахсларнинг аралашувисиз фойдаланиш, уни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилиш ҳуқуқидир.

Ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи — бу савдо маркалари, товар белгилари, тегишли тартибда рўйхатга олинган компания

ёки унинг маҳсулоти номланишидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқидир, бу ҳуқуқ қонунчилик томонидан улардан берухсат фойдаланишдан ҳимояланган. Савдо маркаси ёки товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи унинг эгасига, у бу ҳуқуқдан фойдаланиши мобайнида мутлақ тегишли бўлади. Савдо маркаси ёки товар белгисининг бозор қиймати юқори бўлиши мумкин, лекин бухгалтерия ҳисобида улар, уларни олишга кетган харажатларнинг бошланғич қийматида акс эттирилади.

Гудвилл (ишчанлик обрўси) корхонанинг бутунлай сотиб олиш нархи (бозор қиймати) билан соф активларининг бозор қиймати орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Соф активлар активлар суммасидан унинг мажбуриятларини чегириш йўли билан аниқланади.

Гудвиллни ташкил этувчи омилларга меҳнат жамоасининг яхши йўлга қўйилган ишини, самарали раҳбарликни, ишлаб чиқаришнинг махфий жараёнини, жамиятдаги юқори даражадаги ишончлилигини ва обрўсини, стратегик нуқтаи назардан афзалроқ жойлашишини, маъқул солиқ шароитларини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мисол. «Тошкентқабель» ОАЖ «Барс» ЁАЖни 20 000 минг сўмга сотиб олди. Ушбу жамиятнинг активлари суммаси 18 000 минг сўмни, мажбуриятлар суммаси 2 000 минг сўмни ташкил этади. «Барс» ЁАЖнинг бозор қиймати 16 000 минг сўм. Бунда гудвилл 20 000 – (16 000 – 2 000) = 6 000 минг сўмни ташкил этади.

Сотиб олинган корхонанинг бозор қиймати у сотилган нархдан юқори бўлиши мумкин. Бунда манфий гудвилл ёки бэдвилл тўғрисида гап кетади.

Манфий гудвилл суммасини доимий харидорлар мавжудлиги омили, сифат репутацияси, маркетинг ва сотиш малакаси, иш юзасидан алоқалар, бошқариш тажрибаси, ходимлар малака даражаси ва шу кабилар бўлмаган тақдирда, харидорга тақдим этиладиган нархдан чегирма сифатида кўриш ва муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси давр даромадлари) сифатида ҳисобга олиш лозим.

7-сонли БҲМСга мувофиқ манфий гудвилл суммаси сотиб олинган амортизацияланадиган алоҳида активларнинг ўртача тортилган фойдали хизмат муддати мобайнида мунтазамлик асосида корхонанинг молиявий натижа-

ларига асосий фаолиятдан бошқа даромадлар сифатида киритилади.

Ер ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер ва табиий бойликлар давлат мулки ҳисобланиши муносабати билан, корхоналар ушбу ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини давлатдан сотиб олишлари керак. Мазкур ҳуқуқлар корхонага узоқ муддат ичида иқтисодий наф олиш имкониятини бериши сабабли уларни номоддий активлар таркибида ҳисобга олиш лозим.

Ташкилий харажатлар корхонанинг ташкил қилиниши пайтидан то давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар маслаҳат хизматлари, реклама тадбирлари, рўйхатга олиш йиғимлари, ҳужжатларни тайёрлаш ва бошқаларга кетган харажатлар йиғиндисидан иборат.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, ҳуқуқдан воз кечиш шартномасидан ва шу кабилардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар жамлиги ҳисобланади. Бир инвентарь объекти бошқасидан ажратилиши (идентификацияланиши)нинг асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларнинг бажарилиши ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади.

Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган номоддий активлар объекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

11.2. Номоддий активлар келиб тушиши ҳисоби

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

— ишлаб чиқиш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;

— олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

— устав капиталига муассислар (иштирокчилар)нинг улуши кўринишида келиб тушиш;

— текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

— давлат субсидиялари ҳисобига олиш;

— айирбошлаш;

— ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш ва бошқа асосларга кўра.

Номоддий активлар мавжудлиги ва ҳаракати ҳисоби қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»;

0420-«Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»;

0430-«Дастурий таъминот»;

0440-«Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари»;

0450-«Ташкилий харажатлар»;

0460-«Франчайз»;

0470-«Муаллифлик ҳуқуқлари»;

0480-«Гудвилл»;

0490-«Бошқа номоддий активлар».

Олди-сотди шартномалари, гувоҳномалар, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари, активларни киритиш тўғрисида баённомалар ва уларни баҳолаш тўғрисида келишувлар ва бошқалар активларни кирим қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларда объект ҳақидаги маълумот, унинг бошланғич қиймати, фойдаланиш тартиби, эксплуатация муддати кўрсатилиши керак.

Қабул қилишда номоддий активларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳисобда ва ҳисоботда улар олинган таннархи ёки бошланғич қиймати бўйича акс эттирилади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

— ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

— ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

— божхона божлари ва йиғимлари;

— номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

— номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

— номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

— асосий воситалар объектларини етказиб бериш тавакалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

— активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига сотиб олиш чоғида валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари), сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Агар шартнома шартларида тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш чоғида ҳақиқий харажатлар бухгалтерия ҳисобига дастлаб тан олинган кредиторлик қарзи суммаси бўйича қабул қилинади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Корхона томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошланғич қиймати илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади.

Номоддий активларни ишлаб чиқиш даврида уларни ишлаб чиқиш учун олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ишлаб чиқилган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Чет эл валютасида сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати барча олиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, сотиб олиш санасидаги чет эл ва-

лютасидаги суммаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Корхона устав капиталига улуш ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати, агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, корхона муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси асосида тан олинади.

Корхона томонидан бошқа шахслардан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) ва давлат субсидияси ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати барча олиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, агарда жорий қиймат ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозорни ҳисобга олган ҳолда белгиланган бўлса, ишончли ҳисобланган жорий қиймат бўйича аниқланади. Ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг бошланғич қиймати номинал қиймат бўйича ёки агарда номоддий активни фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар мавжуд бўлса, уларнинг суммаси бўйича аниқланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай бўлмаган номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай бўлмаган номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг

айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати деб корхона томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган қимматликларнинг қиймати тан олинади. Корхона томонидан берилган ёки бериладиган мавжуд қимматликларнинг жорий қиймати корхонанинг таққослаш шарти билан шунга ўхшаш мавжуд бойликлари жорий қийматини белгилайдиган нархлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Корхона томонидан берилган ёки бериладиган мавжуд қимматликларнинг жорий қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича корхона томонидан олинган номоддий активларнинг қиймати шунга ўхшаш номоддий активларнинг таққослаш шарти билан сотиб олинадиган жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Битта умумий суммада сотиб олинган номоддий активларнинг ҳар бирининг бошланғич қиймати ушбу суммани алоҳида номоддий активнинг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш билан белгиланади.

Номоддий актив дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда жамланган амортизация айирилган ҳолда бошланғич қиймат (қолдиқ қиймат) бўйича ёки қайта баҳоланган қиймат (мумкин бўлган муқобил усул) бўйича акс эттирилади.

Номоддий активни дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда акс эттиришда қўлланадиган усул мажбурий тартибда корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак.

М и с о л. Корхона патент сотиб олмоқчи, шу сабабли у маркетинг изланишларини амалга ошириш учун консалтинг фирмасига мурожаат қилди, фирма ўз хизматлари учун 50 минг сўмга ҳисобварақ-фактура тақдим этди. Мол етказиб берувчидан патент 700 минг сўмга сотиб олинди.

Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— консалтинг фирмаси счётининг суммасига:

Дебет 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» — 50 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 50 минг сўм;

— патент етказиб берувчи счётининг суммасига:

Дебет 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» — 700 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 700 минг сўм;

— мол етказиб берувчиларнинг счётлари бўйича тўлаш:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 750 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 750 минг сўм;

— патентни номоддий активлар таркибига киритиш:

Дебет 0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» — 750 минг сўм

Кредит 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» — 750 минг сўм.

Корхонанинг ўзида номоддий активларни яратишда уларнинг таннархи қуйидагилардан ташкил топади:

— номоддий активларни барпо этишда фойдаланилган ёки сарф-харажат қилинган материаллар ва хизматлар бўйича харажатлар;

— активларни барпо этишда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи бўйича харажатлар;

— номоддий активларни рўйхатга олиш бўйича божлар ва активларни барпо этиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай харажатлар.

М и с о л. Ички фойдаланиш учун компьютер дастурини ишлаб чиқиш учун корхонада 40 минг сўмлик материаллар сарф-харажат қилинган, дастурни ишлаб чиқувчиларга 120 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган, иш ҳақидан ижтимоий суғуртага 28,8 минг сўм ажратмалар амалга оширилган. Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» — 188,8 минг сўм

Кредит 1090-«Бошқа материаллар» — 40 минг сўм

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 120 минг сўм

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 28,8 минг сўм;

— компьютер дастурини номоддий активлар таркибига ўтказиш:

Дебет 0430-«Дастурий таъминот» — 188,8 минг сўм

Кредит 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» — 188,8 минг сўм;

— устав капиталига дастлабки улуш сифатида таъсисчилардан номоддий активларни олиш:

Дебет 0410-0490-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»;

— номоддий активлар текинга ёки давлат, юқори ташкилот, ҳокимликлар субсидияси тарзида эксперт баҳоси бўйича олинишн:

Дебет 0410-0490-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 8530-«Текинга олинган мулк».

Таъкидлаш лозимки, текинга олинган номоддий активлар қиймати фойда солиғи бўйича солиқ солиш базасини оширади.

Номоддий активлар бўйича ўз вақтидаги ва ишончли маълумотларни олиш учун уларнинг таҳлилий ҳисоби тўғри юритилишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун номоддий активларнинг ҳар бир объекти бўйича таҳлилий варақа юритилади. Унда мазкур объект бўйича керакли бўлган барча маълумот жамланади: тўлиқ номи ва вазифаси, бошланғич қиймати ва фойдали ишлатиш муддати, йиллик амортизация суммаси ва унинг меъёри, ҳисобга олинган сана, рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг номи, сотиб олиш усули, ҳисобдан чиқарилиш сабаби, тугатилишдан олинган тушум суммаси ва бошқалар.

11.3. Номоддий активлар амортизацияси ҳисоби

Номоддий активлар ҳам, асосий воситалар каби, узоқ муддат давомида ишлатилади ва ушбу вақт мобайнида уларнинг қиймати ҳар ойда амортизацияни ҳисоблаш йўли билан ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишларга ўтказилади. Амортизация суммаси, бошланғич қиймат ва фойдали ишлатиш муддатидан (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан юқори бўлмаган) келиб чиққан ҳолда корхона томонидан ҳисобланган меъёрларга асосан аниқланади.

Фойдали хизмат муддати — корхона томонидан активдан фойдаланиш кўзда тутилган давр ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори.

Фойдали хизмат муддатини қуйидаги омиллардан келиб чиқиб аниқлаш мумкин:

— патент, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ номоддий активлардан фойдаланиш муддатининг бошқа чекланиши;

— меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида. Чунончи, амалдаги қонунчиликка мувофиқ гудвиллни 20 йил мобайнида харажатларга ўтказиш мумкин;

— мол етказиб берувчилар билан тузилган контрактлар ёки келишувлар шартларига асосан;

— ҳуқуқлар муддатини узайтириш ёки тиклаш учун шартлар;

— корхона иқтисодий наф (фойда) кўриши мумкин бўлган кутилаётган ишлатиш муддати;

— эскиришнинг техник, технологик ва бошқа турларининг таъсири;

— бозорда талаб, таклиф ёки рақобатчилар ҳаракатларининг таъсири.

Номоддий активларнинг алоҳида гуруҳлари учун фойдали хизмат муддати ушбу номоддий активдан фойдаланиш натижасида олиниши кутилаётган маҳсулотлар миқдори ёки ишлар ҳажмининг бошқа моддий кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом (1.4.2-банди) ва 7-сонли БҲМС «Номоддий активлар»га (39-банди) мувофиқ фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари меъёри беш йил ҳисобида белгиланади.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати, агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, номоддий актив фойдаланишга тайёр бўлган пайтдан бошлаб корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаслиги лозим.

Фойдали хизмат муддати тугагандан кейин, номоддий активнинг бошланғич қиймати харажатларга тўлиқ ўтказилганда, улар бўйича эскириш ҳисобланмайди.

Номоддий активлар бўйича амортизация бошланғич қийматдан тахмин қилинган тугатиш қийматини чегириш йўли билан аниқланган амортизацияланадиган қийматдан келиб чиқиб ҳисобланади. Тугатиш қиймати бу номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши кутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси.

7-сонли «Номоддий активлар» БҲМСга мувофиқ амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

— амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;

— бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация тенг маромда, номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Мазкур усулга кўра номоддий активларнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг давом этиш вақтига боғлиқлигига асосланган.

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Хизмат муддати}} = \text{Амортизациянинг йиллик суммаси.}$$

Мисол. Корхона томонидан буюм ишлаб чиқариш учун 400 минг сўмлик патент сотиб олинди. Фойдали хизматнинг тахмин қилинган муддати уч йил, сўнгра патентни 100 минг сўмга сотиш мумкин. Амортизация суммаси (400 — 100) : 3 = 100 минг сўмни ташкил этади. Бинобарин, ҳар йилги амортизация суммаси 100 минг сўмни ташкил этади. 3 йил давомида амортизацияни ҳисоблашни қуйидагича акс эттириш мумкин:

1-йил — 100 минг сўм;
2-йил — 100 минг сўм;
3-йил — 100 минг сўм.

Амортизацияни бир маромда ҳисоблаш усули энг кўп тарқалган усул ҳисобланади.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилда номоддий активдан фойдаланишдан олинадиган маҳсулотларни ҳисобга олишга асосланган.

Мазкур усул бўйича ҳар йиллик амортизация миқдорини ҳисоблаш учун бутун фойдали хизмат муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотларни ва мазкур муайян йилдаги маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда амортизацияланадиган қийматни номоддий активнинг бутун фойдали хизмат муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Тахмин қилинаётган ишлар ҳажми}} = \text{Амортизациянинг йиллик суммаси.}$$

Юқорида келтирилган мисолдан фойдаланиб, ушбу патент бўйича 3 000 та буюм ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган деб фараз қилайлик, яъни: 1-йили — 800 та, 2-йили — 1 000 та, 3-йили — 1 200 та. Бир буюм бўйича эс-

киришш меъёрини аниқлаймиз (400 000 − 100 000) : 3 000 = 100 сўм. Амортизация қуйидагича ҳисобланади:

1-йил охири — 800 × 100 = 80 000 сўм;

2-йил охири — 1 000 × 100 = 100 000 сўм;

3-йил охири — 1 200 × 100 = 120 000 сўм.

Номоддий активлардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида номоддий активлар амортизацияси қуйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:

— икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

— йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулига кўра амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йили бошидаги номоддий активнинг қолдиқ қийматидан ва мазкур номоддий активнинг фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган амортизациянинг икки баравар меъёридан келиб чиқан ҳолда аниқланади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда фараз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

Амортизация меъёри 100 ни фойдаланиш муддатига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Шундай қилиб, келтирилган мисолга мувофиқ 3 йиллик фойдаланиш муддатида у 100 : 3 = 33,33 га тенг. Бу меъёр 2 га кўпайтирилади ва у 33,33 × 2 = 66,66 ни ташкил этади. Ҳар йили амортизация суммаси ушбу фоизни номоддий активнинг қолдиқ қийматига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

1-йил охири — 400 000 × 66,66 = 266 640 сўм;

2-йил охири — 400 000 − 266 640 − 100 000 = 33 360 сўм.

Қолдиқни камайтириш усули қўлланилганда амортизация амортизацияланадиган қийматдан эмас, балки бошланғич қийматдан ҳисобланади. Иккинчи йил бўйича тузатиш киритилади, чунки бошланғич баҳолаш натижасида олинган тугатиш қийматини ҳисобдан чиқаришга олиб келадиган амортизация миқдорини ҳисоблаш мумкин эмас. Шу боис, баланс қиймати тугатиш қийматига тенг бўли-

ши учун, иккинчи йил бўйича амортизация 33,36 минг сўм суммада ҳисобланади.

Йиллар суммаси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари йиғиндисига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси номоддий активнинг тугатиш қиймати айирилган ҳолда бошланғич (тиклаш) қийматидан ҳамда суратида номоддий активнинг фойдали хизмат муддати охирига қадар қоладиган йиллар сони, махражида эса — номоддий активнинг фойдали хизмат муддати йиллари сони йиғиндисининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бизнинг мисолимизда йиллар сони 1 + 2 + 3 = 6 ни ташкил этади. Биринчи йил амортизацияланадиган суммадан 3/6, иккинчи йил — 2/6 ва учинчи йил — 1/6 қисмини аниқлаймиз:

1-йилнинг охири — 300 000 × 3/6 = 150 000 сўм;
2-йилнинг охири — 300 000 × 2/6 = 100 000 сўм;
3-йилнинг охири — 300 000 × 1/6 = 50 000 сўм.

Ҳисобот йили давомида номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари) йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳар ойда ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси корхона томонидан номоддий активлардан фойдаланиш даври мобайнида тенг маромда ҳисобот йилида ҳисобланади.

Номоддий активларнинг ҳар хил турларига (гуруҳларига) нисбатан амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилади. Бунда бир турдаги номоддий активлар бўйича (гуруҳи, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади.

Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули ва номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилиши керак.

Амортизациянинг афзалроқ усулини танлашда амортизация бўйича харажатлар активдан фойдаланишдан олинадиган наф билан ўзаро боғланишда бўлишлиги тамойилига асосланиш лозим. Номоддий активлар қанча фаолроқ ишлатилиши билан, улар ишлатилишидан шунча кўпроқ наф олинади, яъни актив қанча эскириб борса, амортизация шунча кўпроқ ҳисобланиши лозим.

Номоддий активларга нисбатан қўлланиладиган амортизация усули, ушбу активлардан олиниши кутилаётган иқтисодий наф аҳамиятли даражада ўзгарса, ҳар йили ҳисобот даврининг охирида қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Ҳисоб сиёсатига амортизациянинг бошқа усули киритилган тақдирда жорий давр бўйича ҳисобланган амортизацияга тузатишлар киритиш лозим.

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида икки хил усул билан акс эттирилади:

— ҳисобланган суммаларни алоҳида счётда жамлаш;

— объектнинг бошланғич қийматини камайтириш йўли билан.

Номоддий активлар бўйича амортизацияни биринчи усул билан ҳисоблашда операциялар харажатлар счётларининг (2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари», 9420-«Маъмурий харажатлар») дебети ва 0510-0590-«Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар» кредитида акс эттирилади.

Иккинчи усул бўйича номоддий активларнинг бошланғич қиймати 0410-0490-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар»дан тўғридан-тўғри харажатлар счётларига ҳисобдан чиқарилади.

11.4. Номоддий активларнинг чиқиб кетиши ҳисоби

Номоддий активларнинг чиқиб кетиши 7-сонли [illegible] ва Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби [illegible]

сидаги низом (ЎзР АВ томонидан 14.01.2006 йилда 1539-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ ҳисобга олинади.

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида корхона балансидан ҳисобдан чиқарилади:

— тугатиш;

— сотиш;

— айирбошлаш;

— текинга бериш;

— устав капиталига муассис улуши сифатида бериш;

— иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши чоғида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш;

— камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши.

Номоддий активларни тугатиш бўйича далолатномалар (НМ-4-сонли намунавий шакл, 28-намунага қаранг) ширкат, АЖ, ҚК бошқарув мажлислари баённомалари ва бошқалар номоддий активлар чиқарилиши юзасидан асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Номоддий активларни тугатишдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активлар ва уларни тугатишга доир харажатлар қолдиқ (баланс) қийматининг резерв капитални ҳисобга олиш счётларида ҳисобга олинадиган номоддий активларни қайта баҳолаш натижалари (сальдо)га тузатилган суммаси, яъни номоддий активлар ушбу объектини аввалги қўшимча баҳолашлар суммаларининг уни аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошиши сифатида белгиланади.

Номоддий активларни сотишдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) қўшилган қиймат солиғи ва уларни сотиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, резерв капитални ҳисобга олиш счётларида ҳисобга олинадиган номоддий активларни қайта баҳолаш натижалари, яъни номоддий активлар ушбу объектини аввалги қўшимча баҳолашлар суммаларининг ушбу объектни аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошиши (сальдо)га тузатилган номоддий активларни сотишдан олинган тушум қиймати билан уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Номоддий активлар чиқиб кетишининг ҳисоби 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётида олиб бори-

лади. Чиқарилаётган номоддий активларнинг қиймати ва чиқариш бўйича харажатлар (масалан, сотиш бозорини ўрганиш бўйича харажатлар ва ҳоказо) ушбу счётнинг дебетида акс эттирилади, шу билан бирга сотилган активлар бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси ҳам акс эттирилади. Номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси, ҚҚС билан бирга сотишдан олинган тушум 9220-счётнинг кредитида акс эттирилади. ҚҚС суммаси асосий воситалар бўйича аниқланадиган йўл билан аниқланади. 9220-счётнинг дебет ва кредит айланмаларини солиштириб номоддий активлар чиқарилишидан олинган молиявий натижани аниқлаш мумкин. 9220-счётнинг кредит айланмалари унинг дебет айланмаларидан кўп бўлган тақдирда, фарқ номоддий активлар ҳисобдан чиқарилиши ёки чиқиб кетишидан олинган фойда ҳисобланади ва у 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётининг кредитида акс эттирилади. 9220-счётнинг дебет айланмалари унинг кредит айланмаларидан кўп бўлган ҳолатда фарқ сотиш (ҳисобдан чиқариш)дан кўрилган зарар ҳисобланади ва у 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

1-мисол. Компьютер таъминоти дастури 300 минг сўмга сотилди. Бошланғич қиймат 200 минг сўм, ҳисобланган эскириш суммаси 150 минг сўм.

Сотиш нархи билан дастурнинг қолдиқ қиймат орасидаги фарқ бўйича ҚҚС суммасини аниқлаймиз:

300 − (200 − 150) × 20 : 120 = 41,67 минг сўм.

Фойда қуйидагича аниқланади:

(300 + 150) − (200 − 41,67) = 208,33 сўм.

Активнинг чиқиб кетиши қуйидагича ўтказмалар билан акс эттирилади:

— бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм

Кредит 0430-«Дастурий таъминот» — 200 минг сўм;

— жамғарилган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 0530-«Дастурий таъминотнинг амортизацияси» — 150 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 150 минг сўм;

28-намуна

Намунавий шакл НМ-4-сон

«Тасдиқлайман»

_____ _____

раҳбар Ф.И.О. имзо

«___» _____ 20___ й.

Номоддий активларни тугатиш тўғрисида
_____-сон ДАЛОЛАТНОМА

Ташкилот _____

Таркибий бўлинма	Тузилган сана	Операция тури коди	Номоддий активлар сақланишия учун жавобгар шахснинг коди

Номоддий активнинг номи	Тури	Коди	Бошланғич (тикланиш) қиймати	Ҳисобланган амортизация суммаси	Инвентарь рақами
1	2	3	4	5	6

20___ й. «___» _____ да _____-сон буйруқ билан тайинланган комиссия _____ ни ўрганди.
объект номи

Ўрганиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:

1. Ишлаб чиқилган (тайёрланган) йили «___» _____ 20___ й.
2. Ташкилотга келиб тушган «___» _____ 20___ й.
3. Фойдаланишга топшириш санаси «___» _____ 20___ й.
4. Ҳисобдан чиқариш сабаби _____
5. Техник ҳолати _____

Комиссиянинг хулосаси: _____

Илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати _____

Комиссия раиси _____ _____ _____
лавозими имзо имзо расшифровкаси

Комиссия аъзолари: _____ _____ _____
лавозими имзо имзо расшифровкаси

М.Ў. _____ _____ _____
лавозими имзо имзо расшифровкаси

Орқа томони

Номоддий активларни тугатиш натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА

Тугатиш харажатлари			
ишлар тури	ҳужжат рақами	харажатлар моддаси	сумма
1	2	3	4
Жами			

Тугатиш натижалари _____

Номоддий активларни ҳисобга олиш карточкаси (дафтари)да чиқиб кетиш қайд этилган.

Бош бухгалтер
(бухгалтер) _____ _____
имзо имзо расшифровкаси

М.Ў. «___» _____ 20___ й.

— сотиш қийматини акс эттириш:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 300 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 300 минг сўм;

— ҚҚСни акс эттириш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 41,67 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 41,67 минг сўм;

— номоддий активни сотишдан фойдани акс эттириш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 208,33 минг сўм

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» — 208, 33 минг сўм.

2-мисол. Янги дастур сотиб олиниши ва татбиқ этилиши муносабати билан мазкур дастур ҳисобдан чиқарилган деб фараз қилайлик. Бу ҳолатда корхонада ҳисобланмаган амортизациядан зарар ҳосил бўлади (200 — 150) = 50 минг сўм.

Активнинг чиқиб кетиши қуйидагича акс эттирилади:

— бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм

Кредит 0430-«Дастурий таъминот» — 200 минг сўм;

— жамғарилган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 0530-«Дастурий таъминотнинг амортизацияси» — 150 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 150 минг сўм;

— чиқиб кетишдан зарар суммасига:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 50 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 50 минг сўм.

3-мисол. Ушбу актив бошқа корхонага текинга берилди. Текинга беришдан зарар 200 — 150 = 50 минг сўмни ташкил этади.

Активнинг чиқиб кетиши қуйидагича акс эттирилади:

— бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм

Кредит 0430-«Дастурий таъминот» — 200 минг сўм;

— жамғарилган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 0530-«Дастурий таъминотнинг амортизацияси» — 150 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 150 минг сўм;

— текинга беришдан зарар суммасига:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 50 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 50 минг сўм.

4-мисол. Патент шуъба корхонанинг устав капиталига улуш сифатида 240 минг сўмга баҳоланган қиймат бўйича киритилди. 9220-счётнинг дебети ва кредити бўйича фарқ 150 + 240 − 200 = 190 минг сўмни ташкил этади. Ушбу фарқ корхонанинг фойдасини оширади.

Активнинг чиқиб кетиши қуйидагича ўтказмалар билан акс эттирилади:

— бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм

Кредит 0430-«Дастурий таъминот» — 200 минг сўм;

— жамғарилган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 0530-«Дастурий таъминотнинг амортизацияси» — 150 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 150 минг сўм;

— баҳоланган қийматни акс эттириш:

Дебет 0620-«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» — 240 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 240 минг сўм;

— номоддий активни беришдан фойдани акс эттириш:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 190 минг сўм

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» 190 минг сўм.

Номоддий активларни инвентарлашда қуйидагиларни текшириш лозим:

— ташкилотнинг улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг мавжудлиги;

— бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда номоддий активларни тўғри ва ўз вақтида акс эттирилишини.

Инвентаризация жараёнида аниқланган номоддий активларнинг камомади бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— кам чиққан номоддий активнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400);

— кам чиққан номоддий активга ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилганда:

Дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500)

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

— кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммасига:

Дебет 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати)дан юқори бўлса даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қийматига;

Кредит 5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» — кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммасига;

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ун-

дирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати ва кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммаси ўртасидаги фарқига.

Номоддий активларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

12-боб. МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ

12.1. Молиявий инвестициялар тўғрисида тушунча, уларни таснифлаш ва баҳолаш

Бозор иқтисодиёти шароитида эркин пул маблағларига эга корхоналар маълум вақт давомида қўшимча иқтисодий наф олиш мақсадида уларни бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфлайдилар. Бундай қўйилмалар молиявий инвестициялар деб аталади.

Молиявий инвестициялар — хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти ва дивиденд шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби 12-сонли БҲМС «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» (ЎзР АВда 16.01.1999 йилда 596-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Молиявий қўйилмалар қўйиш муддатига кўра улар *жорий (қисқа муддатли)* ва *узоқ муддатлиларга* ажратилади.

Олинган пайтдан кейин корхона томонидан бир йил давомида сотиш (пул маблағларига айлантириш)га мўлжалланган қимматли қоғозлар қисқа муддатли ёки юқори ликвидли қимматли қоғозлар деб, ушбу қоғозларни сотиб олишга қўйилмалар эса — қисқа муддатли қўйилмалар деб аталади.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар — бу бир неча йил давомида фойдаланиш учун сотиб олинган қимматли қоғозларга қўйилмалардир.

Мулкчилик ҳуқуқига кўра молиявий қўйилмалар қарзга берилган ва улушли қимматли қоғозларга бўлинади.

Қарзга берилган қимматли қоғозлар корхона-эмитент (қимматли қоғозларни чиқарувчи)нинг инвестор (қимматли қоғозларни сотиб олувчи корхона) олдидаги қарзини ифодалайди. Шундай қилиб белгиланган тўлов муддати келгандан кейин эмитент инвесторга маълум суммани қайтариш ва мунтазам равишда қимматли қоғозлар номинал қийматидан белгиланган ставка бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қарзга берилган қимматли қоғозлар эмитент мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома бўлиб ҳисобланмайди.

Улушли қимматли қоғоз инвестор томонидан эмитент мулкидаги улуши (капитали)га эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Молиявий қўйилмаларнинг турлар бўйича гуруҳланиши қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар, давлат ва маҳаллий фоиз заёмлари)га инвестициялар, шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар, қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар, чет эл капиталига эга бўлган корхоналарга инвестициялар ва бошқа инвестицияларни ўз ичига олади.

Бир корхона томонидан бошқа корхонанинг оддий акцияларига узоқ муддатли инвестициялари инвесторга тегишли овоз ҳуқуқига эга бўлган акциялар фоизига қараб таснифланиши мумкин:

1. Инвестор 50 фоиздан кўпроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акциялар (назорат тўплам)га эга бўлган тақдирда инвестор жамланган (йиғма) ҳисобот тузиши лозим.

2. Инвестор 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга бўлган тақдирда у компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобланади, шунинг учун акциялар таннарх ва унга инвестициялаш объекти ҳисобланувчи корхонанинг тақсимланмаган фойдасидаги инвесторнинг улушини қўшган ҳолда ҳисобга олиниши лозим (улушли иштирок этиш усули).

3. Инвестор 20 фоиздан камроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга бўлган тақдирда инвес-

а) *жорий инвестициялар*:

— бозор қиймати бўйича;

— харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича.

Жорий инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан олинган даромад ёки зарар улар вужудга келган даврда тан олинади;

б) *узоқ муддатли инвестициялар*:

— харид қиймати бўйича;

— қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;

— харид қиймати ва бозор қийматининг энг кам баҳоси бўйича.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўлган қўшимча баҳолаш миқдори ўз сармоясига қайта баҳолашдан келган даромад сифатида қўшилади. Молиявий инвестициялар қиймати камайган тақдирда камайтириш ўз сармоясида акс эттирилган ўша инвестицияларни баҳолаш қиймати ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматини камайтириш миқдори қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан кўп бўлса, бу тафовут харажат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қўшимча баҳолаш миқдори шу инвестициялардан келган зарар қопланмагандан сўнг ўз сармояси кўпайишига киритилади.

Корхона ўз ҳисоб сиёсатида юқорида қайд этилган усулларнинг қайси бири бўйича инвестициялар баҳоланишини белгилаши ва агар ҳаққоний (бозор) қиймат бўйича белгиланса қайта баҳолаш даврийлиги, шу жумладан инвестициялар туркуми бўйича акс эттириши лозим.

Молиявий инвестициялар харид ёки бозор қийматидан энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинган тақдирда, инвестицияларнинг бозор қиймати жами умумий инвестицион портфель қиймати асосида ёки бир турдаги гуруҳлар ёхуд алоҳида ҳар бир инвестициянинг асосида белгиланиши мумкин. Қийматнинг ошиши қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида ўз капитали таркибига ўтказилади, камайиши эса — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда харажат сифатида тан олинади.

Мисол. «Ташмир» ҚК қуйидаги узоқ муддатли қимматли қоғозларга эга:

минг сўм

Портфель	Харид қиймати	Бозор қиймати	Эҳтимолий даромад (зарар)
А акциялари	300 000	200 000	(100 000)
Б акциялари	400 000	400 000	—
В акциялари	350 000	430 000	80 000
Г акциялари	120 000	100 000	(20 000)
Жами	1 117 000	1 130 000	(40 000)

Бинобарин, бухгалтерия балансида акциялар харид қилинган 1 170 минг сўмдан бозор қийматининг тушиши — 40 минг сўм чегирма айирилган ҳолда, яъни 1 130 минг сўм миқдорида акс эттирилади. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

Дебет 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 120 минг сўм

Кредит 0610-«Қимматли қоғозлар» — 40 минг сўм

Кредит 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» — 80 минг сўм.

Қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ молиявий қўйилмалар баҳоланган таннарх ёки бозор қийматининг энг ками бўйича ҳисобга олинган тақдирда, бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинадиган инвестициялар учта усул билан ҳисобланиши мумкин:

— умумий инвестиция портфели асосида;

— инвестициялар туркуми ва бир хилдаги гуруҳлари бўйича;

— инвестицияларнинг ҳар бир тури бўйича.

Мисол. «Согдиана» АЖ узоқ муддатли инвестициялар тўғрисида қуйидаги маълумотга эга деб фараз қилайлик:

минг сўм

Қимматли қоғозлар тури	Сотиб олиш қиймати	Бозор қиймати	Сотиб олиш ва бозор қийматларидан энг ками
3 йил муддатли акциялар:			
«Ўзбекинвест» АЖ	200 000	250 000	200 000
«Финиш» АЖ	500 000	400 000	400 000
«Сокол» АЖ	300 000	310 000	300 000
Жами	1 000 000	960 000	900 000
5 йил муддатли акциялар:			
«Бек» АЖ	700 000	780 000	700 000
«Ҳаёт» АЖ	600 000	650 000	600 000
Жами	1 300 000	1 430 000	1 300 000
Ҳаммаси	2 300 000	2 390 000	2 200 000

Корхона томонидан умумий инвестициялар портфели асосида қайта баҳолаш усули қўлланилганда балансда 2 300 минг сўм сумма акс эттирилади.

Инвестициялар туркуми ва бир хилдаги гуруҳлари бўйича қайта баҳолаш усулида, бухгалтерия балансида акс эттириладиган сумма биринчи гуруҳ бўйича икки суммадан ками, яъни 960 минг сўм, иккинчи гуруҳ бўйича энг ками, яъни 1 300 минг сўм танлаб олинади, шундай қилиб акс эттириладиган сумма 960 + 1 300 = 2 260 минг сўмни ташкил этади.

Корхона томонидан инвестицияларнинг ҳар бир тури бўйича қайта баҳолаш усули қўлланилган тақдирда бухгалтерия балансида 2 200 минг сўм суммани экс эттириш лозим.

12.2. Инвестициялар келиб тушишини ҳисобга олиш

Инвестицияларнинг келиб тушиши қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

5800-5890-«Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар»;

0610-0690-«Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар».

Молиявий инвестициялар ушбу счётларда келиб тушиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан жамланган сотиб олиш таннархи бўйича акс эттирилади. Қимматли қоғозлар номинал қийматидан паст ёки баланд нархларда сотиб олиниши мумкин. Номинал қиймат — бу қимматли қоғоз бланкасида қайд этилган қиймат. Акциялар бўйича харид нарх ёки облигациялар бўйича фоизнинг бозор ставкаси номиналдан кам бўлган тақдирда (чегирма ёки дисконт), қоплаш даври пайтида харид ва номинал қиймати орасидаги фарқнинг қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда 0610-0690 ёки 5810-5890-счётларнинг дебети ва 9590-«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

Корхона томонидан сотиб олинган харид қиймати уларнинг номинал қийматидан (устама ёки мукофот) кўп бўлган тақдирда, сотиб олинган пайтдан то қоплаш пайтигача бўлган даврда сотиб олиш ва номинал қиймат орасидаги фарқнинг қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётининг дебети ва 0610 ёки 5810-счётларининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар қопланиши пайтида уларнинг ҳисоботда акс эттирилган қиймати номинал қийматга тенг бўлиши керак. Чегирма ва устамаларни ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича фоизларни ҳисоблаш даврийлигига мутаносиб бўлиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар)ни ҳисоблашда 4830-«Олинадиган фоизлар» ёки 4840-«Олинадиган дивидендлар» счётларининг дебети ва 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» ёки 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Мисол. Ой бошида «Ванда» МЧЖ «Лидасан» ҚКга тегишли номинал қиймати 1 000 минг сўм бўлган 10%ли облигацияларни 1 250 минг сўмга сотиб олган, яъни облигациялар устама (мукофот) билан сотиб олинган. Сотиб олиш пайтида брокерга 50 минг сўм тўланган. Облигацияларни қоплаш муддати 10 ой.

Облигацияларнинг қопланиш муддати 10 ой бўлганлиги учун молиявий қўйилмалар қисқа муддатли ҳисобланади.

Облигацияларни мукофот билан сотиб олиш бўйича операциялар қуйидагича ёзувлар билан акс эттирилади:

— ой бошида:

Дебет 5810-«Қимматли қоғозлар» — 1 300 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 1 300 минг сўм;

— ой охирида фоиз даромади ҳисобланади (1 000 минг × 10% : 12 = 8,333 минг сўм):

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 8 333 сўм

Кредит 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 8,333 минг сўм.

Шу пайтнинг ўзида устаманинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади (1 300 − 1 000) : 10 = 30 минг сўм:

Дебет 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 30 минг сўм

Кредит 5810-«Қимматли қоғозлар» — 30 минг сўм.

Мисол. Ой бошида «Алман» МЧЖ «Галера» компаниясига тегишли 9%ли номинал қиймати 500 минг сўм бўлган облигацияларни 400 минг сўмга, яъни чегирма билан сотиб олган. Қопланиш муддати 2 йил.

Облигацияларни чегирма билан сотиб олиш операциялари қуйидагича ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 400 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 400 минг сўм;

— ой охирида 500 минг сўм × 9% : 12 = 3,75 минг сўм фоизли даромад ҳисобланади:

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 3,75 минг сўм

Кредит 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 3,75 минг сўм;

— шу пайтнинг ўзида чегирма (дисконт)нинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади (500 − 400) : 24 = 4,167 минг сўм:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 4,167 минг сўм

Кредит 9590-«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» — 4,167 минг сўм.

Молиявий инвестициялар фоизлар тўланадиган сана орасида сотиб олинган тақдирда, инвестор қимматли қоғозлар соттан шахсга унинг бозор қиймати билан бирга олдинги тўланган кундан буён жамланган фоизларни тўлайди. Фоизлар тўлаш куни етиб келганда инвестор эмитентдан сотиб олиш пайтидаги фоизлар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш пайтидан то навбатдаги фоизларни тўлаш пайтигача бўлган фоизларни олади.

Мисол. Ой бошида «Мирида» компанияси «Шаҳзод» компаниясининг 12%ли, умумий номинал қиймати 700 минг сўм бўлган облигацияларини 600 минг сўмга сотиб олди. Фоизларни тўлаш ярим йилда бир маротаба амалга оширилади (1 январда ва 1 июлда). Қопланиш муддати 3 йил. Сотиб олиш пайтида, шунингдек олдинги фоизлар тўланган пайтдан то харид қилиш пайтигача бўлган муддат, яъни 2 ой учун ҳисобланган фоизлар тўланган (700 минг × 12% : 12 × 2) = 14 минг сўм. Бухгалтерия ҳисобида ёзувлар қуйидагича бўлади:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 600 минг сўм

Дебет 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» — 14 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 614 минг сўм;

— «Шаҳзод» компанияси томонидан 1 мартдан то 1 июнга қадар, яъни март, апрель, май, июнь ойлари учун, сотиб олинган давр бўйича фоизлар ҳисобланади (700 минг сўм × 12% : 12 × 4) = 28 минг сўм:

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 28 минг сўм

Кредит 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 28 минг сўм;

— фоизлар олинган кун, яъни 1 июлда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 42 минг сўм

Кредит 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» — 14 минг сўм

Кредит 4830-«Олинадиган фоизлар» — 28 минг сўм;

— инвестициялар маҳсулотлар, товарлар етказиб берилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши тарзида олинганда:

Дебет 0610 ёки 5810-«Қимматли қоғозлар»

Кредит 9010-9030-«Маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар»;

— инвестициялар асосий воситалар ёки бошқа активларни бериш йўли билан олинган ҳолатларда:

Дебет 0610 ёки 5810-«Қимматли қоғозлар»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» ёки 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Мисол. Бошланғич қиймати 800 минг сўм, эскириши 300 минг сўм, баҳоланган қиймати 600 минг сўм бўлган ускуналарни бериш йўли билан инвестициялар олинган. Бухгалтерия ҳисобида ёзувлар қуйидагича бўлади:

— асосий воситаларнинг бошланғич қийматига:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 800 минг сўм

Кредит 0130-«Машина ва асбоб-ускуналар» — 800 минг сўм;

— эскириш суммасига:

Дебет 0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» — 300 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 300 минг сўм;

— баҳоланган қийматига:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 600 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 600 минг сўм;

— асосий воситаларнинг баҳоланган қиймати ва қолдиқ қиймати орасидаги фарқ бўйича:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 100 минг сўм

Кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» — 100 минг сўм.

Қимматли қоғозлар устав капиталини шакллантиришда муассислар акцияларини тўлаш ҳисобига келиб тушган тақдирда қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 0610 ёки 5810-«Қимматли қоғозлар»

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи».

Текинга олинган қимматли қоғозлар қуйидагича ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 0610 ёки 5810-«Қимматли қоғозлар»

Кредит 8530-«Текинга олинган мулк».

Қимматли қоғозлар узоқ муддатлидан қисқа муддатлига ва аксинча ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш таркибий қайта жойлаштириш деб аталади. Бу ҳолатда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

— қисқа муддатлидан узоқ муддатлига ўтказилганда:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар»

Кредит 5810-«Қимматли қоғозлар»;

— узоқ муддатлидан қисқа муддатлига ўтказилганда:

Дебет 5810-«Қимматли қоғозлар»

Кредит 0610-«Қимматли қоғозлар».

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг таҳлилий ҳисоби қўйилмалар турлари (пай, акциялар, облигациялар ва бошқалар) ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозлар корхона-эмитентининг номи) бўйича олиб борилади. Молиявий инвестициялар таҳлилий ҳисобининг тузилиши тўлиқ ўз вақтидаги ва ишончли маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим. Бунинг учун корхонада мавжуд бўлган барча қимматли қоғозлар қимматли қоғозларни ҳисобга олиш бўйича махсус журналда қайд этилиши керак. Ушбу журнал албатта қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим: корхона-эмитент номи, қимматли қоғознинг номинал ва харид қиймати, серияси, рақами, умумий миқдори, сотиб олиш санаси, сотиш санаси ва ҳоказолар. Қимматли қоғозлар депозитарийда сақланган тақдирда, журналда депозитарий реквизитлари қайд этилади.

12.3. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қиймат усули ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олиш

Корхона томонидан молиявий қўйилмалар қимматли қоғозларга, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа корхоналарнинг акцияларига қўйилиши мумкин.

Корхона бошқа корхона акцияларининг назорат тўплами (50%дан кўпроғи)ни сотиб олган ҳолатда компания-инвестор эмитентга нисбатан бош компания ҳисобланади, эмитент эса — компания-инвесторнинг шуъба корхонаси ҳисобланади. Шуъба корхонасининг оддий акцияларига молиявий қўйилмалар бош компаниянинг бухгалтерия ҳисо-

билл молиявий инвестициялар ҳисобланади ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олинади. Фаолиятни шуъба корхонаси билан биргаликдаги хўжалик юритувчи субъект тарзида акс эттириш учун бош компания жамланган (йиғма) ҳисобот тайёрлайди.

Икки маротабалик ҳисобнинг олдини олиш мақсадида, жамланган ҳисоботни тайёрлашда ҳисоботдан бир-бирини такрорлайдиган бандларни чиқариб ташлаш лозим. Ҳисобот бандларидан қуйидагилар чиқариб ташланади:

— ўзаро қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар;

— шуъба ташкилоти капиталини ҳисобга олувчи счётлар;

— бош ва шуъба компаниялари орасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;

— бош ва шуъба компаниялари орасида амалга оширилган операциялардан ҳосил бўлган даромадлар ва харажатлар.

Жамланган ҳисобот бош ва шуъба компанияларининг ягона ҳисоб сиёсати асосида тайёрланиши керак.

Бош ва шуъба корхоналари томонидан ҳисобга олишнинг турли услубиятлари қўлланилган тақдирда жамланган ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида бухгалтерия ҳисобининг бошқа услубияти қўлланилган ҳар бир банди ёритилиши лозим.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига қўйилган молиявий қўйилмалар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар умумий миқдорининг 20% дан то 50% гача бўлган тақдирда, инвестор компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади ва ушбу инвестицияларни ҳисобга олиш улушли қатнашиш усули билан амалга оширилиши мумкин. Улушли қатнашиш усули қўлланилганда молиявий инвестициялар сотиб олиш пайтида жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Компания-эмитент фаолиятининг молиявий натижаларида инвестор улуши тан олинган пайтда бу қиймат ошиши ёки камайиши мумкин. Инвестор инвестициялардан эмитент капиталидаги ўз улушига мутаносиб миқдорда фойда олади, шу боис фойда инвестициялар счётларининг дебети ва инвестициялардан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади. Улушли қатнашиш усули қўлланилганда дивидендлар инвестициялар қайтарилиши тарзида экс эттирилади,

шунинг учун дивидендларни ҳисоблашда даромад ошмайди, инвестицияларнинг қиймати эса камаяди.

Мисол. «Фонон» АЖ «Фотон» АЖнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 10 минг дона оддий акцияларини ҳар бирини 500 сўмдан сотиб олди, бу «Фотон» АЖ акцияларининг 40%ини ташкил этади. «Фотон» АЖ томонидан эълон қилинган дивидендлар 18 минг сўм, унинг тақсимланмаган фойдаси эса — 160 минг сўмни ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисобида мазкур операциялар қуйидагича акс эттирилади:

— акцияларни сотиб олиш (10 000 × 500) = 5 000 минг сўм:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 5 000 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 5 000 минг сўм;

— «Фотон» АЖ томонидан дивидендлар эълон қилиниши:

Дебет 4840-«Олинадиган дивидендлар» — 18 минг сўм

Кредит 0610-«Қимматли қоғозлар» — 18 минг сўм;

— дивидендлар олинишида:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 18 минг сўм

Кредит 4840-«Олинадиган дивидендлар» — 18 минг сўм;

— тақсимланмаган фойдани акс эттиришда «Фотон» АЖ соф фойдасидаги «Фонон» АЖнинг улуши ҳисобланади 160 × 40% = 64 минг сўм:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 64 минг сўм

Кредит 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» — 64 минг сўм.

Корхона-инвестор, ўз инвестицияларини сақлаб қолган ҳолда, акциялар сотиб олган корхонасига аҳамиятли таъсир кўрсатишни тўхтатган тақдирда ёки уюшмага айлантирилган корхона, инвесторга ўз фондларини ўтказиш қобилиятини чеклайдиган қаттиқ узоқ муддатли чеклаш остида фаолият кўрсатган ҳолатда инвестор улушли қатнашиш усулини тўхтатишга ва ўз инвестициялари учун қиймат усулини қўлланга мажбур.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига узоқ муддатли инвестициялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг умумий миқдоридан 20%гача бўлган тақдирда, инвестор пассив улушга эга ёки компания-эмитент фаолиятига аҳамиятсиз таъсир кўрсатади деб ҳисобланади, ПБУ

боис ушбу инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби, одатда қиймат усули билан амалга оширилади.

Ушбу усулнинг моҳияти ва унинг улушли қатнашиш усулидан фарқи шундан иборатки, акциялар бўйича дивидендлар эълон қилиш пайтида даромадни ва дебиторлик қарзини оширади, дивидендларни олиш эса — дебиторлик қарзини камайтиради.

Мисол. Йил бошида «Диана» компанияси «Наргиз» компаниясининг 1 000 та оддий акциясини ҳар бирини 1 минг сўмдан сотиб олди, бу «Наргиз» компанияси барча акцияларининг 10%ини ташкил этади. Акцияларнинг қопланиш муддати 5 йил. «Наргиз» компанияси томонидан эълон қилинган дивидендлар 130 минг сўмни ташкил этди. Компаниянинг бир йилга соф фойдаси 2 500 минг сўмни ташкил этди.

Бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар қуйидагича ёзувлар билан акс эттирилади:

— акциялар сотиб олиниши:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 1 000 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 1 000 минг сўм;

— дивидендлар эълон қилиниши:

Дебет 4840-«Олинадиган дивидендлар» — 130 минг сўм

Кредит 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» — 130 минг сўм;

— дивидендлар олиниши:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 130 минг сўм

Кредит 4840-«Олинадиган дивидендлар» — 130 минг сўм.

Пул маблағларини сақлаб қолиш учун акциядорлар ўртасида дивидендларни тақсимлашда акциядорлик жамиятлари дивидендларни акциялар билан тўлаши мумкин. Бу ҳолатда акциядорлар янги чиқарилган акцияларни оладилар. Акциялар кўринишидаги дивидендлар активларни, мажбуриятларни ёки акциядорлик капиталини ҳеч қандай ўзгартирмайди ва инвесторнинг фоиз гарзидаги улуши ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Акциялар кўринишида дивидендлар олишда инвестор эмитентдан активларни олмайди, инвесторда муомалада бўлган акциялар миқдори ошади, яъни ушбу туркумдаги акциялар кўринишида дивидендларни олиш, акциялар

қиймати ўзгармаган ҳолда уларнинг миқдори ошишига олиб келади. Шундай қилиб, инвесторда даромадни ҳисобга олиш учун ҳеч қандай ўтказма берилмайди, фақат инвестор эгалик қилган акциялар миқдори ошади.

Мисол. «Малика» АЖ «Ширин» компаниясининг ҳар бири 700 сўмдан 1 000 та оддий акцияларини сотиб олди. Сотиб олиш кунида қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» — 700 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 700 минг сўм.

Бир қанча вақт ўтгандан кейин «Малика» АЖ 50% даромадни оддий акциялар кўринишида олди (500 та акция), яъни муомаладаги оддий акциялар миқдори 1 500 тани ташкил этди.

Дастлабки сотиб олинган акцияларнинг қиймати 700 минг сўм.

500 та акцияларнинг қиймати — 0 сўм.

Мавжуд бўлган 1 500 та акцияларнинг баланс қиймати — 700 минг сўм.

Битта акциянинг баланс қиймати 700 минг сўм : 1 500 = 466,6 сўмни ташкил этади. Бинобарин, «Ширин» компаниясининг 1 500 та акцияларига «Малика» компаниясининг узоқ муддатли молиявий қўйилмалари баланс қиймати дивидендлар олингунга қадар 1 000 та акцияларнинг баланс қийматига тенг бўлади, чунки «Малика» АЖ ушбу акцияларни сотиб олмаган. 500 та акцияларни олишида «Малика» АЖда ҳеч қандай ўтказма берилмайди, лекин таҳлилий ҳисобда мавжуд бўлган акциялар миқдори ошади.

«Малика» АЖ 300 та акцияларни ҳар бирини 600 сўмдан сотишга қарор қилди деб фараз қилайлик. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

— сотиш қийматига:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 180 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 180 минг сўм;

— баланс қийматига 300 × 466,6 = 139,98 минг сўм:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 139,98 минг сўм

Кредит 0610-«Қимматли қоғозлар» — 139,98 сўм;

— сотишдан олинган фойда 180 − 139,98 = 40,02 минг сўм:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 40,02 минг сўм

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» — 40,02 минг сўм.

12.4. Инвестициялар чиқиб кетишини ҳисобга олиш

Инвестицияларнинг чиқиб кетиши улар сотилиши ёки эмитентга қайтарилиши, шунингдек текинга бошқа ташкилотга берилиши сабабли вужудга келади.

Чиқиб кетишда инвестицияларнинг баланс қиймати билан унинг сотилиш нархи ёки берилиш қиймати орасидаги фарқ аниқланади. Баланс қиймати сотиш қийматидан паст бўлган тақдирда фойда пайдо бўлади. Инвестицияларнинг баланс қиймати уларни сотиш ёки бериш қийматидан баланд бўлган тақдирда инвестициялар чиқиб кетишидан зарар кўрилади. Чиқиб кетишнинг ҳисоби 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётида амалга оширилади.

Мисол. Баланс қиймати 200 минг сўм бўлган қисқа муддатли облигациялар 250 минг сўмга сотилди:

— сотиш нархига:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 250 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 250 минг сўм;

— инвестицияларнинг баланс қийматига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 200 минг сўм

Кредит 5810-«Қимматли қоғозлар» — 200 минг сўм;

— инвестициялар сотилишидан олинган фойдага:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 50 минг сўм

Кредит 9590-«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» — 50 минг сўм.

Мисол. 300 минг сўм баланс қийматига эга бўлган акциялар сотилди, сотилиш нархи — 270 минг сўм.

Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

— сотилиш нархига:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 270 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 270 минг сўм;

— баланс қийматига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 300 минг сўм

Кредит 0610-«Қимматли қоғозлар» — 300 минг сўм;

— сотилишдан кўрилган зарарга:

Дебет 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 30 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 30 минг сўм.

Мисол. Баланс қиймати 100 минг сўм бўлган қисқа муддатли инвестициялар текинга бошқа корхонага берилди:

— инвестицияларнинг баланс қийматига:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 100 минг сўм

Кредит 5810-«Қимматли қоғозлар» — 100 минг сўм;

— чиқиб кетишдан кўрилган зарар суммасига:

Дебет 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 100 минг сўм

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» — 100 минг сўм.

13-боб. МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ҲАМДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

13.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатлари ва уларнинг таснифланиши

Маҳсулот таннархи ушбу маҳсулот қийматининг пул шаклидаги қисми бўлиб, моддий, меҳнат ва бошқа сарф-харажатлардан иборат бўлади.

Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, корхонага маҳсулот тайёрлаш қанчага тушганини кўрсатади. Таннарх кўрсаткичи сотиш нархларини белгилаш, маҳсулотлар рентабеллигини ҳисоб-китоб қилиш, харажатларни пасайтириш резервларини аниқлаш учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини камайтириш муҳим аҳамият касб этади, чунки рақобатчилик муҳитида маҳсулотга талаб ва унинг сифатигина эмас, балки анчагина қисмини таннарх ташкил этадиган унинг нархи ҳам муҳимдир.

Бошқарувни такомиллаштириш ва харажатларнинг тўғри ва ўз вақтидаги бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қаттиқ назоратни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажатлар ва талафотларни ҳар томонлама камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг энг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг асосига қуйидаги асосий тамойиллар қўйилган:

— бухгалтерия ҳисобида харажатларни иқтисодий жиҳатлари ва моддалари бўйича, маҳсулот турлари ва корхона бўлинмалари бўйича гуруҳлаштириш;

— маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг таннархини калькуляциялашга доир харажатлар ҳисобининг қабул қилинган услубияти йил давомида ўзгармаслиги;

— харажатлар ҳисоби объектларини маҳсулот таннархини калькуляция қилиш объектлари билан мувофиқлаштириш;

— даромадлар ва харажатларни ҳисобот даврларига тўғри киритиш;

— ҳисобда ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатларни ажратиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўғрисидаги ахборотни шакллантиришнинг ягона тамойилларини таъминлаш учун давлат томонидан маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, даромад ва харажатларни гуруҳларга ажратиш, корхоналар фаолияти тури, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг умумий тартиби белгиланган.

Ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» низом (кейинги ўзгартиришлар билан) ишлаб чиқилди.

Низомда молиявий натижаларни шакллантириш услубияти белгиланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш фаолияти натижасида олинадиган даромадлар рўйхати келтирилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини мақсадга мувофиқ ташкил этиш бу харажатларнинг аниқ ва асосланган таснифланишини талаб этади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

— маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

— ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар;

— хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари;

— фавқулодда зарарлар, у даромаддан олинадиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинади.

Шу сабабли харажатлар моддаларининг гуруҳланиши қуйидагича кўринишда бўлади:

1. *Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи*

— бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

— бевосита ва билвосита меҳнат сарфлари;

— бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар.

2. *Давр харажатлари*

— сотиш харажатлари;

— бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

— бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

— келгусида солиқ солиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

3. *Молиявий фаолият бўйича харажатлар*

— фоизлар бўйича харажатлар;

— хорижий валюта билан операция бўйича мажбурий курс тафовутлари;

— қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

— молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

4. *Фавқулодда зарарлар*

Маҳсулот таннархига қўшилиш усулига қараб ишлаб чиқариш харажатлари икки гуруҳга: бевосита (тўғри) харажатлар ва билвосита (эгри) харажатларга бўлинади.

Бевосита (тўғри) харажатлар бирламчи ҳужжатларга асосан маълум бир маҳсулот турининг ёки ишнинг таннархига киритилиши мумкин бўлган ва уларни яратиш ёки бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Билвосита харажатлар — бир неча хил маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ (қувват, сув, буғ ва ҳоказолар сарфи), шунинг учун улар мазкур маҳсулот турлари ўртасида тақсимотнинг аниқ базаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқлик даражасига қараб харажатлар икки гуруҳга: ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар — миқдори, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, динамикасига мутаносиб равишда ўзгарувчан харажатлар ҳисобланади. Буларга хом ашё ва асосий материалларга, асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар иш ҳақига, бу иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ҳоказо харажатлар киради.

Шартли-доимий харажатлар — ҳажми ҳар доим бир хилда бўлиб қоладиган ёки чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори ўсиши ёки камайиши билан катта аҳамият касб этмайдиган даражада ўзгарадиган (амортизация, ижара тўлови ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича бошқа харажатлар) харажатлардир. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маълум даражасигача ишлаб чиқариш цехлари бошқарув ходимлари иш ҳақи ва бошқа харажатлар ўзгармас бўлиб қолади, аммо ишлаб чиқаришнинг кўпроқ ошиши янги дастгоҳлар сотиб олишни, янги цехларни ишга туширишни талаб этади, бу эса уларни бошқариш харажатларини оширади.

Шартли-доимий харажатлар мутлақ миқдор бўйича нисбатан ўзгармай қолиб, ишлаб чиқариш ўсганда таннархни пасайтиришнинг муҳим омилига айланади, чунки бунда

уларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган миқдори камаяди.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қараб бир элементдан иборат бўлган (материаллар, иш ҳақи ва ҳ.к.) *бир турдаги* (бир элементли) ва бир неча элементдан иборат бўлган (умумишлаб чиқарин харажатлари, давр харажатлари ва ҳ.к.) *комплекс* бўлиши мумкин.

13.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарин таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, қувват, асосий фондлар, меҳнат ресурсларининг, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг қиймат баҳосини ифодалайди.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарин таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарин билан боғлиқ, ишлаб чиқарин технологияси ва ташкил этилиши шартлаган харажатлар киритилади. Улар қуйидагилар:

— материалларга бевосита харажатлар;

— меҳнатга бевосита харажатлар;

— билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш аҳамиятидаги қўшимча харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

— ишлаб чиқаришга моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

— асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига [illegible] бўлган номоддий активлар амортизацияси;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

— ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинадиган хом ашё ва материаллар;

— нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарларнинг, хўжалик буюмларининг ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг қиймати;

— сотиб олинадиган, келгусида ушбу корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш тусига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хом ашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хом ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида бошқа юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, ярим тайёр маҳсулотлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли бўлади;

— табиий хом ашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, корхоналар томонидан сув хўжалиги тизимларидан бериладиган истеъмол қилинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хом ашё тармоқлари учун ёғоч, тахта материаллардан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари;

— технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

— корхонанинг технологик транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия (корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади);

— ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг яроқсизланиши ва кам чиқиши;

— корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

Корхоналар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

Қайтариладиган чиқиндилар — маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган, бирламчи ресурснинг истеъмол хусусиятларини (кимёвий ёки жисмоний хоссаларини) тўлиқ ёки қисман йўқотадиган ва шу туфайли оширилган харажатлар (маҳсулот ишлаб

чиқарилиши пасайиши) билан ишлатиладиган ёки ўзининг бевосита мақсадида умуман ишлатилмайдиган хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, иссиқлик элтувчилар ва бошқа турдаги моддий ресурсларнинг қолдиқларидир.

Корхонада жорий этилган технологияга мувофиқ бошқа цехлар, бўлинмаларга бундан кейин ҳам ана шу ёки бошқа хил маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун тўлақонли хом ашё ёки материаллар сифатида берилаётган моддий ресурслар қолдиқлари қайтариладиган чиқитларга киритилмайди. Рўйхати маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархини режалаштириш, ҳисобини юритиш ва калькуляция қилиш масалалари бўйича тармоқ услубий тавсиялари (йўриқномалари)да белгиланадиган йўлдош (боғланган) маҳсулот ҳам чиқиндиларга киритилмайди.

Қайтариладиган чиқиндиларни баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

— агар чиқиндилардан асосий ишлаб чиқариш учун, лекин оширилган харажатлар (тайёр маҳсулот чиқиши камайиши) билан фойдаланиш, ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, кенг истеъмол буюмларини (маданий-маиший ва хўжалик-рўзғор молларини) тайёрлаш учун фойдаланиш ёки четга сотиш мумкин бўлса, бирламчи моддий ресурснинг пасайтирилган нархи бўйича, яъни эҳтимолий фойдаланиш нархи бўйича;

— агар чиқиндилар тўлақонли ресурс сифатида фойдаланиш учун четга сотилса, бирламчи моддий ресурснинг тўлиқ нархи бўйича ҳисобга олинади.

«Моддий харажатлар» элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер келишувларидан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, солиқлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

— хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

— касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ҳамда окладларга устамалар;

— иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тўловлари, шу жумладан:

технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақига, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

қурилишда, реконструкция қилишда ва мукаммал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан то орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳудудлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, ҳудуд коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

— иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

— ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш, шу жумладан:

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллар, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш;

— хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи то-

монидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

— белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар ишлаб чиқариш хусусиятидаги ҳисоблаб ёзилган иш ҳақига фоизларда қонунчиликда белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади. Улар давлат суғурта идоралари, нафақа жамғармаси идораларига ўтказилади.

Корхона нодавлат нафақа жамғармаларига ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғурганинг бошқа турлари учун ажратмалар қилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш хусусиятидаги харажатларга ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активларнинг ҳисобланган амортизацияси суммалари ҳам киритилади.

Ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

— асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (гудвилл (фирманинг нархи)дан ташқари) эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йил ҳисобига белгиланади, бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

— ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари, шу жумладан:

ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёқилғи, қувват асбоблари, мосламалар, бошқа воситалар ва меҳнат буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

асосий ишлаб чиқариш фондларини ишчи ҳолатида тутиб туриш харажатлари (техник кўрик ва хизмат кўрсатиш, ўрта, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари);

санитария-гигиена меъёрлари бажарилишини таъминлаш харажатлари, таъмирлашни ўтказиш учун захира барпо этиш харажатлари.

Зарурат туғилганда корхоналар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсати билан капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини барпо этишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва харажатларнинг тахмин қилинаётган қийматидан ва асосий воситалар ҳар бир объектини капитал таъмирлашни ўтказиш даврийлигидан келиб чиқиб белгиланади. Захирага ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йилининг охирида қайтадан кўриб чиқилади ва зарурат туғилганда янги молия йилида ажратмалар миқдорлари кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар капитал таъмирлашга захира қилинган маблағлар суммалари мазкур объектни таъмирлашнинг ҳақиқатдаги харажатларидан ошиб кетса, ошган сумма сторно қилиниши керак; агар ҳақиқатдаги харажатлар резерв қилинганидан ошиб кетса, ошган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади;

ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда корхонанинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Идорадан ташқари қўриқлаш харажатлари бундай қўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин. Акс ҳолда улар давр харажатларига киритилади;

ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларининг жорий ижараси билан боғлиқ харажатлар;

табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги фондларни ту-
туриш ва ишлатиш билан боғлиқ жорий харажатлар,
атроф муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни
жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари;

ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари;

бепул коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси);

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси);

ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни табиий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

— ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли ишлаб чиқариш ходимларининг хизмат сафари харажатлари;

— ишлаб чиқариш ходимлари ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурталаш харажатлари;

— яроқсизликдан кўрилган йўқотишлар;

— кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

— ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра ишсиз туришлар туфайли йўқотишлар;

— маҳсулот (хизмат)ни мажбурий сертификатлаш харажатлари, бунга капиталлаштириладиганлар кирмайди;

— суд қарорларига асосан ёки уларсиз ишлаб чиқаришда шикастланганлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ нафақалар. Касб касаллиги муносабати билан нафақалар тўланиши;

— умумий фойдаланишдаги йўловчи транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига ва уйига ташиш билан боғлиқ харажатлар;

— объектлар давлат капитал қўйилмалари эвазига бунёд этилаётганда қурилиш хатарларини суғурталаш билан боғлиқ харажатлар;

— номоддий актив — гудвилл (фирма нархи)нинг, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган мол-мулк қисми суммасини белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар;

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

— қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тегишли бўлмаса (яъни асосий воситалар сифатида капиталлаштирилмаса). Ушбу харажатлар «Келгуси даврлар харажатлари» сифатида қаралади ва уларни қайтаришнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равишда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажми ва миқдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларини ҳисобдан чиқаришнинг танланган методи хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобга олиш сиёсатида акс эттирилиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида акс эттирилади.

Буюмларга ишлов бериш мураккаб технологияли ишлаб чиқаришда ҳар ойнинг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари аниқланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб технологик жараёнда назарда тутилган ишлов беришнинг барча босқичларидан тўлиқ ўтмаган маҳсулотга, шунингдек тўпланмаган, синовдан ўтмаган, техник назорат бўлимига қабул қилинмаган буюмларга айтилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари инвентаризация ёрдамида аниқланади ёки меъёрий (режадаги) таннарх бўйи-

ча акс эттирилади ва 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебети бўйича қолдиқ сифатида чиқариб олинади.

Мисол. Корхонада қуйидагича хўжалик операциялари амалга оширилди:

ишлаб чиқаришга қуйидагича харажатлар амалга оширилди: материаллар — 150 минг сўм; электр энергияси — 37 минг сўм; иш ҳақи — 162 минг сўм; мукофотлар — 20 минг сўм; суғуртага ажратмалар — 44 минг сўм; ишлаб чиқариш таннархига ўтказилган умумишлаб чиқариш харажатлари — 56 минг сўм; омборга топширилган ишлаб чиқариш чиқиндилари — 8 минг сўм; яроқсизликка чиққан маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи — 3 минг сўм.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи қуйидагича:

ой бошига — 140 минг сўм;

ой охирига — 102 минг сўм.

Мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

минг сўм

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма	Дебет	Кредит
1	Ишлаб чиқаришга материаллар сарфи	150	2010	1010
2	Ишлаб чиқаришга электр энергияси сарфи	37	2010	6010
3	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди	162	2010	6710
4	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларга мукофот ҳисобланди	20	2010	6710
5	Ишлаб чиқаришдаги ишчилар иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	44	2010	6520
6	Умумишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш таннархига ўтказилди	56	2010	2510
7	Ишлаб чиқариш чиқиндилари омборга топширилди	8	1090	2010
8	Яроқсизликка чиққан маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилди	3	2610	2010
9	Омборга ҳақиқий таннарх бўйича тайёр маҳсулот келиб тушди	496	2810	2010

Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича формула билан аниқланади:

$$С = З + Н - К - О - Б,$$

бу ерда С — чиқарилган маҳсулот таннархи, З — ишлаб чиқаришга харажатлар — 2010-счётнинг дебети бўйича айланма; Н — ҳисобот даври бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи; К — ҳисобот даври охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоб таннархи; О — ишлаб чиқариш чиқиндилари қиймати; Б — яроқсизликка чиққан маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи.

$$496 = 150 + 37 + 162 + 20 + 44 + 56 + 140 - 102 - 8 - 3.$$

Ушбу суммага қуйидагича ўтказма қилинади:

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 496 минг сўм

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 496 минг сўм.

Мураккаб бўлмаган технологияли ишлаб чиқаришларда тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлмайди, 2010-счёт қолдиққа эга бўлмайди ва унинг дебет бўйича айланмалар суммасига қуйидагича ёзув амалга оширилади:

Дебет 2810

Кредит 2010.

Хизмат кўрсатувчи ёки ишлар бажарувчи корхоналарда 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти дебети бўйича айланмалар суммаси ой охирида 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти дебетига ҳисобдан чиқарилади.

13.3. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳисоби

Йирик корхоналарда асосий ишлаб чиқаришни қувват, асбоблар, идишлар, таъмирлаш, транспорт ва бошқа хизматлар билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Турлари ва вазифалари бўйича ёрдамчи ишлаб чиқаришни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

— асбобсозлик (асбоблар, мосламалар, штамплар, пресс-шакллар, моделларни ишлаб чиқариш, таъмирлаш

ва тиклаш). Масалан, *йирик тикувчилик корхонаси* зарурат туғилганда тикувчилик ишлаб чиқаришини турли хил фурнитура, яъни: тугмачалар, металл илгаклар, кнопкалар ва ҳоказолар билан таъминлаш учун уларни ишлаб чиқарадиган цех очиши мумкин;

— таъмирлаш (асосий воситаларни монтаж қилиш, замонавийлаштириш, хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларини тайёрлаш ва тиклаш);

— энергетика (электр, иссиқлик ва бошқа қувватларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, сув билан таъминлаш, буғ билан таъминлаш, сиқилган ҳаво билан таъминлаш, оқава сувларни тозалаш, вентиляция, қувват тармоқлари ва мосламаларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш);

— транспорт (юкларни ортиш ва тушириш ишлари, транспорт хизмати, юкларни йўлларда кузатиб бориш, транспорт воситалари, ортиш-тушириш механизмлари ва кириб-чиқиш йўлларига хизмат кўрсатиш);

— идиш (идишларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш);

— тош, шағал, қум ва бошқа норуда материалларини қазиб олиш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консервациялаш (асосан савдо корхоналарида) ва бошқалар.

Асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган ёрдамчи *ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун*, ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисоб юритиладиган 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» актив калькуляция счёти қўлланилади.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг дебетида ҳисобот даври мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ёрдамчи цехлар бўйича ишларни бажариш билан бевосита, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқариш билан билвосита боғлиқ бўлган харажатлар жамланади.

Мазкур счётнинг кредити бўйича ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг истеъмолчилар ўртасидаги тақсимоти акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар бўйича корреспонденция (2300)

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда иштирок этадиган асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш	2310	0211-0299
2	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланадиган номоддий активлар бўйича эскиришни ҳисоблаш	2310	0510-0590
3	Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжларига материалларининг сарф-харажати	2310	1010-1090
4	Умумишлаб чиқариш харажатларининг улуши ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига киритилган	2310	2510
5	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга мол етказиб берувчилар томонидан хизматлар кўрсатилди (сув, буғ, қувват ва ҳ.к.)	2310	6010, 6990
6	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар	2310	6520
7	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи бўйича суммалар ҳисобланди	2310	6710
8	Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулоти кирим қилинди	2810	2310
9	Сотилган маҳсулотнинг (бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг) ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	9110, 9130	2310

Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари таннархининг ҳисоби ва калькуляцияси, аниқ бир тармоқ учун унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган харажатлар моддаларининг номенклатураси бўйича амалга оширилади. Бундай харажат моддаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— қайтариладиган чиқитлар чегирилган материаллар;

— сотиб олинадиган буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— ёқилғи;
— қувват;
— ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи;
— иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари харажатларини ҳисобга олиш бўйича асосий бирламчи ҳужжатлар қуйидагилар: асбоблар, мосламалар, моделлар, пресс-шакллар, эҳтиёт қисмлар, идишларни топширганлиги тўғрисида юкхатлар; таъмирланган объектлар бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари; автомобиллар ишлаганлигини тасдиқловчи йўл варақалари; ёрдамчи цехлар ходимларига иш ҳақини ҳисоблаш қайдномалари; шунингдек турли ҳисоб-китоблар, маълумотномалар ва изоҳлар.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришда калькуляция объектлари бўлиб таннарх ҳисобланадиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг турлари ҳисобланади. Калькуляция бирлиги тарзида одатда қуйидаги табиий кўрсаткичлар қўлланилади: эҳтиёт қисмлар ёки асбобларнинг бир донаси ёки 100 таси; қувватнинг 1 кВ/соати, сиқилган ҳаво ёки газнинг 1 куб метри, автотранспортнинг 1 км босиб ўтган йўли ва бошқ.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлмаган оддий ёрдамчи ишлаб чиқаришда калькуляция бирлиги таннархи «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг дебетида ҳисобга олинган харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишлар ва хизматлар миқдорига бўлиш билан аниқланади.

Мураккаб ёрдамчи ишлаб чиқаришларда буюртмалар ва барча маҳсулот таннархини ҳисоблашда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўтказиладиган қолдиқлари инобатга олинади. Бир буюртма бўйича маҳсулотнинг бир неча бирлиги ишлаб чиқарилган тақдирда, бирлик таннархи харажатларнинг (тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда) буюмлар миқдори (ишлар ҳажми)га нисбати билан ҳисобланади. Буюртма бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг бир неча турлари ишлаб чиқарилган тақдирда, харажатлар уларнинг ҳар бири орасида режадаги (меъёрий) таннархга мутаносиб равишда тақсимланади.

Шунинг билан бир қаторда, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бир-бирининг маҳсулотлар ва хизматларини ўзаро истеъмол қилиш хусусиятларини назарда тутиш лозим. Ма-

салан, энергетика цехи бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришларни қувват билан таъминлайди, транспорт бўлими таъмирлаш цехига керакли бўлган материаллар ташишни амалга оширади ва ҳоказолар. Шу боис, тақсимланиши лозим бўлган харажатларни, яъни тегишли ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари ҳақиқий таннархини ҳисоблашда, одатда ҳисобни соддалаштириш учун режали таннарх бўйича баҳоланадиган муқобил хизматлар қиймати эътиборга олиниши лозим.

М и с о л. Корхонада ўз эҳтиёжлари учун юклар ташишни амалга оширадиган 10 та юк автомобили мавжуд. Ой мобайнида қуйидаги харажатлар амалга оширилган: ёқилғи-мойлаш материалларининг сарф-харажати — 2 480 минг сўм, ҳайдовчиларнинг иш ҳақи — 500 минг сўм, ижтимоий суғуртага ажратмалар — 120 минг сўм, бир ойда автомобилларнинг эскириши — 15 000 минг сўмни ташкил этган, жами харажатлар 18 100 минг сўм. Ушбу операциялар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Дебет 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» — 18 100 минг сўм

Кредит 1030-«Ёқилғилар» — 2 480 минг сўм

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 500 минг сўм

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — 120 минг сўм

Кредит 0260-«Транспорт воситаларининг эскириши» — 15 000 минг сўм.

Транспорт хўжалиги бўйича харажатларнинг тақсимланиши ҳақиқатда ишланган автомобиль-соатдан келиб чиқиб амалга оширилган. 10 та автомобиль бир ой мобайнида 1 230 соат ишлаган, жумладан: материаллар ташиш бўйича — 470 соат; тайёр маҳсулотни ташиш бўйича — 600 соат; таъмирлаш цехига хизмат кўрсатиш бўйича — 100 соат; асосий воситалар чиқиб кетиши билан боғлиқ ташиш хизматлари — 60 соат. 1 автомобиль-соат таннархини аниқлаймиз (18 000 : 1 230 = 14,715 сўм/авт.соат). Автохизматлар тақсимланиши қуйидагича амалга оширилади:

— материалларни ташиш бўйича — 470 соат × 14,715 = 6 916 минг сўм;

— тайёр маҳсулотларни ташиш бўйича — 600 соат × 14,715 = 8 829 минг сўм;

— таъмирлаш цехига хизмат кўрсатиш бўйича — 100 соат × 14,715 = 1 472 минг сўм;

— асосий воситалар чиқиб кетиши билан боғлиқ ташиш хизматлари — 60 соат × 14,715 = 883 минг сўм.

Тақсимлангандан кейин 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти қуйидагича ёпилади:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 6 916 минг сўм

Дебет 9410-«Сотиш харажатлари» — 8 829 минг сўм

Дебет 2311-«Таъмирлаш ишлаб чиқарилиши» — 1 472 минг сўм

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 883 минг сўм

Кредит 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» 18 100 минг сўм.

Таъмирлаш ишлаб чиқаришларда харажатлар ҳар бир таъмирлашга алоҳида очилган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича ҳисобга олинади. Хизмат кўрсатиш цехларининг ускуналарини жорий соз ҳолда ушлаб туриш бўйича йиллик буюртмалар очилади. Унда харажатлар ой мобайнида жамланади ва калькуляция қилинмасдан цех-буюртмачи харажатларига ўтказилади.

Четда ишлаб чиқарилган ва олинган қувват, шунингдек уни истеъмолчиларга бериш бўйича ҳисоб ўлчов асбоблари кўрсаткичлари бўйича, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса — ускуна қуввати ва ишлаш муддатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб йўли билан амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар ва асбоблар кўрсаткичларига асосан қувват истеъмолчилар бўйича натурал кўринишда тақсимлаш қайдномаси тайёрланади. Шунинг ўзида қувват сарф-харажати мақсадли йўналишлар: ускуналарни ишлатиш, умумишлаб чиқариш ёки маъмурий харажатлар бўйича тақсимланади.

13.4. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари салмоқли бўлган корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатлари ой давомида 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти дебети бўйича жамланади. Уларга қуйидагилар киради:

— бошқарув аппарати ва бошқа цех ходимларини сақлаш;

— ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши (амортизацияси);

— ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар, бинолар, иншоотлар ва анжомларни сақлаш ва таъмирлаш;

— меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси харажатлари;

— синовлар, тажрибалар, тадқиқотлар, рационализаторлик ва ихтирочилик;

— инвентарь ва хўжалик ашёлари бўйича сарф харажатлар;

— ишсиз туриб қолишлардан йўқотишлар;

— цехларда сақлаш пайтида моддий бойликлар бузилишидан йўқотишлар;

— моддий бойликлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш камомади;

— бошқа харажатлар.

Корхонанинг бухгалтерия хизмати ушбу харажатлар сметасини ишлаб чиқиши зарур.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг жамлама ҳисоби 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» актив йиғиш-тақсимлаш счётида қуйидаги счётлар бўйича юритилади:

2510-«Моддий харажатлар»;

2511-«Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари»;

2512-«Ижтимоий ажратмаларга харажатлар»;

2513-«Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси»;

2514-«Бошқа харажатлар».

Ой давомида харажатлар 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти дебетида ҳисобга олинади, ой охирида ушбу харажатлар маҳсулот турлари ўртасида, шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш ва товар маҳсулоти қолдиғи ўртасида тақсимланади. Шунинг учун 2510-счёт сальдога эга эмас.

Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счёт бўйича корреспонденция (2500)

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Умумишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш	2510	0220-0299

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
2	Умумишлаб чиқариш хусусиятидаги номоддий активлар бўйича эскиришни ҳисоблаш	2510	0510-0590
3	Умумишлаб чиқариш мақсадларида материалларни сарф қилиш	2510	1010-1090
4	Умумишлаб чиқаришга ўтказиладиган хизмат сафари харажатларини акс эттириш	2510	4220
5	Умумишлаб чиқариш бўйича етказиб берувчиларнинг хизматлари (қувват, сув, газ, алоқа ва ҳ.к.)	2510	6010
6	Давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни умумишлаб чиқариш харажатларига ўтказиш	2510	6520
7	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар иш ҳақи бўйича харажатларни ҳисоблаш	2510	6710
8	Умумишлаб чиқаришга ўтказиладиган ижара ҳақини ҳисоблаш	2510	6910

Ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига қараб умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг турли усуллари қўлланилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

— ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақига мутаносиб равишда;

— тақсимлаш бўйича харажатларга мутаносиб равишда;

— ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига мутаносиб равишда;

— бевосита харажатларга мутаносиб равишда ва ҳ.к.

Умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақига мутаносиб равишда тақсимлашга мисол келтирамиз.

Буюмлар	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи	Тақсимлаш коэффициенти	Умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий суммаси
А	120 000	0,8	96 000

Буюмлар	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи	Тақсимлаш коэффициенти	Умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий суммаси
Б	180 000	0,8	144 000
В	100 000	0,8	80 000
	400 000	0,8	320 000

Ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади: аввал барча буюмлар бўйича бир ой учун ҳақиқатда ҳисобланган ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи суммасига нисбатан харажатлар коэффициенти белгиланади (320 000 : 400 000 = 0,8). Сўнгра ушбу коэффициентга ва ҳар бир буюм бўйича ҳисобланган иш ҳақи суммасига мувофиқ аниқ буюмга тўғри келадиган умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси белгиланади:

А буюми (120 000 × 0,8) = 96 минг сўм;

Б буюми (180 000 × 0,8) = 144 минг сўм;

В буюми (100 000 × 0,8)= 80 минг сўм.

Ушбу харажатлар тақсимлангач, улар асосий ишлаб чиқаришга қуйидаги ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Ёрдамчи ишлаб чиқариш таннархига харажатларни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

Кредит 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва таннархни калькуляция қилмайдиган корхоналарда ушбу харажатлар бевосита 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олиниши мумкин.

13.5. Маҳсулот яроқсизлиги ва туриб қолишдан йўқотишлар ҳисоби

Ўз сифати бўйича белгиланган стандартлар ва техник шартлар талабларига жавоб бермайдиган, белгиланган вазифаси бўйича фойдаланиб бўлмайдиган ёки тузатишлар киритилгандан кейингина ишлатиш мумкин бўлган буюм-

лар, ярим тайёр маҳсулотлар, деталлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқаришдаги *яроқсизлик* деб ҳисобланади.

Айрим ишлаб чиқаришларда яроқсизлик режалаштирилиши мумкин, чунки у ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари билан боғлиқ (масалан, тўқимачиликда, ойна ишлаб чиқаришда).

Бузилишларнинг тавсифидан келиб чиқиб яроқсизлик тузатиладиган (қисман) ва тузатилмайдиган (умуман) бўлади. *Тузатиладиган яроқсизликка* тузатишга қўшимча сарфлардан кейин ўз мақсадида ишлатиб бўладиган маҳсулотлар киради. Тузатилиши техник жиҳатдан мумкин бўлмаган ёки иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлмаган маҳсулот *тузатилмайдиган яроқсизлик* ҳисобланади.

Аниқланиш жойига қараб яроқсизлик ички, яъни ишлаб чиқарувчи корхонада аниқланган ва ташқи — харидор томонидан маҳсулотга ишлов бериш, йиғиш, монтаж қилиш ёки ишлатиш пайтида аниқланганга ажратилади.

Корхонада аниқланган яроқсизлик ҳолати яроқсизлик бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади ва унда яроқсиз деб тан олинган маҳсулот номи, унинг миқдори, пайдо бўлиш сабаблари ва айбдор шахслар, шунингдек яроқсизлик таннархини моддалар бўйича калькуляциялаш учун зарур бўлган маълумотлар, уни қоплаш ва ундан йўқотишлар бўйича суммалар аниқланиши келтирилади.

Яроқсизликнинг бухгалтерия ҳисоби 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счётида юритилади. Ушбу счётнинг дебетида яроқсизликни аниқлаш бўйича харажатлар, тузатиб бўлмайдиган яроқсизликдан йўқотишлар акс эттирилади. 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счётининг кредитида яроқсизликдан йўқотишларни камайтиришга ўтказиладиган суммалар (эҳтимолий ишлатиш нархи бўйича яроқсиз деб тан олинган маҳсулот қиймати, яроқсизлик айбдорларидан ушлаб қолинадиган суммалар, сифатсиз материаллар етказиб берганлиги натижасида яроқсизлик юзага келганлиги сабабли мол етказиб берувчилардан ундириладиган суммалар ва ҳоказолар), шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларига яроқсизликдан йўқотишлар тарзида ҳисобдан чиқариладиган суммалар акс эттирилади.

Яроқсизликнинг бухгалтерия ҳисоби ва йўқотишларни қоплаш қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Дебет 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»
Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»;

Кредит 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» — яроқсизлик тўғрисидаги далолатнома бўйича якуний яроқсизлик суммасига;

Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — яроқсизликни тузатиш учун ишчиларнинг иш ҳақи суммасига;

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» — ижтимоий суғурта бўйича ажратмалар суммасига;

Кредит 1010-1090-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» — яроқсизликни тузатишга сарфланган материаллар суммасига ва бошқалар.

Яроқсизликдан йўқотишларни камайтиришга ўтказиладиган суммалар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Дебет 1010-1090-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» — яроқсиз маҳсулотлардан моддий бойликларнинг эҳтимолий ишлатиш нархлари бўйича кирим қилиниши;

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» — яроқсизликдан юзага келган йўқотишларни ҳисобдан чиқариш ҳамда уларни асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари таннархига киритиш;

Дебет 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар», 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» — яроқсизликдан йўқотишларни моддий зарар етказишда айбдор бўлган ходимлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилган суммага;

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — яроқсиз маҳсулотни эҳтимолий сотилиш нархи бўйича кирим қилиниши

Кредит 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар».

2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счётининг дебет ва кредит айланмалари бўйича фарқ яроқсизликдан олинган якуний йўқотишлар ҳисобланади, улар ҳисобот йилининг охирида 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебети бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Олтита костюмнинг яроқсизлиги аниқланди, битта костюмнинг таннархи 18 минг сўм, жами костюмларнинг таннархи 108 минг сўмни ташкил этади (18 минг сўм × 6 та костюм), эҳтимолий ишлатиш нархи бўйича 24 минг сўмлик материаллар кирим қилинди, яроқсизликда айбдор бўлган ходимларнинг иш ҳақидан 50 минг сўм ушлаб қолинди. Яроқсизликдан якуний йўқотишлар 34 минг сўмни ташкил этди (108 − 24 − 50). Ушбу операциялар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади:

Дебет 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» — 108 минг сўм

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 108 минг сўм

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» — 24 минг сўм

Кредит 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» — 24 минг сўм

Дебет 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» — 50 минг сўм

Кредит 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» — 50 минг сўм

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 34 минг сўм

Кредит 2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» — 34 минг сўм.

Ишлаб чиқаришнинг режалаштирилмаган тўхтатилиши муносабати билан механизмлар ва ишчи кучларининг мажбурий тарзда фаолият кўрсатмаслиги тўхтаб қолишлар деб аталади. Вужудга келиш сабаблари бўйича ички ва ташқи тўхтаб қолишлар ажратилади. *Ташқи сабаблар бўйича тўхтаб қолишларга* ўз вақтида материаллар, қувват, ёқилғи ва бошқалар билан таъминланмаганлиги сабабли юзага келадиган тўхтаб қолишлар киради. Бундай тўхтаб қолишлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади ва унда тўхтаб қолиш сабаблари, давом этган вақти, тўхтаб қолишдан йўқотишлар суммаси ва бошқалар қайд этилади. *Ички сабаблар бўйича тўхтаб қолишлар* варақчалар ёки тўхтаб қолиш тўғрисидаги далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Ички ишлаб чиқариш сабаблари бўйича тўхтаб қолишлардан юзага келган йўқотишлар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебети ва материаллар, иш ҳақи, иж-

тимоий суғурта ажратмаларини ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади. Бошқа турли сабаблар бўйича юзага келган йўқотишлар 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети ва материаллар, иш ҳақи, ижтимоий суғурта ажратмаларини ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади.

13.6. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва баҳолаш

Ишлов беришнинг барча босқичларидан ўтмаган ва техник назорат бўлими томонидан қабул қилинмаган маҳсулот, шунингдек буюртмачи томонидан қабул қилинмаган тугалланмаган ишлар тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни тўғри баҳолаш учун ишлов беришнинг барча босқичларида деталлар ва бирикмалар қолдиғи ҳаракатининг тезкор миқдорий ҳисобини юритиш, қолдиқлар мавжудлигини мунтазам равишда текшириш ва ҳар бир ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлаш лозим.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг бухгалтерия ҳисоби тезкор ҳисоб юритиш ва инвентарлаш маълумотларига асосан, деталлар ва бирикмалар бирлиги таннархи бўйича пул ифодасида юритилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ҳаракатининг тезкор миқдорий ҳисобини юритиш цехларнинг нозимлик бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади. Лекин, тугалланмаган ишлаб чиқаришга оид қолдиқ харажатлар тўғрисида аниқроқ маълумотларни фақат тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлаш йўли билан олиш мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича доимий тусдаги кейинги даврга ўтказиладиган қолдиқлар мавжуд бўлган ишлаб чиқаришларда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ўтказиладиган харажатларни аниқлаш учун, уларни ҳар ойда баҳолаш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи қуйидаги ҳисоб-китоб билан аниқланади: ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришга ой мобайни-

даги харажатлар қўшилади, ундан қайтарилган ва ҳисобдан чиқарилган суммалар, шунингдек ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш айириб ташланади. Шунинг учун ишлаб чиқаришда қолдиқларни тўғри аниқлаш ва уларни тўғри баҳолаш жуда муҳимдир. Қолдиқлар тўғрисида маълумотлардаги барча хатолар, сўзсиз, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи нотўғри акс эттирилишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш якка тартибли ва кам серияли хусусиятга эга бўлган корхоналарда ҳисоб буюртма усули бўйича юритилганда одатда тугалланмаган ишлаб чиқаришни алоҳида баҳолаш амалга оширилмайди. Унинг қиймати тугалланмаган буюртмалар бўйича харажатлар билан аниқланади.

Катта ҳажмдаги ва оммавий ишлаб чиқаришларда тугалланмаган ишлаб чиқаришни ойма-ой баҳолаш амалга оширилади. Баҳолашни амалга ошириш усулларининг фарқи қўлланилаётган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулига (ярим тайёр маҳсулотли ёки ярим тайёр маҳсулотсиз) боғлиқ бўлади.

Ярим тайёр маҳсулотли варианти ярим тайёр махсулотлар таннархи ҳисобланиши ва у бухгалтерия ҳисобида қўшимча равишда киритилган «Ўз ишлаб чиқаришидаги ярим тайёр маҳсулотлар» моддаси бўйича акс эттирилишини кўзда тутади. Бунда деталлар ва бирикмалар улар жойлаштирилган цехлар харажатлари бўйича баҳоланади, бошқа цехлар харажатлари эса «Ўз ишлаб чиқаришидаги ярим тайёр маҳсулотлар» моддаси бўйича акс эттирилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ярим тайёр маҳсулотсиз варианти бўйича баҳолашда умуман корхона бўйича товар тарзида чиқарилган маҳсулот таннархида цех харажатлари улушини аниқлаш мумкин, лекин ушбу цехда ишлаб чиқарилган буюмларнинг цех бўйича таннархини аниқлаб бўлмайди.

Ушбу цех бўйича маҳсулотнинг цех таннархини аниқлаш учун фақат ушбу цех харажатлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини баҳолаш лозим. Бу мақсадда тугалланмаган ишлаб чиқариш баҳоланади ва «ўз цех харажатлари бўйича», яъни биринчи бор юзага келадиган цех харажатлари деб кўрсатилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш учун асосий мезон бўлиб бевосита харажатлар суммасини аниқлаш

ҳисобланади. Бевосита харажатлар (материаллар ва асосий иш ҳақи) ҳар бир калькуляция объекти (буюм, деталь ва ҳоказолар) бўйича амалдаги меъёрларга асосан ҳисобланади. Қолган харажатлар эса бевосита харажатлар суммасига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни соддалаштирилган усули ҳам қўлланилади, яъни: иш ҳақи суммаси операциялар бўйича ҳисобланмасдан ўртача кўрсаткич — тугалланмаган буюм жойланган цех бўйича тўлиқ тўловнинг 50%и олинади, олдинги цехлар бўйича эса — тўлиқ тўланган сумма олинади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлашни цех бўйича инвентарлаш комиссиялари амалга оширади ва унинг таркиби нозимлик бўлими, бухгалтерия ходимлари ва цех усталаридан иборат бўлади. Инвентарлаш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, деталлар, бирикмалар ва ишлов бериш босқич (операция)лари бўйича акс эттирилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентарлаш далолатномаси яроқли деталлар, бирикмалар ва бошқалар учун тузилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентарлаш далолатномалари бухгалтериянинг ишлаб чиқариш гуруҳига берилади. Бу ерда уларга ишлов берилади, яъни фарқлар бўйича (аниқланган тақдирда) солиштирма қайдномалари тузилади, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қолдиқлари баҳоланади, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича аниқланган ортиқча ва камомадлар ҳисоб регистрларида тегишли ёзувлар билан тартибга солинади. Амалиётда ушбу ҳисоб-китоблар гуруҳлар ёки буюмлар турлари бўйича калькуляция қайдномалари ёки ишлаб чиқаришнинг таҳлилий ҳисоб қайдномаларида амалга оширилади.

Яроқсизликдан йўқотишлар, махсус асбоблар эскириш қиймати тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди. Қайд этилган харажатлар фақат тайёр маҳсулот чиқарилишига ўтказилади. Яроқсизликдан йўқотишлар муайян ой охирида тайёр бўлмаган буюртмага ўтказилган тақдирда, улар тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига киритилади.

13.7. Келгуси давр харажатлари ҳисоби

Келгуси давр харажатларига мазкур ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин келгуси ҳисобот даврларига ўтказиладиган харажатлар киритилади, чунки улар бўйича даромадлар олиниши келгусида кутилади. Буларга даврий нашрлар ва адабиётларга обуна бўлиш учун олдиндан тўланган йиллик сумма, бир неча ойларга олдиндан тўланган ижара ҳақлари ва бошқа харажатлар, мол-мулкни йиллик суғурталаш тўловлари.

Харажатларни амалга ошириш пайтида материаллар, меҳнат ва пул маблағлари счётларининг кредитидан ушбу харажатлар суммасининг узоқ муддатли қисми 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётида, жорий қисми эса 3100-«Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлари»да дебетланади. Ҳисобот даврлари етиб келиши билан уларга тааллуқли бўлган харажатлар тақсимланиши (ҳисобдан чиқарилиши) лозим.

Ижара тўлови, телефон учун тўловлар, асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ва бошқа харажатлар бир маромда тенг улушлар билан тегишли ҳисобот даврларида ҳисобдан чиқарилади (2010, 2510, 2310, 9400-счётларнинг дебетига, 3100-счётнинг кредитига).

Мисол. Ой бошида цех биноси учун 720 минг сўм бир йилга ижара тўлови олдиндан амалга оширилди, бу қуйидаги ўтказма билан акс эттирилди:

Дебет 3110-«Олдиндан тўланган ижара ҳақи» — 720 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 720 минг сўм.

Ойнинг охирида олдиндан тўланган ижара ҳақининг бир қисми жорий харажатларга ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» — 60 минг сўм

Кредит 3110-«Олдиндан тўланган ижара ҳақи» — 60 минг сўм.

Мисол. Ноябрь ойида «Иқтисодий ахборотнома» журналига уч йилга обуна бўлиш учун 108 минг сўм олдиндан тўлов ўтказилган. Маблағлар ўтказилиши пайтида ушбу операция қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» — 72 минг сўм (108 : 3 × 2 = 72 сўм);

Дебет 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» жорий қисмига» — 36 минг сўм (108 : 3 = 36);

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 108 минг сўм.

Ҳар ойда ушбу журнал олиниши билан кейинги йилнинг январь ойидан бошлаб тегишли сумма 3190-счётдан давр харажатларига ҳисобдан чиқарилиши лозим:

Дебет 9420-«Маъмурий харажатлар» — 3 минг сўм

Кредит 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» — 3 минг сўм.

Биринчи йил тугаганидан кейин, кейинги йил харажатларига ўтказиладиган сумма узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилиши лозим:

Дебет 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» — 36 минг сўм

Кредит 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» — 36 минг сўм.

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш имкониятини беради, ҳисобот даврлари бўйича унинг асоссиз ўзгаришининг олдини олади, корхонанинг молиявий фаолияти натижаларини тўғри аниқлаш имкониятини яратади. Келгуси давр харажатларининг қопланмаган қисми балансда алоҳида банд билан акс эттирилади.

14-боб. ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

Давр харажатлари — харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга биноан жорий этилган корхонанинг харажатлар ҳисоби тизимидаги кўрсаткич. Давр харажатлари тоифасига бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, яъни бошқарув, тижорат харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги бошқа харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари киради. Ушбу харажатлар корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан боғланмагани, лекин маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш бўйича асосий

фаолияти билан боғлангани учун улар *операцион харажатлар*, шунингдек *умумий* ва *маъмурий харажатлар* деб ҳам аталади. Улар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ёки товарлар ҳажмига боғлиқ эмас, аксинча хўжалик фаолиятининг давомийлик вақти билан кўпроқ боғлиқдир. Ушбу харажатлар улар пайдо бўлган ҳисобот даврида йиғилади ва ҳисобдан чиқарилади.

Давр харажатларига қуйидаги харажат моддалари киради:

— маҳсулотни сотиш харажатлари;

— маъмурий (бошқарув) харажатлар;

— бошқа операцион харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини ривожлантириш харажатлари;

— ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари.

14.1. Сотиш харажатлари ҳисоби

Сотиш харажатларига қуйидагилар киради:

— товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киритилади;

— савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг сотиш бўйича харажатлари, шу жумладан:

маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, бунга маъмурий-бошқарув аппарати ходимларига ҳақ тўлаш киритмайди;

иш ҳақига тааллуқли ижтимоий суғурта харажатлари;

савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва таъмирлаш харажатлари;

асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

газ, ёқилғи, электр қуввати харажатлари;

товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва ҳаражатларга ажратиш харажатлари;

савдо рекламаси харажатлари;

ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг йўқотилиши;

идишлар харажатлари;

мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш харажатлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси харажатлари;

вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (нокапитал тусдаги) харажатлар;

инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш (таъмирлаш, ювиш, тузатиш, дезинфекция қилиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бошқа харажатлар;

умумий овқатланиш ва савдо ходимларини тиббий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга тўланадиган ҳақ;

касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;

умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

— сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари (маркетинг, реклама харажатлари);

— юқорида қайд этилмаган сотишга доир бошқа харажатлар.

Маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9410-«Сотиш харажатлари» счётининг дебетида ҳисобга олинади, ҳисобот давринининг охирида эса ушбу счётнинг кредитидан 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

14.2. Маъмурий харажатлар ҳисоби

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради:

— бошқарув аппарати ходимларига тааллуқли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— бошқарув аппарати ходимларига тааллуқли ижтимоий суғуртага ажратмалар;

— енгил хизмат автотранспорти ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;

— хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари;

— бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

— телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; каналларни ижарага бериш; мобил, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш;

— шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш;

— маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш;

— маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек, эскириш (амортизация) харажатлари;

— юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқа харажатларга ажратмалар;

— ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари;

— бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар;

— вакиллик харажатлари;

— умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари;

— бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари;

— хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар;

— маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Бошқарув ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9420-«Маъмурий харажатлар» *счётининг дебетида* ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу счётнинг кредитидан 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

14.3. Бошқа операцион харажатлар ҳисоби

Бошқа операцион харажатларга қуйидагилар киради:

— кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно;

— лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек, объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланиш ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади;

— маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;

— аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;

— ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини сақлашдан кўрилган зарарлар;

— саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни таъкил этиш тадбирлари;

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)-ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари;

— компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;

бир марта бериладиган мукофотлар, йил давомидаги иш якунлари бўйича рағбатлантиришлар, узоқ муддат ишлаганлик учун рағбатлантириш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура билан тўловлар, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммаси, улар бўйича ҳисобланган ҳақ;

қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдорига-ча қўшимча ҳақ;

асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор бўлган аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

ходимларнинг (овқатланиши, йўлкираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўлланмалари, спорт секцияларида, тўгаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва ис-

теъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш;

— иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, шу жумладан:

қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар;

пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқарипи муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар;

ходимларга тўланадиган моддий ёрдам;

— соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан, барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) харажатлар;

— вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

— банк ва депозитарий хизматларига тўловлар;

— экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;

— амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;

— зарарлар, жарималар, пенялар, шу жумладан:

бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар;

моддий бойликларнинг, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган йўқотишлар ҳамда камомадлар;

ишлаб чиқариш захираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги зарарлар;

идишларга доир ишлар бўйича зарарлар;

суд харажатлари;

тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;

қонунчиликка мувофиқ даъво билдириш муддати ўтган ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;

ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича кўрилган зарарлар;

табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;

айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар;

хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқариш)дан кўрилган зарарлар;

хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан, маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар;

солиқ қонуни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар;

тўланган бошқа жарималар;

— ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш корхонаси учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нарх тафовутлари;

— гудвилл (фирма нархи)нинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича, белгиланган тартибда;

— янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари;

— ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-эксперимент ишлари олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва кўриклар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар;

— ижарага берилган асосий воситаларни таъминлаш харажатлари;

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, бошқарув ходимларининг, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайдиган бошқа ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

— бошқа харажатлар.

Бошқа операцион харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу счётнинг кредитидан 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

14.4. Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даврининг харажатлари ҳисоби

Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даврининг харажатлари улар юзага келган пайтда, жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайди, улар кейинги даврларда, солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсати билан белгиланган,

лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддат ичида чегирилиши лозим. Ушбу харажатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 146-моддасида келтирилган.

Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

— янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

— барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;

— ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Солиқ кодексига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ.

Шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар Солиқ кодексига мувофиқ умидсиз деб эътироф этилган қарздорликни ҳисобдан чиқарилаётганда, ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умидсиз қарздорлик миқдоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланади.

Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари ҳисобот даври мобайнида 9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» счётининг дебетида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу счётнинг кредитидан 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Шундай қилиб, ҳисобот даври давомида давр харажатлари 9440 ва 9910-счётларнинг дебетида акс эттирилади ва Солиқ кодексида назарда тутилган харажатлар моддалари бўйича гуруҳларга ажратилади. Харажатларни гуруҳларга ажратишни йил бошидан ўсиб борувчи якунлар билан назарда тутилган моддалар бўйича қатъий тартибда бажариш зарур, чунки харажатга киритилган айрим моддалар сўнгра, солиқ ҳисоботини тузаётганда солиқ солинадиган фойдага киритилади. Ушбу харажатларни модда-

лар бўйича тўғри гуруҳлаштириш ва ҳисобга олиш солиқ солинадиган фойда ҳисоб-китобининг кейинчалик тўғри бўлишини кафолатлайди.

9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» счёти транзит счёт ҳисобланади ва у бўйича қолдиқ қолмайди. Ҳисобот даври охирида ушбу счёт дебетида йиғилган харажатларнинг умумий суммаси 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Бухгалтерия ҳисобида давр харажатлари қуйидагича акс эттирилади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Маҳсулотни юклаб жўнатиш бўйича транспорт харажатлари	9410	6990
2	Четдан реклама ва маркетинг хизматлари	9410	6010
3	Савдо жараёнида фойдаланиладиган асосий воситалар эскириши	9410	0210-0299
4	Савдо жараёнида фойдаланиладиган номоддий активлар амортизацияси	9410	0510-0590
5	Бошқарув ходимларининг иш ҳақи бўйича харажатлар	9420	6710
6	Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларнинг эскириши	9420	0210-0290
7	Маъмурий бинонинг ижара ҳақи	9420	6910
8	Маъмурий эҳтиёжларга материаллар сарфи	9420	1010-1090
9	Транспорт ташкилотлари хизматлари	9420	6010
10	Хизмат сафари ва вакиллик харажатлари	9420	4220, 4230
11	Юридик шахсларнинг юқори ташкилотлари ва бирлашмаларини таъминлаб туриш бўйича ажратмалар	9420	6120
12	Банк ва аудитор хизматлари учун тўлов	9430	6990
13	Асосий ва бошқа активлар чиқиб кетишидан зарар	9430	9210, 9220

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
14	Айбдор шахсларни аниқлаб бўлмаган ҳоллардаги йўқотишлар ва камомадлар	9430	5910
15	Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисоблаш	9430	4910
16	Солиқ идоралари қарори бўйича жарима ҳисоблаш	9430	6410
17	Корхона балансида турувчи олий ўқув юрти таъминоти учун ажратмалар амалга оширилди	9430	6110
18	Қуйидаги жараёнларда фойдаланиладиган асосий воситалар эскирини ва номоддий активлар амортизацияси:	9440	0210-0290, 0510-0590
а)	буюмларининг янги турларини ишлаб чиқариш учун ишга тушириш ишларида		
б)	серияли ва оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришга хизмат кўрсатишда		
в)	қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишларида		
19	Ҳисобот даври охирида давр харажатларини ҳисобга олувчи счётни ёпиш	9910	9410-9440

14.5. Бошқа харажатлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатларидан ташқари корхонанинг харажатлар таркибига, шунингдек, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар, фойда солиғи бўйича харажатлар киритилади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат:

— банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари

бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар;

— *мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш* (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;

— чет эл валютаси билан операциялар бўйича манфий курс тафовутлари ва зарарлар;

— сарфланган (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;

— ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

— молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан, қимматли қоғозлар бўйича манфий дисконт.

Бундай харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9610-9690-молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида ҳисобга олинади, ҳисобот давринининг охирида эса ушбу счётларнинг кредитидан 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

М и с о л. Корхонада қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттириладиган операциялар амалга оширилган:

— банкдан олинган кредит бўйича 200 минг сўм сумма*да фоиз ҳисобланди:*

Дебет 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» — 200 минг сўм

Кредит 6920-«Ҳисобланган фоизлар» — 200 минг сўм;

— қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар — 14 минг сўм қайд этилган:

Дебет 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 14 минг сўм

Кредит 5810-«Қимматли қоғозлар» — 14 минг сўм;

— валюта счётини қайта баҳолаш натижасида юзага келган 16 минг сўмлик манфий курс фарқи тан олинди:

Дебет 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» — 16 минг сўм

Кредит 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 16 минг сўм;

— ҳисобот давринининг охирида молиявий фаолият бўйича харажатлар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилган:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 230 минг сўм
Кредит 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» — 200 минг сўм
Кредит 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» — 14 минг сўм
Кредит 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» — 16 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида фавқулодда зарарлар алоҳида ҳисобга олиниши лозим. *Фавқулодда зарарлар* — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар *моддаларидир*. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

— одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи тавсифи — воқеа ёки битим юқори даражада одатдаги фаолиятдан четга чиқиш билан тавсифланиши ва аниқ ҳолда *корхонанинг* одатдаги хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тавсифга эга бўлиши лозим;

— камдан-кам вужудга келиши — воқеа ёки битим тавсифи шундай бўлиши керакки, кўзланган келажакда, яъни бир неча йил мобайнида улар такрорланишини кутиш мумкин эмас;

— мустақиллик — бўлиб ўтган воқеа ёки битим корхона жамоасининг ихтиёри ва ҳаракатидан ташқари содир этилган, яъни бошқарув ходимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмас.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда — иқлим *шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай* туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «камдан-кам вужудга келиш» мезонига жавоб бермайди.

Фавқулодда харажатлар туркумига қуйидаги ҳодисалар ва битимларни киритиб бўлмайди, зеро улар одатдаги бизнес таваккалчилигига мансубдир:

— дебиторлик қарзлари, товар-моддий қимматликлар ёки узоқ муддатли активларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;

— валюта курси фарқидан кўрилган зарарлар;

— маҳсулот ёки товарлар таннархидан паст нархларда сотилгандан кўрилган зарарлар ва бошқалар.

Халқаро амалиётда одатда фавқулодда зарарларга қуйидагилар киритилади:

— табиий офатлар ёки бахтсиз ҳодисалардан (масалан, зилзила, сув тошқини, ёнғинлар ва ҳоказо) кўрилган йирик йўқотишлар;

— сиёсий ўзгаришлар, яъни уруш, инқилоб ва бошқалар натижасида кўрилган йўқотишлар;

— қонунчилик ўзгариши муносабати билан кўриладиган йўқотишлар, масалан экспроприация қилиш, давлат тасарруфига ўтказиш, фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш ва бошқалар.

Молиявий ҳисоботда фавқулодда бандларни алоҳида ажратиб кўрсатишдан асосий мақсад ҳисобот даврида фаолият натижаларини янада ҳам холис акс эттириш, зеро улбу зарарлар корхона ходимларининг ҳаракатига боғлиқ эмас ва улар таъсир доирасидан ташқаридадир.

Фавқулодда зарарлар ҳисобот даври мобайнида 9720-«Фавқулоддаги зарарлар» счётининг дебетида жамланади. Ҳисобот давринининг охирида эса зарарлар суммасининг барчаси 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Яшин уриши натижасида тайёр маҳсулот омбори ёниб кетди ва қуйидагича зарар кўрилди: тайёр маҳсулот камомади — 1 532 минг сўм; асосий воситалар чиқиб кетишидан зарар — 1 138 минг сўм; инвентарь ва хўжалик ашёлари чиқиб кетишидан зарар — 30 минг сўм. Зарарлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади:

Дебет 9720-«Фавқулоддаги зарарлар» — 2 700 минг сўм

Кредит 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 1 532 минг сўм

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» — 1 138 минг сўм

Кредит 1080-«Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» — 30 минг сўм;

Ҳисобот давринининг охирида фавқулодда зарарлар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 9910-«*Якуний молиявий натижа*» — 2 700 минг сўм

Кредит 9720-«Фавқулоддаги зарарлар» — 2 700 минг сўм.

Харажатларнинг яна бир тури бу фойда солиғи бўйича харажатдир. Ушбу харажатларнинг ҳисоби 9800-«Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳида олиб борилади ва улар қуйидагилардан иборат:

ҳисобот даври мобайнида фойда солиғи бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» счёти;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, савдо корхоналари учун ялпи даромад солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ҳисобланишини ҳисобга олиш учун мўлжалланган 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар» счёти.

Ушбу счётларнинг дебетида ҳисобот даври мобайнида юқорида қайд этилган солиқлар ҳисобланиши акс эттирилади.

Солиқларни ҳисоблаш қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»

Дебет 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)».

Ҳисобот давринининг охирида ҳисобланган солиқларнинг тўлиқ суммаси қуйидаги ўтказмалар билан якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа»

Кредит 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»

Кредит 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар».

Солиқ солиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадларида фойдани ҳисоблаш бўйича турли қоидалар мавжуд бўлганлиги сабабли фойда кўрсаткичлари аҳамиятли фарқ қилиши мумкин. Солиқ солиш мақсадида ҳисоб-китоб қилинган солиқ солинадиган фойда солиқ фойдаси деб аталади. Молиявий ҳисоботда акс эттириладиган ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига асосан ҳисобланган фойда бухгалтерия фойдаси деб аталади. Бу ҳолатларда вақтлар бўйича фарқлар деб аталадиган ва кейинчалик қопланадиган фарқлар вужудга келади. Вақтлар бўйича фарқлар мисоли тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: ҳисобга олиш мақсадида амортизациянинг жадаллаштирилган усули, солиқ солиш мақсадида эса — бир маромли ҳисоблаш усули қўлланилади; ҳисобга олиш мақсадида бўнак тарзида тўланган ижара ҳақи олдиндан тўланган харажатлар деб ҳисобга олинади, солиқ солиш мақсадида эса у харажатларга киритилади; ҳисобга олиш мақсадида обуна бўйича олинган даромадлар муддати кечиктирилган даромадлар деб ҳисобланади, солиқ солиш мақсадида эса улар бутунлай солиқ солинадиган базага киритилади ва ҳоказо. Бухгалтерия фойдасидан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ суммаси солиқлар бўйича харажатлар деб аталади ва 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» счётининг дебети бўйича акс эттирилади, солиқ фойдаси бўйича ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тўланадиган солиқ деб аталади ва 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счётининг кредити бўйича акс эттирилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда солиқ бўйича сарф-харажат миқдори акс эттирилади, фойда солиғи бўйича маълумотномада эса, солиқ тўлаш бўйича жорий йил мажбуриятини ифодалайдиган ва баланс пассивида акс эттириладиган, тўланиши лозим бўлган солиқ қайд этилади. Ушбу икки сумма ўртасидаги фарқ муддати кечиктирилган фойда солиғи деб тушунилади ва 0950 (3210)-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебети бўйича акс эттирилади ёки бўлмаса қолдирилган солиқ деб тушунилади ва 7250 (6250)-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётида акс

эттирилади. Ушбу ўзаро боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Солиқлар бўйича харажатлар} = \text{Тўланадиган солиқ} \pm \text{Кечиктирилган солиқ.}$$

Бухгалтерия фойдаси солиқ фойдасидан кўп бўлса, яъни мос равишда солиқ бўйича сарф-харажатлар тўланадиган солиқдан кўп бўлган тақдирда, кечиктирилган солиқ кечиктирилган солиқ бўйича мажбурият тарзида, кам бўлган тақдирда эса — кечиктирилган солиқ бўйича актив сифатида акс эттирилади.

Мисол. Жорий йилда енгил автомобилни амортизацияси бўйича харажатлар ҳисоб мақсадида 2 000 минг сўмни, солиқ солиш мақсадида эса — 1 000 минг сўмни ташкил этди. Солиқ солингунга қадар фойда 30 000 минг сўм, фойда солиғи бўйича ставка — 20%.

Фойда солиғи бўйича харажатларни аниқлаймиз:

30 000 × 20% = 6 000 минг сўм.

Тўланадиган солиқ:

(30 000 + 2 000 − 1 000) × 20% = 6 200 минг сўмни ташкил этади.

Солиқ бўйича ўтказмани тузамиз:

Дебет 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» — 6 000 минг сўм

Дебет 0950-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» — 200 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 6 200 минг сўм.

Кейинчалик ушбу фарқ қуйидагича бартараф қилинади:

— фарқни жорий қисмга ўтказилишини акс эттириш:

Дебет 3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» — 200 минг сўм

Кредит 0950-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» — 200 минг сўм;

— вақтинчалик фарқнинг ҳисобдан чиқарилиши:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 200 минг сўм

Кредит 3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» — 200 минг сўм.

Мисол. Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида амортизация ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланди ва 100 минг сўмни ташкил этди, солиқ солиш мақсадида эса — бир маромли усул билан ҳисобланди ва 180 минг сўмни ташкил этди деб фараз қилайлик. Солиқ солингунга қадар фойда 1 200 минг сўм. Солиқ ставкаси 20%.

Солиқ бўйича харажатларни аниқлаймиз:

1 200 минг сўм × 20% = 240 минг сўм.

Тўланадиган солиқ қуйидагича:

(1 200 + 100 — 180) × 20% = 224 минг сўм.

Бухгалтерия ўтказмаларини берамиз:

Дебет 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» — 240 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 224 минг сўм

Кредит 7250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» — 16 минг сўм.

Келгуси ҳисобот даврларида ушбу фарқ қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

— фарқ жорий қисмга ўтказилишининг акс эттирилиши:

Дебет 7250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» — 16 минг сўм

Кредит 6250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» — 16 минг сўм;

— вақтинчалик фарқнинг ҳисобдан чиқарилиши:

Дебет 6250-«Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» — 16 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 16 минг сўм.

14.6. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деганда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини белгилашни ва маҳсулот таннархини шакллантириш жараёни устидан назорат қилиш учун зарур ахборотни таъмин-

лайдиган, ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобда акс эттириш усуллари мажмуи тушунилади.

Маҳсулот тури, унинг мураккаблиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тури ва хусусиятига боғлиқ ҳолда саноат корхонасида маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг қуйидаги асосий усуллари қўлланилади: оддий (бир бўлимли), босқичли, буюртма, меъёрий.

Оддий усул. Саноатнинг қазиб олувчи тармоқлари, электростанциялар, кимё ва қурилиш материаллари тармоқларининг баъзи ишлаб чиқаришлари қўлланилади. Ушбу корхоналар ишлаб чиқаришнинг оммавий тусдалиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир ёки бир неча турлари, технология жараёнининг қисқа даврийлиги ва кўпчилик ҳолларда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг йўқлиги билан тавсифланади.

Ушбу усул бўйича харажатларни ҳисобга олиш объекти бўлиб ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади, у бир қатор ҳолларда босқичларга бўлинади. Шу муносабат билан моддалар номенклатурасига ҳам ўзгартишлар киритилади, унда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади: барча харажатлар одатда бевосита бўлгани сабабли уларни иқтисодий элементлар бўйича акс эттириш имконияти мавжуд.

Оддий усулда таннархни калькуляция қилиш:

Маҳсулот турлари	Бир ойда чиқарилган маҳсулотлар сони	Маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи, сўм	Ҳақиқатда ишлаб чиқаришга режадаги харажатлар, сўм	Тақсимлаш коэффициенти	Ҳақиқий харажатлар, сўм	Маҳсулот бирлиги учун харажатлар, сўм
А маҳсулоти	100	1 500	150 000	1,244	186 600	1 866,0
Б маҳсулоти	300	450	135 000	1,244	167 940	559,8
В маҳсулоти	800	2 260	1 808 000	1,244	2 249 160	2 811,5
			2 093 000	1,244	2 603 700	

Келтирилган ҳисоб-китобда аввало коэффициент аниқланади, у ҳақиқий харажатлар умумий суммасининг режадаги харажатлар умумий суммасига нисбати сифатида ҳисобланади: 2 603 700 : 2 093 000 = 1,244

Сўнгра, ишлаб чиқаришга ҳақиқий харажатларнинг умумий суммаси (2 603 700 сўм) уларнинг режадаги харажатлар суммасидаги ҳиссасига мувофиқ равишда А, Б, В маҳсулотлари ўртасида тақсимланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таннархи белгиланади.

А маҳсулоти бўйича ҳисоб-китоб қуйидагича кўриниш олади:

150 000 × 1,244 = 186 600 сўм;

Б маҳсулоти бўйича:

135 000 × 1,244 = 167 940 сўм;

В маҳсулоти бўйича:

1 808 000 × 1,244 = 2 249 160 сўм.

Босқичли усул пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир қатор технологик жиҳатдан узлуксиз босқичларидан ўтадиган бирламчи хом ашёни изчил қайта ишлаш йўли билан олинадиган ишлаб чиқаришлар учун хос — бу ҳолат қора ва рангли металлургия, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда мавжуд. Айрим цехлар ва бўлимлар ичида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг ярим тайёр маҳсулотлар вариантини қўллаш ушбу усулнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Босқичли усулда маълум бир цех ёки бўлимнинг маҳсулоти таннархини калькуляция қилишнинг ярим тайёр маҳсулотсиз варианти қўлланиши мумкин.

Тайёр маҳсулот таннархи асосий материаллар таннархига бир қатор изчил босқичларда уларга ишлов бериш таннархларини аста-секин жамлаш йўли билан белгиланади. Ҳисоб босқичли усул бўйича ташкил этиладиган ишлаб чиқаришлар кўп материал талаб қилади, шунинг учун моддий харажатлар ҳисоби ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида материаллардан фойдаланиш устидан назоратни таъминлашини эътиборга олиб ташкил этилади. Бир бўлимда олинган ярим тайёр маҳсулотлар кейинги бўлимда бирламчи материал бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан уларни баҳолаш ва қиймат ифодасида кейинги бўлимга топшириш зарурияти юзага келади.

Ярим тайёр маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида бошқа корхоналарга сотилиши мумкинлиги сабабли уларни баҳолаш зарурдир. Уларни бир бўлимдан бошқа бўлимга топширишда ярим тайёр маҳсулотни баҳолаш ҳақиқий таннарх бўйича амалга оширилади.

Бўлим бўйича харажатларнинг мазкур бўлимда ишлов берии якунланган ва ишлаб чиқарилиши тугалланмаган маҳсулотлар ўртасида уларга ишлов бериш жараёнида хом ашё ёки ярим фабрикатлар тавсифининг табиий кўрсаткичларига мутаносиб равишда тақсимланиши ушбу усулга хос хусусият ҳисобланади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг *буюртма усули* ишлаб чиқариш ҳисобининг энг оддий усулларидан биридир. У асосан якка тартибда ва кичик ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилади. Якка нусхалар, майда туркумдаги маҳсулотлар, таъмирлаш, монтаж қилиш ва синов ишлари, фуқароларнинг кийим ёки пойабзални якка тартибда тикиш учун буюртмалари ва ҳоказолар ушбу усулда калькуляция қилиш объектлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари таҳлилий ҳисобда буюртмалар бўйича қатъий тарзда ҳисобга олиниши ушбу усулнинг фарқловчи хусусиятидир. Ҳар бир буюртма доирасида харажатлар белгиланган калькуляция моддалари бўйича гуруҳланади. Ҳар бир буюртмага харажатлар таҳлилий ҳисоби варақаси юритилади, унда маҳсулотнинг номи ва тури, маҳсулотлар сони, буюртмачининг номи, буюртманинг тугаш муддати, режадаги таннарх, нархи кўрсатилади. Барча бирламчи ҳужжатлар буюртма кодини албатта кўрсатган ҳолда тузилади.

Оддийлик ва калькуляция қилиш объектлари бўйича харажатларни гуруҳлаш учун қулайлик буюртма усулининг афзал жиҳати ҳисобланади. Бироқ у бир қатор жиддий камчиликларга эга: ушбу усулда калькуляция вақти-вақти билан (ҳар ойда) эмас, балки алоҳида буюртмалар якунланишига қараб тузилади, шу сабабли ҳисобот даври учун ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини аниқлаб бўлмайди.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг *меъёрий усули* қуйидаги тамойилларга риоя қилинишини тақозо этади:

— корхонада амал қилаётган меъёрлар асосида ҳар бир маҳсулот тури бўйича олдиндан меъёрий таннарх калькуляциясини тузиш;

— меъёрий таннархни тузатиш, ана шу ўзгаришларнинг маҳсулот таннархига таъсирини белгилаш учун ой мобайнида ўзгаришлар ҳисобини юритиш;

— сабаблари ва айбдорларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган меъёрлардан тафовутларни мунтазам аниқлаб бориш;

— маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини унинг меъёрий таннархи, тафовутлар ва меъёр ўзгаришларини алгебраик йиғинди сифатида аниқлаш.

Ҳисоблашнинг меъёрий усулида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ой бошидаги меъёрий таннарх билан жорий харажатлар меъёри тафовути ва меъёрларнинг ўзгариши йиғиндиси орқали қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$Ҳт = Мтн \pm Мт \pm Мў,$$

бу ерда Ҳт — ҳақиқий таннарх; Мтн — меъёрий таннарх; Мт — меъёрлардаги тафовутлар; Мў — меъёрлар ўзгариши.

Меъёрий усул ҳисоб маълумотларидан таннархнинг пасайиши резервларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш учун самарали фойдаланиш имконини берадиган илғор усул ҳисобланади. Меъёрий усул, одатда, кўп миқдордаги деталь ва бирикмалардан иборат хилмахил ва мураккаб маҳсулотни оммавий ва туркумли ишлаб чиқаришда, ишлов берувчи саноат корхоналарида (машинасозлик, металлга ишлов бериш, тикувчилик, пойабзал, трикотаж, мебелсозлик тармоқлари ва ҳ.к.) қўлланилади.

15-боб. ТАЙЁР МАҲСУЛОТ, ТОВАРЛАР ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

15.1. Тайёр маҳсулот ва уни баҳолаш

Тайёр маҳсулот — корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулотидир.

Технологик ишлов беришнинг барча босқичларидан ўтган, тасдиқланган стандартлар ва техник шартларга мувофиқ келадиган (унинг сифатини тасдиқлайдиган сертификат ёки бошқа ҳужжат билан таъминланган), техник назорат бўлими қабул қилган ва омборга топширилган ёки

харидорга юклаб жўнатилган маҳсулот тайёр маҳсулот деб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот айланма маблағлари таркибига киради ва шунинг учун «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан у балансда ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, қувват, меҳнат ресурслари ва уни ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига оладиган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс эттирилиши керак.

Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини фақат ҳисобот даври (ой) тугаши билан ҳисоблаш мумкин. Маҳсулотнинг ҳаракати (ишлаб чиқариш, юклаб жўнатиш, сотиш) эса ҳар куни юз беради, шунинг учун жорий ҳисоб учун маҳсулотнинг шартли баҳоси зарур.

Тайёр маҳсулот ҳаракатининг жорий, кундалик ҳисоби ҳисоб нархларида режадаги ишлаб чиқариш таннархи ёки шартномавий нархлар бўйича юритилади.

Ой охирида тафовут аниқланади ва ҳисоб нархи ҳақиқий таннархгача етказилади.

Жорий ҳисобда тайёр маҳсулотни баҳолаш 4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар»га биноан FIFO ёки ўртача тортилган қиймат (AVECO) усулларидан бирига кўра амалга оширилиши мумкин. Ушбу усулларнинг моҳияти 9-боб «Моддий бойликлар, фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби»да кўриб чиқилган.

15.2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг омборга келиб тушиши ҳисоби

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар цехдан тайёр маҳсулотлар омборига топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга топшириш қабул қилиш-топшириш юкхатлари билан расмийлаштирилади, уларда қуйидаги кўрсаткичлар ўрин олади: маҳсулотни қабул қилган омборнинг рақами (коди), маҳсулотнинг номи, унинг миқдори, ўлчов бирлиги, нархи ва суммаси. Бажарилган ишлар ва хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Омборда тайёр маҳсулот омбор ҳисоб варақа (карточка)ларида натура кўринишда, материаллар ҳисоби сингари ҳисобга олинади. Уларда ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжати бўйича маълумотлар ёзилади; ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ чиқарилади. Топшириш юкхатлари асосида маҳсулот чиқариш қайдномалари тузилади, бунда тайёр маҳсулот қайдномаларда икки хил: ҳисоб нархларида ва ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотнинг жамлама ҳисоби 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида юритилади.

Мисол. Ҳисобот даври мобайнида омборга ҳисоб нархлари бўйича 80 минг сўмлик тайёр маҳсулот келиб тушди. Ой охирида унинг ҳақиқий таннархи 75 минг сўм эканлиги аниқланди.

Келиб тушган маҳсулотга ҳисоб нархлари бўйича қуйидаги ўтказма берилади:

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 80 минг сўм

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 80 минг сўм.

Ҳисоб нархининг ҳақиқий таннархдан тафовути, агар ҳақиқий таннарх ҳисоб нархидан оз бўлса, «қизил сторно» усулида қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 5 минг сўм

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 5 минг сўм

Ҳақиқий таннарх ҳисоб нархидан ошиб кетса, фарқ қўшимча «қора» ёзув билан ўша ўтказма ёрдамида ёзилади.

Мисол. Айтайлик, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 90 минг сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даври давомида омборга тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши:

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 80 минг сўм

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 80 минг сўм.

Фарқ (10 минг сўм) қўшимча ёзув билан ёзилади:

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 10 минг сўм

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» — 10 минг сўм.

15.3. Тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ҳисоби

Тайёр маҳсулотни бериш ва уни корхона омборидан юклаб жўнатиш буйруқ — юкхат билан расмийлаштирилади, унга икки ҳужжат киритилган: омборга доир буйруқ ва бериш учун юкхат. Улар асосида ҳисобварақ-фактуралар ёзилади, уларда юклаб жўнатилган маҳсулот миқдори ва ушбу маҳсулот учун тегишли сумма кўрсатилади (29-намуна).

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига биноан ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ даромад ва харажатлар ҳақ тўлаш вақти ва пул келиб тушиш санасидан қатъи назар улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади.

Юклаб жўнатилган, берилган, лекин тўланмаган маҳсулотнинг ҳисоби 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счётида юритилади.

Сотиш пайтида тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархи харажатларини ҳисобга олувчи 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар», 2910-«Омбордаги товарлар» счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи», 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи», 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётларининг дебетида акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи», 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи», 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётлари 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади.

Ҳисоблаш усули билан харидорларга маҳсулот юклаб жўнатилган пайтда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

— сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига:

Дебет 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»
Кредит 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»;

— савдода юклаб жўнатилган товарларнинг ҳақиқий таннархига:

Дебет 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»

29-намуна

2008 йил 16 апрелдаги 1469-сон
товар юклаб жўнатиш ҳужжатлари (шартнома)га
2008 йил 16 апрелдаги 1469-1-сон
ҳисобварақ-фактура

Етказиб берувчи: *Найтов Нетворк ШК*
Манзил: *Тошкент ш., Нукус кўчаси, 89*
Телефон: *233-11-95*
Ҳис.-кит./счёти *20296000900457214001*
«Асака» банкининг ТШБда
Банк коди *00416*
Етказиб берувчининг идентификация рақами (СТИР) *201689419*
ХТУТ: *80400*

Харидор: *«Моҳир» ХФ*
Манзил: *Тошкент ш., Қатортол-71*
Телефон: *216-18-75*
Ҳис.-кит./счёти *20296000400118010001*
Чилонзор СҚБда
Банк коди *00445*
Харидорнинг идентификация рақами (СТИР) *224357739*
ХТУТ: *84400*

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бир.	Миқдори	Нархи	Етказиб берилаётган маҳсулот қиймати	Акциз солиғи		ҚҚС		Етказиб берилаётган маҳсулотнинг ҚҚС ва акциз солиғини ҳисобга олган ҳолдаги қиймати
					ставка, %	сумма	ставка, %	сумма	
Принтер HPLJ 1100	*дона*	*1*	*240 000*	*240 000*	*0*	*0*	*0*	*0*	

Жами тўланадиган сумма *Икки юз қирк минг сўм*

Директор *Феоктистов И.В.*

Бош бухгалтер *Юдина Г.*

Товарни берди _____
(етказиб берувчи номидан масъул шахс имзоси)

М.Ў.

Олди *Файзиев Т.*
(олувчининг Ф.И.Ш.)

2008 йил 15 апрелда берилган *2-сонли* ишончномага асосан *Файзиев Т.*
(олувчининг Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Кредит 2910-«Омбордаги товарлар»;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархига:

Дебет 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»

Кредит 2010-«Асосий ишлаб чиқариш».

Ҳисобот даврининг охирида сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи счётлар 9910-«Якуний молиявий натижа» счётига қуйидаги ўтказмалар билан ёпилади:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа»

Кредит 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»

Кредит 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»

Кредит 9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи».

Жорий ҳисобда юклаб жўнатилган тайёр маҳсулотлар ҳисоб (режадаги ёки жўнатиш) нархларида расмийлаштирилади, чунки юклаб жўнатиш пайтида унинг ҳақиқий таннархи номаълум бўлади. Ой охирида юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ва унинг ҳисоб нархлари билан фарқи аниқланади.

Мисол. Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш, минг сўм:

Кўрсаткичлар	Ҳисобдаги нарх	Ҳақиқий таннарх	Фарқ (+, −)
Ой бошидаги омбордаги тайёр маҳсулотнинг қолдиғи	200	208	+8
Ишлаб чиқаришдан ҳисобот ойи давомида қабул қилинган маҳсулот	800	772	−28
Жами	1 000	980	−20
Ҳақиқий таннархнинг ҳисобдаги нархга нисбати, %			
Бир ойда юклаб жўнатилган маҳсулот	900	882 = = (900 × 98 %)	−18
Ой охирига омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи	100	98	−2

Ой охирида фарқлар суммасига қуйидагича ўтказмалар берилади:

Дебет 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» — 18 минг сўм

Кредит 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 18 минг сўм

15.4. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиши ҳисоби

Сотиш жараёни икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, у маҳсулот бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатишнинг моддий-ашёвий жараёни, бошқа томондан эса маҳсулот, иш, хизматларга ҳақ тўлаш жараёнидир. Ушбу жараёнлар вақт бўйича мос тушмайди, улар амалга ошириладиган хўжалик операциялари хусусиятига кўра фарқланади.

Сотиш жараёнида корхона даромад олади, уни тўғри ўлчаш ва ўз вақтида ҳисобга олиш керак, чунки корхона бюджетга тўланиши зарур бўлган солиқларнинг миқдори ана шунга боғлиқ.

Маҳсулот (ишлар ва хизматлар) сотилишидан олинадиган даромадни ҳисобга олиш тартиби 2-сонли БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар» билан тартибга солинади, унга кўра қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан даромад олинган деб тан олинади:

— агар корхона харидорга товарларга эгалик қилишга доир хатарлар ва афзалликларнинг анчагина қисмини берса;

— корхона сотилган товарларга эгалик қилиш ва уларни назорат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмаса;

— даромад миқдори ишончлиликнинг юқори даражасида баҳоланганда;

— битим билан боғлиқ бўлган даромаднинг келиб тушиш эҳтимоли мавжуд бўлганда.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сотилишининг ҳисоби 9000-«Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳида олиб борилади. Ушбу счётлар гуруҳи тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сотилиши жараёни тўғрисидаги маълумотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар», 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётларининг кредитида асосий фаолиятдан олинган даромадлар пул маблағлари олинадиган счётлар ёки ўтган даврда олинган, лекин ҳисобот даврига тааллуқли бўлган даромадлар счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар», 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётлари 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади.

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) бўйича корреспонденция

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Юкланб жўнатилган маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари суммаси (ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда)	4010, 4020	9010, 9020, 9030
2	Нақд пулга маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш	5010, 5020	9010, 9020, 9030
3	Корхона ходимларига маҳсулот, товарлар сотишдан, ишлар бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан (шу жумладан махсус кийим)	4790	9010, 9020, 9030
4	Тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар, хизматлар билан дивидендлар тўланиши	6610	9010, 9020, 9030
5	Воситачилик операцияларидан комиссия мукофотлари суммаси	4010	9010
6	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига маҳсулот, товарлар сотишдан, ишлар бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан	4120	9010, 9020, 9030
7	Кечиктирилган даромадлар суммалари улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда сотиш ҳажмига киритилиши	6230	9010, 9020, 9030

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
8	Сотилган товарларнинг қайтиши	9040	4010
9	Сотишдан ва нархдан чегирмалар тақдим этиш	9050	4010
10	9040–«Сотилган товарларнинг қайтиши» счётининг ҳисобот даври охирида ёпилиши	9010, 9020	9040
11	9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётининг ҳисобот даври охирида ёпилиши	9010, 9020, 9030	9050
12	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ҳисобот даври охирида ёпилиши	9010, 9020, 9030	9910

Асосий воситалар (9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши») ва бошқа активларнинг (9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши») сотилишидан натижалар алоҳида счётларда аниқланади ва ҳисобга олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ўз маҳсулотлари сифатига турли хил кафолатларни берадилар, шунинг учун харидорни юклаб жўнатилган маҳсулот сифати қониқтирмаса, у олинган товарни қайтариш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда қайтарилган товар ёки маҳсулотнинг ҳисоби 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши» счётида олиб борилади. Бу счёт 9000-«Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳидаги счётларга нисбатан контрассив ҳисобланади ва даромадлар суммасини камайтиради.

Қайтарилган товар қиймати қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

— харидордан пул маблағлари олинган бўлса, унга ушбу пул маблағларини қайтаришда:

Дебет 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»;

— харидорлардан пул маблағлари олинмаган бўлса, уларнинг дебиторлик қарзини бекор қилиш суммасига:

Дебет 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

— ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи суммасига:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ёки 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

Қайтарилган маҳсулот ёки товарлар таннархи қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» ёки 2910-«Омбордаги товарлар»

Кредит 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи», 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи».

Ҳисобот давринининг охирида 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши» счёти қуйидаги тарзда ёпилади:

Дебет 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»

Кредит 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши».

Шартнома шартларига мувофиқ корхоналар харидорларга шартномада белгиланган муддатдан олдин тўлов учун чегирмалар ёки яроқсиз маҳсулот бўйича нархлардан чегирмалар, шунингдек катта ҳажмда товар сотиб олганлиги учун чегирмалар бериши мумкин. Бундай чегирмалар 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» махсус счётида ҳисобга олинади. Бу счёт 9000 гуруҳдаги даромадларни ҳисобга олувчи счётларга нисбатан контрпассив ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сотилишидан олинган суммани камайтиради.

Берилган чегирмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ёки 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Ҳисобот давринининг охирида 9050-«Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счёти қуйидаги тарзда ёпилади:

Дебет 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»

Кредит 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар».

Юклаб жўнатиш ва сотишнинг ҳисоби, 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 счётлари кредитидаги айланмаларни ва 9010, 9020, 9030 счётлари учун таҳлилий маълумотларни қайд этиш учун мўлжалланган 11-сонли журнал-ордерда счётларга ажратган ҳолда ва жамлама кўрсаткичлар бўйича олиб борилади. 11-сонли журнал-ордер 15 ва 16-сонли қайдномаларнинг таҳлилий маълумотларига асосан тўлдирилади. Шуни таъкидлаш лозимки, 9110 ва 9010-счётларга таҳлилий маълумотлар 11-сонли журнал-ордерда, нафақат ҳисобот ойи бўйича, балки йил бошидан, *ҳақиқий таннархи, ҳисоблаш нархлари, тақдим* этилган счётлар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлардаги суммалар бўйича келтирилади.

2-сонли БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар»га кўра оралиқ тўловлар ва харидорлардан олинган бўнаклар суммалари бўйича даромадлар тан олинмайди, шунинг учун харидор ҳисоб-китоб счётига маҳсулот учун олдиндан ҳақ ўтказса, у 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида акс эттирилади.

М и с о л. Корхона ўз маҳсулотини сотиш учун 300 минг сўмлик контракт тузди ва ҳақнинг 15%ини, яъни 45 минг сўмни олдиндан олди. Мазкур операция қуйидагича ёзув билан акс эттирилади:

— олдиндан олинган тўлов суммасига:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 45 минг сўм

Кредит 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» — 45 минг сўм;

— ҳисобварақ-фактура асосида товар юклаб жўнатилганидан кейин:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 300 минг сўм

Кредит 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» — 300 минг сўм;

— олдиндан олинган тўлов суммасига:

Дебет 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» — 45 минг сўм

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 45 минг сўм;

— ҳисоб-китоб счётига харидор томонидан унинг қолган қарзи ўтказилганда:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 255 минг сўм

Кредит 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 255 минг сўм.

15.5. Товарлар ҳисоби

Савдо корхоналарида товарларни қабул қилиш етказиб берувчилар илова ҳужжатларига мазкур савдо корхонасининг муҳри ва моддий жавобгар шахснинг имзоси қўйилиб, расмийлаштирилади.

Улгуржи савдода товарлар ҳисоби харид нархлари бўйича юритилади.

Мисол. Етказиб берувчилардан 20 минг сўмлик товар келиб тушди. Савдо устамаси — 20%, яъни 4 минг сўм. Бинобарин сотиш нархи 24 минг сўм бўлади.

Бухгалтерия ҳисобида бу вазият қуйидагича ёзилади:

— товарнинг келиб тушиши:

Дебет 2910-«Омбордаги товарлар» — 20 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 20 минг сўм;

— товарнинг сотилиши:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 24 минг сўм

Кредит 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 24 минг сўм;

— сотилган товар ҳисобдан чиқарилиши:

Дебет 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» — 20 минг сўм

Кредит 2910-«Омбордаги товарлар» — 20 минг сўм;

— ҳисобот даврининг охирида даромадлар счётининг ёпилиши:

Дебет 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 24 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 24 минг сўм;

— ҳисобот даврининг охирида товарлар таннархи бўйича счёт ёпилиши:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 20 минг сўм

Кредит 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» — 20 минг сўм;

— молиявий натижанинг аниқланиши ва ҳисобдан чиқарилиши:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 4 минг сўм

Кредит 8710-«Ҳисобот давринииг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» — 4 минг сўм.

Чакана савдо корхоналарида товарлар сотилиши ҳисоби. Чакана савдо корхоналарида сотилган товарлар таннархини аниқлаш ўзининг бир қанча хусусиятларига эга. Чакана савдо товарларни бевосита аҳолига, уларнинг шахсий фойдаланиши учун сотишдан иборат бўлгани учун, сотилган товарларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш мушкулдир, бу ҳол, асосан майда товарларни сотувчи дўконлар учун хосдир. Шунинг учун чакана савдода товарлар, «Товарлар» счётининг дебети бўйича сотиш нархида кирим қилинади. Устамани ҳисобга олиш учун контрактив бўлган «Савдо устамаси» счёти қўлланилади, унинг кредитида кирим қилинаётган товарларнинг устама қиймати акс эттирилади. Сотилган товарларнинг таннархи чакана нархларда сотилган товарлар қийматидан ушбу товарларга тегишли бўлган савдо устамалари суммасини чегириб ташлаш билан аниқланади. Сотилган товарларнинг савдо устамаси суммаси ўртача фоиз бўйича аниқланади:

$$\text{Ўртача фоиз} = \frac{\text{Савдо устамасининг бошланғич қолдиғи} + \text{Келиб тушган товарлар бўйича савдо устамаси}}{\text{Ҳисобот давридаги товарлар айланмаси} + \text{Давр охирида товар қолдиғи}}$$

Мисол. «Диёра» дўконида ҳисобдаги товарлар қолдиғи 1 сентябрь ҳолатига сотиш нархи бўйича 180 минг сўмни ташкил этди. Савдо устамаси — 27 минг сўм. Сентябрь давомида қуйидагича операциялар амалга оширилди: етказиб берувчилардан сотиш нархи бўйича 480 минг сўмлик, шу жумладан савдо устамаси — 84 минг сўмлик товар олинди; нақд пулга 440 минг сўм суммада товарлар сотилди. Мазкур операциялар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 2920-«Чакана савдодаги товарлар» — 480 минг сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» — 396 минг сўм

Кредит 2980-«Савдо устамаси» — 84 минг сўм

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» — 440 минг сўм

Кредит 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 440 минг сўм.

Ўртача фоизни ҳисоблаймиз:

(27 000 + 84 000) : (440 000 + 220 000) = 16,8%.

Сотилган товар савдо устамасининг суммасини аниқлаймиз:

440 000 × 16,8% = 73 920 сўм

440 000 − 73 920 = 366 080 сўм.

Дебет 2980-«Савдо устамаси» — 73,92 минг сўм

Дебет 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» — 366,08 минг сўм

Кредит 2920-«Чакана савдодаги товарлар» — 440 минг сўм.

Сотишдан даромадлар счётининг ёпилиши қуйидагича ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 440 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 440 минг сўм.

Таннарх счётининг ёпилиши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 366,08 минг сўм

Кредит 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» — 366,08 минг сўм.

Савдо корхоналарининг харажатлари ҳисоби 9410-«Сотиш харажатлари», 9420-«Маъмурий харажатлар» ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётларида олиб борилади. Бу счётларнинг дебетида ой мобайнида савдо корхонасининг харажатлари жамланиб боради. Ой охирида ушбу харажатлар қуйидагича ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа»

Кредит 9410-«Сотиш харажатлари»

Кредит 9420-«Маъмурий харажатлар»

Кредит 9430-«Бошқа операцион харажатлар».

Аҳолидан сотиш учун товар қабул қилинадиган тижорат дўконларида унинг ҳисоби балансдан ташқари 004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётида юритилади.

Қабул қилинаётганда товар қиймати ушбу счёт дебетига ёзилади, товарлар сотилганида бу счёт кредитланади.

Сотиш учун товар топширган корхона комитент деб номланади. Ҳар бир комитент учун комитент варақаси очилади, комитентдан товар олиниши юкхатлар билан расмийлаштирилади.

Мисол. Чакана савдо дўкони комиссия шартномаси асосида сотиш учун товар қабул қилди, товарнинг қиймати — 20 минг сўм, сотиш нархи эса — 24 минг сўм:

— сотиш нархлари бўйича товарларни сотиш қуйидагича ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» — 24 минг сўм

Кредит 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 4 минг сўм

Кредит 6990-«Бошқа мажбуриятлар» — 20 минг сўм;

— кассадан комитентга берилди:

Дебет 6990-«Бошқа мажбуриятлар» — 20 минг сўм

Кредит 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» — 20 минг сўм;

— дўкон даромади қуйидаги ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар» — 4 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 4 минг сўм.

15.6. Корхонанинг бошқа даромадлари ҳисоби

Бошқа даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлардан ташкил топади. Улар қуйидагилардан иборат:

— хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун қарздордан ундирилган ёки тан олинган жарималар, пенялар, боқимондалар ва бошқача жарималар, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;

— ҳисобот йилида аниқланган олдинги йиллар бўйича фойдалар;

— ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган даромадлар, яъни рента даромади, хўжалик юри-

тувчи субъект қошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчилардан олинган даромадлар;

— хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан даромадлар;

— даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадлар;

— товар-моддий қимматликларни қўшимча баҳолаш. Товар-моддий қимматликлар қўшимча баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиб борилиши мобайнида солиқ солинадиган базага киритилади;

— давлат субсидияларидан олинадиган даромадлар;

— текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам;

— бошқа операцион даромадлар.

Ҳисобот даври мобайнида қайд этилган харажатлар 9300-«Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳидаги счётлар дебетида акс эттирилади, ҳисобот йилининг охирида эса улар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади.

М и с о л. Корхона ҳисобот даври мобайнида қуйидаги бошқа даромадларни олган: мол етказиб берувчидан келишув шартларини бажармаганлиги учун 114 минг сўм миқдорида жарима ундирилган; харидор билан тузилган шартнома бўйича 40 минг сўм суммада ўтган йилларнинг фойдаси аниқланган; даъво муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан 6 минг сўм суммада бошқа кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилган; инвентарлаш натижасида аниқланган 10 минг сўмлик ортиқча тайёр маҳсулот кирим қилинган.

Ушбу суммалар қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 114 минг сўм

Кредит 9330-«Ундирилган жарима, пеня ва устамалар» — 114 минг сўм;

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 40 минг сўм

Кредит 9340-«Ўтган йиллар фойдалари» — 40 минг сўм;

Дебет 6990-«Бошқа мажбуриятлар» — 6 минг сўм

Кредит 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» — 6 минг сўм;

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» — 10 минг сўм

Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар» — 10 минг сўм.

Ҳисобот даврининг охирида бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар қуйидагича ёпилади:

Дебет 9330-«Ундирилган жарима, пеня ва устамалар» — 114 минг сўм

Дебет 9340-«Ўтган йиллар фойдалари» — 40 минг сўм

Дебет 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» — 6 минг сўм

Дебет 9390-«Бошқа операцион даромадлар» — 10 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 170 минг сўм.

Даромадларнинг кейинги тури — молиявий фаолиятдан олинган даромадлардир. Улар қуйидагилардан иборат:

— олинган роялти ва капиталнинг трансферти;

— Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар, хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

— мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар;

— валюта счётлари, шунингдек чет эл валютаси билан амалга оширилган операциялар бўйича мусбат курс фарқлари;

— қимматли қоғозлар, шуъба корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағлар қайта баҳоланишидан олинган даромадар;

— молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Ҳисобот йили давомида юқорида қайд этилган даромадлар 9500-«Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳи счётларининг кредитида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса улар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Корхона ҳисобот даври мобайнида қуйидаги молиявий даромадларни олган: шуъба корхоналарига амалга оширилган инвестициялар бўйича ҳисобланган дивидендлар — 50 минг сўм; берилган заём бўйича ҳисоблан-

ган фоизлар — 40 минг сўм; дебиторлик қарзи бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган — 70 минг сўм; узоқ муддатли ижарага берилган объектлар бўйича фоизлар тан олинган — 100 минг сўм. Ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4840-«Олинадиган дивидендлар» — 50 минг сўм

Кредит 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» — 50 минг сўм;

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 40 минг сўм

Кредит 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 40 минг сўм;

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 70 минг сўм

Кредит 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 70 минг сўм;

Дебет 4830-«Олинадиган фоизлар» — 100 минг сўм

Кредит 9550-«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» — 100 минг сўм;

— ҳисобот давринининг охирида ушбу даромадлар ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» — 50 минг сўм

Дебет 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» — 40 минг сўм

Дебет 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 70 минг сўм

Дебет 9550-«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» — 100 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 260 минг сўм.

Шунингдек, фавқулоддаги фойдалар ҳам даромадлар таркибига киритилади. Фавқулоддаги фойдалар моддалари — бу кўзда тутилмаган, ноодатий тавсифга эга бўлган, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четда бўлган воқеалар ёки операциялар натижасида олинган ва олиниши кутилмаган фойдалардан иборат. Буларга асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши лозим бўлган олдинги давр бўйича даромадлар ёки фойданинг айрим моддалари киритилмайди.

Ҳисобот даври мобайнида фавқулоддаги фойдалар 9710-«Фавқулоддаги фойдалар» счётининг кредитида акс эттирилади, ҳисобот давринининг охирида эса ушбу фойдалар якуний молиявий натижага киритилади.

Мисол. Содир бўлган ёнғин натижасида фойдаланишга яроқли бўлган 27 минг сўмлик суммадаги материаллар кирим қилинган:

Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 1090-«Бошқа материаллар» — 27 минг сўм

Кредит 9710-«Фавқулоддаги фойдалар» — 27 минг сўм.

Ҳисобот давринининг охирида фавқулоддаги фойдалар счёти қуйидаги ўтказма билан ёпилади:

Дебет 9710-«Фавқулоддаги фойдалар» — 27 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 27 минг сўм.

16-БОБ. ФОНДЛАР ВА КОРХОНА ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ

16.1. Корхона устав капитали (фонди)нинг ҳисоби

Устав капитали (фонди) корхонани ташкил қилиш вақтида унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун қатнашчилар (мулкдорлар) мол-мулкдаги улушларининг (пул бирлигидаги) йиғиндисини ифодалайди.

Бухгалтерия ҳисобида устав капитали ҳамда таъсисчиларнинг устав капиталига қўшадиган улуш бўйича қарзлари алоҳида ҳисобга олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида устав капитали бир томондан корхона мол-мулкининг қийматини, иккинчи томондан ушбу корхонанинг таъсисчилари, инвесторлар олдидаги қарз қийматини ифодалайди. Устав капитали бўйича молиявий-хўжалик операцияларини акс эттириш тартибидаги ўзгаришларни республикада шаклланаётган замонавий бозор муносабатлари талаблари тақозо этган.

Устав капитали (фонди) бўйича операциялар ҳисоби шу номдаги 8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳида ҳисобга олинади.

8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» қуйидаги учта счёт билан тўлдирилади:

8310-«Оддий акциялар»;

8320-«Имтиёзли акциялар»;

8330-«Пай ва улушлар».

8310-«Оддий акциялар» счёти давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг устав фондини ҳамда акциядорлик ва шерикчилик жамиятларининг устав капиталини ҳисобга олиш учун хизмат қилади. Бу счётда корхона уставида рўйхатдан ўтказилган миқдор доирасидаги ҳақиқий устав капитали ёки тўланган акцияларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Устав капиталининг бухгалтерия ҳисобидаги миқдори уставда қайд этилган миқдордан ошиб кетиши мумкин эмас. Устав капиталида иштирокчилар ҳиссасининг бир қисмини уларга қайтариш унинг миқдорини камайтирмайди, балки акциядорлик жамиятининг сотиб олинган шахсий акциялари сифатида расмийлаштирилиб, 8610-«Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счётининг дебетига ўтказилади.

8320-«Имтиёзли акциялар» счётида имтиёзли акциялар тарзида чиқарилган акциядорлик капиталининг миқдори ҳисобга олинади.

Акциядорлик шаклидан ташқари, бошқа мулкчилик шаклларида очиладиган хўжалик юритувчи субъектлар, устав капитали шаклланишини 8330-«Пай ва улушлар» счётида ҳисобга оладилар.

Корхона давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган (акцияларга обуна бўлган суммада) таъсисчилар қўйиши зарур бўлган улуш қийматидан унинг устав капитали 8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» ва 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётларида акс эттирилади. Бадалларнинг киритилиши 8330-счётга таъсир кўрсатмайди, лекин таъсисчилар қарзларини қоплайди.

8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» счётидаги акс эттириладиган устав капитали миқдори таъсис ҳужжатларидаги миқдорга тенг бўлиши шарт. Устав капитали қиймати ўзгарганда, улибу таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиб, бу ҳужжатларни давлат рўйхатидан қай-

тадан ўтказиш лозим. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, қабул қилиниши, ҳисобдан чиқарилиши устав капитали қийматини ўзгартирмайди, агар уставга тегишли ўзгартиришлар киритилмаган бўлса.

Мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарда устав капиталининг миқдори турлича белгиланади: устав капитали акциядорлик жамиятларида — акцияларнинг номинал бўйича қийматига; масъулияти чекланган жамият (ширкат)ларда — таъсис ҳужжатларига биноан мулкдаги улушлари суммасига; мулкчиликнинг жамоа шаклидаги корхоналарда — барча ходимлар улушлари суммасига тўғри келади; давлат корхоналарида устав капитали хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун корхонага давлат томонидан бириктирилган мол-мулк суммасига мувофиқ келади.

Таъсисчиларнинг улушлари пул суммалари, шунингдек бинолар, иншоотлар, ускуналар, номоддий активлар ва ҳоказолар кўринишида киритилиши мумкин.

М и с о л. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ «Минор» АЖ устав капитали 2 000 минг сўмни ташкил этади.

Бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Устав капитали рўйхатга олинди	2 000	4610	8310
2	Асосий воситалар билан киритилди	1 000	0100	4610
3	Материаллар билан киритилди	450	1010	4610
4	Номоддий активлар билан киритилди	200	0400	4610
5	Қимматли қоғозлар билан киритилди	200	0610	4610
6	Ҳисоб-китоб счётига улушлар келиб тушди	150	5110	4610

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарда устав капитали (фонди)ни шакллантириш пайтида курсдаги фарқ юзага келиши мумкин, у захира капитал сифатида кўрсатилади.

Мисол. Таъсис шартномасида чет эллик таъсисчининг улуши 150 минг АҚШ доллари ҳажмида белгиланган. Чет эллик таъсисчи улушни бир неча ой давомида мол-мулк кўринишида киритади. Таъсис шартномасини имзолаш пайтида доллар курси 1 доллар учун 1 270 сўмни ташкил этди. Мол-мулкни олишда ва божхона юк декларациясини расмийлаштириш кунида курс 1 доллар учун 1 280 сўмни ташкил этди.

Мол-мулк балансда божхона юк декларациясида кўрсатилган курс бўйича акс эттирилади. Бунда чет эллик таъсисчининг устав капиталига улуш сифатидаги ҳиссаси таъсис шартномаси имзоланган пайтдаги курс бўйича, яъни 1 270 сўмга тенг курс бўйича кўрсатилади. Фарқ иккала таъсисчининг захира капитали сифатида акс эттирилади.

Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ўтказмалар билан ифодаланади:

— таъсис шартномасига кўра чет эллик таъсисчи устав капиталига улуш сифатида киритиши керак бўлган сумма:

Дебет 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» — 190 500 минг сўм

Кредит 8330-«Пай ва улушлар» — 190 500 минг сўм;

— божхона юк декларациясига кўра устав капиталига улуш сифатида олинган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати:

Дебет 0110-0190-«Асосий воситалар» — 192 000 минг сўм

Кредит 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» — таъсис шартномасини имзолаш пайтидаги сумма доирасида — 190 500 минг сўм

Кредит 8420-«Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» — божхона юк декларациясига кўра мол-мулк қиймати билан таъсис шартномаси имзоланган кундаги мол-мулк қиймати ўртасидаги фарқ суммасига — 1 500 минг сўм.

Божхона юк декларациясига кўра мол-мулк қиймати билан таъсис шартномаси имзоланган кундаги мол-мулк қиймати ўртасидаги фарқ фойда солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

8410-«Эмиссия даромади» счёти акцияларни номинал қийматдан ошадиган нархларда дастлабки сотиш пайтида олинадиган эмиссия даромадини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бухгалтерия ўтказмаси қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Дебет корхонага акцияларни тўлашга берилган пул маблағлари ёки бошқа бойликларни ҳисобга олиш счётлари

Кредит 8410-«Эмиссия даромади».

8500-«Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар» счёти мол-мулкни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган резервларни, шунингдек бепул олинган мол-мулк қийматини (пул маблағларидан ташқари), корхона (акциядорлик жамияти, ширкат) мол-мулкини кўпайтирадиган бошқа тушумларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

8500-«Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳидаги счётларнинг ташкил этилиши ва тўлдирилиши 8500-счётлар гуруҳи кредити бўйича 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», 0110-0190-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар», 0410-0490-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар», 1010-«Хом ашё ва материаллар» счётлари ва корхона мол-мулкининг бошқа счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

16.2. Резервлар ҳисоби

Маҳсулотларни юклаб жўнатишга қараб, ишларни буюртмачиларга топширишга ва хизматлар кўрсатишга қараб сотишдан тушумларни олиб борувчи корхоналарда бошқа корхоналар, шунингдек айрим шахслар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича даргумон қарзларни қоплаш учун резервга фойда ҳисобидан ажратмалар амалга оширишга рухсат берилади.

Корхонанинг тузилган шартномаларда белгиланган муддатда (агар у белгиланмаган бўлса — бунинг учун меъёрга кўра зарур вақт давомида) тўланмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебиторлик қарзлари даргумон қарзлар ҳисобланади. Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобот йили охирида корхонада дебиторлик қарзларини инвентарлаш натижалари асосида ташкил қилинади. Резерв миқдори ҳар бир даргумон қарз бўйича қарздорнинг молиявий ҳолати (тўлов қобилияти) ва қарзнинг тўлиқ ёки қисман тўланиши эҳтимолини баҳолаш орқали белгиланади. Ташкил этилаётган даргумон қарзлар бўйича резерв суммасига 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетида ва 4910-«Даргумон қарзлар бўйича

резерв» счётининг кредитида ёзув амалга оширилади. Агар даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резерв бирор-бир қисмда фойдаланилмаган бўлса, сарфланмаган суммалар тегишли йилнинг фойдасига киритилади.

Илгари қарздор томонидан тан олинган, талаб қилинмаган қарзларни балансдан ҳисобдан чиқариш учун 4910-«Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти дебети дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг тегишли счётлари билан корреспонденцияда ишлатилади. Даргумон қарзлар бўйича резервларнинг сарфланмаган суммалари уларни ташкил этиш йилидан кейинги йил фойдасига қўшилганда 4910-«Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти дебети ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти кредити бўйича ёзувлар қилинади.

Мисол. «Баҳор» кичик корхонасида 870 минг сўм суммасига даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этилди (йил охирида якуний бухгалтерия ёзувлари билан). Моддий бойликларни етказиб беришга берилган бўнаклар бўйича ҳисобот йилида аниқланган умидсиз қарз 270 минг сўмни ташкил этди. Даргумон қарзлар резерви ҳисобига 155 минг сўмлик юклаб жўнатилган бутловчи буюмлар учун буюртмачиларнинг қарзлари ҳисобдан чиқарилди. Даргумон деб топилган 330 минг сўмлик талаб қилинмаган қарзлар ҳисобдан чиқарилди. Даргумон қарзлар бўйича фойдаланилмаган резерв олдинги йил учун 115 минг сўмни ташкил этди. Тўланмаган счётларни инвентарлаш натижалари бўйича жорий йил учун даргумон қарзлар бўйича 150 минг сўмлик суммага резерв ташкил этилди. Бухгалтер ўтказмалари қуйидагича бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этилди	870	9430	4910
2	Берилган бўнаклар бўйича умидсиз дебиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилди	270	4910	4310
3	Харидорлар қарзлари ҳисобдан чиқарилди	155	4910	4010

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
4	Талаб қилинмаган бошқа қарзлар ҳисобдан чиқарилди	330	4910	4890
5	Ишлатилмаган даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобдан чиқарилди	115	4910	9430
6	Даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этилди	150	9430	4910

Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш учун маблағлар резервини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу резервга ажратмалар «Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини капитал таъмирлашнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Резервга ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар капитал таъмирлашга резерв маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш (сторно) киритилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар резервдагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

Келгуси харажатларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига бир меъёрда киритиш мақсадида корхоналар келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ташкил қилиши мумкин. Бундай резерв прокат буюмларини таъмирлаш бўйича келгуси харажатлари, ходимларга таътил тўловлари ёки белгиланган муддат хизмат қилгани учун тўловларни қоплаш мақсадида ташкил этилади.

Суммалар резервланиши 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётининг кредитида ишлаб чиқариш

харажатлари (муомала чиқимлари) счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Резервдан фойдаланиш 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётининг дебетида 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти билан — ходимларга меҳнат таътили, узоқ муддат давомида ишлаганлиги учун ҳар йилги тақдирланишларни тўлаш суммасига; 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти билан — асосий воситаларни таъмирлаш қийматига ва бошқа счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Келгуси харажатлар ва тўловлар резервини ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича бухгалтерия ўтказмалари қуйидагичадир:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Келгуси харажатлар ва тўловлар резерваларини ташкил этиш	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	8910
2	Илгари ташкил этилган резервлар ҳисобига корхонанинг цехлари ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлари томонидан амалга оширилган асосий воситалар таъмирланиши, бошқа ишлар ва хизматлар қиймати	8910	2010, 2310, 2510, 2710
3	Ишлатилмай қолган ҳисобланган келгуси харажатлар резерваси суммалари корхона даромадига ўтказилди	8910	9390

16.3. Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ва тақсимланмаган фойда ҳисоби

Корхоналарнинг молиявий натижаларини аниқлаш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси, Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш

ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом билан белгиланган.

Юқорида келтирилган ҳужжатларга мувофиқ корхона фаолиятининг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

— маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ - ИТ,$$

бунда ЯФ — ялпи фойда; ССТ — сотишдан олинган соф тушум; ИТ — сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

— асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадларни қўшиш ёки бошқа зарарларни айириш орқали аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ,$$

бунда АФФ — асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ — давр харажатлари; БД — асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

— хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий фаолиятдан кўрилган даромадларни қўшиш ва зарарларни айириш орқали ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ,$$

бунда УФ — умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ — молиявий фаолият харажатлари;

— солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага фавқулодда (кўзда тутил-

маган) вазиятлардан кўрилган фойдани қўшиш ва зарарни айириш орқали аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ,$$

бунда СТФ — солиқ тўлангунгача олинган фойда; ФП — фавқулодда вазиятлардан олинган фойда; ФЗ — фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

— йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойданинг айирмасини ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС,$$

бунда СФ — соф фойда; ДС — даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ; БС — бошқа солиқлар ва тўловлар.

Ҳисобот давринининг соф фойдасини ҳисоблаш учун бухгалтер ёпиладиган ўтказмаларни тузиши лозим, бошқача қилиб айтганда, бу «балансни реформация қилиш (ўзгартириш)» деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг кўпчилик корхоналари учун чорак, ҚК ва кичик корхоналар учун эса — йил ҳисобот даври бўлганлигига қарамасдан, ёпиладиган ўтказмаларни ҳар ойда тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидаги муҳим кўрсаткичлар: ялпи даромад, даромад ва харажатлар, тақсимланмаган фойда ва бошқалар тўғрисида тезкор маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Счётларни ёпиш жараёни қуйидагилардан иборат:

— даромадлар счётларини ёпиш;

— харажатлар счётларини ёпиш;

— даромад ва харажат орасидаги фарқни аниқлаш ва фойда ёки зарарни ҳисобот давринининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) счётига ҳисобдан чиқариш;

— дивидендлар ҳисоблашни ва тақсимланмаган фойдадан бошқача фойдаланишни акс эттириш;

— тақсимланмаган фойдани жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)га ҳисобдан чиқариш.

Мисол. «Санам» кичик корхонаси ҳисобот даври мобайнида қуйидаги даромадлар ва харажатларга эга: тайёр маҳсулот сотишдан даромад — 5 000 минг сўм; асосий воситалар чиқарилишидан даромад — 300 минг сўм; мусбат курс фарқлари — 40 минг сўм; сотилган маҳсулот таннархи — 3 700 минг сўм; маъмурий харажатлар — 740 минг сўм; манфий курс фарқлари — 180 минг сўм. Счётларни ёпиш бўйича қуйидаги ёпиладиган ўтказмалар тузилади:

— даромадлар счётларининг ёпилиши:

Дебет 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» — 5 000 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 5 000 минг сўм;

Дебет 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» — 300 минг сўм

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» — 300 минг сўм;

Дебет 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» — 40 минг сўм

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 40 минг сўм;

— харажатлар счётларининг ёпилиши:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 3 700 минг сўм

Кредит 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» — 3 700 минг сўм;

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 740 минг сўм

Кредит 9420-«Маъмурий харажатлар» — 740 минг сўм;

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 180 минг сўм

Кредит 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» — 180 минг сўм.

Сўнгра 9910-«Якуний молиявий натижа» счётининг дебети ва кредити орасидаги фарқни ҳисоблаймиз. Ушбу счётнинг дебет айланмалари кредит айланмаларидан кўп бўлган тақдирда, фарқ қопланмаган зарарни ташкил этади ва қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа».

Агар корхона ҳисобот даврида қопланмаган зарарга эга бўлса баланс пассивидаги капитал бўлимида тақсимланмаган фойда счётининг дебет қолдиғи манфий сумма ёки қизил ранг билан акс эттирилади.

Кредит айланмалари дебет айланмаларидан кўп бўлган ҳолатда, фарқ ҳисобот даври бўйича соф ёки тақсимланмаган фойда суммасини кўрсатади.

Берилган мисолда корхона 720 минг сўм суммада фойда олган. Ушбу фойда қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» — 720 минг сўм

Кредит 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» — 720 минг сўм.

Тақсимланмаган фойдадан резерв капиталини шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Резерв капиталини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки таъсис ҳужжатлари билан кўзда тутилганда амалга оширилади. Одатда, у ҳисобот йилида фойда олинганлиги ёки олинмаганлигига қарамасдан белгиланган суммада дивидендлар тўланиши лозим бўлган имтиёзли акцияларга эга акциядорлик жамиятларида ташкил этилади.

Резерв капиталининг шаклланиши қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 8520-«Резерв капитали».

Тақсимланмаган фойда корхона таъсисчиларига дивидендлар тўлаш учун ишлатилади. Одатда, йил охирида тақсимланмаган фойда суммаси аниқлангандан кейин, ушбу фойданинг қайси қисми акциядорлар (мулкдорлар) ўртасида дивидендлар тўлаш йўли билан тақсимланиши белгиланади. Дивидендлар миқдори акциядорлар ёки таъсисчиларнинг умумий мажлисида тасдиқланади ёки эълон қилинади. Дивидендлар эълон қилинган куни бухгалтерияда улар бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилади ва қуйидаги ўтказма берилади:

Дебет 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 6610-«Тўланадиган дивидендлар».

Дивидендларни тўлаш, одатда, акциядорлик жамиятининг акцияларига эга бўлган акциядорларни рўйхатга олиш учун бериладиган маълум бир вақт орасида амалга оширилади. Рўйхатга олинган санадан кейин акциялар сотиб олган акциядорлар эълон қилинган дивидендларни олиш ҳуқуқига эга эмас.

Дивидендларни тўлаш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 6610-«Тўланадиган дивидендлар»

Кредит 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Акциядорлик жамияти дивидендларни акциялар кўринишида тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бу акциядорлар учун қўшимча равишда акциялар чиқаришни назарда тутади, бу, одатда, тақсимланмаган фойдани «капиталлаштириш»га олиб келади. Акцияларнинг қўшимча равишда чиқарилган миқдори муомалада бўлган акциялар миқдоридан 20% кам бўлган тақдирда, бу акциялар нархига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди, шу боис капиталлаштириш акцияларнинг жорий бозор нархида амалга оширилади. Ушбу фоиз 20% дан кўп бўлган тақдирда, дивидендлар кўринишида чиқарилган акциялар ҳисоби номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Мисол. Муомалада 10 минг дона, номинал қиймати 1 000 сўм бўлган оддий акцияларга эга «Ёғду» АЖ акциялар кўринишида 10%ли дивидендларни эълон қилди. Акцияларнинг бозор нархи ҳар бир акция учун 1 500 сўм.

1 000 дона акциялар кўринишидаги дивидендлар (10 000 × 10%) 1 500 минг сўм деб эълон қилинади (1 000 × 1 500). Бунга қуйидаги ўтказма берилади:

Дебет 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» — 1 500 минг сўм

Кредит 8310-«Оддий акциялар» — 1 000 минг сўм

Кредит 8410-«Эмиссия даромади» — 500 минг сўм.

Агар акциялар миқдори 30% миқдорда кўзда тутилганда, ёзув қуйидаги тарзда амалга оширилган бўлар эди:

Дебет 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» — 3 000 минг сўм

Кредит 8310-«Оддий акциялар» — 3 000 минг сўм.

Ўтган даврда йўл қўйилган хатолар аниқланганлиги, математик адашишлар, алдаш ёки эътиборсизлик натижасида маълумотлар нотўғри акс эттирилиши, шунингдек ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан тақсимланмаган фойданинг қолдиғига тузатиш киритилиши мумкин.

3-сонли БҲМСга мувофиқ, олдинги даврда содир этилган асосий (муҳим) хатонинг суммаси йил бошига тақсимланмаган фойда қолдиғини ўзгартириш йўли билан акс эттирилади. Бундан ташқари, корхона ҳисоб сиёсати ўзгартирилган тақдирда тақсимланмаган фойдага тузатишлар киритилиши мумкин.

Мисол. *Хатоларни тузатиш муносабати билан тақсимланмаган фойданинг ўзгариши.*

2007 йил 10 ноябрда корхона томонидан қиймати 600 минг сўм бўлган уяли телефон аппарати сотиб олинди ва бу маъмурий харажатлар счётининг дебетида акс эттирилди. Хато 2008 йил март ойида, 2007 йил бўйича молиявий ҳисобот тегишли идораларга тақдим этилгандан кейин аниқланди.

Бу хато тақсимланмаган фойданинг бошланғич сальдосига тузатишлар киритиш йўли билан тузатилади. Ушбу хато натижасида 2007 йилда фойда солиғи бўйича 60 минг сўм кам тўланган.

Тузатиш киритиш ўтказмаси қуйидагича бўлади:

Дебет 0190-«Бошқа асосий воситалар» — 600 минг сўм

Кредит 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» — 540 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 60 минг сўм.

Мисол. *Амортизацияни ҳисоблаш ёки товар-моддий захираларни баҳолаш усули ўзгариши муносабати билан тақсимланмаган фойдага тузатиш киритиш.*

2005 йил 5 январда корхона беш йил ишлаш муддати билан 900 минг сўмга ускуна сотиб олди ва ушбу ускуна бўйича йиллар йиғиндиси усули билан амортизацияни ҳисоблаган. 2007 йилнинг бошида эса ҳисоблаш усулини ўзгартириш ва қийматни бир маромда ҳисобдан чиқариш усулига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Маълумотлар қиёсланувчанлиги тамойилини таъминлаш учун ҳисоблаш усулларидаги ўзгаришлар таъсири қуйидагича амалга оширилади:

2005 йил учун эскириш — 900 минг сўм × 5/15 = 300 минг сўм;

2006 йил учун эскириш — 900 минг сўм × 4/15 = 240 минг сўм;

Жамланган амортизация — 540 минг сўм.

Эскириш бир маромда ҳисобдан чиқариш усули билан ҳисобланган тақдирда:

2005 йил учун эскириш — 900 минг сўм : 5 = 180 минг сўм;

2006 йил учун эскириш — 900 минг сўм : 5 = 180 минг сўм;

Жамланган амортизация — 360 минг сўм.

Жамланган амортизация счёти бўйича сальдо ва, шунингдек, тегишли харажатлар 180 минг сўмга камроқ бўлар эди. Фойда солиғи 360 минг сўм × 10% = 36 минг сўмга камроқ тўланган бўлар эди. Киритилган ўзгартиришдан соф натижа 360 минг сўм — 36 минг сўм = 324 минг сўм. Тузатиш киритиш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» — 360 минг сўм

Кредит 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» — 324 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 36 минг сўм.

17-боб. КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА БИРЛАШМАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

17.1. Солиқлар ва уларнинг гуруҳланиши

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатлар, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган ва 2008 йил 1 январдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Солиқ кодексига кўра солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси тамойилларига асосланади.

Солиқ кодексининг муҳим жиҳати шундаки, унда асосий тушунчаларга изоҳлар берилган, бу ҳолат солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўловчилар, солиқ агентлари, солиқ тўловчининг вакиллари, юридик ва жисмоний шахслар, нотижорат ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор, резидентлар ва норезидентлар, доимий муассаса ва бошқа шу каби тушунчаларни ҳар хил талқин қилинишини олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Солиқ кодексида назарда тутилган солиқлар ва мажбурий тўловлар амал қилади.

Умумбелгиланган солиқларга қуйидагилар киради:

— юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

— жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

— қўшилган қиймат солиғи;

— акциз солиғи;

— ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

— сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

— мол-мулк солиғи;

— ер солиғи;

— ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

— жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

— ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

— Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига мажбурий йиғимлар;

— давлат божи;

— божхона тўловлари;

— айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Корхоналарнинг маълум бир турлари учун Солиқ кодексида қуйидагилардан бирини тўлаш имконини берувчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган:

ягона солиқ тўлови;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

17.2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркибий элементи ҳисобланиб, миллий даромадни қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур солиқ бевосита солиқ бўлиб, унинг суммаси корхона хўжалик фаолиятининг пировард молиявий натижаси билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг V бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Қуйидагилар юридик шахслардан олинадиган *фойда солиғи тўловчилар бўлмайди*:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлар ўзи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдадан солиқ тўловчи бўлади;

агар Солиқ кодексининг XX бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

Солиқ солинадиган база жами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Жами даромадга қуйидагилар киради:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

бошқа даромадлар.

Қуйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

— устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича бирлаштириладиган маблағлар;

— муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳисса доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) шартнома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

— бюджетдан берилган субсидиялар;

— агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

— олинган грантлар;

— юридик шахснинг — акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

— нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

— суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

— воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки комитент ёхуд бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

— ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда

уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

— инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

— товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

— битим шартлари ўзгарганда;

— баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

— солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;

— мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

— инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

— реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

— бюджетдан берилган субсидиялар;

— агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

— олинган грантлар;

— юридик шахснинг — акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

— нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

— суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

— воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки комитент ёхуд бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

— ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда

уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

— инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

— товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

— битим шартлари ўзгарганда;

— баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

— солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;

— мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

— инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

— реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

— бюджетдан берилган субсидиялар;

— агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

— олинган грантлар;

— юридик шахснинг — акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

— нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

— суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

— воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки комитент ёхуд бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

— ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда

уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

— инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

— товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

— битим шартлари ўзгарганда;

— баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

— солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;

— мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

— инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

— реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

— бюджетдан берилган субсидиялар;

— агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

— олинган грантлар;

— юридик шахснинг — акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

— нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

— суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

— воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки комитент ёхуд бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

— ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда

уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

— инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

— товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

— битим шартлари ўзгарганда;

— баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

— солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;

— мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

— инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

— реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

— бюджетдан берилган субсидиялар;

— агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

— олинган грантлар;

— юридик шахснинг — акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

— нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

— суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

— воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки комитент ёхуд бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

— ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда

уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

— инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

— товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

— битим шартлари ўзгарганда;

— баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

— солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;

— мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

— текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

— инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

— ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

— мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар;

— талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;

— жами даромаддан илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;

— хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар;

— биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

— ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня;

— валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар;

— дивидендлар ва фоизлар;

— роялти;

— товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар.

Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади, Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

— моддий харажатлар;

— меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— амортизация харажатлари;

— бошқа харажатлар;

— келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар.

Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга қуйидагилар киради:

— моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

— ходимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар то-

монидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар);

— нормалардан ортиқча харажатлар (хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича ажратмалар);

— нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

— хўжалик бошқаруви органини сақлаб турип учун ажратмалар;

— умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш;

— йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;

— солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;

— ходимларга бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган озиқ-овқатлар, товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қимматликлар ёки ходимлар учун ишлар ҳамда хизматларни бажариш қиймати, уларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммалари);

— ходимларга қўшимча берилган таътилларга тўланган ҳақ ва улар юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча компенсациялар;

— ходимларнинг овқатланишни, йўл ҳақи, даволанишни учун, даволаниш ва дам олишни учун йўлланмалар, экскурсиялар ва саёҳатлар учун, спорт секциялари, тўгараклари, клубларидаги машғулотларга, маданий-томоша, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига бориши учун, обунага ҳамда ходимларнинг шахсий фойдаланиши учун товарларга қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш ёки тўлаш ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

— пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар;

— ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ходимнинг меҳнатда жароҳатланиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг ва-

фоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно;

— ишлаб чиқаришда шикастланганлик туфайли меҳнат лаёқатини йўқотганлик муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорларисиз ҳақиқатдаги иш ҳақигача тўланадиган тўловлар;

— экология, соғломлаштириш ҳамда бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар киритиш;

— ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

— маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар;

— атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари;

— кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

— лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

— байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бирйўла мукофотлар;

— суд чиқимлари;

— айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар;

— солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкининг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар;

— хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

— давлат улушларини бошқариш бўйича бошқарувчи компаниялар, давлат ишончли бошқарувчилари ва ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлаш, шунингдек компанияларнинг бошқа профессионал бошқарувчиларига мукофотлар тўлашга доир харажатлар;

— бошқа харажатлар.

Солиқ кодексининг 146-моддасида келтирилган харажатлар, улар юзага келган пайтда, жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайди, улар кейинги даврларда, солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсати билан белгиланган, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддат ичида чегирилиши лозим. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

— янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

— барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;

— ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

— асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Солиқ кодексига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ.

Шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар Солиқ кодексига мувофиқ умидсиз деб эътироф этилган қарздорликни ҳисобдан чиқарилаётганда, ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умидсиз қарздорлик миқдоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланади.

Фойдага солиқ солиш пайтида қуйидагича ставкалар қўлланилади (2008 йилга):

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, %да
1	Юридик шахслар (2-5-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	10
2	Тижорат банклари	15
3	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
5	1-бандда кўрсатилган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталарни қўллаб ҳақ тўланғани кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

Юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга, тўлов манбаидан 10%лик ставка бўйича солиқ солинади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг ками-

да 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда турган ходимлар киритилади;

— даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

— жазони ижро этиш муассасалари;

— ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

— протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

— шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

— тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

— инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси;

— Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидаги суммага камайтирилади:

— экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

— асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

— ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳозлар харид қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегирган ҳолда йўналтириладиган маблағлар суммасига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳозлар бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил ичида амалга оширилади. Янги технология жиҳозлари улар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши фойдадан олинадиган солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади;

— ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

— диний ва жамоат бирлашмаларининг (хасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан мазкур бирлашмалар ва жамғармаларнинг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

Ўтган ҳисобот даврида ёки ўтган ҳисобот даврларида зарари (зарарлари) бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари жорий солиқ даврининг солиқ солинадиган фойдасини кўрилган зарарнинг тўлиқ суммасига ёки бу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир. Бунда, ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ даврининг солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Корхонанинг фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базаси қуйидагича ҳисобланади:

фойда солиғи тўлангунга қадар фойда ёки зарар

қўшув Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашдаги солиқ тўловчининг чегирилмайдиган харажатлари

қўшув Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари

айирув Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириладиган олдинги даврларда амалга оширилган харажатлар

айирув Солиқ кодексининг 158-моддасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар

айирув Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган суммалар

баробар фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база.

М и с о л. «Умид» корхонасида солиқ солингунга қадар фойда 34 700 минг сўм дейлик; Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашдаги солиқ тўловчининг чегирилмайдиган харажатлари — 2 840 минг сўм; Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари — 1 500 минг сўм; Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириладиган олдинги

даврларда амалга оширилган харажатлар — 600 минг сўм; солиқлар бўйича имтиёзлар — 800 минг сўм; Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган суммалар — 400 минг сўм.

Солиқ солинадиган база қуйидагича:

34 700 + 2 840 + 1 500 − 600 − 800 − 400 = 37 240 минг сўм.

Фойда солиғи: 37 240 × 10% = 3 724 минг сўм.

Ҳисобланган солиқ қуйидагича ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» — 3 724 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 3 724 минг сўм.

Тўлов пайтида ёзув қуйидагича бўлади:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 3 724 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 3 724 минг сўм.

17.3. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ўтказишни билдиради. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг VII бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;

товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошланганига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

солиқ солинадиган оборот;

солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, бундан қуйидагилар мустасно:

Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборот;

реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар солиқ солинадиган импортдир, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

Солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

— давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи ва йиғимлар ундириладиган хизматлар (ҳаракатлар);

— мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

— беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

— дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

— протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

— даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;

— почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар, конвертлар;

— алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

— бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги хулосаси асосдир;

— шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари;

— олий, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

— ваколатли давлат органига сақлаб туриш учун топширилган қимматбаҳо металлар;

— тиббий (ветеринария) хизматлари, косметология хизматлари бундан мустасно, шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар;

— чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

— санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари ва болалар дам олиш оромгоҳларининг хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлари;

— давлат мулкини хусусийлаштириш тартибида реализация қилинаётган мол-мулк;

— гидрометеорология ва аэрология ишлари;

— геология ва топография ишлари;

— босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ таҳририй, матбаа ва нашриёт ишлари (хизматлари);

— Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно;

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

— уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига санитария тозалаш, лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича хўжаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради;

— аҳолини электр энергияси билан таъминлаш;

— ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлинмалари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

— давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

— ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

— ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари;

— устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали сифатида бериладиган асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари;

— бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари;

— давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

— инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк;

— китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси.

Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (пахта толаси ва линт бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Бунда қўшилган қиймат солиғи «0» ставкаси билан солинади ва ишлаб чиқаришга кетган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарлар (ишлар, хизматлар) олувчи ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, агар мазкур товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадларида фойдаланилса, шунингдек солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилса.

Агар корхона қўшилган қиймат солиғидан озод этилган фаолият билан биргаликда солиқ солинадиган фаолият ҳам юритаётган бўлса, ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар ва унинг натижалари ҳисоб-китобини алоҳида олиб боришлари лозим.

Агар корхона етказиб берилиши қўшилган қиймат солиғи ҳам солинадиган, ҳам солинмайдиган бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлса, бунда харажатлар тақсимланиши оборотнинг умумий суммасидаги солиқ солинадиган оборотнинг салмоқли ҳиссаси билан аниқланади.

М и с о л. Ҳисобот даври учун корхона ҚҚСсиз 200 минг сўм суммадаги оборотга эга. 200 минг сўмдан солиқ солинадиган оборот 170 минг сўмга тенг.

Солиқ солинмайдиган (озод этилган) оборот 30 минг сўм.

Оборотнинг умумий суммасидаги солиқ солинадиган оборотнинг салмоқли ҳиссаси 85%ни (170 000 : 200 000 × 100) ташкил қилади.

Агар мазкур ҳисобот даврида олинган счёт-фактуралар бўйича ҚҚС суммаси 35 000 сўмни ташкил этган бўлса, бунда бу сумманинг фақат 85%и ҳисобга олинади, яъни 29 750 сўм (35 000 × 85 : 100).

Тўланган *солиқнинг* 5 250 (35 000 – 29 750) сўмлик қолган суммаси ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади.

Хом ашё ва материаллар олувчи корхоналар етказиб берувчиларга уларнинг қиймати билан бирга ҚҚСни тўлайдилар. Етказиб берувчи тушум суммасидан ушбу солиқни бюджетга ўтказади (*олинган материаллар бўйича ҚҚС ҳисоб-китоби тартиби 9-боб «Моддий бойликлар, фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби»да акс эттирилган*).

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммалари ва олинган счёт-фактураларга мувофиқ етказиб берувчиларга тўланадиган ёки тўланган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Айтайлик, корхона ҳисобот даврида етказиб берувчиларга 1,7 минг сўм миқдорида ҚҚС тўлади, бу эса 4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти дебетида акс эттирилади.

Ҳисобот ойида 30 000 минг сўмлик маҳсулот сотилди. ҚҚС суммаси 30 000 минг сўм × 20 : 100 = 6 000 минг сўмга тенг. Умумий айланма ҚҚС билан бирга 36 000 минг сўмни ташкил этади.

Тушум келиб тушганда қуйидаги ёзув билан қайд этилади:

Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» — 36 000 минг сўм

Кредит 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» — 30 000 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 6 000 минг сўм;

Мазкур ҳисобот даврида мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚСни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 1 700 минг сўм

Кредит 4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлар (турлари бўйича)» — 1 700 минг сўм.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС 6410-счётнинг кредити ва дебети ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади:

6 000 — 1 700 = 4 300 минг сўм

Тўланган пайтда ана шу суммага қуйидагича ёзув қайд этилади:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 4 300 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 4 300 минг сўм.

17.4. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг VIII *бўлими моддалари билан* тартибга солинади.

Акциз солиғи — билвосита солиқ, бу солиқ давлат томонидан товар ишлаб чиқарувчи корхона сотадиган товарлар нархига фоизларда белгиланади.

Акциз солиғи тўловчи юридик ва жисмоний шахслар қуйидагилардир:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

— Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

— оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланади.

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

Қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объектдир:

— акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

— акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

— акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

— акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

— ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

— акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

— акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

— кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

— табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва бегараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланади-

ган товарларни давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

— акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

— ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Алкоголли маҳсулотлар бўйича акциз солиғини ҳисоблашга доир

МИСОЛ

(1 л ҳисобида)

Т/р		Коньяк	Арақ	Қуруқ вино
1	Тайёр маҳсулот таркибидаги спирт ҳажми, %	42	40	
2	Акциз солиғи ставкаси			
А)	*1 л сувсиз этил спиртига сўмда*	11 300	11 300	—
Б)	*1 дал тайёр маҳсулотга сўмда*	—	—	3 000
3	Ҳисобланган акциз солиғи суммаси			
А)	*(1 қатор × 2А қатор : 100) 1 дал тайёр маҳсулотга сўмда*	4 746	4 520	
Б)	*(2Б қатор) 1 дал тайёр маҳсулотга сўмда*	—	—	3 000

Изоҳ. Масалан 10 минг дал арақ сотилганда ҳисобланган акциз солиғи суммаси (спирт бўйича акциз солиғини ҳисобга олмасдан) қуйидагича бўлади:

4 520 × 100 000 = 452 млн сўм.

Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— сотиш пайтида:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»;

— солиқ тўлаш пайтида:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»;

— акциз маркалари учун ҳақ тўлаганда:

Дебет 5610-«Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Маркаланган маҳсулот юклаб жўнатилишига қараб сарфланган акциз маркалари суммасига бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

Дебет 9410-«Сотиш харажатлари»

Кредит 5610-«Пул эквивалентлари (турлари бўйича)».

17.5. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар ҳисоб-китоби ва ҳисобга олиш тартиби

Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг IX бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни аниқлаш ва қидириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни амалга ошираётган ва (ёки) фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилардир.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги солиқлар ва махсус тўловларни тўлайдилар:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

қўшимча фойда солиғи;

бонус (имзоли ва тижоратбоп топилма бонуслар). Бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир. Ер қаъридан фойдаланувчи қуйидаги турдаги бонусларни тўлайди: имзоли бонус; тижоратбоп топилма бонуси. Давлат бошқаруви органлари бонуслар тўламайди.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

— ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар;

— фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Углеводородлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган кавлаб олинган углеводородлар, шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги кавлаб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар.

Қатламдаги босимни сақлаб туриш ва газ конденсатини тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми солиқ солиш объекти бўлмайди.

Ажратиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар учун солиқ солиш объектидир.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, қуйидагилар қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича солиқ солиш объектидир:

кавлаб олинган ва (ёки) ажратиб олинган, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қаттиқ фойдали қазилмалар;

қайта ишловчи корхоналар томонидан қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган фойдали қазилмалар.

Солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида кавлаб олинган ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати *солиқ солинадиган базадир*, тайёр маҳсулот (тайёр маҳсулотнинг бир қисми) бошқа тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлган ёки тайёр маҳсулот (қайта ишлаб ҳосил қилинган маҳсулот) ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳоллари бундан мустасно бўлиб, бу ҳолда маҳсулот учун солиқ солинадиган база кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисобот даврида тайёр маҳсулот реализация қилинмаган бўлса, солиқ солинадиган база реализация қилиш

амалга оширилган охирги ҳисобот даврида тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг ўртача олинган баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тайёр маҳсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баҳодан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Тайёр маҳсулот таннархидан паст баҳода реализация қилинган ёки топширилган тақдирда ўртача олинган баҳони ҳисоб-китоб қилиш учун таннарх қабул қилинади, лекин у декларация қилинаётган баҳолардан юқори бўлмаслиги керак.

Мисол. Корхонада кўмир қазиб олиш ҳажми ҳисобот даврида 2 000 минг сўмни ташкил этди, солиқ ставкаси 3,8%.

Солиқ суммаси 2 000 000 × 3,8 : 100 = 76 минг сўмга тенг.

Бухгалтерия ҳисобида ёзув қуйидагича бўлади:

— солиқни ҳисоблаш:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 76 000 сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 76 000 сўм;

— солиқ бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 76 000 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 76 000 сўм.

17.6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби ва ҳисобга олиш тартиби

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг X бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи юридик шахслар;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир.

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари *солиқ солиш объектидир.*

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради.

Фойдаланилган сувнинг ҳажми *солиқ солинадиган базадир.*

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сувдан фойдаланиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган корхоналар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

— сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

— бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;

— ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:

— соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

— дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

— атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинадиган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;

— шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатлам-

даги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

— гидроэлектростанциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

— қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мисол. Тошкент шаҳрида «Сувсоз» трести маълумотларига кўра, сув ўтказиш тармоғига 72% ер усти ва 28% ер остидаги манбалардан сув келиб тушади. Айтайлик, корхона бир ойда 10 минг куб м сув сарфлаган. Бунда ер устидаги манбалардан олинган сув ҳажми:

10 000 × 72 : 100 = 7 200 куб м ни,

ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми:

10 000 − 7 200 = 2 800 куб м ни ташкил этади.

2008 йилда саноат корхоналари учун ер устидаги манбалардан олинган сув учун солиқ ставкаси 1 куб м га 17,3 тийин ва ер ости манбаларидан олинган сув учун солиқ ставкаси 22 тийин қилиб белгиланган. Солиқнинг умумий суммаси:

(7 200 × 17,3) + (2 800 × 22) = 124 560 + 61 600 = 186 160 сўм бўлади.

Бухгалтерия ҳисобида ёзув қуйидагича бўлади:

— солиқни ҳисоблаш:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 186 160 сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 186 160 сўм;

— солиқ бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 186 160 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 186 160 сўм.

17.7. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг XI бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар *мол-мулк солиғини тўловчиларидир.*

Қуйидагилар мол-мулк солиғи солиш объектидир:

— асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

— номоддий активлар;

— тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради;

— белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича — асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

$$\text{Мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{\text{31 янв. + 28 фев. + 31 март + ... + 31 дек.}}{12}$$

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар бир ойдан кам муддатга ижарага берилган мол-мулк бўйича солиқ солинадиган базани бу мол-мулкнинг мазкур ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқилган қолдиқ қийматини ўн иккига ва шу ойдаги календарь кунлар сонига бўлишдан олинган, мазкур мол-мулк ижарада турган кунлар сонига кўпайтирилган бўлинма сифатида аниқлайдилар. Бинонинг бир қисми ижарага берилган тақдирда, солиқ солинадиган база умумий майдони бир квадрат метрининг қолдиқ қийматини ижарага берилган майдоннинг ўлчамига кўпайтириш орқали аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

— уй-жой-коммунал хўжалиги объектлари. Уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: уй-жой фонди, водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

— маданият ва санъат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига қарадиган ижтимоий-маданий соҳа объектлари;

— юридик шахсларнинг маданият муассасалари, мактабгача ва умумтаълим ўқув муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулки;

— қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулк;

— суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектлари;

— алоқа йўлдошлари;

— кредит ҳисобидан олинган асбоб-ускунанинг, уни фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йилга, лекин кредитни узиш учун белгиланганидан кўп бўлмаган муддатга;

— табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари учун фойдаланиладиган объектларга киритиш табиатни муҳофаза қилиш органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

— умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

— консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

— лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга;

— солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар;

— шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополиген поездлари);

тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналар (фойдаланиш даврига);

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситалари;

— ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозлар, беш йиллик муддатга. Янги технологик

жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши мол-мулк солиғини тўлаш мажбуриятлари имтиёз қўлланиладиган бутун давр учун тикланган ҳолда, бекор қилинади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

— соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва санъат ташкилотлари;

— уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, қозонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда

ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

— янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналарнинг уларга қарашли алоҳида ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, агар мазкур юридик шахслар ушбу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлса, қўлланилмайди;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларини — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун эскиришни чегириб ташлаган ҳолда қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича баланснинг активида жойлашган суммалар қабул қилинади:

0110-0199 — асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар;

0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»;

0410-0490 — номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар;

0710-0720 — ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаганлари бўйича);

0810-«Тугалланмаган қурилиш» (белгиланган муддатларда тугалланмаганлари бўйича).

Корхонанинг мол-мулкига 3,5%ли ставка бўйича солиқ солинади. Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмаётган мол-мулк учун корхона ва ташкилотлар мол-мулк солиғини икки каррали ставка бўйича тўлайдилар.

Мисол. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	Асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши
31 январь ҳолатига	15 000 минг сўм	5 000 минг сўм
28 февраль ҳолатига	25 000 минг сўм	7 500 минг сўм
31 март ҳолатига	25 000 минг сўм	12 000 минг сўм

Мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати 40 500 минг сўмни ташкил этади.

Мол-мулк солиғи суммаси қуйидагича бўлади:

40 500 × 3,5% = 1 417,5 минг сўм.

Солиқнинг ҳисобланган суммаси давр харажатларида ҳисобга олинади ва қуйидагича ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 1 417,5 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 1 417,5 минг сўм;

— солиқ бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 1 417,5 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 1 417,5 минг сўм.

17.8. Ер солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг XII бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар *ер солиғини тўловчиларидир.*

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари *солиқ солиш объектидир.*

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ҳар бир туман, шаҳар учун алоҳида белгиланади. Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган

корхоналар учун ер солиғи ставкалари шаҳарни 14 та зонага бўлинишини назарда тутади.

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

— маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари — ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

— янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Ер солиғини ҳисоблаш ер участкасининг Давлат кадастри томонидан тасдиқланган ҳақиқатда эгаллаб турган майдони асосида амалга оширилади.

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Мисол. Корхона Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида, яъни 7-зонада 3 гектарлик майдонда жойлашган, шунингдек балансида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 2 гектарлик майдонда болалар дам олиш оромгоҳига эга.

Тошкент шаҳрининг 7-зонасида солиқ ставкаси — 1 гектар учун 23 431 минг сўм, солиқ 23 431 × 3 = 70 293 минг сўмга тенг ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани маҳаллий бюджетига тўланади.

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ҳудудида солиқ ставкаси — 1 гектар учун 20 701 минг сўм, солиқ 20 701 × 2 = 41 402 минг сўм. Ушбу солиқ Бўстонлиқ туманининг маҳаллий бюджетига тўланади.

Солиқнинг жами суммаси 70 293 + 41 402 = 111 695 минг сўм.

Ҳисобланган солиқнинг суммаси қуйидаги ёзув билан ифодаланади:

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» — 111 695 минг сўм

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 111 695 минг сўм;

— солиқ бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» — 111 695 минг сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» — 111 695 минг сўм.

17.9. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг XIII бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчиларидир*, уларга нотижорат ташкилотлари, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар кирмайди.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда *солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир*. Бунда олинган дивидендлар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани фойда солиғи тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига камайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлайди.

Ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш объектлари, халқ таълими объектлари ва болалар дам олиш оромгоҳлари киради.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил эттан юридик шахслар *озод қилинади*, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Солиқнинг юқори чегараси — 8%. Маҳаллий идоралар бундан кам ставкаларни ўрнатиши мумкин.

Мисол. Фойда солиғи солишдан олдин корхонанинг фойдаси 500 минг сўмни ташкил этди.

Фойда солиғи суммаси — 200 минг сўм:

500 000 − 200 000 = 300 минг сўм.

Ушбу суммани солиқ ставкасига кўпайтирамиз:

300 000 × 8 : 100 = 24 минг сўм.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайди:

агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам

бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мисол. Ҳисобот даври учун болалар боғчасига харажатлар 180 минг сўмни ташкил этди, солиқ солинадиган фойда — 550 минг сўм, фойда солиғи суммаси — 230 минг сўм, фойда солиғи ставкаси — 10%. Агар корхона имтиёзли ставкадан фойдаланса, шу ставка ишлатилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 240 ва 250-қаторлари орасидаги фарқни аниқлаймиз:

550 000 − 230 000 = 320 минг сўм.

Болалар боғчасига кетган харажатлар суммасини фойда солиғи ставкасига кўпайтирамиз:

180 000 × 20% = 36 минг сўм.

Бинобарин, болалар боғчаси таъминоти ҳисобига ушбу суммага фойда солиғи суммаси камайди.

Агар корхона балансида болалар боғчаси мавжуд бўлмаса, у қуйидагича миқдорда солиқ тўлаган бўларди:

230 000 + 180 000 + 36 000 = 446 минг сўм

ушбу суммани солиқ ставкасига кўпайтирамиз:

446 000 × 8% = 35,68 минг сўм.

Шундай қилиб корхона 35,68 минг сўм тўлаши керак эди, бунинг ўрнига 180 минг сўм харажат қилган. Бинобарин, берилган корхона ушбу солиқни тўламайди, чунки харажатлар кўпроқдир. Агарда, тўланиши лозим бўлган солиқнинг суммаси 250 минг сўмни ва ҳақиқатдаги харажатлар эса 150 минг сўмни ташкил этганда, бунда корхона уларнинг фарқини тўлаши лозим бўларди: 250 000 − 150 000 = 100 минг сўм.

Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ қуйидагича ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)».

Солиқни бюджетга ўтказишда қилинадиган ёзув:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

17.10. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими Солиқ кодексида назарда тутилган амалдаги солиқ солиш тизими билан бир қаторда қўлланилади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимининг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга биноан микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирадиган юридик шахсларга тегишлидир.

Ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шуъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар киради:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ходимларнинг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш соҳаларида — 20 тадан кўп бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида — 10 тадан кўп бўлмаган, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланишда — 5 тадан кўп бўлмаган микрофирмалар;

ходимларнинг ўртача йиллик сони қуйидаги тармоқларда қайд этилгандан кўп бўлмаган кичик корхоналар:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочга ишлов бериш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида — 100 тадан кўп бўлмаган;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳасида — 50 тадан кўп бўлмаган;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — 25 тадан кўп бўлмаган.

Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрийлик асосида кичик корхоналарга берилади, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари.

Солиқ солиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жумласига савдо фаолияти, умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ўтган ҳисобот йили якунлари бўйича асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар киради.

Қуйидагиларга савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

воситачи, ишончли вакил томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича товарларни реализация қилиш, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

тайёрлов ва таъминот-сотиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни истеъмол қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг XX бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш

асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади. Бунда, ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда бошқа даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бундан мустасно.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашни рад этиш кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Ялпи тушум солиқ солиш объектидир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

— товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

курилиш, курилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — мос равишда ўз кучлари билан бажарилган қурилиш, курилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун — товар оборoти;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун — реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

— Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

— устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

— муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

— бюджетдан берилган субсидиялар;

— агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

— олинган грантлар;

— акциядор — юридик шахснинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тариқасида олинган даромадлари;

— суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

— воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик ва топшириқ шартномалари ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан комитент ёхуд ўзга ишончли шахс учун амалга оширилган харажатларни қоплаш ҳисобига тушган мол-мулк (пул мукофоти бундан мустасно);

— объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

— телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

— ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-тамоили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

— инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Манфий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Ялпи тушум солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Солиқ солинадиган база қуйидагилар учун камайтирилади:

— автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун:

жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг белгиланган энг юқори устамадан ошадиган чакана нархи билан олиш нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ суммасига;

— лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

— брокерлик ташкилотлари учун — битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

— воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади;

ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уйжой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

— битим шартлари ўзгарганда;

— баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

— бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ялпи тушумга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Ягона солиқ тўловининг ставкалари турли солиқ тўловчилари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан биргаликда, пластик карточкалар орқали тўланган, кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган ягона солиқ тўловининг ставкаси 10 фоизга камаяди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун 2008 йилга ягона солиқ тўлови СТАВКАЛАРИ

Т/р	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганлари бундан мустасно	8
2	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
3	Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
4	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5	Гайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, комиссия ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33
6	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13
7	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15%дан 30%гачани	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30% ва ундан ортиқ фоизни	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
8.	Маиший хизматлар соҳаси корхоналари учун пластик карталарни қўллаган ҳолда ҳақи тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

Мисол. Ягона солиқ тўловини тўловчи — ишлаб чиқариш (ХТУТ бўйича) корхонаси 2008 йилнинг I чорагида ўзи ишлаб чиқарган 7 300 минг сўмлик маҳсулотини сотган; асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан 250 минг сўм фойда олинган; текинга 180 минг сўм суммада мол-мулк олинган; янги технологик ускунани сотиб олиш учун 800 минг сўм сарф қилинган.

Солиқ солинадиган базани аниқлаймиз:

7 300 + 250 + 180 = 7 730 минг сўм.

800 минг сўм солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан камлиги учун, ушбу суммани чегириб ташласа бўлади:

Ягона солиқ тўловининг суммаси қуйидагича бўлади:

(7 300 + 250 + 180 − 800) × 8% = 554,4 минг сўм.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИ

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
I ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
I БЎЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
0100	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0110	*Ер*	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш*	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	
0140	Мебель ва офис жиҳозлари	
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	*Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар*	
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
0200	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**КА**
0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши	
0212	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0220	Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши	
0240	Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши	
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Ишчи ҳайвонларининг эскириши	
0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши	
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	

* «Узоқ муддатли ижара» лизинг тушунчасини ҳам қамраб олади.

Счёт-лар х/р	Счётлар номи	Счёт-лар гури
0300	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0310	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган *асосий воситалар*	
0400	**НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий таъминот	
0440	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари	
0450	Ташкилий харажатлар	
0460	Франчайз	
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари	
0480	Гудвилл	
0490	Бошқа номоддий активлар	
0500	**НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**КА**
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауниинг амортизацияси	
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси	
0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси	
0540	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси	
0550	Ташкилий харажатларнинг амортизацияси	
0560	Франчайзинг амортизацияси	
0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси	
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси	
0600	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0610	Қимматли қоғозлар	
0620	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0640	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
0700	**ЎРНАТИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0710	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий	
0720	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий	
0800	**КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0810	Тугалланмаган қурилиш	

Счёт-лар г/р	Счётлар номи	Счёт-лар гури
0820	Асосий воситаларни харид қилиш	
0830	Номоддий активларни харид қилиш	
0840	Асосий подани ташкил қилиш	
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
0900	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
0910	Олинган векселлар	
0920	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар	
0950	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
0960	Дисконт (четирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
0990	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
	II ҚИСМ. ЖОРИЙ АКТИВЛАР	
	II БЎЛИМ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРИ	
1000	**МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
1010	Хом ашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	
1030	Ёқилғилар	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идишбоп материаллар	
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	
1090	Бошқа материаллар	
1100	**ЎСТИРИШДАГИ ВА БОҚУВДАГИ ҲАЙВОНЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
1110	Ўстиришдаги ҳайвонлар	
1120	Бўрдоқидаги ҳайвонлар	
1200		
1300		
1400		
1500	**МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
1510	Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш	

Счёт-лар г/р	Счётлар номи	Счёт-лар гури
1600	**МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	
1700		
1800		
1900		
2000	**АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
2100	**ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2110	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	
2200		
2300	**ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
2400		
2500	**УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари	
2600	**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар	
2700	**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
2800	**ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2810	Омбордаги тайёр маҳсулотлар	
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар	
2830	Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар	
2900	**ТОВАРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўргазмадаги товарлар	
2940	Прокатдаги буюмлар	
2950	Товарлар билан банд ва бўш идишлар	
2960	Комиссияга берилган товарлар	
2970	Йўлдаги товарлар	
2980	Савдо устамаси	КА
2990	Бошқа товарлар	

Счёт-лар р/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
III БЎЛИМ. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ		
3000		
3100	**КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизмат ҳақи	
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари	
3200	**КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
3220	Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар	
3290	Бошқа кечиктирилган харажатлар	
3300		
3400		
3500		
3600		
3700		
3800		
3900		
IV БЎЛИМ. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ		
4000	**ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР**	**А**
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	
4020	Олинган векселлар	
4100	**АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР**	**А**
4110	Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар	
4120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар	
4200	**ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4210	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар	
4220	Хизмат сафарларига берилган бўнаклар	
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар	
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
4300	**МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4310	ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	
4320	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	

Счёт-лар к/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
4330	Бошқа берилган бўнаклар	
4400	**БЮДЖЕТГА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4410	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)	
4500	**МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ВА СУҒУРТАЛАР БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4510	Суғурталар бўйича бўнак тўловлари	
4520	Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари	
4600	**УСТАВ КАПИТАЛИГА ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ УЛУШЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4610	Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи	
4700	**ХОДИМЛАРНИНГ БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4710	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4720	Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4730	Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи	
4790	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
4800	**ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ҚАРЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
4810	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4820	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
4830	Олинадиган фоизлар	
4840	Олинадиган дивидендлар	
4850	Олинадиган роялти	
4860	Даъволар бўйича олинадиган счётлар	
4890	Бошқа дебиторлар қарзлари	
4900	**ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА РЕЗЕРВНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**КА**
4910	Даргумон қарзлар бўйича резерв	
	V БЎЛИМ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР	
5000	**КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	
5100	**ҲИСОБ-КИТОБ СЧЁТИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5110	Ҳисоб-китоб счёти	

Счёт-лар г/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
5200	**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5210	Мамлакат ичидаги валюта счётлари	
5220	Чет эллдаги валюта счётлари	
5300		
5400		
5500	**БАНКЛАГИ МАХСУС СЧЁТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус счётлар	
5600	**ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
5700	**ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒ (ЎТКАЗМА)ЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5710	Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари	
5800	**ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5810	Қимматли қоғозлар	
5820	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
5900	**КАМОМАДЛАР ВА ҚИММАТЛИКЛАРНИНГ БУЗИЛИШИДАН ЙЎҚОТИШЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**А**
5910	Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар	
5920	Бошқа жорий активлар	
	III ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР	
	VI БЎЛИМ. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР	
6000	**МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР**	**П**
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	
6020	Берилган векселлар	
6100	**АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР**	**П**
6110	Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар	
6120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	
6200	**КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6210	Дисконт (четирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
6220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6230	Бошқа кечиктирилган даромадлар	
6240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	
6250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар	
6290	Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар	
6300	**ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
6400	**БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)	
6500	**СУҒУРТА ВА МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6510	Суғурта бўйича тўловлар	
6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	
6600	**ТАЪСИСЧИЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6610	Тўланадиган дивидендлар	
6620	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз	
6700	**МЕҲНАТ ҲАҚИ БЎЙИЧА ХОДИМ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисобланишлар	
6720	Депонентланган иш ҳақи	
6800	**ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	
6820	Қисқа муддатли қарзлар	
6830	Тўланадиган облигациялар	
6840	Тўланадиган векселлар	
6900	**ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
6910	Тўланадиган қисқа муддатли ижара	
6920	Ҳисобланган фоизлар	
6930	Роялти бўйича қарз	
6940	Кафолатлар бўйича қарз	
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми	
6960	Даъволар бўйича тўланадиган счётлар	

Счёт-лар г/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
6970	Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз	
6990	Бошқа мажбуриятлар	
	VII БЎЛИМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР	
7000	**МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СЧЁТЛАР**	**П**
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	
7020	Берилган векселлар	
7100	**АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШУЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗ**	**П**
7110	Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз	
7120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз	
7200	**КЕЧИКТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
7210	Дисконт (четирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7230	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
7250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
7300	**ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
7400		
7500		
7600		
7700		
7800	**УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
7810	Узоқ муддатли банк кредитлари	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7830	Тўланадиган облигациялар	
7840	Тўланадиган векселлар	
7900	**ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**

Счёт-лар г/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
7910	Тўланадиган узоқ муддатли ижара	
7920	Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар	
IV ҚИСМ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
VIII БЎЛИМ. КАПИТАЛ, ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР		
8000		
8100		
8200		
8300	**УСТАВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
8310	Оддий акциялар	
8320	Имтиёзли акциялар	
8330	Пай ва улушлар	
8400	**ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
8410	Эмиссия даромади	
8420	Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи	
8500	**РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**П**
8510	Мулкни қайта баҳолаш бўйича туэатишлар	
8520	Резерв капитали	
8530	Текинга олинган мулк	
8600	**СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**КП**
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий	
8620	Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли	
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар	
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
8800	Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар	
8810	Грантлар	
8820	Субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8840	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари	
8890	Бошқа мақсадли тушумлар	
8900	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар	
8910	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари	

Счёт-лар г/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
V ҚИСМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ		
IX БЎЛИМ. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР		
9000	**АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар	
9020	Товарларни сотишдан даромадлар	
9030	Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар	
9040	Сотилган товарларнинг қайтиши	
9050	Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	
9100	**СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ТОВАР, ИШ, ХИЗМАТ)ЛАРНИНГ ТАННАРХИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9110	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи	
9120	Сотилган товарларнинг таннархи	
9130	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи	
9140	Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш	
9150	Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар	
9200	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9210	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши	
9220	Бошқа активларнинг чиқиб кетиши	
9300	**АСОСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9310	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9320	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9330	Ундирилган жарима, пеня ва устамалар	
9340	Ўтган йиллар фойдалари	
9350	Қисқа муддатли ижарадан даромадлар	
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари	
9380	Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромадлар	
9400	**ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9410	Сотиш харажатлари	
9420	Маъмурий харажатлар	
9430	Бошқа операцион харажатлар	
9440	Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар тури
9500	**МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9510	Роялти кўринишидаги даромадлар	
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	
9540	Валюталар курслари фарқидан даромадлар	
9550	Узоқ муддатли ижарадан даромадлар	
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар	
9590	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	
9600	**МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9610	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	
9620	Валюталар курслари фарқидан зарарлар	
9630	Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
9700	**ФАВҚУЛОДДАГИ ФОЙДА (ЗАРАР)ЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9710	Фавқулоддаги фойдалар	
9720	Фавқулоддаги зарарлар	
9800	**СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	**Т**
9810	Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар	
9820	Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар	
9900	Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар	
9910	Якуний молиявий натижа	
	VI ҚИСМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР	
001	Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар	БТ
002	Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар	БТ
003	Қайта ишловга қабул қилинган материаллар	БТ
004	Комиссияга қабул қилинган товарлар	БТ
005	Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	БТ
006	Қатъий ҳисобот варақлари	БТ
007	Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи	БТ
008	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган	БТ
009	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган	БТ
010	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар	БТ

Счёт-лар т/р	Счётлар номи	Счёт-лар гуруҳи
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк	БТ
012	Келгуси даврларда солиқ солиналиган базадан чиқариладиган харажатлар	БТ
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	БТ
014	Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	БТ

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
I бўлим. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби асослари 4
1-боб. Бухгалтерия ҳисоби, унинг аҳамияти ва турлари 4
1.1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида тушунча 4
1.2. Бухгалтерия ахбороти ва унинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамияти 8
1.3. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар 11
1.4. Молиявий ва бошқарув ҳисоблари, уларнинг фарқлари ва ўзаро боғлиқлиги 16
1.5. Ўзбекистон Республикасида молиявий (бухгалтерия) ҳисобини меъёрий тартибга солиш 22
1.6. Бозор шароитида бухгалтер касби 26
2-боб. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари 30
2.1. Бухгалтерия ҳисобининг элементлари 30
2.2. Корхона активлари ва уларнинг гуруҳланиши 31
2.3. Корхона активларини шакллантириш манбалари 34
2.4. Даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар 37
3-боб. Бухгалтерия ҳисобининг услублари ва тамойиллари 39
3.1. Бухгалтерия ҳисобининг услублари 39
3.2. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари 41
3.3. Бухгалтерия ҳисобининг функциялари 49
4-боб. Бухгалтерия баланси 51
4.1. Бухгалтерия баланси тўғрисида умумий тушунча 51
4.2. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва мазмуни 54
4.3. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия балансига таъсири 61
5-боб. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизими ва иккиёқлама ёзув 65
5.1. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ва уларнинг тузилиши 65
5.2. Ҳисобварақлардаги иккиёқлама ёзув ва уни асослаш 71
5.3. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг амалий қўлланиши 74
6-боб. Ҳужжатлаштириш ва инвентаризация 77
6.1. Ҳужжатлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти 77
6.2. Инвентаризация, унинг турлари ва ўтказиш тартиби 82
6.3. Ҳисоб регистрлари. Ҳисоб регистрларида хатоларни тузатиш усуллари 85
6.4. Бухгалтерия ҳисоби шакллари 91
6.5. «Балансдан балансгача» ҳисоб цикли 98
6.6. Корхонанинг ҳисоб сиёсати 108
II бўлим. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш 117
7-боб. Пул маблағлари ҳисоби 117
7.1. Кассада нақд пуллар ҳисоби 117
7.2. Ҳисоб-китоб счёти ҳисоби тартиби 131
7.3. Валюта счёти бўйича операцияларни ҳисобга олиш тартиби 144

7.4. Банкдаги бошқа счётлар бўйича операциялар ҳисоби 160
7.5. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 163
8-боб. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби 166
8.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби 166
8.2. Бажарилган иш ҳажми ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштириш 175
8.3. Ходимлар билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 179
8.4. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан даромад солиғи ва бошқа ушлаб қолинлар ҳисоби 181
8.5. Суғурта бадалларини ҳисоблаш, тўлаш ва сарфлашларни ҳисобга олиш тартиби 204
9-боб. Моддий бойликлар, фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби 211
9.1. Материаллар, уларни таснифлаш ва баҳолаш 211
9.2. Материаллар ҳаракатини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар 217
9.3. Омбордаги материаллар ҳисоби 231
9.4. Бухгалтерияда материаллар ҳисоби 233
9.5. Материалларни узлуксиз ва даврий ҳисобга олиш тизимлари 240
9.6. Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби 243
9.7. Материалларни инвентарлаш 245
10-боб. Асосий воситаларнинг ҳисоби 248
10.1. Асосий воситалар тушунчаси ва уларни баҳолаш 248
10.2. Асосий воситаларнинг келиб тушиши ҳисоби 254
10.3. Асосий воситаларнинг эскириши (амортизация) ҳисоби 261
10.4. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби 268
10.5. Асосий воситаларнинг таъмирланиши ҳисоби 270
10.6. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ҳисоби 272
11-боб. Номоддий активлар ҳисоби 304
11.1. Номоддий активлар ва уларнинг гуруҳланиши 304
11.2. Номоддий активлар келиб тушиши ҳисоби 307
11.3. Номоддий активлар амортизацияси ҳисоби 314
11.4. Номоддий активларнинг чиқиб кетиши ҳисоби 319
12-боб. Молиявий инвестициялар ҳисоби 327
12.1. Молиявий инвестициялар тўғрисида тушунча, уларни таснифлаш ва баҳолаш 327
12.2. Инвестициялар келиб тушишини ҳисобга олиш 333
12.3. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қиймат усули ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олиш 337
12.4. Инвестициялар чиқиб кетишини ҳисобга олиш 342
13-боб. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш 343
13.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатлари ва уларнинг таснифланиши 343
13.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби 347
13.3. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳисоби 358

13.4. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби 363
13.5. Маҳсулот яроқсизлиги ва туриб қолишдан йўқотишлар ҳисоби 366
13.6. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва баҳолаш 370
13.7. Келгуси давр харажатлари ҳисоби 373
14-боб. Давр харажатлари ва бошқа харажатлар ҳисоби 374
14.1. Сотиш харажатлари ҳисоби 375
14.2. Маъмурий харажатлар ҳисоби 376
14.3. Бошқа операцион харажатлар ҳисоби 378
14.4. Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даврининг харажатлари ҳисоби 382
14.5. Бошқа харажатлар ҳисоби 385
14.6. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари 392
15-боб. Тайёр маҳсулот, товарлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш 396
15.1. Тайёр маҳсулот ва уни баҳолаш 396
15.2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг омборга келиб тушиши ҳисоби 397
15.3. Тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ҳисоби 399
15.4. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиши ҳисоби 402
15.5. Товарлар ҳисоби 407
15.6. Корхонанинг бошқа даромадлари ҳисоби 410
16-боб. Фондлар ва корхона фаолияти молиявий натижалари ҳисоби 414
16.1. Корхона устав капитали (фонди)нинг ҳисоби 414
16.2. Резервлар ҳисоби 418
16.3. Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ва тақсимланмаган фойда ҳисоби 421
17-боб. Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар ҳисоб-китоби ва ҳисобини юритиш тартиби 428
17.1. Солиқлар ва уларнинг гуруҳланиши 428
17.2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 430
17.3. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 442
17.4. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 449
17.5. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар ҳисоб-китоби ва ҳисобга олиш тартиби 453
17.6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби ва ҳисобга олиш тартиби 456
17.7. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 460
17.8. Ер солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 465
17.9. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 467
17.10. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 470
Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси 480

«Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси

ҒУЛОМОВА ФЕРУЗА ҒАНИЕВНА

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

2-нашр, қайта ишланган ва қўшимчалар киритилган

Тошкент — «NORMA» — 2009

Чиқариш учун масъул *Мелибоев М.*
Мусаҳҳиҳ *Саидахмедова Н.*
Компьютерда саҳифаловчи *Киселёва Н.*
Бадиий муҳаррир *Мирзамуҳамедов А.*

Оригинал-макетдан 2009 йил 29 январда босишга рухсат этилди. Бичими 84×108 $^{1}/_{32}$. Кегли 10 шпонсиз. Гарнитура «TimesUZ». Шартли 31,0 б. т. 1500 нусхада босилди. Буюртма № 5.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, 10а.

«KO'HI NUR» босмахонасида босилди. Тошкент ш., Ташсельмаш мавзеси, 4.